


*Адиб ва  
жамиат*



Орзикул ЭРГАШ

# ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Бадиалар

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

*Адиб ва  
жамият*

Орзиқул ЭРГАШ

# ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Бадиалар



ТОШКЕНТ  
«MASHHUR-PRESS»  
2020

УЎК: 321.512.133-32(081)

КБК: 84(5Ў)6

Э 74

**Эргаш, Орзикул**

Э 74 **Қалб гавҳари** [Матн]. *Бадиалар* /Орзикул Эргаш. – Т.: «Mashhur-Press», 2020. – 204 б.

ISBN 978-9943-6130-7-2

“Иймон қалб гавҳаридур”, – дейдилар Хожа Баҳовуддин Нақшбандий ҳазратлари. Қалбдаги гавҳарнинг, яъни Иймоннинг ҳолати инсон шахсиятини белгилаб берувчи бош омилдир. Иймон бутун бўлса, саломат бўлса, унинг соҳиби ҳам том маънода бутун инсон, кўркам шахсият эгаси сифатида ўзлигини намоён қила олади.

Инсон умри қанчалар қисқа, қанчалар ғанимат. Ана шу ғанимат – қисқа умрида қалбига хиёнат қилмасдан, имонига заха етказмасдан яшаб ўтиш эса, тенги йўқ саодат. Қўлингиздаги мажмуада ана шундай саодат эгалари ҳақида сўз боради.

УЎК: 321.512.133-32(081)

КБК: 84(5Ў)6

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
«Ижод» жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-6130-7-2

© Орзикул Эргаш, 2020  
© «MASHHUR-PRESS», 2020

## ЁЗИЛМАГАН ДОСТОН

“Азиз қўлларингиз билан битган мактубингизни олдим. Ишонсангиз, неча қайта ўқиб чиққаннинг хисобига етолмайман. Ҳар ўқиганимда янги-янги маънолар, жилолар, ифорлар кашф этдим ўзимча... Ҳозирги мусофирчиликдаги, ҳижрондаги кунларимда Сизнинг мактубларингиздан-да азизроқ нарса йўқ мен учун! Агар билсангиз, мен учун энг завқли машғулот Сизга мактуб ёзиш, энг бахтли дақиқалар эса Сиздан келган мактубларни ўқиётган онларимдур...”

Ушбу мактуб битилганига қанча муддат бўлган деб ўйлайсиз? Андак сарғайган тўрт катакли ўқувчилар дафтари варағи, бинафшаранг сиёҳ, ўхшаши кам хуснихат... Мактуб санасига кўз ташлаймиз: 2 сентябрь, 1952 йил... Демак...

Биз улуғларимиз ҳаётидан биламизки, улар илмда, санъатда ёхуд жамият ҳаётида қанчалик мавқе-мартабага эришган бўлишса, ишқу муҳаббатда ҳам, ёру дўстларига меҳру оқибат кўрсатишда ҳам шунчалик мардона бўлишган.

Мактубларнинг яна бирини ўқиймиз:

“Шаҳрижон, бугун кетаман. Лекин ҳеч кетгим йўқ. Кетгим йўғ-у, кетишга мажбурман... Қизиқ бир ҳолат-даман: дадамга, келинингизни тезроқ тушириб берсангиз, беринг, деёлмайман. Мана бунақа айрилиқларда юришга эса тоқатим қолмади. Инсоф билан айтинг, мен нима қилай?! Қачонгача “сен унда зор, мен бунда зор” қўшиғини айтиб юрамиз?! Айтар гапингизни биламан, сабр қилинг, оз қолди, ўн бир ойгина қолди дейсиз! Ўн бир ой озми, Шаҳрижон?! Бир кунни айтмайсизми, бир кунни. Биламан, маз-за қилиб куляпсиз. Ҳозирча кулиб туринг-чи, бизгаям навбат кеп қолар, ўшанда!.. Хуллас, бу ҳаммаси ҳазил, Шаҳрижоним. Ҳамма нарса-



*нинг вақт-соати бор, тушунаман. Сабр қилсак, бир кун етамиз ва ўшанда... Мана шу хатларимизни олдимизга уйиб қўямиз-да, бир чеккадан ўқиб, маза қилиб қулишамиз... Ўша кунларни янада бесабрлик билан кутиб қолгувчи: Ғайбулла Саломов..."*

Ҳа шундай, ушбу мактублар эгаси – ўша ўзимиз билган аллома Ғайбулла ас-Салом домламиздир. Эътибор қилинг, устоз асарларидаги бизга жуда яхши таниш жайдари оҳанг, самимият, бепардоз ростгўйлик неча ўн йиллар муқаддам битилган севги мактубларида ҳам ўзини кўрсатиб турибди, шундай эмасми?!

Домламизни илмдаги хизматларини яхши биламиз: у кишининг саъй-ҳаракатлари билан Таржима назарияси фани дунёга келди. Бу соҳада ўнлаб таржимашунослар вояга етди. ТошДУ (ҳозирги Миллий университет)да собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб Таржима назарияси кафедраси ташкил этилди. Ғайбулла Саломов домла Иброҳим Мўминовдек забардаст аллома билан елкама-елка туриб, курашиб, дастлабки қомусимиз тамал тошини қўйганлардан бири бўлди. Унинг партиясизлиги, партияга киришни истамагани туфайли бошига тушган савдоларнинг ўзиёқ катта бир драматик дostonга мавзу бўла олади. Аммо биз бу ўринда бутунлай бошқа бир дoston, ёзилмаган, ёзилиши лозим бўлган дoston хусусида сўз юритишни истаб турибмиз...

*"Шаҳрижон, муҳаббат кишига бир мартагина берилади. Шунинг учун уни бир умрга ушлаб қола олиш керак. Шундай қилиш керакки, ҳатто юз ёшимиздаям ҳозиргидаги каби севишиб юрайлик. Дунёнинг лаззати ана шунда!.."*

Ер устида орзу кўп, ер остида армон, дейишади. Армон...

*"Мактубларни йиғиб боринг, кейин бир кун ҳаммасини бир чеккадан ўқиб мазза қилиб қулишамиз", – деб*

ёзган эди Ғайбулла ака бир хатида. Аммо Шаҳрихон аянинг айтишича, устознинг мана шу оддийгина орзуси ҳам амалга ошмабди. Ва яна бир истаклари бор экан: қачон бўлмасин, мана шу мактублар асосида бир дoston ёзаман, аввал бошқа ишларимни бир ёқлик қилиб олай, деб юрарканлар ҳазил аралаш. Аммо бу ҳам кўплаб армонлари ёнидан жой олади устознинг.

– Раҳматли отам Қурбонжон Ҳотамов савдо ходими эдилар, – дея ҳикоя қилади Шаҳрихон ая. – Негадир эллигинчи йилда Хатирчидан Шаҳрисабзга кўчиб кетганмиз. Саккизинчи синфни Оқсарой ёнидаги 20-мактабда ўқиганман. Тобим қочавергани учун, ҳавоси тўғри келмаяпти, деб мени Хатирчига, Латофат холамнинг олдига қайтариб юборишган. Бу – янги ўқув йили арафаси, эллик биринчи йил августининг охири кунлари экан, ўйлаб қарасам...

Ўшанда икки юк машинаси Хатирчига кираверишдаги йўл бошида учрашади. Кўча торлигидан “полуторка”лар секинлаб, кузовлари бир-бирига тегар-тегмас бўлиб ўтади-да, бири туман марказига, бошқаси Зирабулоқ вокзали томон кетади. Хатирчига кириб келган машина кузовидаги қиз нариги кузовдаги қуюқ сочлари чиройли тўзғиган, новдадеккина йигитни танийди. Аммо фикри-зикри олис-олис манзиллархаёли билан банд бўлган йигитча каттагина рўмолга ўраниб олган қизалоқни пайқамай ўтиб кетади... “Эҳ, аттанг-а, ҳозиргина Ғайбуллажонларингиз жўнаб кетди-я! – дейди афсусланиб Мулла Тожининг аёли меҳмонларни қарши оларкан. – Йўлда кўргандирсизлар?..”

– Кўрмадик-ку ёки эътибор бермабмиз, шекилли-да!..

– Мен кўрдим, – дейди қизалоқ қизариниб. – Бир ўзлари машина устида кетдилар...

Катталар негадир сирли кулимсираб қўядилар...

– Ота-онам уч кун туриб, Қашқадарёга қайтиб кетдилар, – дея давом этади ая. – Мени Латофат холамнинг ёнида қолдиришди. Латофат холам илгари Чечак ота қишлоғидаги уйимизда биз билан бирга турардилар. Биз у ёққа (Шаҳрисабзга) кетгач, ёлғиз қолмаслик учун туман марказига – Мулла Тожи тоғаларининг хонадонига кўчиб келгандилар. Холамнинг Турсунтош деган мendan ёшроқ қизлари бор эди. Шунақаям бижилдоқ, пишиқ-пухта қизча эдики, қўяверасиз!..

...Ва кейинги воқеалар ривожидан ана шу “пишиқ-пухта” қизалоқнинг хизматлари катта бўладики, бу ҳақда мамнуният билан кейинроқ тўхталамиз. Хуллас, Шаҳрихон холасининг қарамоғида қолди. Эртага мактаб деган кунда у сочини ювиб, холасига ўрдирмоқчи бўлиб турганида Мулла Тожининг аёли кириб келди. Қирқ ёшларга етиб-етмаган хушрўйгина бу аёл Шаҳрихонни ёнига ўтқазиб олди-да, камоли ҳафсала билан қизнинг сочини тепакокил қилиб ўриб қўйди. Ўзиям чилвир сочлар қирқ ўрим бўлиб кетди-ёв!.. Кейин аёл қўлтиғидан қизил дуррача чиқариб, қизнинг бошига боғлаб қўйди. Мактабингга мана шуни ўраб боргин, қизим, энди буни қўй, деди Шаҳрисабздан ўраб келган катта рўмолни кўрсатиб. Уларни ҳавасланиб кузатиб ўтирган Турсунтош қувониб кетди:

– Рост айтасиз, янгажон. Ҳозир, бирпас қараб туринглар... – қизалоқ чопқиллаб ичкарига кириб кетди-да, кўзгуча чиқариб, Шаҳрихоннинг юзига тутди. – Опажон, битта қаранг-чи, танийсизми!..

Шаҳрихон кўзгучага тикилишга уялди-ю, кейин фурсат топиб ўзини ойнага соларкан, вужуди ёқимли ҳиссиётдан яйраб кетди.

Орадан икки ойлар ўтиб, Қурбонжон Ҳотамов оиласини бутунлай кўчириб келиб, азалий ҳовли-жойларида яшай бошлаши билан совчи ёғилиб кетди. Отанинг боши қотди: ҳой, мусулмонлар, қизим ҳали

гўдак-ку, десаям тушунишни исташмади. Охири, қизимнинг ихтиёри ўзида, қизим нима деса, шу бўлади, деб қутулди. Совчилар ҳақидаги тўла-тўқис ахборотлар Шаҳрихонга Турсунтош орқали етиб турарди. Бир куни Турсунтош опасининг олдига бир варақ қоғоз қўйди.

– Нима бу?

– Рўйхат. Сизга совчи қўйиб юрган йигитларнинг исми-шарифлари. Ўн битта.

– Даф қил!

– Опажон, унақа деманг! Биламан, барибир биттасига тегасиз.

– Ҳечам. Мен ўқийман!

– Барибирам-да. Сиз аввал қараб чиқинг. Ўнтасини ўчириб, биттасини қолдиринг. Ўша биттаси...

– Ҳой бижилдоқ, ҳозир кўрсатиб қўяман!..

– Ўқимайсизми?..

– Йўқ!

– Тўғри қиласиз! – қоғозни буйдалайди қиз. – Буларингизди бирортаси Ғайбулла тоғомди тирноғига ям арзимайди.

– Топган гапинг шу! – Шаҳрихон кўзини олиб қолади.

– Тўғриси ям шу! Э, сиз бошқа мактабда ўқигансиз-да, билмайсиз. Суратларини кўрдингизми, ҳалиям мактаб деворидан олишмайди. Ғайбулла тоғом ўн йилда биттамас, иккита мактабни битириб кетдилар... Тушунмадингиз-а, биринчи сменада ўзбекча синфда ўқисалар, пешиндан кейин ўрисча синфга кирардилар. Ҳеч ким мажбур қилмаган, ўзлари қизиқардилар. Бошқа шунақа болани биласизми, йўқ! Ўзларини синфдошларига, ўзларидан катталарга ям дарс берганларини биласизми, билмайсиз! Олимпиадами, спартакиадами, нима бўлмасин, биринчи ўринни олиб турардилар. Скрипка чалганларини кўрганмисиз ҳеч?!



Содиқов малимни биласиз-а, алгебрадан кирадилар, ана ўша одамни шахматда ютиб қўйиб, кейин ўзлари уялиб юрганларини эшитганмисиз?! Яна айтаверайми?.. Олтинчи синфдан бу ёғига кечаси босмахонада-ям ишлардилар, газета чиқарардилар. Яна айтайми?

– Айтиб нима қиласан, ўзимам биламан, – дейди Шаҳрихон деразадан кўз узмасдан, негадир ўйчан тортиб.

– Биласиз-у, ҳаммасини эмас-да, – дейди Турсунтош ҳам вазмингина бўлиб. – Масалан, сизда кўнгиллари борлигини билмайсиз!

Шаҳрихон дув қизаради.

– Аҳмоқ қиз бўпсан лекин, – дейди секингина.

– Нима десангизам майли, фақат, – Турсунтош қувончдан чақнаб опасининг кифтидан кучади. – Фақат!..

– Ҳой бижилдоқ, индамасам ҳадингдан ошиб кетяпсан-а, ҳозир мен сени!.. – холаваччасининг қулоғидан буйдалаб олади Шаҳрихон.

– Вой, вой, бўпти, бўпти, товба қилдим, қўйворинг, опажон... – қиз қулоғини қутқаради-да, нари қочиб, илжаяди. – Сиз нима десангиз денг-у, лекин барибир айтиб кетишим керак... Хуллас, ҳозир... – эшикни очиб, остонадан ўтади. – Хуллас, сиздан бошқаси керак эмас эмиш! Агар йўқ десангиз, ўзларини ҳукман битта нараса қип қўярмишлар!..

Турсунтош лип этиб ғойиб бўлди. Унга ёстикча отган Шаҳрихон эса бутун вужудини олов-оташ ўраб бораётганини сизди...

Орадан ҳафта оралатиб совчи кела бошлайди. Совчи келган кун илжайган Турсунтош ҳам пайдо бўлади.

– Опажон, нима дейсиз? Бир йигитти уволига қолманг!..

– Ҳой бижилдоқ, Гайбулла тоғанг биринчи курсда ўқияпти. Менам ўқишим керак.

– У ёғига иш тутманг. Ўқийсиз!..

... У деди, бу деди, енгимдан кириб, ёқамдан чиқди. Хуллас, кичкина Турсунтош катта бир иш бошланиб кетишига сабаб бўлди. Нон синдирилди, фотиҳа тўйи берилди. Энди гапни қарангки, буларнинг ҳеч биридан куёв бўлмишнинг хабари йўқ экан. Қизиқ устида тўйни бошлаб қўйган бечора қайнона-қайнотам хавотирда... Қишки таътилда ўғиллари келади. Сен айт, сен айт қилишиб, охири қайнотам гап очадилар. Ҳали Юсуфбек ҳожига ўхшатиб, ҳазилга олиб:

– Ўғлим, онангиз иккимиз сизнинг устингизда бир иш қилиб қўйдик, – дейдилар.

Бу ёқда ўғиллари ҳам Отабекка ўхшатиб жавоб қилдилар. Биласиз, жуда ҳозиржавоб эдилар.

– Ақлли кишиларнинг ўз ўғиллари устидан қилган ишлари номаъқул бўлмайди, – дейдилар.

– Биз Ҳотамов амакингни қизини сенга фотиҳа қилиб қўйдик. Қарасак, қиз кетиб қоладиган. Шунга, айниқса, аянг қаттиқ шоширди бизни...

Қайнатамнинг чўчиганлари сабаби, Ғайбулла ака ўқишга кетаётиб беш йилсиз менга келин ҳақида оғиз очмайсизлар, деб тайинлаган экан. Беш йилсиз оғиз очмайсиз, деган ўғиллари бундай қарасалар, индамайгина бош эгиб ўтирган эмиш. Шундан кейин оталариям розимисан, нима дейсан, деб уялтириб ўтирмабдилар...

Шаҳрихоннинг юраги ҳаяжон ва кўрқувдан уюшди. Чунки дастурхонда Самарқанд нони ва ҳолваси пайдо бўлибди. Демак...

“Кечқурун меҳмон келади, уйни йиғиштириб, дастурхон тузаб қўй. Ўзинг у ёқ, бу ёққа кетиб қолма”, дея уни огоҳлантиришди. Меҳмондан ҳадеганда дарак бўлавермади. У эса, ким келади, қачон келади, деб сўрашга ботинмади... Тун алламаҳалда, дарс қилиб ўтирса, дераза ортидан икки паранжили ўтди. Салдан кейин дарча очилиб, Фотима аммаси кўринди.

– Бону қизим, бу ёққа кел-чи...

Қизнинг кўнгли бир шумликни сезди.

– Бормайман, – деди ўрнидан сапчиб туриб.

– Э, нега бормас экансан?..

Шаддод амма шаппа қўлидан тутиб, судраб кетди. Шаҳрихон ўзини ҳовли этагидаги хилват хоначада кўрди. Хона кунжагида гўшанга, берироқда хонтахта ёнида Ғайбулла акаси... Бошини нимчаси билан буркаб ғужанак бўлиб олди. Куёви у десаям ғиқ этмади, бу десаям... Гаплашгиси келди-ю, лекин нимадир сира йўл бермади-да... Охири Ғайбулла акаси бир уф тортди-да, ўрнидан турди.

– Бўпти, мен кетдим бўлмаса. Тўйни қолдирамиз!.. – ўқ ниҳоят мўлжалга тегди.

– Вой, нега? – деб юборди Шаҳрихон тилга кириб.

– Нега бўларди, кўнглингиз йўқ экан-ку, – деди Ғайбулла акаси қовоғини очмасдан.

Шундан сўнг озроқ гаплашган бўлишди. Нима ҳақда, дейсизми? Куёв бўлмиш ўн йил ўқиб кетган, аммо ҳали узилолмаган, келин бўлмиш энди ўқиётган, лекин ҳали боғланиб улгурмаган мактаб ҳақида-да!

Чинданам шундай бўлди. Суҳбат асосан қай бир муаллимнинг дарси мароқли, қай бириники зерикарли, ўқувчилар ҳозир ҳам адабиёт дарсида ўз малимлари қолиб, Ўрин Камолнинг дарсини ҳавас қилиб юрадими, шунингдек, ким-кимни яхши кўради-ю, ким-ким билан аразлашиб юрибди, хуллас, тахминан шу атрофда борди. Асосан талаба йигит гапирди, ўқувчи қиз эса бош ирғаб, тасдиқлаб, маъқуллаб турди. Кейин эса талаба – Ғайбулла Саломов ўқишини давом эттиргани Самарқандга жўнаб кетди, ўқувчи Шаҳрихон Ҳотамова эса ўқишини “тезроқ битказгани” Хатирчида қолди... Ўртада эса роса икки йил давомида ишқий мактублар бориб-келиб турди.

Ана ўша ҳароратли мактублар андак сарғайган, бир оз уринган ҳолда бўлса-да, бу хонадонда – устоз-

нинг эълон қилинган, қилинмаган дастхатлари қаторида асраб-авайлаб келинади...

*“Шаҳрихон, Сизни Янги йил билан, Худо хоҳласа, бизни бир-биримизга етказадиган, айрилиқларга барҳам берадиган Эллик учинчи йил билан қутлайман. Азизам, Эллик учинчи йилнинг июл ойига етиб олсак бас. У ёғида, Худо хоҳласа, бир умрга бирга бўламиз, бир умрга...”*

Орадан ой-кунлар ўтиб, интизор қутилган вақт-соат етиб келади: 1953 йил, 14 июль!.. Бу кун уларни бир умрга боғлади, ҳижронга барҳам берди... Бир умрга боғлагани рост, аммо ҳижронлар, изтироблар, синовлар – ҳаммаси ҳали олдинда экан.

Тўйдан икки ҳафтalar ўтмасдан ёш куёвни бир ойлик ҳарбий тайёргарлик машғулотига олиб кетишади. Келин эса бу орада уч дугонаси – Бўритош, Маҳмуда, Турсунтош (ҳа, ўзимиз билган бижилдоқ Турсунтош) билан Самарқандга келиб, университетнинг филология факультетига ҳужжат топширади. Куёви бир ойлик сафардан қайтгунича, мандатлардан ўтиб, суюнчли янгиликлар ҳозирлаб туради...

Кейин ёш келин-куёвлар университет яқинидан каталакдек бир уйни ижарага олишади. Бу хона ростдан ҳам каталакдек экани, яшашга бундан-да муносиброқ жой топишлари мумкинлиги хаёлларигаям келмайди. Орада учинчи инсон – ўғиллари Ҳабибулло (1954 йил 30 апрелда) дунёга келгачгина канаю бургалар урчиб ётган бу захкаш кулбадан чиқиб кетишни ўйлаб қоладилар. Гўри Амир мақбараси атрофидаги маҳалладан бир қадар тузукроқ хужра топадилар...

– Учинчи йилга келибгина қайнотам бизга бир минг уч юз сўмга ҳовли сотиб олиб бердилар, – дея эслайдилар Шаҳрихон ая. – Қарангки, домлангиз оталарига ёлғиз фарзандлар. Бир оғиз айтганларида шу уйни аввалбошдаёқ олиб беришлари мумкин эди. Лекин феъллари шунақа эдики, бировдан ёрдам сўраш-

ни эп кўрмасдилар. Оталаридан ҳам ҳатто. Ҳамма нарсага ўзлари эришмоқчи бўлардилар, қийналиб бўлсам эришардилар.

Университетни қизил диплом билан битирдилар. Тошкентдан Давлат имтиҳон комиссияси раиси бўлиб келган Олим Усмон деган профессор Ғайбулла акани яхши кўриб қолади-да, Тошкентга бирга олиб кетишга кўндиради. Ўшанда Назира қизимиз (*Назира Саломова – шоира, марҳум шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг аёли*) янги дунёга келган. Мен учинчи курсни битказганман. Ўйлашиб, маслаҳатлашиб Олим Усмон домланинг таклифига розилик беришга қарор қилдим. Тошкентга келдик. Домлангиз нашриётда ишлайдилар. Мен ўқишимни сиртқиға кўчирганман, ҳар олти ойда Самарқандга бориб, сессияни ўтказиб келаман.

Биласиз, бир юртдан бир юртга бориб, яшаб, ўнгланиб кетишнинг ўзи бўлмайди. Эсласам, эзилиб кетаман. Янги рўзғор, мусофирчилик. Мен болалар билан бандман. Домла соат еттида ишдан келадилар. Нарибери овқат еган бўладилар-да, ишга ўтирадилар. Мақола ёзадиларми, бирор нарсани таржима қиладиларми, ишқилиб, бекор ўтирмайдилар. Ўшанда биринчи бўлиб “Тупроқ” (“Почва”) деган романми, қиссаними таржима қилган эдилар. Ўша китобнинг пулига ўзларига арзон-гаровгина костюм-шим билан, оддийгина соат олиб, менга тилла соат, қимматбаҳо кофта-юбка, бомбархт кўйлак олиб берганлари эсимда...

Шундай қилиб, еттида ишдан келиб, саккиз бўлмай яна ишни бошлаб, кечаси ухламай, эрталаб бешгача ўтирардилар. Бешда ухлагани ётиб, икки соатгина мизғиб оладилар-да, апил-тапил ишга жўнайдилар. Чарчадим деганларини бир умр бирга яшаб эшитганим йўқ... Эллик саккизинчи йил бўлса керак, “Фан ва турмуш” журнали ташкил этилиб, энди ундаям ишлай

бошладилар. Аҳмаджон Ёқубов деган бош муҳаррири бўларди журналнинг, 25 йил Магаданда ўтириб келган деб эшитардим, шу киши: "Ғайбулла қанча қалам ҳақи ишласа, йўл беринглар. Ижара уйда учта боласи билан қийналиб қопти", – деган эканлар раҳматли... Ҳозир ўйлаб қарасам, яшашимиз осон бўлмаган, лекин бунини пайқаманми. Бир-биримизга далда бўлганми, кичкинтойлар билан овунганми...

*"Меҳрибоним, ўзингизни олдирманг. Ҳеч нарсанинг ташвишини чекмай, дуоғингизни чоғ қилиб юринг. Ҳар доим ёнимда суянган тоғим – эрим, ёрим, жоним борку, деб тасаввур қилинг. Мен доим сиз билан биргаман, сизнинг соянгизман... Сиз ўзингизни мен учун, ўғлингиз, қизчаларингиз учун ва яна бўйингиздаги ўғилми, қизми фарзандимиз учун эҳтиёт қилинг. Сиз ҳаммамиз учун сув билан ҳаводай кераксиз. Шунинг учун ҳам сизни "жоним" дейман-да!"*

Эътибор қилинг: мактуб эллик иккинчи-эллик учинчи йиллар, яъни тўйдан олдинги даврдасам, 1959 йилнинг 12 майида ёзилмоқда. Ҳамон ўша-ўша ҳароратли, ўтли сўзлар... Маълум бўладики, ушбу хат Тошкентдан Самарқандга, бўлажак олим Ғайбулла Саломовдан университетнинг битириш имтиҳонларини топшириш учун кетган Шаҳрихон янгага йўлланган...

*"Зинҳор оч юрманг. Иштаҳани яхшилаш учун кўп-кўп қулундай енг. Пулини ўйламанг. Ўзини академикдан кам кўрмайдиган аспирант эрингизнинг топгани сизники, сизларники, жоним. 10 июнларгача минимумни топшираман-да, ёнингизга учаман. Мендан сира хавотир олманг. Қорним тўқ. Кийимларим тоза. Сизнинг ишқу фироқингизда ва сояйи давлатингизда ўйнаб-қулиб, ўқиб юрибман..."*

Ошиқлар феъли шундай: ҳеч қачон ўзларини ўйламайдилар, "мен" демайдилар. Уларнинг "мен"лари "у"дир. Ошиқ учун фақат "у" бор, маъшуқа бор.



“Мен”лари “у”нда фанодир, “у”нга сингиб кетгандир. Бир тану бир жон деб аташ тўғрироқ бўлар бу ҳолни?

Устоз бир мактубида: “Шаҳрихон, Худо хоҳласа, сиз ҳали қаҳрамон она бўласиз”, – деб ёзади. Ўзи оилада ёлғиз бўлгани учун “бир ҳовли” фарзанд кўришни истарди. Аммо тўртинчи фарзанди ўлик туғилди. Нафақат ўлик туғилди, ҳатто онасини ҳам олиб кетишига бир баҳя қолди... Шаҳрихони ўлим билан олишаётган шифохона деразаси ортида устознинг сочлари бир кечада оқариб чиқди...

Манглайида бор экан, уй-жойлик бўлишди. Олтмиш тўртинчи йилда номзодлик иши ёқланди. Ўзбек қомусида иш бошлади. Мартаба-мавқеи орта борди. Аммо яна синовлар кўндаланг бўлди: партияга кириши керак эмиш. Акс ҳолда, вазифасида ушлаб турилмайди. Нима қилсин? Муроса йўлини тутса, эътиқодига қарши борган бўлади. Бир пайтлар отаси Мулла Тожидан қизил фирқанинг биргина кирдикорини эшитган ва шунинг ўзидаёқ “ҳеч қачон унинг сафида бўлмайман” дея онт ичган...

Ниҳоят, у сўнги сўзини айтади ва кўч-кўронини ортиб, Самарқандга кетади. Аммо Самарқанд ҳам негадир унга ўгайлик қилади. Бунга кўникмаган йигит яна этак силтаб, Тошкентга қайтади. Миллий университет (собик ТошДУ)да иш бошлайди. Шаҳрихон эса уч бола билан роса етти ой Самарқандда қолиб кетади. Ниҳоят, устозга қайтадан бошпана насиб этиб, оиласини кўчириб олиб келади.

Ўша кунни Шаҳрихон ая аниқ-таниқ эслайдилар: 1970 йилнинг 13 марти (ая туғилган кун) эди. Ўша кундан эсда қолган яна бир нарса: улар тунда юк машинасида келишган ва кузовда бўлган йигирмата тувакдаги сабур (алоэ)ни совуқ уриб кетган, Шаҳрихон эса гулларига ачиниб роса йиғлаган эди. Аслида йиғламаса бўлар экан, ҳали олдинда йиғи кўп экан...

1972 йил 30 апрель. Тўнғичлари Ҳабибуллонинг 18 ёшга тўлган куни. Уйда тараддуд кўрилиб, дастурхон тузалган. Лекин отадан дарак йўқ. Кечаси соат учда телефон жиринглайди:

- Шифохонадан қўнғироқ қиляпмиз...
- Ўзлари соғми, аҳволлари?..
- Ўртача...
- Хайрият-е, тирик эканлар!..

... Домла ишдан қайтишда маслаҳатли бир юмуш билан Асил ака (Асил Рашидов)нинг уйига кирадилар-да, шахматга қизиқиб кетиб, анча ўтириб қоладилар, – дея ҳикоя қиладилар Шаҳрихон ая, – кейин кўчага чиқиб, дуч келган биринчи енгил машинага ўтирадилар. Ҳайдовчи маст экан (Ўша куни насронийлар байрами эди). Мастлик билан ҳалиги ҳайдовчи машинани Олой бозори олдидаги бекатнинг темир тўсинига келтириб уради... Ўшанда домлани пачоқ машина ичидан суғуриб олишаётганда, ҳуш-беҳуш “папкани йўқотманглар” дермишлар. Папкаларида Раъно Файзуллаева деган шогирдларининг номзодлик иши бор экан. Ва яна “хотинимга хабар берманглар, хотиним билмасин” дебдилар алаҳлаб...

Қаранг: ўлим билан ҳаёт чизиғи оралиғида туриб ҳам устоз ўз бурчини унутмаган, шогирдининг ишини ўйлаган. Ўлим билан олиша туриб ҳам хотинини аяган, унга етадиган озорни мумкин қадар кейинга суришни истаган.

– Ҳаммаси бир тараф бўлди-ю, фарзанд доғи бир тараф бўлди, – дея маҳзун ҳикояларини давом эттирадилар Шаҳрихон ая, – Ҳабибуллонинг дарди домлани адо қилди. Ҳарчанд чалғитишга уриндим, асраб-авайладим, бўлмади, охири олиб кетди... Аввалбошида бирор ҳафтача сездирмай юрдик. Мен ётоғимни бошқа қилиб олдим. Кечаси билан йиғлаб чиқаман-да, эрта-лаб домлага аранг кўриниш бераман. “Онаси, сизга

нима бўлди, бу нима қилиқ?” – дейдилар ажабланиб. “Мазам йўқ, сизни безовта қилгим келмаяпти”, дейман ўзимни куч билан босиб. Ишга кетадилар, келгунларича юрак ҳовучлаб тураман: кўчадан бирор шовур пайқаб қолмаса эдилар!.. Кутганимдай бир кун ранглари ўчиб келдилар.

– Нима гап?! Ҳабибжонга нима бўпти?!

– Ҳеч гап йўқ! Ҳабибжон командировкада. Топшириқ билан...

– Қўйинг!..

Забт билан чиқиб кетдилар-да, ярим кечада қайтдилар. Бир оғиз чурқ этмадилар. Уйга қамалиб олдилар. Ҳеч қилмаган одатлари ичкиликка ружу қўйдилар... Ишонсангиз, ўғлимга қўшиб, домладан ҳам умид уза бошладим. Икки марта инфаркт ўтказган юраклари энди бардош беролмайди, дердим... Лекин бир кун хоналаридан чиқиб келиб, ёнимга ўтирдилар. Анча тинчланган кўриндилар. Бирга чой ичдик. Гап орасида, ҳов ўша бизга никоҳ кесган домлани эслайсизми, дедилар. Эслолмадим. Ўшанинг бир гапини айтиб бердилар. Домла: "Биринчи фарзандингиз ўғил бўлади, отини Ҳабибулло қўясизлар, – деган экан ўшанда. Катта одам бўлади. Лекин, қирқ ёшларида... – деб ўйланиб қопти-да, кейин, – йўқ, йўқ, ҳаммаси яхши бўп кетади", – деган экан.

“Ўша одамда бир хислат бор эди, қаранг, ҳамма гапи ўнг келяпти, – дедилар домла охири. – Ўша, ҳаммаси яхши бўп кетади, деган гапини қаттиқ тутишимиз керак. Кўрасиз, Ҳабибжон соғ-омон қайтиб келади!” Домлангиз ана ўша ишонч билан саккиз йил яшадилар. Менинг ҳам ишонишимни истадилар. Бу орада шогирдлари Тилак Жўра кетди. Тилакжонни ҳам ўғилларидан кам кўрмасдилар. Хайриятки, домланинг атрофида яхшилар кўп экан, домланинг шогирдлари, ўғлимнинг ёр-дўстлари кўп экан. Уларнинг ҳар бири

бир фарзанддай бўлиб, бизнинг катта-катта йўқотишларимиз ўрнини озми-кўпми тўлдиришга ҳаракат қилишарди. Домлани Ҳаж зиёратига юборишлари ҳам шу мақсадда эди аслида...

Домла билан Ҳажда бирга бўлганман ва унинг Каъбатулло рўпарасида, Иброҳим мақоми ёнида из-из йиғлаб ўтирганлари, узоқ-узоқ дуою илтижолар қилганлари ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди... Одатда Ҳаж зиёратига борган киши оила, бола-чақа хаёлидан тамом узилиши керак дейилади. Лекин домла узилолмади. Муштипар, жафокаш аёли, муниса қизлари, қисмати мавҳум Ҳабибуллоси хаёли, уларга бўлган меҳр-муҳаббати уни бир зум ҳам тарк этгани йўқ. Ва ана шу муҳаббат туфайлидир, балки (аввало Худо), домла икки инфарктни кўрган юраги, ҳолдан тойган жуссаси билан ҳам эллик даражали ҳарорат остида ўтадиган Ҳаж арконларини тўла-тўкис ўтаб, соғ-саломат ва ҳатто тетикланиб қайтди... Назаримда домла бир нарсага қаттиқ ишонди: Ҳаждан қайтишида мўъжиза рўй беради, Тошкент аэропортида уни Ҳабибуллоси кутиб олади. Ҳеч бўлмаганда, у ҳақда бирор хушxabар эшитади... Самолёт трапидан тушиб келарканмиз, беихтиёр домланинг интиқ нигоҳларига кўзим тушди. Бу нигоҳлар кутиб олгувчилар орасидан кимни кўришни истаётгани, кимни излаётганини ботиний бир оғриқ билан ҳис этдим...

*“Шаҳрижон, шу кеча тушимга кирибсиз. Тушимда бизларни кига келаётганмишсиз. Э, нега Шаҳрибону дадамдан қочмаяпти, деб хайрон бўлармишман. Қаршимда тўхтабсиз. Бағримга босибман. Ва шу чоқ уйғониб кетсам, тушим!.. Шу қадар алам қилдики, қўяверасиз. Кўзимни юмиб, тушимни давом эттиришга ҳарчанд уринмай, иложи бўлмади...”*

Бу эллик йил муқаддам кўрилган туш эди.

Яқинда Шаҳрихон ая хайрли бир туш кўрди. Тушида эшик очилиб, аввал домланинг ҳасан кўриниши

Кейин ўзи кириб келибди. Узун йўлак бўйлаб илжайганча юриб келаётганини аниқ-таниқ кўриб турса-да, ая кўзларига ишонмасмиш. Ҳойнаҳой, туш кўряпман, домла ўлганлар-ку, дермиш. Домла, унинг хаёлидан ўтган гапларни билиб тургандай, йўқ, онаси, мен ўлмаганман. Ҳар куни келиб турибман. Сиздан, болаларингиздан ҳар доим бохабарман, дермиш...

Устоз асарларини бошдан-оёқ ўқиб чиқиб ҳам негадир Шаҳрихон ая ҳақларида бирор жумла учратмадим. Буни ўзи ҳам билар экан, шекилли, алоҳида бир китоб, ишқий бир дoston ёзиб, Шаҳрижонини мамнун қилмоқни дилида тугиб қўйган экан кейинги пайтлар. Аммо умр вафо қилмади...

Менинг бу битикларим эса, Устознинг ушалмаган орзуларидан мингдан бирини юзага чиқариш йўлидаги ожизона уринишлар эди, холос. Аллоҳ рози бўлсин.

*2003 йил*

## НАЖОТ ФАРИШТАСИ

*Ардоқли Халқ шоири кўргуликларининг мингдан бири  
ва унинг жонига оро кирган муслиманинг мардона  
жасорати тафсилоти*

*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.*

**Миртемир**

Ҳамшира Ёрқиной опага маъқул тушиб қолди. Кўхликкина, жуда жонсўз, куйди-пишди жувон экан: худди ўз онасини суйгандек Ёрқиной опа атрофида айланиб-ўргилади...

Опа эрталаб қўл-оёғи қақшаб, танаси оғирлашиб уйғонган, шундан кўнгли хира тортиб турган эди. Ҳамширанинг қўли енгил эканми, ўзида дарҳол ўзгариш сезди. Дили ёришиб, ҳамширага миннатдор тикилди. Уни қаердадир кўргандай бўлди. Эслолмади... Ҳамширанинг ўзи гап очиб қолди.

– Бир нарса сўрасам майлими, опа?

– Сўранг, қизим, бемалол.

– Билмадим, менга шунақа туюлдим, илгари ҳам уйингизга келгандайман...

– Мен ҳам ҳалитдан бери ўйлайман: бу қизимни қайдадир кўргандайман, деб... Балки мана шунақа хизмат билан келгандирсиз-да...

– Йў-ўқ... Мен жуда ёшлигимда келгандайман. Тахминан қирқ йиллар аввал, етти ёшимда...

\* \* \*

Санобар ҳориб-толмайдиган ғайратли жувон эди. Отасини таниб-танитай етим қолган ёлғизгина қизининг ғамида ўзини ўтга, чўққа уради, тиним бил-



майди. У завод ошхонасида хизмат қилар, кун бўйи уч маҳал овқат тайёрлаши, уни иссиқ ўчоқ ёнида тик туриб ишчиларга тарқатиши, яна кунора тунги навбатчиликда ҳам туриши керак...

Кеч соат ўн бирга қадар гўшт майдалаб, картош-ка-пиёз арчиб, қозонга солишга тайёрлаб қўйди. Энди бир мизғиб олади-да, тонг азондан овқатга уннайди. Ётишдан олдин негадир бир зум кўчага, тоза ҳавога чиққиси келди... Шаҳар тун қўйнида: чироқли деразалар сийраклашган, кўчалар кимсасиз, жимжит... Шу чоқ юз эллик қадамча наридаги бекатда турган уч-тўрт қорани кўзи илғади. “Трамвай кутишаётгандир-да”, ўйлади жувон. Осмонга тикилди. Йилт этган юлдуз кўринмади. “Ёғади, шекилли”. Кўшни хонадонда қолдириб келган қизчасига хаёли чалғиди. “Эгнига иссиқроқ нарсаям оберолмадим ҳали...”

Бекат тарафдан қаттиқ-қаттиқ овозлар эшитилиб, аёлнинг диққати бўлинди. Разм солиб қараб, аҳволни тушунди-да, ҳовлиқиб ортига югурди. Йўлакдаги ўринда ғужанак бўлиб ётган қоровул чолни туртиб уйғотди.

– Ота, кўчада бировни тунашяпти. Милтиқни олиб чиқинг!..

Чол кўзиниям очмади.

– Бор, жойингга кириб ёт, ишинг бўлмасин, – деб ғудранди. Кейин қўшиб қўйди, – жоним ўзимга керак.

Шу пайт жувон чолнинг кўкрак чўнтагидан чиқиб турган хуштак ипига кўзи тушди-да, уни юлқиб олиб, кўчага отилди. Кўчада бақир-чақирлар кучайган, ола-тасир муштлашув бошланган эди. Бировнинг “Ёрдам беринг!” деган ноласини эшитди-да, кўзини чиппа юмиб, чуриллатиб хуштакни чалди. Бор кучини йиғиб чалаверди, чалаверди. Қараса, йўлтўсарлар тапир-тупур қочиб боришяпти. Дадилланиб бекат томон югур-

ди. Етиб борса, трамвай изи ёнида узун бўйли бир киши чўзилиб ётар, юз-боши қонга бўялган эди. Шошиб турткилади, жон асари йўқ. Атрофга аланглаб, телефон будкасини кўрди. Ўша ёққа югурди.

“Ўшанда ўзимнинг жоним кўзимга кўринмабди, ановилар қайтиб келадиям деб ўйламабман”, – дея хотирлайди кейинчалик жувон.

Кўп ўтмай “Тез ёрдам” етиб келади. Лабзак тарафдан эса икки безорини олдиларига солиб келаётган йигитлар кўринади. Бу йигитлар машғулотдан қайтишаётган милиция мактаби талабалари бўлиб, хуштак овозини эшитиб ёрдамга шошилишган ва шўри қисган безориларнинг рўпарасидан чиқиб қолишган экан...

Санобар эшикда қоровул чолга рўпара келди. Чол дарҳол четланиб, йўл берди. Милтиғини қучоқлаб, жунжикиб тураверди. Бошини кўтариб қараёлмади. Фақат у ёнидан ўтиб, зинадан кўтарилаётганида: “Барака топ, қизим, жаннати экансан”, – деди эшитилар-эшитилмас қилиб...

\* \* \*

Вақт ярим тундан ўтган, лекин домладан дарак йўқ. Тўғри, ишдан кейин Баҳром Иноятов деган бастакор дўстиникига ўтмоқчи эди. Кечроқ келсам керак, деганди. Лекин бу маҳалга қадар қолиб кетадиган одати йўқ эди. Ишқилиб, тинчликмикан?!

Ҳарчанд уринмасин, Ёрқиной нохуш хаёллар ўривдан қутулолмасди. Охири толиқди-да, кўзи илинди. Шу орада туш кўрди: онаси Бибисахро жаҳлга минган, ҳадеб уни койиб ётганмиш. “Бунча ғафлатдасан?!” дермиш. Чўчиб кўзини очди. Эшик тикиллади. Сапчиб ўрнидан турди. Лекин шу заҳоти оёғидан қувват кетиб, жойига беҳол ўтирди. Йўқ, у кишига ўхшамайди. Тақиллатиши бежо!..

Деразадан қаради. Қизи Дорожон билан ўғли Миржалол хоналаридан чопиб чиқишди.

– Ким у?

Ташқаридан келган овозни танимади чамаси, ҳадеганда эшикни очишмади. Бир маҳал Дорожон эшик тирқишидан мўралади-да: “Вой, ая!” деганича онаси ётган хона томонга чопди. Ёрқиной жонҳолатда деразани очиб, қизига рўпара бўлди.

– Ая, ая, адамнинг бошлари боғланган, бегона одамлар ҳам бор!..

– Вой, ўлай! – Ёрқиной қаёқдан куч пайдо қилди, билмайди, эшикка югурди...

Эшикда ранги қув ўчган, боши танғилган Миртемир (ҳа, шундай, ўзимизнинг ўша беназир шоиримиз!) беҳол турар, ёнида икки оқ халатли ва бир мелиса бор эди. Миртемир Ёрқинойни, унинг ортидан жовдирашиб турган болаларини кўрди-да, жилмайишга уринди.

– Ҳеч гап йўқ, кўрқманглар, – деди-да, остонадан дадил хатлади. Сўнг ортига қаради. – Қани, меҳмонлар, ичкарига киринглар. Сизларни ҳам ташвишга кўйдим, – деди жилмайиб. – Дорожон қизим, чой кўйиб юбор. Онаси, овқатни келтир... Кейин, кейин гаплашамиз. Ҳаммаси яхши!..

\* \* \*

– Эртаси куни истар-истамас гапириб бердилар, – деди Ёрқиной опа берилиб тинглаётган ҳамширага ўйчан кўз тикканча. – Ўша бастакор дўстлариникидан чиқиб, трамвай бекатига келиб турган эканлар. Соат ўн бирлар экан. Учта нотаниш киши олдиларига келиб папирос сўрабди, берибдилар. Кейин пул сўрашибди. Пулим йўқ, дебдилар. Учовлашиб чўнтақларини ковлаб, бор-йўқ пулларни қоқиб олишибди.

Нега алдадинг, пулинг бор экан-ку, деб ҳар ёқдан турткилашибди. Охири жанжал чиқиб, муштлашиб кетишибди. Битта барзангиси қўлига суякдан ясалган бир нарса тақиб олган экан, шу билан домланинг чаккасига урибди. Домла жон аччиғида бақириб юборибдилар. Бошқасини эслолмайдилар. Кўзларини очсалар, дўхтирхонада ётган эканлар. Кейин дарҳол ўзларини тетикликка олиб, мени тезроқ уйимга жўнатинглар, деб туриб олибдилар. Уйимдагилар хавотирланиб, кўрқиб ўтиришмасин, деганлар-да... шу қадарлик оилапарвар, болапарвар эдилар домла раҳматли...

Бир неча кунгача ўзларига келолмай юрдилар, кўп қон йўқотган эканлар. Дўхтирлар уйга қатнаб муолажа қилишди. Домла хиёл ўзларига келгач, бир куни қаёққадир кетиб, уйга ҳаяжонда қайтдилар.

– Биласанми, аяси, жонимга ким оро кирган экан, оддийгина ошпаз аёл... Қойил қолдим. Эркакнинг ишини қипти, омон бўлгур!..

Кўп ўтмай қандайдир маърака қилдик. Ҳайтовур, домланинг омон қолганликлари шукрига худойи қилгандик, чамаси. Шунга домла ўша жувонни ҳам айтириб келдилар. Исми Санобархон эди. Кўҳликкина... Ҳа, эсладим, худди сизга ўхшаб кетадиган яхшигина жувон эдилар... Умримда биринчи марта кўриб турибман-у, кўзимга шундай иссиқ чалинадик, ўз синглимдек бағримга босдим. У шўрлик бўлса хижолат тортади. “Вой, мен нима қипман, опажон, бошқа одам бўлганда ҳам шундай қиларди-ку”, – дейди. Меҳмондорчилик тугаб, уйига кетаяпти-ю, қўлига совға-салом тутамиз, қаники олса. Бунақа уятчан, камсуқум аёлни кам кўрганман... Домла Санобархонга, сиз нажот фариштаси бўлдингиз мен учун, энди қиёматлик ака-сингил бўп қоламиз, тез-тез келиб туринг, деб

қайта-қайта тайинлагандилар. Лекин ийманди чама-си, жувон бошқа келмади... Ўшанда қизчаси ёнида эди. Жажжигина, сочлари жамалак, тийраккина қизалоқ эди. Демак, ўша сиз бўлгансиз-да. Уни қаранг, қизим, “Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади” деганлари рост-да! Айтмоқчи, отингизни сўрамабман ҳам...

– Отим Раҳима, аяжон. Менам яхши эслайман буларнинг ҳаммасини. Ўшанда меҳмонлар мана шу хонада ўтиришганди-а?.. Мен кирмагандим. Даҳлизларингга бақамти хонада безалган арча бор эди. Бундан чиқди, янги йилдан олдин ёки кейин экан. Аямдан ажраб, ўша уйчага кириб олгандим. Ёш болалар кўп эди, бирга ўйнадик... Бу ерга келаётиб ойим роса қулоғимни пишитган эдилар-да, катта бир одамнинг уйига боряпмиз, меҳмон кўп бўлади, деб. Ҳадеб дастурхонта узанма. Иложи бўлса, ҳовлидами, бошқа хонадами, ўтиратур, дегандилар. Уйга қайтишимизда эса роса хурсанд бўлиб, нуқул сизларни мақтаб боргандилар. “Жуда яхши одамлар экан. Сира катталикини билишмас экан, одамнинг жони экан” деб... Ойим раҳматли кўп йиллар ўша кунни эслаб юрдилар. Кейинчалик телевизорлар чиқди. Миртемир домла ойнаи жаҳонда кўриниб қолсалар, ойим дарҳол мени чақирардилар. “Ана, Раҳима, шоир бобонг. Вой тавба, шундай улуғ одамгайм қўл кўтаришганди-я”, – деб бош чайқаб ўтирардилар... Айтмоқчи, аяжон, безорилар нима бўлган, қамалганмиди?..

– Ўшанда биринчи кун иккитасини тутиб олишган экан. Кейин учинчисини ҳам қидириб топишибди. Учалови ҳам завод ишчилари экан... Бир куни уйимизга иккита ўрис хотин кириб келди. Йиғлаб-сиқташди. Бирови ўша домлани урган барзангининг хотини, бирови синглиси экан. “Гуноҳидан ўтинг. Учта боласи

бор, етим қолмасин”, – дейишди. Домла уларга қаттиқ гапирмадилар. “Агар энди безорилик қилмайман, одамларга зарарим тегмайди, деб сўз беришса, уларга ҳеч қандай даъвоим бўлмайди”, – дедилар. Судда ҳам шу гапларини айтибдилар. Лекин суд барибир уни қамабди. Шерикларига эса енгилроқ жазо берибди...

Ҳа, домла ана шунақа бағрикенг одам эдилар. Иложини топсалар, яхшиларни бошларига кўтарар эдилар, лекин ёмонга ёмонлик қилишни ҳам ўзларига эп билмасдилар...



## АРМОН

Минг тўққиз юз олтмиш саккизинчи йилнинг биринчи августи... Бу воқеа худди ўша кунни рўй берганди... Воқеа рўй берган эди дейишим балки тўғримасдир. Шунчаки ўша кунни қишлоғимизда катта концерт бўлди. Машхур хонанда келди. Кўп одам тўпланди. Бор гап шу... Ҳайронман, бор гап шу бўлса, нега у бунчалик хотирамда муҳрланди экан?..

Фарғоналик санъаткорлар вилоятимизда гастролда юришибди. Биринчи августда бизнинг қишлоққа келишлари керак. Клуб, чойхона, магазинлар олдида суратли эълонлар ёпиштирилган. Бошқаларни билмайман-у, лекин мен кун санайман. Биринчи августни ичикиб кутаман. Ҳаяжону қувончим қанча бўлса, хавотирим ҳам ундан кам эмас: келмай қолса-я! Ахир, у – кимсан, Фалончи!.. Телевизорда кўрганман: катта-катта шаҳарларда, ҳатто қўшни республикалардаги ўн минглаб одам сиғадиган стадионларда концерт берган. Бизнинг бир овлоққина қишлоқчамизни назари илармикан?! Бошқа бир машхурроқ колхозларга опке-тиб қолишса ёки бирор амалдорнинг тўй-пўйи чиқиб қолса, тамом-да.

Хуллас, орзиқиб кутилган кунга ҳам етдим. Ғўза чопиқдаман. Қурғур вақт имиллайди. Қуёш қоқ тепамизда туриб олганча илгари сурингиси келмайди.

Ён-веримдагиларни, тенгқурларимни кузатаман. Назаримда, улар бепарводай. Нима бало, бугун қанақа кун эканлигини билишмайдими?! Ҳали кечқурун кўпчилиги чиқмаса-я! Шунақа машхур ҳофиз келса-ю, томошахона тўлмай қолса хафа бўлиб кетмайдими?!

Ниҳоят қуёш малолланиб пастга энди, уфққа бош қўйди. Қаттиққўл ҳисобчимиз уйимизга рухсат берар-

кан, ювиниб-тараниб эртароқ клубга чиқинглар, деб тантанали равишда тайинлади.

Уйга келиб овқат едимми, йўқми, эслолмайман, ҳаммадан бурун клубга жўнадим. Клуб ёнида автобус турарди. Ҳа, келишибди, деб хотиржам тортдим. Кўп ўтмай яна бир хавотирим ўринсиз чиқди: одам тез тўплана бошлади. Эшикдан кириб келаётганларнинг кети узилмасди...

Концерт бошланди. Ашула, рақс... Ҳар хил таниш-нотаниш санъаткорлар. Ярим соат ўтди, бир соат, ундан дарак йўқ. Ҳар ер-ҳар ердан бетоқат овозлар эшитила бошлади.

– Ҳа, бўлар энди, Таваккал чиқсин!

Лекин конферанс йигит жавоб ўрнига кулиб кўяди-да, ўз билганидан қолмайди. Менинг ҳам тоқатим тугаб, юрагимга ваҳима оралай бошлади: Ҳа, бўлди, у келмаган. Ҳозир, фалончи бетоблиги туфайли келолмади, деб юборишади, дея юрак ҳовучлаб турибман... Йўқ, бир маҳал эълон қилиб қолишди-ку! Энди десангиз томошахона дув кўчди-ёв! Қарсақлар, хитоблар, қийқириқлар... Уф, Худога шукур-ей! Неча кунлик хавотиру кўрқувларим бирпасда тарқаб кетди-я!..

Мана, Таваккал Қодиров саҳнада! Оқ кўйлак, қора шимда, энглар шимариғлиқ. Жуссадор. Кўлида соз, ёнида биргина доирачи йигит. Ҳофиз хиёл бош эгиб таъзим қилди-да, ортиқча тавозесиз кўшиқни бошлаб юборди.

Хотиржам тортиб, секин атрофга разм солдим. Таниш чеҳралар. Лекин қувончу ҳаяжондан қандайдир ўзгариб, ҳаммаси бирдай чиройли бўлиб кетишгандай... Томошахона оғзи-бурнигача тўлган, ўтирганлардан оёқда турганлар кўп. Эшик-деразалар ланг очиб ташланган бўлса-да, ҳаво дам қайтаради. Одамлар жиққа-жиққа терга тушишган. Лекин ҳалигина бетоқатланиб турган томошахона пашша учса билинадиган даражада жимиб қолган...

Ҳофиз ҳам ғарққа терга тушди. Аммо у бунга парво қилмай кўшиқни кўшиққа улар, овози тобора кучланиб борарди. Унинг бу ҳолати далада кетмон чопаётган деҳқонга ўхшарди. Деҳқон терга ботгани сари тани яйраб, дили равшан тортиб, ғайрати ортиб бораверади...

Ҳофиз бир-икки дафъа дастрўмолча билан юзини артиб олди. Аммо бу кифоя қилавермагач, доирачи йигитнинг елкасига юзини суйкади. Оппоқ кўйлакнинг бир томони жиққа ҳўл бўлди. Йигитча самимий илжайди. Бу ҳеч кимга эриш туюлмади. Ҳамма завқланиб кулди. Кўнгиллар яна яйради. Одамлар ҳофизни янада ўзига яқин олди. Саҳнада ўзлари каби чапани, содда, дилкаш ҳофизни кўриб туришарди улар...

Ҳофиз тобора авж пардаларда куйлар, одамлар бир тану жон бўлиб уни олқишлар, кўшиқ тугар-тугамас қарсак бошланар, у қарсакни кутмас, навбатдаги кўшиқни бошлаб юбораверарди...

Бахтли дақиқалар нақадар тез ўтади-я!..

Ҳофиз айтган кўшиқларни санаганлар бўлибди. Бировларнинг саноғида ўн еттита чиқибди, бировларда ўн тўққизта! Аммо одамлар чанқоғи босилмаган, уни кўйиб юборгилари келмасди.

Томоша охирлаганда бир нарсадан хижолат чека бошладим: Эҳ, аттанг, биттагина гулдаста олиб келиш ёдга келмабди-ку!

Хайрият, бу нарсани бошқалар унутмаган экан. Бирин-кетин гул кўтариб саҳнага чиқиб бораверишди. Аввал колхоз раисининг муовини ҳофизнинг қўлини сиқиб табриклади. Лекин гулдастани узатиш эсидан чиқиб, бошқа санъаткорлар билан кўриша кетди. Ҳофизнинг қўли ҳавода муаллақ қолиб, мулзам тортди. Ўтирган еримда шунчалик уялдимки, иситмам чиқиб кетди. Хайрият, шу пайт бир амаки бўлмишим уни бағрига босиб, ота болани кучгандай кучиб ўпди.

Кейин амакимнинг орқасида турганлар уни гулларга кўмиб юборишди. Бу орада муовин ҳам кўлидаги гулга кўзи тушиб кулиб юборди-да, қайтадан Ҳофиз билан кўришиб, гулдастани тақдим этди. Ўртадаги ўнғайсизлик кўтарилди...

Одамлар ўриндан туриб олган. Бетиним қарсақ чалиб, ҳофизни саҳнада имкон қадар тутиб туришга ҳаракат қилишарди. Ҳофизнинг ўзи ҳам улардан узилиб кетолмас, дам кўлини кўксига қўйиб, узр сўраган бўлар, дам уларга кўшилиб қарсақ чаларди... Ниҳоят, у кўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди-да, икки-уч қадам ортига тисарилиб борди. Сўнг ўзини мажбурлаб саҳнадан чиқиб кетди. Шундагина одамлар томошахонани тарк эта бошладилар...

Қоронғу кўчадан кетяпман-у, Ҳофизнинг овози кулоғим остида ҳамон жаранглаб турар, ўзимни сархуш сезиб, оёғим ерга тегиб-тегмай кетиб борардим... Назаримда, у энди қишлоғимизга тез-тез келадиган ва бугунгидай байрамлар ҳали кўп такрорланадигандай эди...

Ўша кунлар телевидение ҳам ҳиммат кўрсатиб, уни дам-бадам экранга чиқариб турарди. Аммо бир куни... Ҳофизнинг теледастурда эълон қилинган махсус бир концерти берилмади. Бу концертни роса бир ҳафта ичикиб, ҳаяжону хавотирлар билан кутгандим. Бу сафар қурғур сезгиларим янглишмаган экан: хавотирим чинга айланди...

Мана ўша роса бир ҳафта кутилган кун, ўша соат. Хушрўй сухандон опа кўринди. Ҳозир эълон қилади. Йўқ, аввал чиройли бир жилмаяди. Йўқ, негадир жилмаймади бу сафар. Кейин... Кейин эълон қилди-ю, лекин бутунлай бошқа алфозда... Ҳозир эшлашга уринаман унинг сўзларини. Ҳа, айтдики: "...хонанда ижодий тайёр эмаслиги сабабли программадан олиб ташланди!.." Тах-

минан шундай деди. Лекин шуниси аниқ эсимдаки, у бу сўзларни тишлари орасидан ўтказиб, шунчалик совуқ оҳангда айтганидан, эгим жунжикиб кетганди... Мени ҳайратга солган нарса шу эдики, айнан ана шу хушрўй жувон илгари бир неча марта Таваккал Қодировга бағишланган кўрсатувларни олиб борган, унинг юксак истеъдоди, ижодий баркамоллиги ҳақида оғзидан бол томиб, юзидан нур ёғилиб гапирган, у билан санъат борасида суҳбатлар қилган эди. Энди бўлса, ижодий тайёр эмас, деб республикага шоён қилиб турибди!.. Чиройли жувонларнинг совуқ гапириши, боз устига ёлғон сўзлашлари одамда ёмон таассурот қолдирар экан!

Ўшанда Ҳофиз қандай оғир гуноҳга йўл қўйгани менга қоронғу эди, лекин унга нисбатан экранда, миллионлаб мухлислари олдида қилинган беписандликни менинг мурғак қалбим сира ҳазм қила олмаган эди...

Орадан йиллар ўтиб, Ҳофиз элга яна кўриниш берди: энди у анча қариган, қиёфасида алланечук синиқлик.

\* \* \*

Республика Радио уйи коридори бўйлаб рўпарамдан биров келяпти. Ниҳоятда таниш, иссиқ қиёфа. Ким эди бу киши? Қаерда, қачон кўрганман?! Қанча уринмай, эслолмайман... Ҳалиги киши етиб келди, бир қадам ўтди ҳам ва шу чоқ мўъжиза рўй берди: иккимиз ҳам бирдан тўхтаб ортимизга ўгирилдик.

– Э, – деб юборибман беихтиёр. – Таваккал ака, яхшимисиз?!

Мен кўп йиллик айрилиқдан кейин қадрдон оғасини топиб олган бола каби ҳаяжонда эдим. Ҳақиқатда ҳам шундай эди. Уни ўн беш ёшимда кўрган эдим. Мендан беш-олти одим нарида туриб ўн еттитами, ўн тўққизтами қўшиқ айтиб берганди менга. Йўқ, қўшиқ

айтмаганди, қўшиқ тили билан суҳбат қурганди мен билан. Мана шундан йигирма йиллар ўтиб қўл бериб кўришиб турардик. Кўришдик, саломлашдик. Бўлди, шу билан яна ажрашдик. Ундан узоқлашгач, ўзимни койидим. Нега бирпас гаплашмадим. Гаплашаман деса гапим кўп эди-ку! Лоақал ўша биринчи август учун миннатдорчилик билдиришим керак эди. Ўша куни бутун колхозга байрам қилиб бергани, ҳар бир хонадонга, ҳар бир одам кўнглига байрам кайфиятини бағишлаганини айтишим керак эди-ку!.. Лекин бир оз ўтиб яна ўзимни оқловчи важ топдим: шу шартмикан! У кишига ҳар бир учраган мухлиси бундай гапларни айтиши мумкин. Унга қизиғи ҳам қолмаган бўлса керак...

Кейинроқ ўйлаб туриб, барибир айтишим керак экан, деган фикрга келдим. Омон бўлсак, яна кўришсак бир мириқиб суҳбатлашаман, айтаман, дея ўзимга тасалли бердим...

Биз Ботир Зокировни севардик. Комилжон Отаниёзовни, Шукур Бурҳоновни... севардик. Уларни гулдурос қарсақлар билан олқишлар, гулдасталар билан сийлар ва шу йўл билан уларга бўлган ҳурматимизни изҳор қилган бўлардик. Улар бизга нақадар яқин эди, ҳаётимизга сингиб кетишган эди. Биз бўлсак... улардан қанчалик узоқ эканлигимизни улар орамиздан кетишгандан кейингина англадик. Таваккал Қодиров ҳақида ҳам бундан бошқа нима дейиш мумкин? Унинг қўшиқларининг мафтуни эдик. Лекин сувга тушган тош каби неча йиллаб жимиб кетганида ҳаёти қандай кечганлиги ҳақида нималар биламиз? У айна истеъдоди гуллаган пайтида халқидан узоқлаштириб қўйилди. Балки, шу сабабданми, хасталаниб, овозини буткул йўқотди. Аммо темир ирода эгаси бўлган Ҳофиз йиллар давомида хасталик билан курашади. Буткул йўқолиб кетган овозини тиклаб, яна халқи олдига чиқади...

Таваккал Қодиров билан яна бир кун албатта учрашаман ва шунда армондан чиққунча тўйиб суҳбатлашаман деган ишончда эдим. Бу суҳбат, балки, у кишининг шавкатли, доврўқли ёшлик йиллари-ю, менинг унга ихлосманд болалик хотираларим ҳақида бўлармиди. Ёки ўша биринчи август томошаси ҳақидами... Балки, у ўшанда томошахонанинг олд қаторида ўтирган йигитчани эслар. Эсламай иложи йўқ, чунки шундоқ юзма-юз турардик, у менга неча бор, қалайсан, болакай, дегандек кўз қисиб ҳазиллашган, эркалаб қўйган эди-ку!.. Кейин яна кўнглимда тугиб қўйганим – телевизорда берилмай қолган концерт масаласи эди. Ва умуман, гапларим, сўровларим кўп эди. Лекин барибир энг аввало унга ўша биринчи август – байрам кечаси учун раҳмат айтмоқчи эдим. Уни ғойибдан ўғлим деб суйиб юрадиган раҳматли отам, номини айтишга тили келишмай “Таварак ўғлим” деб олқаб юрадиган мунис аммажоним, ўша концерт сўнггида уни бағрига босиб ўпган амаким, унга гул беришни ёдидан чиқариб, хижолатга қўйган ҳалиги раис муовини (булар энди ҳаммаси раҳматли бўлиб кетишган) ва умуман, барча ҳамқишлоқларим номидан ташаккур билдирмоқчи эдим. Энг муҳими, ўша завқ-шавқли олтмишинчи йиллар хотираларини эслаб, дил чигилларини ёзиш ниятида эдим. Лекин бу насиб этмади. Армон бўлиб юрак тубига чўқди. Шундай дейман-у, лекин унинг қўшиқлари!.. Хўш, айтинг-чи, биродар, сиз ишонасизми, шундайин беназир истеъдод соҳибининг, дарё қўшиқчининг ҳаётдан кетиши мумкинлигига?.. Менинг сира ишонгим келмайди. Гарчанд, ўлим – барҳақ, дейман-у, лекин барибир... Шоир айтиб қўйибди-ку, ахир, бу ҳақда:

*Инсон умри сарҳадли, қўшиқ умри пойидор,  
Навосоз юраклардан ўлмас наво қолади!*

## ҚАЛБ ГАВҲАРИ

(Туркум)

*Иймон қалб гавҳаридур.*

**Хожа Баҳовуддин Нақшбанд**

*Иллат излаганга иллатдир дунё,  
Ғурбат излаганга ғурбатдир дунё.  
Ким нени изласа тонгай безумон,  
Ҳикмат излаганга Ҳикматдир дунё!*

**Садриддин Салим Бухорий**

## ШАРИФ ШАҲАР ФУҚАРОСИ

### ***Рағбат***

Минг тўққиз юз тўқсон иккинчи йилнинг кеч кузи. Мамлакат яқиндагина Истиқлолга эришган, янги, айтиш мумкинки, хийлагина мураккаб бир даврни бошидан кечирмоқда. Етмиш йилдан ортиқ ҳукм-фармолик қилган тузум асорати ҳар жабҳада ўзини сездириб туришга, тўғаноқ бўлишга уринар, айниқса, одамлар онг-шуурига сингиб кетган шўровий унсурлар осонликча “жон бериш”ни истамас, хуллас, янги давр тўлғоғи ниҳоятда оғриқли бир тарзда кечарди. Шундай кезларда мамлакат раҳбарининг Хожа Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик маъракасани кенг нишонлаш, Ҳазратнинг ёдгорлик мажмуини, барча қадамжоларини обод қилиш, Нақшбандия тариқати ғояларини чуқур ўрганиш, халққа етказиш юзасидан махсус Қарори (1993 йил) эълон қилинди. Бу ниҳоятда оқилона қарор эди. Чунки Хожа



Баҳовуддин ҳазратлари асослаган нақшбандия олти асрдан зиёдроқ, аниқроғи, Соҳибқирон Амир Темур даврларидан эътиборан нафақат юртимизда, балки бутун мусулмон дунёсида катта мавқеда бўлиб келган, қизил мафкура тазйиқи остида бир қадар чекинган бўлса-да, ҳали-ҳамон халқимиз турмуш тарзида, қалбининг қат-қатларида пинҳона яшаб келаётган ҳаётбахш бир таълимот эди. Шу сабабдан ҳам мазкур Қарор Юртимизда катта қониқиш ва қувонч билан қарши олинди, кўклам эпкени янглиғ кўнгилларга енгиллик бағишлади. Эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлади. Бу эса жуда зарур эди.

### **Танишлигимиз**

Ўшанда Республика радиоси Адабий-драматик эшиттиришлар Бош таҳририятида ишлардим. Ҳазрат Хожа Баҳовуддин Нақшбандийнинг “Иймон қалб гавҳаридур” деган ибораларидан келиб чиқиб, “Қалб гавҳари”<sup>1</sup> туркумида эшиттиришлар тайёрлаш лойиҳасини таклиф қилдим, раҳбарият маъқуллади. Шундан сўнг радиочиларнинг оғиргина репортёрини елкалаб, Бухоро сари йўл олдим. Йўл олдидан менга Садриддин Салимов деган шоирга албатта учрашимни, шунда ишим енгил кўчишини қулоғимга қуйишган эди. Садриддин акани танирдим, албатта. Бухоро педагогика институтида олмон тилидан дарс беришини, олмон шоири Гётенинг “Ғарбу Шарқ” девонини таржима қилгани ва Гёте ижодидан устозимиз Ғайбулла ас-Салом раҳбарлигида илмий иш олиб бораётганидан ҳам хабарим бор эди. Бундан ташқари, унинг шеъриятига ҳам ихлосманд эдим. “Кенг сахро-

<sup>1</sup> 1993 йил радиодан бошланиб, кейинчалик “Ўзбекистон” телеканалда 25 йил давомида намоиш этилган “Қалб гавҳари” кўрсатуви муқаддимаси сифатида Устознинг “Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё” рубойиси берилар эди.

да икки тошбақа жой талашиб урушар, ёху!..”, “Эй, минора, саломатмисан? Келаяпман саҳардан йўқлаб. Чунки сенинг оёқларинг йўқ, келолмайсан ҳолимни сўраб...” деган мисралар билан бошланувчи шеърларини ва айниқса, “Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё” рубоийсини топишмоқ сифатида айтиб, даврадошларимни қойил қолдиришга интилиб юргувчи одатларим ҳам йўқ эмасди...

### *Сени кеч топгандим...*

Бухорода Улуғбек ака деган бир инсон бор. Курувчи муҳандис, “Бухорийлар авлоди” фирмаси директори. Садриддин аканинг яқин биродари. Шу инсон, кейинчалик Садриддин ака ҳақида тайёрлаган хотира кўрсатувимда, афсус билан: “Шоир айтган-ку, сени кеч топгандим, эрта йўқотдим, деб. Менда ҳам худди шундай бўлди, битта шаҳарда яшаб, анча кеч топишганимиздан армон қиламан...” – деган эди.

Нима десамикин, бу айнан менинг ҳам армоним...

Хуллас, ўшанда Садриддин ака билан телефонлашиб, машҳур Лабиҳовузда учрашдик. Қотмадан келган, миқти гавдали, қош-кўзи қоп-қора, қирра бурун, серҳаракат бу одам юриш-туриши одмигина, сиполикни билмайдиган, аммо ботинан улуғвор, вазмин, камсухан бир инсон сифатида таассурот уйғотди менда. Ва мен дастлабки тасавурум алдамаганига ҳалигача ҳайратга тушаман ва Садриддин ака умр бўйи “Ё аслинг каби кўрин, ёки кўринганинг каби бўл!” (Жалолиддин Румий) деган ақидага қатъий амал қилиб келган инсон эканига такрор-такрор иқрор бўламан.

Ўша куни дастлаб шоирнинг Лабиҳовуз яқинидаги мўъжазгина хонадони меҳмони бўлдим. Ҳовли-жой ҳам соҳиби каби одмигина эди. Ваҳоланки, Лабиҳовуз яқинидаги қадим Чўпбоз маҳалласи, Менделеев (!) кўчасидаги бу хонадон бир замонлар наинки Чўпбоз

гузарида, бутун Бухорои шарифда маърифат гўшаси сифатида эътиборда бўлган. Кўплар ўз фарзандлари таълим-тарбиясини шу даргоҳга ишонган ва хато қилмаган. Бу анъана қаттол замонларда ҳам тўхтамаган. Шоирнинг отасини мулло Наби, бобосини мулло Салим, она томонидан бобосини эса мулло Ҳамид дейишган. Волидаи муҳтарамаси ҳам ниҳоятда оқила, фозила аёл бўлиб, бу даргоҳда шеърият айниқса қадрланган, Хожа Ҳофиз, Навоий, Фузулий ғазаллари фарзандлар қалбига мурғаклигидан сингдириб борилган.

Сафар режаси бўйича вазифам Хожа Баҳовуддин ҳазратлари юбилейи олдидан Бухорода бўлаётган тайёргарлик ишларини ёритишдан иборат эди. Бунинг учун бир неча мутассадди кишилар сўзини ёзиб олсак кифоя эди. Биз бундай қилмадик. Бухоро зиёратига чиқдик. Шаҳарда олиб борилаётган таъмирлаш, тиклаш ишларини, қурилиш, ободончиликларни айнан ўз ўрнида магнит тасмасига туширишни келишиб олдик. Йўл-йўлакай учраган мачит борми, қадамжоми, мақбара ё мадрасами ҳар бирининг олдида тўхтаб, обидани зиёрат қилиб, мутасаддилари билан танишиб, айримларидан интервьюлар олиб бордик.

Яхши эслайман, зиёратни Пойи Остона гузаридан бошлагандик. Пойи Остонада камида олти аср нарида бунёд этилган табаррук масжид бор экан. Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари Қасри Орифондан ҳар гал Бухорога келганларида айнан мана шу масжиди жомеда ибодат қилар эканлар... Жоме янги таъмирдан чиқарилиб, намозхонлар ихтиёрига топширилиш арафасида турган экан. Пойи Остонадан кейин Саид побанди кушо гузари келди. Бу ерда Хожа Саид исмли бир азиз турбатини зиёрат қилиб ўтдик. Қаршимизда икки азим мадраса қад ростлади: Садриддин ака кулимсираб менга юзланди. Кейин ўйчан алфозда деди: “Қаранг, икки мадраса, буниси Абдулазизхон, буниси

эса Мирзо Улуғбек мадрасаси. Бири аштархоний, бири теурий ҳукмдорга тегишли. Зеҳн солиб қарасангиз, обидалар бир-бирига устозу шогирд сингари эҳтиром сақлаб турибди. Эзгу мақсад, хайрли аъмол робита мисоли экан-да. Қаранг, вақт ҳам, замон ҳам улар учун писанд эмас. Авлодларни авлодларга кўринмас бир ришта сингари боғлаб, мустаҳкамлаб боравераркан...”

Суҳбатдошим чехрасида илҳомий бир сархушлик пайқаб: “Янги шеър яраляпти” деган ўй кечди кўнглимдан.

Тоқи заргарон бўйлаб кетяпмиз. “Заргарлар тоқиси, яъни савдо растаси, – дея тушунтирди Садриддин ака. – Бухорода бешта тоқи бўлган, шундан учтаси омон қолган, булар – Тоқи саррофон, пул майдаловчи, айирбош қилувчилар, Тоқи телпакфурушон, бош кийим билан савдо қилувчилар ва мана шу Тоқи заргарон”. Суҳбатдошимнинг “омон қолган” деган изоҳи кейин ҳам кўп бор такрорланди ва ҳар гал оғриқли бир оҳанг туярдим уларнинг замиридан.

Мир Араб мадрасаси, Масжиди Калон, Минори калон, яъни Пойи Калон мажмуасидамиз. Энди бу ерда ҳамроҳимдан эшитганларимни бир-бир хотирлайверсам... Масжиди Калон Туронзаминда барпо этилган биринчи Ислом ибодатхонаси, 770–771 йилларда қурилган экан. Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий (810–870) бир неча ўн йиллик хориж сафаридан қайтиб келиб, Масжиди Калонда маъруза қилганларида буюк муҳаддисдан бир вақтнинг ўзида ўн мингга яқин одам сабоқ олар экан. Исмоил Сомоний амирлиги даврида (888–907) масжид шу қадар кенгайиб кетадики, юз минг одам бемалол намоз ўқиши мумкин бўлади. 1068 йилда жомеда ёнғин чиқади ва бир асрдан зиёдроқ давр мобайнида масжид қаровсиз қолади. Ниҳоят, қорахоний ҳукмдор Арслонхон Муҳаммад

ибн Сулаймон (1102–1130) даврига келиб, 1121–1122 йилларда қайтадан тикланади. Бироқ мўғуллар босқинида жоме яна вайронага айланади. Айтишларича, Чингизхон Бухорони босиб олгач, отда виқор билан Жомега кириб келади. Унга рўпара қилинган масжид Имоми Чингизга таъзим қилишдан бош тортибгина қолмай, унинг юзига тупуради... Масжид темурийлар даврида қайта тикланади. Кейинчалик эса, шайбоний ҳукмдорлар Убайдуллахон, Абдулазизхон ва Абдуллахон даврида (1514 йилда бошланиб, аср ўрталарида) ҳозирги кўринишига келтирилади.

Садриддин ака масжидга ва Минори Калонга таъриф берар экан, “Ё тавба, бу одам Бухоронинг тирик қомуси экан-ку!” дея ҳайратланганим эсимда. Минора ҳам Масжиди калон билан бир пайтда Амир Арслон ташаббуси билан уста Бақо бошчилигида бунёд этилган экан. Баландлиги 50 метр, асос айланаси 9 метр. Кейин юқорига қараб энсизлашиб боради ва муқарнас билан тугайди. Минора ичидан 104 та айланма зина билан мезанага чиқилади. Тепадаги 16 равоқли дарчалар орқали атрофни кузатиш мумкин бўлади.

Минори Калон асрларки, Бухоройи шариф рамзи, фахри, маёғи бўлиб яшаб келмоқда. ЮНЕСКО ташкилотининг Бутун Жаҳон ёдгорликлари рўйхатига киритилган... Беихтиёр ҳамроҳимнинг шеърий сатрлари ёдимга тушди: “Илдиз отдик Минори Калон, Минг йилларки бир ерда яшаб...”

Қисқаси, шу куни шаҳардаги яна бир неча обида-ни – Чор минор мажмуаси, Сомоний мақбараси, Арк қалъаси, Моғаки Аттор масжиди, шунингдек, Мир Араб, Говкушон, Абдуллахон, Кўкалдош мадрасаларини зиёрат қилдик. Кейин шаҳардан чиқиб асосий зиёратгоҳимиз Хожа Баҳовуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуи томон йўл олдик...

***“Шукур қилиш керак, шукур!”***

Айтишим лозимки, унда ҳали ҳаммаси олдинда эди. Улкан шаҳардаги таъмирлаш ишлари энди-энди бошланиб келаётган эди. Вилоят бўйича рўйхатга олинган 660 та маданий мерос объекти, жумладан, шаҳар ичидаги 103 та меъморий обида ўз навбатини кутиб ётарди. Бироқ некбин ҳамроҳим завқ-шавқ билан сўзлар, қаранг-а, қандай қутлуғ замонлар келди! Шукур қилиш керак, шукур! Ҳаммаси яхши бўлади, дерди... Ҳали кўпчилигимиз “гугурт бир тийин бўлган” замонлар азасини тутиб, минғирлаб юрганимизда, бу одам!..

Шу-шу бўлди-ю, мен Бухорога серқатнов бўлиб қолдим. 1993 йилда Хожа Баҳовуддин Нақшбанд юбилейи жуда чиройли тарзда нишонланди. Унгача эса Ҳазратнинг ёдгорлик мажмуи бошдан-оёқ таъмирланди, обод қилинди. Нақшбандия тариқатига бағишланган ўнлаб тадқиқотлар эълон қилинди. Жумладан, Садриддин аканинг ҳам “Дилда ёр”, “Баҳовуддин Нақшбанд ёки етти пир” деган икки рисоласи чоп этилди. “Дурдона” номи билан Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақомотлари унинг таржимасида чоп этилди. Баҳовуддин Нақшбанд жамоатчилиги маркази ташкил этилиб, нақшбандия таълимотини тадқиқ ва тарғиб этиш ишлари бошлаб юборилди. “Сусамбил” газетаси чоп этила бошланди...

***Жавобсиз қолган савол***

Ҳали айтганимдай, мен Садриддин ака билан Истиқлолдан кейин топишдим. Унгача ғойибона танирдим, шеърятига ихлосманд эдим. Бироқ уни том маънода танишим, кашф этишим Бухоро сафарлари, унинг дўстлари, маслакдошлари билан мулоқотларим натижаси бўлди.

Бир пайтлар мен ҳам гидлик қилганман, лекин эпполмаганман, деб қолди Садриддин ака бир сафар

кулимсираб. Кейин айтиб берди. У 1972 йил Бухоро пединститути чет тиллар факультети немис тили бўлимини битиргач, шаҳар туристлар идорасида таржимон сифатида иш бошлайди. Вазифаси асосан Германиядан келган меҳмонларни Бухоро билан таништириш, уларга диққатга молик жойлар, обидалар тарихини сўзлаб беришдан иборат. Бир сафар нуфузли меҳмонлардан иборат гуруҳ ташриф буюради. Садриддин ака кун бўйи улар билан Бухоро кезади-да, хайрлашув олдидан гуруҳ раҳбари уни саволга тутиб қолади. Сизга раҳмат, муҳтарам жаноб, – дейди у. – Шаҳрингиз тарихини яхши биларкансиз, жуда кўп нарса олдик. Лекин барибир битта нарсага сира тушунмадик, шуни ойдинлаштириб берсангиз. Уруш бизда, Германияда бўлган. Лекин Бухоро нега бунча вайрона, 1941–1945 йил бомбалари Бухорога тушмаган-ку, дейди. Ёш, тажрибасиз Садриддин лом-мим деёлмай қолади. Ўз дардини, вайрона шаҳар қисматини қай тилда ифодалаб беришни билмайди. Ва шу кунидек ариза ёзиб ишдан бўшайди. “Ўша кундан юрагимда қаттиқ дард кўзғолди, – деди Садриддин ака, – аниқроғи, бу дард илгаридан бор эди, ўша кун у исён кўтарди”.

Бу исён кўп ўтмай шоирнинг шеърларига кўчди. Шеърларига сиғмаган гаплари “Бухорони қутқаринг”, “Обидалар нидоси” (Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов билан ҳаммуаллифликда), “Обидалар муқаддас эмасми?” (шоир Исроил Субҳон билан бирга), “Сўнгги хаттоти хат битар” каби публицистик мақолалар кўринишида Республика матбуоти орқали бонг ура бошлади...

### **Жонкуярлик**

**Филология фанлари номзоди, доцент Самаджон Азимов хотираларидан:** Бир кун Садриддин ака, Мубин ака (Мубин Болтаев, врач) учаламиз Сомоний-

лар боғи зиёратига кирдик. Бир вақт қарасак, мақбара атрофида сув тўпланиб қолибди. Фалокатни биринчи бўлиб Садриддин ака пайқади. “Самаджон, югуринг, анови одамнинг кетмонини келтиринг”, – деди. Бир киши боғ чеккасидаги тиканларни кетмонлаб юрган экан. Дарҳол унинг кетмонини қўлидан олдим-да, сувнинг йўлини тўсишга ошиқдим. Кейин тўпланаётган ҳалқобга йўл очиб, уни боғ чеккасидаги қўл томонга бошқариб юбордик. Энди мақбара атрофидаги сувнинг иложини қилиш керак эди. Садриддин ака яқин ўртадаги бир идорага югуриб кириб, у ердан шаҳар ижроқўмига қўнғироқ қилди. Натижа бўлавермагач, ижроқўм идорасига қараб кетдик. Йўл-йўлакай яна уч-тўрт кишига қўпайдик. Биргина Садриддин акани қабул қилишди. Биласиз, камсухан, камгап одам бунақа пайтда оташин жангчига айланиб кетарди. Ижроқўм муовинига вазиятни, унинг қандай оқибатларга олиб келишини мантиқан шундай асослаб берадики, муовин типирчилаб қолади. Шу пайтгача раисга киришига тўсқинлик қилиб турган одам, энди ўзи Садриддин акани тўғри унинг олдига бошлаб киради. Қисқаси, шу кун кечгача вазият ўнгланди. Сув тортадиган насосли машиналар келиб, Сомонийлар мақбараси пойига тўпланган сувларни тортиб олди. Дарҳол қуруқ тупроқ тўшалди. Минг йиллик обидага хавф солган фалокат олди олинди.

Иккинчи бир воқеа шаҳар ташқарисидаги Хожя Исмаи Бухорий ҳазратнинг мақбарасига боғлиқ. Хожя Исмаи Бухорий Ҳазрат Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида тилга олинган аллома бўлиб, Бухоро тарихида зуллисонинликни бошлаб берган шоир, авлиёсифат зот бўлганлар. Хожя Исмаи Бухорий мақбараси, масжиди вайрона бўлиб, мажмуа ёнидаги шифобахш сувли қудуқ қўмилиб кетгани етмагандай, зиёратгоҳ атрофи, орқадаги қабристон шаҳар ахлатхонасига



айлана бошлабди. Саноат корхоналари чиқитлари машиналарга ортилиб, тунда шу ерга келтириб ташлаб кетиларкан. Садриддин ака бошлиқ бир неча киши тўпланиб, қўлимизда видеокамера билан зиёратгоҳга бордик. Аянчли манзарани тасвирга туширдик. Ҳозир эслайман: биз билан ўша тиниб-тинчимас Мубинжон ака бирга эди. Кейин шоир Исроил Субҳон, журналист Музроб Бўронов, рассом Баҳодир Саломов ва яна бир неча йигитлар ҳам бор эди. Кеч киришини кутиб, шу ерда қолдик. Вақт алламаҳалларда кетма-кет ахлат машиналари келиб, юқларини ташлаб кета бошлашди. Бу бориб турган ваҳшийлик эди. Авлиё инсон руҳига, бу ерда 20–30-йиллар қатағонида “халқ душмани” сифатида бекитиқча келтириб отиб ташланган шаҳидлар хотирасига нисбатан ҳақорат эди. Эртаси кун ашёвий далиллар билан шаҳар партия қўмитасига кириб бордик. Албатта, бизнинг ҳаракатларимиз уларга исёндек, бузғунчиликдек туюлди. Бироқ Садриддин аканинг қатъияти, мантиққа асосланган оташин сўзлари ўз таъсирини кўрсатди. Бизни қабул қилишди. Шаҳар, вилоят раҳбарлари йиғинида қатнашиб, содир бўлаётган аҳволни тушунтирдик, видеотасвирларни кўрсатдик. Шундан сўнг аҳвол нисбатан ўзгарди. Ахлатлар ташиб кетилди, ҳашар уюштирилиб, ён-атроф бир қадар тартибга келтирилди. Аммо зиёратгоҳ то Истиқлолгача ўша-ўша ярим афтода ҳолича қолаверди.

### **Бухорога Бухоро келди...**

Бухорога нур-зиё келди,

Иймон келди, шарм-ҳаё келди.

Бухорони зулмат этди тарк,

Бухорога Бухоро келди...

У озодликни, хурриятни, Истиқлолни ана шундай бемисл қувонч билан қарши олганди. “Бухорода Бу-

хорони соғиниб, Мен ҳар тонг умид-ла ташлайман назар..." Бу надоматли мисралар битилган даврларда эса Бухоро моҳиятан асл Бухоро эмас, унинг афтода суврати эди, холос. Асл Ватан – Ибн Сино, Имом Бухорий, Нақшбандийларни дунёга келтирган шариф шаҳар эса унинг, у каби барча Бухорийларнинг буюк армони эди...

Бухорога Бухоро келди... Шоирнинг бу ташбеҳида ҳамма нарса бор эди. Эркнинг қайтиши, Иймоннинг қайтиши, Ўзликнинг қайтиши... Ва бир йиғинда у баралла овозда "Мен яшайдиган замона келди!.." дея фахр этган шоир ўзининг қолган бутун умрини Истиқлол ишига бағишлади. Унинг ташаббуси билан махсус экспедиция ташкил этилди. Бутун вилоят бўйлаб қадам-бақадам кезиб чиқилиб, ўнлаб, юзлаб азиз-авлиёлар, аллома зотлар қадамжолари, зиёратгоҳлари аниқланди. Бугун Бухорога келган зиёратчи борки, аввало Етти пир зиёратини ихтиёр этади. "Етти пир" атамаси Абдуҳолиқ Ғиждувонийдан Баҳовуддин Нақшбандийгача бўлган пири муршидлар силсиласига дахлдор бўлиб, бу айнан Садриддин Салим Бухорий изланишлари, тадқиқотлари натижаси сифатида таомилга кирган эди. Бундан ташқари, унинг "Икки юз етмиш етти пир" номли тадқиқот асаридан жой олган зотларнинг мақбара ва қадамжолари аксари бугунги кунда обод зиёратгоҳларга айлантирилди. Шунингдек, у шаҳар топономика гуруҳи аъзоси сифатида, айниқса, жонбозлик кўрсатди. Шаҳар кўчалари, гузарларига ўзининг асл тарихий номлари қайтарилишига ҳисса қўшди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов таъбири билан айтганда, Бухоро унинг учун бу ёруғ дунёдаги энг олий қадрият эди. Бухоройи шариф ва уни шариф шаҳарга айлантирган аллома зотлар шахсиятида улкан мамлакат – қадим ўзбек диёри тимсолини, тарихи, тақдири, қисмати ни кўрарди у. Унинг ўзи ҳам шариф шаҳарнинг шариф фуқароси эди.

**Хотиралар, хотиралар...**

**Муҳаммад Сафо Бухорий (1893–1975)нинг наби-раси, таниқли актёр Ғайбулла Ҳожиев хотираларидан:**

*“Мен эс таниб, бобомни оддийгина мактаб қоровули қиёфасида кўрганман. Истиқомат жойи мактабимиз қоровулхонаси – мўъжазгина кулбача эди. Ваҳоланки, бобом 17 йил Самарқанд, Бухоро мадрасаларида ўқиган, мумтоз туркий, форсий адабиёт билимдони, Румий маснавийларини соатлаб ёддан айтиб бера оладиган инсон эди. Гарчи шоирликни даъво қилмаса-да, икки тилда баб-баравар ғазаллар ёзарди. Шундай одам мактабга қоровуллик, фаррошлик қиларди. Сабабини кейин тушунганман: бу шўро қатағонига боғлиқ ҳолат бўлиб, аксари зиёли одамлар ўзларини саводсиз, оми кўрсатиб, назарногир (назар илмас) касб-корларда ишлашни маъқул кўришган экан.*

*Бобомнинг ҳузурларида бўладиган йиғинларда кимларни кўрмаганман, дейсиз. Ўтган аср бошларида Пайрав Сулаймоний деган машҳур шоир ўтган. Шу инсоннинг жиянлари Саъдулла, Абдулла Саиджоновлар, амирнинг хос ҳофизи Левича Бобохоновнинг ўғли Муше Бобохонов, Мирзо Салимбек (“Кашкули Салимий” китобининг муаллифи) деган машҳур тарихчининг ўғли Қорижон Роғиб, машҳур адиб Жалол Икромий, Ойбек домлани ўз қуввайи ҳофизаси билан ҳайратга солган Шариф Нурхон... Булар барчаси бобомнинг ҳаммаслак, ҳамнафас тенгқурлари, дўстлари эди. Давранинг энг ёш қатнашчилари – устозларимиз Неъмат Аминов, Садриддин Салим Бухорийлар бўлиб, улар аҳли донишларга хизмат қилиш асносида дилкаш, диловар суҳбатлар, шеърхонлик, ашулахонликлардан тўйиб-тўйиб баҳраманд бўлишарди...*

**Аҳли донишлар суҳбати**

Дунёда бешта шарафланган шаҳар бор, шулардан бири бизнинг Бухоройи шарифдир, дер эди Садриддин ака фахрланиб. Унинг ақидасича, Бухорони Бухоройи шариф қилган фақат ўлмас обидалари эмас, балки унинг аллома фарзандлари ҳамдир. Абу Хафс Кабир, Имом Бухорий, Ибн Сино, Нақшбандий кабилардир. Йўқ, у фақат ўтмиш алломалари хаёли билангина яшамасди. Балки ўз замонасидан ҳам уларни қидирарди ва топарди. Уста Амин бобо, Сафо Махсум Бухорий, Теша бобо Нақшбандий, Темур ака Ғаниев каби донишманд зотлар суҳбатини тинглашдан чарчамасди.

\* \* \*

*(Уста Амин бобо, Теша бобо Нақшбандий, Темур Ғаниев каби алломалар суҳбатидан менинг ҳам баҳраманд бўлишимга айнан Садриддин ака сабабчи бўлганини ҳали ҳамон миннатдорчилик билан эслайман).*

**Уста Амин бобо суҳбатидан:** – *Масжиди Калон ҳовлисидаги яккатутни кўрдингиз-а, шу дарахтни Садриддин акангизнинг Чўпбоз гузарида истиқомат қилувчи Аваз тоға деган киши ўтқазганлар. Бундан эллик йилча муқаддам эккан раҳматли. У вақтларда Масжид озиқ-овқат омбори эди. Ўша Аваз тоға телпақдўз эди. Ўзига етарлича давлатманд одам келиб-келиб шу ернинг қоровуллигини олди. Оғзига кучи етмаган мардум шуниям ғийбатини қилди. Нимангга етмайди қариган чоғингда, дейишди. Билишмадики, Аваз тоғанинг мақсади бошқа. Шундай маҳобатли масжид бўлсаю унда намоз ўқилмаса, касофати элга ураркан!.. Унинг мақсадидан мен бохабар эдим. Иккаламиз бомдод ва хуфтон намозларини хуфёна ўқирдик. Якшанба кунлари исковучлар бўлмас, беш маҳал ибодатимизни бемалол адо қилардик. Кўнглимиз рав-*

шан тортарди. Эҳ, болам, нимасини айтасиз! Икки кишигина бўлиб, меҳроб қаршисида ўтирардик. У замонлар найрангларини қай бирини айтай... Етти йил муқаддам ҳашар уюштирдик. Мен ўзим ҳам қатнашдим, шу десангиз, кўз ёшларимни тиёлмайман... Ишонсангиз, шўродан қолган юз машина ахлат чиқариб ташланди. Юз биринчисига масжиду обидаларни беркитиб ташлаш ҳақидаги “доҳий”ларнинг буйруқлари, ҳар хил қизил шиор, плакат-палакатларни ортиб, ҳўв бир жарлик, ўру қирларга ташлаб келишди... Мана энди қаранг, Масжиди Калон хонақою ҳовлилари назомзонларга тўлиб кетяпти. Ҳаммининг дилидаю тилида шукрона дуолар...

**“Бухорийлар авлоди” фирмаси раҳбари, қурувчи-муҳандис Улуғбек Абдуллаев хотираларидан:** “Мен Садриддин акани телевидение ва радиодаги чиқишларини кўриб, эшитиб қандайдир унга меҳрим ортиб юрардим. 1997 йил Ҳаж сафарида бўлдим. У ерда бизнинг юртимизни, жумладан, Бухорои шарифни қанчалик ҳурмат қилишларига гувоҳ бўлдим. Ва Ҳаждан катта ниятлар билан қайтдим. Бироқ нима қилиш, ишни қаердан бошлашим учун бир маслакдош топишим лозим эди. Ҳеч иккиланмай Садриддин акани излаб топдим. Танишдик. Гапимиз бир ердан чиқиб, дўстлашиб қолдик. Шу кундан бошлаб менинг дунёқарашим ҳам, фирмамиз хизмат йўналиши ҳам бутунлай ўзгарди. Садриддин ака илгари бошлаган ишлар – Бухоро қадамжолари, зиёратгоҳларини ўрганиш, жойини аниқлаш мақсадидаги экспедициялар яна давом эттирилди. Бу ишларда Садриддин ака бошчилигида таниқли актёримиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Рафиқов, Дилмурод Нуров, Самаджон Азимов, Мубинжон Болтаев, Аҳмад Кароматов, Олимжон Фозилов, Шавкат Болтаев, Фаридун

*Грезевлар фаол иштирок қилишди. Нафақат шаҳар, бутун вилоят бўйлаб иш олиб бордик. Чекка-чекка қишлоқларда қаровсиз ётган мақбаралар, қадамжоларни излаб топардик. Суратга олардик. Садриддин ака эринмасдан китобларни қараб, кекса одамлардан сўраб-суриштириб, охири бир тўхтамга келарди. Кейин бу ҳақда матбуотда, вилоят радио, телевидениесида чиқишлар қиларди. Аксари ҳолларда бу яхши натижа берар, хароба бўлиб, тўкилиб ётган обида кўзни қувонтирадиган бир зиёратгоҳга айланарди. Бу ишларда маҳаллий ҳокимият ҳам ҳисса қўшар, лекин асосий иш халқнинг ўз ташаббуси, ҳашари билан амалга ошарди. Чунки, оддий ибодатини қилишдан ҳам маҳрум бўлган одамларнинг кўзи очилган, янги замон шукронаси учун енг шимариб, ҳамма ўз ҳиссасини қўшишга интиларди...”*

### **Хайрли ҳамкорлик**

“Бухорийлар авлоди” фирмасининг Бухорода амалга оширган ишлари тўғрисида сўз очишдан Улуғбек ака тийилди. “Улар хайрия йўлида қилинган эди, гапириш нодуруст”, – деди. Бироқ мен фирманинг ўзим шахсан бохабар бўлган айрим ишларини бу ўринда келтириб ўтсам, кўпам “нодуруст” бўлмас, деб ўйлайман. Мир Араб мадрасаси ҳамда Халфа Худойдод масжидининг дастлабки таъмирлаш ишлари “Бухорийлар авлоди” фирмаси маблағи ва усталари томонидан амалга оширилди. Эшони Имло сардобаси, Бухоронинг омон қолган қадим Талипоч дарвозаси фирма томонидан қайта тикланди. Шунингдек, Чор Бакр мажмуаси, Масжиди Калон, Болойи ҳовуз, Ғавсул Аъзам – пири дастгир масжидларини таъмирлаш, қайта қуриш ишларида ҳам “Бухорийлар авлоди” фирмаси фаол иштирок этди.

Улуғбек Абдуллаев ва Садриддин ака ҳамкорлиги яна кўпдан кўп хайрли ишларга сабаб бўлди. Жумладан, Садриддин аканинг сценарийси асосида Ўзбекистон телевидениеси (машхур телережиссёр Мақсуд Юнусов раҳбарлигидаги) ижодкорлари билан ҳамкорликда яратилган беш қисмли “Имом Бухорий” видеофильми буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги тўйига муносиб туҳфа бўлди. Зангори экран орқали қайта-қайта намойиш этилди. Шунингдек, “Абу Ҳафс Кабир” (режиссёр Тоживой Исроилов), “Хожайи жаҳон” (режиссёр Маҳкам Муҳаммедов) телевизион бадий фильмлари ҳам икки маслакдош дўст ҳамкорлигининг тотли меваси сифатида дунёга келди.

### ***Жамоли иймон***

Телережиссёр Тоживой Исроилов бошчилигида Садриддин Салим Бухорий сценарийси асосидаги “Абу Ҳафс Кабир” фильмини суратга олиш учун Бухорога келганмиз. “Бухорийлар авлоди” фирмаси бизга ҳомийлик қилмоқда. Фирма раҳбари Улуғбек ҳожи Абдуллаевнинг шинам офиси ижодхонамизга айланган. Мен муҳаррир сифатида ҳар кунги суратга тушириладиган саҳналарни пешма-пеш тайёрлаб бериб турибман.

Фильмнинг қисқача мазмуни куйидагича: Бағдодди шарифдан номдор бир олим Бухоройи шарифга ташриф буюради. Мақсади – олис Бухородан катта бир олим чиққани, унинг доврўғи ислом оламини забт этаётгани ҳақидаги миш-мишларга аниқлик кириштиш. Узоқ йўл босиб келган карвон Бухоройи шариф дарвозаси олдида тўхтайтиди. Бу вақтда хуфтон намози аллақачон ўқиб бўлинган ва дарвоза ҳам тақа-тақ бекитилган. Буни кўрган карвонбоши туя ва отларни карвонсарой томон бошлайди. Шунда ҳалиги олим бесабрлик қилиб, дарвозани тақиллата бошлайди. Дар-

воза ён девори устида бир қўлида фонус, бир қўлида найза тутган бош қўриқчи кўринади.

– Дарвозани очинг, биз Бағдоди шарифдан келдик. Бизга карвонсаройда тунаш муносиб эмас! – дейди олим ҳукмфармо овозда.

– Ассалом алайкум, – дейди бош дарбон. – Хизмат, тақсир?

– Хизмат деганинг нимаси, дарвозани оч, деяпман!

– Очолмайман, тақсир. Маъзур тутасиз. Тартиб шунақа.

– Эй, менга тартибингни рўкач қилмагин. Биласанми, мен кимман?! Бағдоди шарифнинг пешво уламосиман.

– Э, шуни аввалроқ айтмайсизми? Олимсиз, шундайми? – Дарбон шундай дея девор устида чордона қуради. – Майли, розиман, илмингиз ҳурмати, тартибни бузиб бўлса-да, дарвозани очтираман. Фақат битта шартим бор.

– Нима?! – Олимнинг қони қайнаб кетади. Бу қанақанги шаҳарки, оддий дарбони ўзини шунақа беписанд тутса. Мендек уламога шарт қўйиб ўтирса-я!.. Ўзини аранг босиб, муроса йўлини тутишга ўтади. Шаҳарга кириб олсин, кейин ўзи билади нима қилишни. Амирга айттириб, оёғини ўптиради бу шаккокни. – Бўпти, айт, шартингни...

– Шартим шуки, бир саволимга жавоб берасиз, кейин марҳамат...

– Айт, саволингни, – дейди олим бетоқат.

– Саволим оддий: камоли иймон нима?

– Камоли иймон? Бор-йўғи шуми?

– Ҳа...

Хуллас, олим ундай дейди, дарбон бош ирғайди, бундай дейди, дарбон жавобингиз ғалат, дейди. Охири олим жаҳл билан Карвонбошига буюради: Ҳайда, карвонсаройга. Булар билан эртага гаплашаман, дей-



ди. Тонгда дарвоза очилади. Ҳалиги дарбон карвон билан ичкарилаган бағдодлик олимни очиқ чехра билан қарши олади-да, саломлашади.

– Ассалом алайкум, муҳтарам зот, Бухоройи шарифга хуш келибсиз. – Олим унга нохуш қараб қўйиб, бош ирғайди-да, йўлида давом этади. – Камоли иймон ҳақида менинг фикрим шундайки, тақсир... – Олим отини тўхтатади ва кулоқ тутаети. – Иймон сабрсиз камолга етмайди, демак камоли иймон, бу – сабр! Одбсизлик қилган бўлсак, маъзур тутасиз...

Олим беихтиёр қалқиб кетаети: бу шаҳарнинг дарбони шу қадар зукко бўлса, илм аҳли қандай экан?!

Шаҳди пасайиб шаҳарга кирган Бағдод олими бу ерда бир ойлар қолиб кетаети. Абу Ҳафс Кабир ва бошқа илм кишилари суҳбатларини тинглаб тўймайди. Тамоми дунёси ўзгариб, Ватанига қайтади...

Шу ўринда менда бир фикр туғилди. Шаҳардан чиқишда, табиийки, ҳалиги зукко дарбонга йўлиқаети. Улар ўртасида яна гап-сўз, мулоқот кечса... Яъни, дарбон меҳмонга яна бир савол берса... Қандай савол бериши мумкин, дея Садриддин акага мурожаат қилдим. Ишонасизми, устоз бир зум ҳам ҳаялламай жавоб қилди. Хўш, камоли иймон ҳақида сўради. Энди жамоли иймон нима, деб сўрасин, деди. Бу шундай ўрнига тушдики, ҳаммамиз ҳайратда қолдик. Ва фильм сўнггида меҳмон қаршисида чиқиб келган дарбон билан қўшқўллаб кўришади-да, тақсир, яна битта саволим бор, дейди жилмайиб. Бу сафар Бағдод олими қовоқ уймайди. "Айтинг, тақсирим, айтинг саволингизни", – дейди. "Хўш, камоли иймон сабр экан, энди жамоли иймон нима?" Олим яна тараддудга тушади. Хижолатли кулимсиради. Дарбон кулади: "Жамоли иймон, бу – меҳр-муҳаббат, тақсирим, меҳр-муҳаббат, меҳр-оқибат, мурувват... келинг, энди бир бағирлашайлик..."

Ҳозир ўйлаб қарасам, Садриддин ака ўта сабр-тоқатли, бардошли инсон, яъни иймони камолга етган зот эди. У яна иймон мукамаллигини ўз юрти Бухоройи шарифга, Бухоройи шариф орқали Ўзбекистон аталмиш буюк Ватанига, халқига меҳр-муҳаббат қўйиб яшашда деб билди. Бу ақидасига то сўнгги нафасига қадар мустаҳкам турди.

### **Ҳақиқий хазина**

Сўзимнинг аввалида айтиб ўтганимдек, Садриддин ака Гёте ижодидан номзодлик ишини бошлаган эди. Иш охирига етди. Бироқ, ёқлашга қолганда... Илмий раҳбари профессор Ғайбулла ас-Салом хуноб бўлиб, ҳар қанча даъват этмасин, қойимасин, Садриддин ака рағбат кўрсатмайди. “Домла, кечирасиз, ёқлаш қочмайди. Мен ҳозир бу ердан хазина топиб олдим. Ҳақиқий хазина”, дейди ҳазиллашиб. Бу ҳазилда жон бор эди, у ҳақиқий хазинага йўлиққан эди. Истиқлол шарофати туфайли бу хазинага қўли етди, аждодлар меросини ўрганиш, уни халқига етказиш имконига эга бўлди. “Дурдона”, “Буюк хоразмийлар”, “Уч авлиё”, “Чор Бакр ёки Жўйбор авлиёлари”, “Ҳазрат Азизон ар-Рометаний”, “Эшони Имло. Халфа Худойдод”, “Ҳожаи Жаҳоним бор”, “Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир”, “Бухоройи шариф авлиёлари”, “Буюк Ғиждувонийлар”, “Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд”, “Дахмаи Беҳиштиён”, “Ҳожа Ориф ар-Ревгарий”, “Мавлоно Ориф Деггароний”, “Авлиё Шоҳ Ахсавий Файзободий ал-Бухорий”, “Ҳазрат Ҳожа Исматуллоҳ Валий”, “Икки юз етмиш етти пир”, “Ҳазрат Боязид Бастомий ёки Навоий вилояти зиёратгоҳлари”, “Шофирконнинг табаррук зиёратгоҳлари”, “Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари” номли қатор китоблар, киносценарийлар, “Шариф манзаралар” каби бадиалар яратди. Бу

асарлар беиз кетмагани, кимларнингдир қалбида акс садо бериб, уларни эзгу, хайрли амалларга рағбатлантиргани – шубҳасиз.

### **Армон**

*Ватан фахрим, Ватан ғурурим,  
Унинг шони – шонимдир, илло.  
Она Ватан бахтим, сурурим,  
Мустақилмиз, алҳамдулиллоҳ.  
Деҳқон ерга экар экан дон,  
Умидини экади шу дам,  
Кўкармоқда ҳур Ўзбекистон,  
Кўкармоқда умидимиз ҳам.*

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ташаббуси ва ғояси билан барпо этилган 107 гектардан иборат маданий марказда 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри, 2000 томошабинга мўлжалланган амфитеатр, улар ўртасида эса “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументи қад ростлади. Дарвоқе, мазкур монумент лойиҳасини тайёрлашда Садриддин Салим Бухорий ҳам фаол иштирок этган, монументда акс этадиган тасвирлар, исмлар, ҳикматлар юзасидан ўз таклифларини билдирган эди. Қадим Бухоронинг кўркига кўрк бўлиб қўшилажак мазкур маҳобатли обиданинг мукамал қиёфасини кўришни у қанчалар интиқлик билан кутган эди. Аммо...

### **“У уйдан бу уйга ўтиш” ҳикмати**

Абу Ҳафс Кабир қабристонини... Абу Ҳафс Кабир Бухоро алломаларининг, жумладан, ҳадис мулкининг султони Имом ал-Бухорий ҳазратларининг ҳам устози аввалидир. Бу зотни Имоми Ҳожатбарор ҳам дейиша-

ди. Садриддин ака бу зотнинг шахсияти, илмий мероси устида жуда кўп тадқиқотлар олиб борди. Рисола чоп эттирди. Ҳали айтганимдай, унинг сценарийси асосида “Абу Ҳафс Кабир” телевизион бадиий фильми ҳам олинган эди. Истиқлол йилларида бутун бошли қабристон обод қилинди. Имоми Ҳожатбарор турбатлари устида улкан мақбара қурилди.

Эсимда, Бухорога бир борганимда Садриддин ака ҳаяжон билан мени бу ерга бошлаб келган, биргалашиб зиёрат қилган эдик. Орадан кўп ўтмай мана энди унинг зиёратига келмоқдаман. Ҳа, Садриддин Салим Бухорий ҳам энди шу қабристонда, буюк Имом мақбарасининг шундоқ ёнгинасида.

Устоз қабри томон одимларканман, унинг ўтли нафасини туйдим, қулоғим остида таскинбахш, ўктам овози жаранглаб кетгандай бўлди.

*Дард келса, ғам келса, ютдик биз,  
Кутдик биз, кутдик биз, кутдик биз.  
Қабр деб атаманг бу жойни,  
У уйдан бу уйга ўтдик биз...*

## ПИФАГОР ҲАҚИҚАТИ

– Инсоний фазилатлар ичида камтарлик деган жуда улуғ бир фазилат бор. Бу хусусда Пифагор жуда қизиқ гап айтади: “Инсоннинг ҳақиқий қиммати унинг ўзини ўзига берган баҳосига тескари пропорционал. Жамоатчиликнинг берган баҳосига эса тўғри пропорционалдир”.

Биз қанча мен-мен дея кўкракка ураверсак, баҳомиз шунчалик тушиб кетавераркан. Атрофдаги одамлар, устозлар, шогирдлар, ҳамкасблар баҳо берса, бу ҳақиқий баҳо бўларкан. Мен устозим Полвон Азизов, профессор Муҳаммаджон Комилов ва унинг ўғли Холидбек ҳақида ўйлаганимда Пифагорнинг ана шу гаплари беихтиёр ёдимга тушади.

*Атоқли генетик олим, академик Жўра Мусаев суҳбатидан...*

\* \* \*

Камтарга камол. Ҳа, донишманд оталаримиз донишмандликнинг бош формуласини ана шундай мухтасар иборада муҳрлаб қўйибди. Камтарга камол... Дарвоқе, падари бузруквори унинг қулоғига қуйгувчи эди: камтар бўлсанг, камайиб қолмайсан. Майли, биров истехзо қилсин, мийиғида кулсин, сен билганингдан қолма. Юк кўтарган юзага чиқади... Мана юзага чиққани шу бўлса керакки, у бугун (2012 йил 7 декабрь) Оқсаройнинг мўътабар минбарига кўтарилди. Мамлакат раҳбарининг, миллионлаган халқининг қаршисида туриб, ёруғ юз билан ҳисоб берди: қирқ тўрт йиллик иш стажига эгаман. Шу йиллар давомида жарроҳлик йўли билан даволаган беморларимнинг сони ўттиз мингдан ошиб кетди. Шунча одамнинг кўз нури қайтишига, бир шифокор сифатида, сабабчи бўлдим, деди ёруғ юз билан.

Унинг отаси Муҳаммаджон Комилов машҳур офтальмолог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Шундай инсонга фарзанд бўлишнинг ўзи катта бахт эканлиги шубҳасиз. Аммо бундай машҳур инсон фарзанди бўлишнинг ҳам ўзига яраша масъулияти бор.

– Ота сифатида жуда меҳрибон, айти чоқда қаттиққўл устоз эдилар, – дея хотирлайди Холидбек Комилов. – Ҳар битта ишни охирига етказмагунча қўймас эдилар. Бир вазифани берардилар ва доим унинг ижросини кузатиб турардилар. 1939 йил ҳарбий хизматга кетганлар, ҳарбий академияда ўқиганлар. Урушда ҳарбий шифокор сифатида иштирок этганлар. Тартиб-интизомни, ҳарбийча аниқликни яхши кўрардилар. Интизом бўлмаган ерда иш бўлмайди, дердилар. Соат ҳаммас, дақиқа ҳаммас, сониялар даражасидаги аниқликни бизга – менга ва синглим Гулжамилага ўргатганлар...

Холидбек ҳали мактабда ўқиб юрган давридаёқ ўз келажаги ҳақида аниқ тўхтамга келган эди. Ота изидан боради. У бундай тўхтамга табиий равишда, ички бир истак даъвати билан келганди. Отадан ёлғиз ўғил Холидбек ҳар бир ишда отасига тақлид қилар, унинг гап-сўзи, хатти-ҳаракати, оғир-вазмин юриши, ҳеч қачон овозини баландлатмаслиги, тавозели муомаласи ўз-ўзидан унинг табиатига сингиб борарди.

Отасининг эл орасидаги обрўси, албатта, унда фахр уйғотарди. Аммо, у отасининг обрўсига эмас, унинг шахсиятига, касбига ҳавас қиларди. Даврлар ўтиб, у ота юрган йўлларни қадам-бақадам босиб ўтаркан, нафақат ота касбини эгаллади, балки унинг том маънодаги ҳаётининг, умрининг давомчисига айланди. Ота орзу қилган, аммо эришолмаган мақсадларга эришди. Ўзбекистон тиббиётининг энг нозик соҳаси

кўз шифокорлигида ўзига хос мактаб яратди. Юзлаб, минглаб шогирдларни камолга етказди. У бугунги кунда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Инсон тана аъзолари бир-биридан муҳим, ҳар бирининг ўз вазифаси бор. Улар шундай илоҳий бир ҳикмат билан яратилганки, унинг сирини англаб борганинг сари ҳайратинг ортади. Холидбек йиллар давомида шундай бир ҳикматни англаб етди. Тана аъзолари – Парвардигор неъматидир. У ҳар бир вужудни соғлом қилиб яратган. Агар инсон меъёр-маромда яшаш қонинини қатъий тутса, Яратганининг амрига бўйсунган, унинг измида юрган бўлади ва ҳеч қачон хасталикка чалинмайди. Жумладан, танадаги энг нодир аъзо – кўриш тизимида ҳам ҳеч қачон ўз-ўзидан норасоликлар келиб чиқмайди. Хасталик меъёр бузилиши оқибати. Бу ўринда шифокорнинг вазифаси бемор дардини теран ҳис қилиши, сабаб-оқибатларини пухта ўрганиши ва танада рўй берган норасоликни бартараф этиш йўллариини излаши лозим. У нафақат тиббий анализ – текширув натижаларига, балки ўз ҳиссий сезгиларига ҳам таяниши керак.

Кўриш қобилиятидан маҳрум бўлиш, кўзинг кўриб турган дунёнинг зимистонга айланиши қанчалик теран мусибат бўлса, кўзларга нурнинг қайтиши шу қадар улкан бахтдир. Дунёга қайта келгандай бўлади киши ва дунё аввалгидан-да гўзалроқ ва рангинроқ бўлиб жилва қилади унинг қаршисида. Нажот истаб, нур истаб келган беморга бундай бебаҳо имкониятни инъом этиш, аниқроғи, бунга сабабчи бўлиш на қадар шарафли ва қувончбахшдир. Зеро, одамларга қувонч бағишлашни энг гўзал ахлоқ деб билган эканлар Хожа Аҳрор ҳазратлари.

– Ҳар битта беморнинг соғлиғини қайтарганингдан кейин унинг юзи, кўзидаги қувончни, табассумни

кўриш қанчалик мароқли. Айниқса, ёш болалар бундай ҳолатларда шундай қийқириб юборадикки, бундай қувончли қийқириқни ҳеч нарсага тенглаб бўлмайди. Бутун чарчоқларинг, хавотиру гумонларинг бир зумда тарқаб кетади, – дейди суҳбатдошим камсуқумлик билан. “Ҳа, Яратган ўз суюкли бандасини шундай сийлайди, – дея ўзимча хаёлга бериламан унга тикилиб, – бошқаларни унга эҳтиёжманд қилиб қўяди. Худонинг берган куни унинг ҳузурига келишади ва у ҳар куни кимгадир манфаат етказишга муваффақ бўлади. Бундан дили равшан тортади...”

Тасаввур қилинг: Ўттиз минг бемор... Ўттиз минг инсон кўзининг қайтадан нурланишига сабабчи бўлиш. Бу унинг шахсан ўзи иштирок этган, бош бўлган жарроҳлик амалиётига оид рақамлар. Унинг таҳсилини олган қанчадан-қанча шогирд-издошлари бугун бутун Ўзбекистон аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Хориж давлатларидан келиб, унинг илмидан баҳраманд бўлганлар-чи. Бу издош шогирдлар неча ўн йиллар давомида қанчадан қанча беморлар дардига малҳам бўлаётганикин... Шогирд меҳнати натижаларида ҳам қандайдир даражада Устоз заҳматларининг улуши бор...

Шуларни ўйларкансан, беихтиёр қаршингда турган бу камтарин инсон қаршисида бош эггинг келади. Ахир, у том маънодаги қаҳрамон-ку, замонамиз қаҳрамони-ку!

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси 1934 йилда ташкил этилган. Кафедра 1966 йилдан бери Республика клиник офтальмология касалхонасини база қилиб бу ерда иш олиб боради. Кафедра ва касалхона ходимлари биргаликда ишлашади. Офтальмология фани ва амалиётини илгари суриш учун хизмат қилишади.

Ҳолидбек Комилов 1988 йилдан бери Тошкент врачлар малакасини ошириш институти офтальмо-



логия кафедрасини бошқариб келади. Ушбу кафедра Республикамиздаги барча ихтисослашган кўз касалликлари шифохоналари, бўлимлари ва поликлиникалари учун офтальмолог мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш билан шуғулланадиган етакчи марказ ҳисобланади. Интилиш ва изланишдан чарчамайдиган қаҳрамонимиз ўтган йиллар давомида клиник офтальмология, кўз микрохирургияси, нейроофтальмология каби долзарб соҳаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётир.

Ҳаёт доимий ҳаракатдан иборат, вақт тўхтаб турмайди. Жумладан, илмда ҳам доимий янгилиниш, кашфиёт, ихтиролар бўлиши керак. Акс ҳолда, у замон талабларига жавоб беролмай қолади. Бугун дунё тиббиёти билан барабар қадам босаётган Ибн Сино издошлари буюк ҳаким вориси сифатида ҳам орқада қолишга ҳақлари йўқ.

– 1962 йилда Ўзбекистондан халқаро кўз шифокорлари конгрессига фақат отамиз Муҳаммаджон Комилович борганлар, – дейди Холидбек ака. – Истиқлолдан кейин эса, 2010 йилда Германияда бўлиб ўтган офтальмологларнинг 32-конгрессига Республикамиздан йигирма нафар кўз шифокори борди. 2014 йилда Японияда ўтган халқаро анжуманга эса йигирма беш мутахассис бориб, маърузалар билан қатнашиб келдик. Олдин тафовут сезиларди, энди жаҳон андозасига яқинлашиб қолганмиз. Ўша халқаро анжуманларда ҳам бизда эришилаётган натижалар эътироф этиляти. Мен бугунги ёшларимизга, уларнинг замонига ҳавас қиламан. Улар хориж тилларини яхши ўзлаштиришган. Микрохирургия, кўзнинг олдинги қисмида бўладиган касалликларни реконструктив операцияларни қилиш, лазер операцияларини ўтказиш каби замонавий усулларни бемалол

ўзлаштириб, ўзлари мустақил равишда беморларни муолажа қилмоқдалар...

\* \* \*

– Мен акамдан миннатдорман, – дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Гулжамила опа Комилова. – Отам менга устозлик қилиб, офтальмолог қилиб етиштирган бўлсалар, кейинги илмимни олишимда ва отасидан ёш қолган уч фарзандимга оталарча ғамхўрлик қилганларини, уларни ҳам шифокор қилиб вояга етказганларини ҳеч қачон унутмайман. Тақдир экан, акамнинг ёлғиз фарзандлари пешонасига сиғмади. Аммо, менинг фарзандларим акамни ўз отасидай кўришади. Атрофида парвона бўлишади. Уларни мусибат билан ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилишади. Қолаверса, қанчадан-қанча шогирдлари ҳам борки, уларнинг ҳар бири ҳам бир фарзанддай гап...

Ҳа, ҳаёт мураккаб экан. Ҳамиша ҳам сенинг айтганинг бўлавермас экан. Яқин йилларга қадар унинг тоғдай суянчи – Онаизори ёнида эди. Ишдан келгунига қадар эшикдан кўз узмай уни кутиб турар, у келгач, кўнгли хотиржам тортиб, ётоғига йўл оларди. Ёлғиз фарзанди, гулдай қизи бор эди. Эндигина турмушга берганди. Бирор кун бўлсин, телефонда унинг аҳволини сўрамаган пайти бўлмасди. Ҳафта сайин куёви билан хонадонига кириб келарди. Энди эса... Аввал қизи – туғруқхонада бевақт кўз юмди. Кейин эса Набира дардини кўтаролмаган 90 ёшли онаизори...

Инсон боши тошдан экан. У сабр қилди, тўғрироғи, Яратган сабр берди. Мана, ҳаёт давом этяпти. Ёнида ёстиқдоши, унинг бир умрлик сирдоши, суянчиғи. Улар бир-бирига мададкор. Эр кишига аввало аёлидан берсин экан. Шу кунгача нимага, қандай мартабага эришган бўлса, сабр-бардошли, оқила ва меҳрибон аёлининг муносиб ҳиссаси бор. У буни ҳар ерда, ҳар

қачон эътироф этади. Қолаверса, севимли ота касби бор. Фарзандидай меҳрибон, садоқатли минглаган шогирдлари бор.

Табиатан вазмин, сабр-бардошли бу инсон шуларни мулоҳаза қилганидандир, балки, ўзида яшашга куч топа олди. Мамлакат раҳбари унинг хизматларини қадрлаб, кўксига Қаҳрамонлик нишонини қадагани, уни Сенат аъзолигига муносиб кўришгани... булар ҳаммаси юксак ишонч эмасми, Сиз ҳали бизга, одамларимизга кераксиз, бардам бўлинг, дейишгани эмасми!

Холидбек Комилов дунёнинг бир ҳикматига тан беради: нимага эришсанг, ниятинг, хизматларинг, эътиқодинг орқасидан эришасан. Сен яхши ният ила саъй-ҳаракатда бўл, Яратганнинг Ўзи сени ёруғ манзилларга чиқариб кўяди. Ўзи ажрини беради. Азиз қилади!

## ШАРАФ ГАВҲАРИ

*Олим агар ўз йўлида қатъий турса, илмига муносиб иш тутса, дунёнинг номатлуб ҳавасларига кўнғил бермаса, бундай зотни шараф гавҳарининг кони деб бил. Гавҳар десанг ҳам, кон десанг ҳам – нима десанг ўшанга тегишлидир.*

**Алишер НАВОЙЙ**

### **Илк танишув**

– У кишини кўрсангиз, академик демайсиз, – дея кула-кула давом этди Сайди ака. – Камтардан камтар, оддийдан оддий, кийинишиям, ўзини тутишиям. Раҳматли Ғайбулла ака (профессор Ғайбулла Саломов) у кишини қаттиқ хурмат қиларди. Иккови яқин дўст эди. Энди қаранг, иккисиям катта олим, ўз соҳасининг пири, лекин икковиям хокисор, дали-ғули, сиполикни билмайдиган, илмга қаттиқ берилган одамлар. Яна қизиғи, икковигаям жуссадан берган, (кулиб) миқтигина, озғингина. “Бизнинг хамиримизни қоришаётганда ун тақчил эканми, ё хамиртуруш етмай қолганми, биздан нон эмас, кулча яшашган экан-да”, – деб ҳазиллашарди Ғайбулла ака...

Шундай қилиб, Сайди аканинг (Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, таниқли адиб ва публицист Сайди Умиров) давъати билан академик Жўра Азимбоевич Мусаев хузурига, Миллий университетга йўл олдик. Унгача мен бу олим хусусида тегишли манбаларни қараб чиққан ва ҳазилакам бир олиммас, Ўзбекистонда ғўза генетикаси бўйича мактаб яратган, илмий изланишлари халқаро миқёсда эътироф этилган алломага рўпара бўлишимни фаҳмлаб етган эдим. Мендаги масъулият ҳам, ҳаяжон ҳам шунга яраша эди. Боз устига телефон-

да тўққиз яримда учрашишга келишиб қўйганман-у, лекин камерада муаммо чиқиб, уни бошқасига алмаштиришга вақтни кетказиб, тўққиз яримда аранг телевидениедан чиққанмиз. Йўлимиз унмайди. Кўчалар тирбанд, аксига олиб, дам-бадам қизил чироққа дуч келамиз. Хуллас, талабалар шаҳарчасига кириб борганимизда соат ўнни қоралаб қолганди. Бировни куттириб қўйишдан ёмони йўқ. Ўзимни койийман, нега тўққиз ярим дедим, ўнларда етиб борармиз, десам ҳам бўларди-ку, дейман...

Ниҳоят, манзилга етдик. Биқинида TVR ёзувли “Дамас”имиз Биология факультети биносига яқинлаб тўхтади. Айтмоқчи, ўша кезлар авжи баҳор, довдарахт қийғос гулга кирган эди. Ва мен... бинога киравериш йўлаги четида қатор саф тортган оппоқ ўрик дарахтлари тагида, ўрик гулларига маҳлиё бўлганча термулиб турган береткали, жимитдайгина кишини кўрдим... Ана ўзлари, дедим хижолатдан қип-қизариб. Йўғе!.. деди режиссёрим (раҳматли) Хайрулла Хусанов ишонқирамай. Шу киши-я?! Ҳа, дедим машинадан бир аҳволда тушаётиб, домлани ўзи кутиб олгани чиқибди...

– Домла, ассалом алайкум, – дедим у томон юрарканман, биринчи марта кўриб турган бўлсам-да, ишонч билан.

– Ва алайкум ассалом, – деди домла ҳам илгаридан кўришиб юрган кишидай исмимни айтиб. Бағирлашдик. Узр сўрашимга ҳам имкон бермай, шерикларим билан ҳам тезгина кўришди-да, ўриклар томонга ишора қилиб, кулимсиради. – Гўзалликни қаранг. Энди бундай мўъжизани яратган зотнинг ўзи қанчалар гўзал бўлишини тасаввур қилиб кўринг. Етмиш йил унинг исмини табиат деб келдик. Лекин табиатни ўзини ким яратган дейишга юрак қилолмабмиз-а, қаранг!..

***Камера биланмас, сиз билан суҳбатлашсам...***

Даставвал тасвирлар олдик. Аудиторияда, лабораторияда, шогирдлар билан ўтказилаётган йиғинда... Ўзимизда, дунёнинг қай бир ҳудудида қандай пахта навлари бўлса, ҳаммаси жамланган коллекцияни тасвирга туширдик. Кейин ана шу жамланма фониди ўтириб, суҳбатни бошладик. Суҳбатимиз аввал келишиб кўйганимиздек, илм кишисининг шахсияти, устоз-шогирдлик анъанаси, одоб, ахлоқ, садоқат, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар хусусида бориши керак эди.

Радиога ўн беш йилча, телевиденида мана ўн йилдан бери ишлаб келаётган мухбир сифатида соҳа ҳадисини бирмунча олганман, шекилли, қахрамонимни камера рўпарасида ёлғиз қолдирмайман. Чунки сиз билан бемалол, эмин-эркин гаплашиб, ажойиб-ғаройиб воқеалардан гурунг бериб турган одам, шундай камера чироғи ёқилиб, бошладик, дейишингиз билан ё чайналиб қолади, ё бўлмасам бирдан жиддий қиёфага кириб, ўта расмий, китобий тилда сўзлашга ўтиб кетади. Бу ҳолат, айниқса, бадий-маърифий йўналишдаги кўрсатувлар руҳиятига мос тушмайди. Шу боис, ҳар сафар қахрамонимни ҳазил аралаш огоҳлантириб кўяман, сизнинг суҳбатдошингиз менман, камера эмас, уни унутасиз, мен билан гаплашасиз, дейман. Жўра ака билан эса... ишонасизми, у худди тил учимда турган гапни илиб олгандек, энди гап бундай, деди, агар иложи бўлса, камера биланмас, сиз билан гаплашсам, нима дейсиз?.. Э, мен нимаям дердим, домла, дея кулиб юбордим, бу айти муддао-ку!

***Қулоғимда қолган гаплар...***

– Хўп, домла, бўлмаса гапни ибтидодан бошласак, болалик инсон умрининг ибтидоси, дейишади.

– Тушундим... Болалигим Янгийўлда ўтди. Шу ерда етти йиллик тўлиқсиз ўрта мактабни битириб, кейин Тошкент педбилим юртига ўқишга кирдим.

– Домла, узр, сиз Туркистонда туғилгансиз, Сузоқ қишлоғида...

– Ҳа, шундай. Очиғини айтсам, сабабини билмайман. Ота-онамдан эса сўрашга улгурмаганман. Энди... алғов-далғов замонлар. Ҳар ҳолда, жиддий сабаб бўлганки, бу ёққа кўчишган, ким ҳам бекордан-бекорга иссиқ жойини совутади... Отамни Азимбой ака, онамни Азизабону дейишган. Эсимни таниб, отамни консерва заводи ишчиси сифатида кўрганман. Онам уй бекаси эдилар, тикувчилик қилардилар. Икковлари ҳам бир тилда бизларга, биз ўқимадик, сизлар ўқинглар, одам бўлинглар, деганлари қулоғимда қолган. Онам еттинчи синфдалигимда, отам университетнинг биринчи курсида ўқиётганимда вафот этишди. Укам ва синглимни Олмазорда яшайдиган амакимникида қолдириб, ўқидим. Стипендия 28 сўм эди. Устозим Полвон Бобоевич тавсияси билан Сталин стипендиати бўлган эдим, 50 сўм олардим. Ана шу пулдан тежаб, укам ва синглимга егулик, кийгулик олиб борардим. Ўқишдан бўш вақтларимда гугурт фабрикасида ишлаб, уч-тўрт сўм топардим. Кейинчалик уларни ҳам Тошкентга олиб келдим. Укамни пахтачилик техникумига қўйдим. Кейин университетнинг геология факультетига ўқишга кирди. Иброҳим Ҳамробоев раҳбарлигида фан номзоди бўлди. Мен устоз деганда, энг аввал Полвон Бобоевич Азизов, Иллариya Алексеевна Райковаларни кўз олдимга келтираман.

### ***Устоз-шогирдлик самараси***

Сўхбатимиз йўналиши ўз-ўзидан устоз-шогирдлик масаласига кўчди. Фурсатдан фойдаланиб луқма ташладим.

- Домла, ҳазрат Навоийда шундай сатрлар бор: “Агар шогирд шайхулислом, агар қозидур, агар устоз рози – Тангри розидур”, – деганлар. Демак, устоз-шогирдлик, бу қадим ота-боболаримиз замонларидан ўтиб келаётган анъана...

- Албатта-да. Устоз-шогирдлик тушунчаси биз учун энг юксак миллий қадриятдир. Асрлар давомида бунинг ўзига яраша қатъий тартиб-қоидалари шаклланган. Устоз қандай бўлиши керак, шогирдлик вазифаси, бурчи нимадан иборат. Қаранг, агар устоз рози бўлса, Тангри розидир, деяптилар Навоий бобомиз. Шубҳасиз, бу ақидага биринчи навбатда ўзлари амал қилганлар. Устозлари Лутфийга, Жомийга, Сайид Ҳасан Ардашерга, Хожа Аҳроп Валийга бўлган эҳтиромларини яхши биласиз. Самарқанд мусофирчилигида Фазлуллоҳ Абуллайс ҳазратлари кўрсатган оталарча меҳрибончиликни бир умр унутмаганлар. Кейинчалик Ҳиротга келган алломанинг фарзандларини ўз ҳимояларига олиб, уларни тарбиялаб вояга етказганлар.

Бунақа мисолларни кўплаб айтиш мумкин. Қозизода Румий ва Мирзо Улуғбекни олайлик. Қозизода Румий илм истаб Румдан, ҳозирги Туркиянинг Бурса вилоятидан Самарқандга келади. Бу ердаги алломалардан сабоқ олади. Кейинчалик шаҳзода Улуғбекка устозлик қилади, фалакиёт ва математика фанларидан билим беради. Мирзо Улуғбек тахтга ўтиргач, устозининг кўрсатмалари билан илм-фан ривожига катта эътибор қаратади. Мадраса қурдиради. 1420 йили қуриб битказилган мадрасага Устозини бош мударрис қилиб тайинлайди. Шундан сўнг, устоз-шогирд ҳамкорлигида расадхона қурилди, “Зижи Курагоний” ёзилди. Самарқанд фалакиёт ва математика академияси яратилди. Ўз навбатида, Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам Али Қушчи каби забардаст шогирдлар тайёрлади. Мирзо Улуғбек вафот этгач, Али Қушчи Туркияга кетиб, унинг ишларини да-



вом эттирди. Туркия илм-фанида катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Али Қушчидан кейин эса унинг набираси Мирам Чалабий бобоси Али Қушчи ва унинг салафлари Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек бошлаган ишларни такомилига етказди. Ана шу набира шогирднинг хизматлари туфайли Самарқанд академияси эришган ютуқлар географияси кенгайиб, Оврўпога ўтди. Ундан бутун дунёга ёйилди. Кўрдингизми, устоз-шогирдлик шартларига садоқат, унга қатъий амал қилиш қандай самаралар беради. Демак, устоз-шогирдлик анъанаси, бу – хусусиймас, айрим шахслар ўртасидаги муносабатлардан иборат эмас, балки ижтимоий ҳодисадир.

### *Устоз эмас, отамдай эди*

– Домла, ҳали Полвон Бобоевичнинг исмларини тилга олиб ўтдингиз...

– Полвон Бобоевич... Самарқанддан, эллик йил давомида университетга проректор бўлдилар. У киши менга устоз эмас, отамдай эди. Битта воқеани айтиб бераман. Қишда домламиз билан Москвага ўқишга бордик. Ассистентман. Оддий студент палтосидаман. Совуқ. Бир кун эрталаб айтдиларки, Жўравой, бир ерга борамиз дедилар. Тўғри Большой театр олдидаги ЦУМга бордик. Иккинчи қаватга, палтоллар бўлимига кўтарилдик. Бир палтони кўрсатиб, шуни кийиб кўринг-чи, дедилар. Йўғ-е, домла, палтом бор-ку, дедим. Пулини мен бераман, топганингизда берасиз, дедилар... Шу домла олиб берган палтони, қирқ беш йил бўлди, сақлаб қўйганман...

Домламнинг оилаларидан ҳар доим хабар олиб тураман. Рамазон байрамлари, ҳайит кунларида. Биласиз, биология факультетимизга Полвон Бобоевич Азизов номи қўйилган. У киши академик бўлмаганлар, лекин менга ўхшаган ўнлаб академикларни тайёрлаган одам...

***Нарвонни олиб кетмасин...***

– Домла, бир мақолангизда ўқидим. Олимнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида шундай бир образли ўхшатишни келтирибсиз. “Олим фан қасри тепасига чиқиб олгач, нарвонни ўзи билан олиб кетмасин. Ортидан келаётган шогирдларига ҳам йўл берсинки, улар ҳам фан чўққиларини эгаллашсин. Шогирд устозидан илгарилаб кетмас экан – фанда ривожланиш бўлмайди”, – дебсиз.

– Энди мен сизга айтсам, олимнинг олимлиги нафақат ўз ихтироларида, айти пайтда ўзидан ҳам кучлироқ шогирдлар тайёрлашида кўринади. Акс ҳолда фан ривожланмайди. Шогирд устози етиб келган нуқтадан яна олдинлаб кетсагина илм-фанда ўсиш бўлади. Кейин, талабасига фақат дарс жараёнида таълим, тарбия берган, дарсдан ташқаридаги ҳаётдан беҳабар, унга қизиқмайдиган кишига Устоз атамасини қўллаш ҳам унчалик тўғри эмас. Ўқувчисини, шогирдини ўз фарзандидай кўриб, уни юракдан тушуниб, керак бўлганида шахсий ҳаётига ҳам араллашиб унга ёрдам берадиган, суяйдиган инсонларнигина ҳақиқий устоз деб биламан. Бундан бошқасини тан олмайман. Чунки мен кўрган устозлар ана шунақа зотлар эди. Мустақиллик йилларида мактаб, коллежларимизда муаллимларга “устоз” деб мурожаат қилиш урфга кирди. Бу – яхшилик аломати. Зеро, тилда қайта-қайта такрорланган калом вақти келиб қалбга муҳрланади. Қалбдан жой олган сўз инсоннинг эътиқодига айланади.

***Мусаевдан ўзиб кетган шогирдлар***

– Устозим академик эмас эдилар, лекин менга ўхшаган ўнлаб академикларни тайёрлаган эдилар, дедингиз. Бу борада сизда қандай, шогирдларингиз...

– Мендан кўп сўрашади: сиздан ўзиб кетган шогирдларингиз борми, деб. Бор ва мен улар билан

фахрланаман, дейман. Алишер Тўраев – Австрияда – Вена университети профессори. Австрия номидан Японияга, Америкага бориб маърузалар ўқийди. Ҳар йили ёзда келиб мендан хабар олиб туради. Улуғбек деган шогирдим инглиз тилида китоблар ёзади. Англиянинг Кембриж университетиде докторлик стажировкасини ўтади. Ҳозир Чехияда. Битта шогирдим Америкада. Бунақалар кўп. Демак, Мусаевдан ўтиб кетган шогирдлар бир эмас, бир нечта, улар билан фахрланаман...

### ***Яхшиликни билмаган сассиқпопишак***

– Домла, Алишер Навоий бобомизнинг ҳалиги сатрлари беҳудага ёзилмаган-да, агар устоз рози – Худо розидир, деб. Шундай эмасми? Демак, ҳаётда Устозини норози қиладиганлар ҳам учраб тураркан-да.

– Афсус, учраб туради. Тарихда ҳам бўлган, ҳозирги кунимизда ҳам. Карл Линней деган швед олими ўтган. 18 асрда яшаган. Ботаника, зоология, минералогия соҳасида машҳур олим. Шу одам Сигизбек деган немис йигитини шогирдликка олади. Унга меҳр қўяди, тарбиялайди ва янги бир навни унинг номи билан атайди. Лекин Сигизбек, зоти паст эканми, юртига қайтгач, устози яратган навларни ўзиники деб эълон қилади, унга маломатлар ёғдиради, тухматдан ҳам қайтмайди. Ҳайратга тушган, дили оғриган Линней бир конвертга икки дона уруғ солиб, “кукулус ингратус” деган ёзув билан шогирдига юборади. Сигизбек уруғни экиб, ундирса, ўзлари етиштирган нав. Ҳайрон бўлади. Кейин ёзувга эътибор бериб, таржима қилдирса, кукулус ингратус “Яхшиликни билмаган сассиқпопишак” дегани экан... Энди мен сизга айтсам, умрим бўйи генетика, наслшунослик билан машғулман. Генда гап кўп. Масалан, янги нав яратиш учун жуда кўп навларнинг аслини ўрганишимга тўғри келади. Тоза уруғдан тоза

нав етишиб чиқади-да. Озгина адашсангиз, неча йил қилган меҳнатингиз чипакка чиқади. Одам боласида ҳам шундай. Совет даврида бундай қарашни қоралаб келишди. Лекин бу бор гап. Ўғил уйлантиришда, келин танлашда ота-боболаримиз бунга қаттиқ амал қилишган. Абдулла Ориповнинг бир шеърида “нима бўлса асли наслида бўлган” деган гап бор-ку. Худога шукур қиламан, шогирдларим ҳаммаси садоқатли. Ҳалигидақа беоқибат, сассиқпопишак шогирдлардан Ўзи асрасин.

### ***Аввал академикларимиз чиқишсин!..***

Бу ҳангома Жўра ака селекционер олимлар гуруҳига бош бўлиб Бухорога борганида бўлиб ўтган.

Ўшанда жойларда тадбирлар ўтказилган, маърузалар ўқилган. Қайтишда, самолётга чиқишда Жўра акани олдинга ўтқазилган, домла, сиз бошланг, дейишган. Жўра ака бошига беретка кийган, кичкинагина одам, энди трапга оёқ қўяман деса, норғул бир йигит шартта қўлтиғидан олиб, чеккага тортибди. “Шошмай турунг, аввал меҳмонлар, академиклар чиқиб олишсин!” Шу пайт ёнида турган масъул ходим хушёрлик қилиб, қулоғига нимадир деб шивирлаган экан, ҳалиги йигит шошиб қолибди, “Э, домла, минг бор узр, марҳамат, хуш кўрдик”, деганча Жўра акани трапга бошлаган экан...

Шунга ўхшаш ҳангома бухоролик машҳур шоир Садриддин Салим Бухорийнинг ҳам бошидан ўтган. Раҳматли Садриддин ака ҳам Жўра акадай миқтигина гавдали, кийиниши, юриш-туриши, серҳаракатлиги ҳам қуйиб қўйгандай унга ўхшарди. “Сўғдиёна” ўзбек давлат миллий чолғулар камер оркестри бадий раҳбари, профессор Феруза Абдурахимова у киши таржима қилган Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони” асосида

музикий композиция тайёрлайди-да, тақдимот маросимига таклиф қилади. Садриддин ака доимий икки ҳамроҳи – адабиётшунос олим Самаджон Азимов, “Бухорийлар авлоди” фирмаси директори Улуғбек Абдуллаевлар билан Консерваторияга кириб келишади. Уларни томоша залининг биринчи қаторига ўтқозишади. Тадбир бошланишидан хиёл аввал ташкилотчи бир аёл залга киради ва даставвал бухоролик меҳмонларга кўзи тушади. Шошиб уларнинг олдига келади-да, “кечирасизлар, бу ер расмий меҳмонлар жойи, орқароқда ўтиринглар”, дейди. Садриддин акаларга ўн бешинчи қатордан жой тегади. Тадбир бошланади. Композиция катта қизиқиш билан томоша қилинади. Қарсақлар, олқишлар билан бўлиниб туради. Тадбир сўнггида Феруза опа сўзга чиқиб, асар муаллифларини саҳнага таклиф қиларкан, биринчи бўлиб унинг таржимони Садриддин Салим Бухорий номини тилга олади. Шунда бу тантананинг асосий “айбдори” залнинг ўртасида, ўн бешинчи қаторда ўтирган еридан туриб, одамларни оралаб ўрта йўлакка чиқади ва саҳна томонга юради. Унгача бутун зал оёққа қалқиб, олқишлаб туради. Ҳалиги ташкилотчи аёл бўлса, ранг-кути учганча илжайиб, уни саҳна пиллапоясида кутиб олади. Ва қўлтиғидан тутиб, мулозамат кўрсатмоқчи бўлганида, Садриддин ака бунга имкон бермай, саҳнага чаққон чиқиб кетади...

### ***Пифагор ҳақиқати***

– Камтарлик, хокисорлик... – деди Жўра ака навбатдаги саволимдан сўнг бир зум ўйга толиб. – Филипп Честерфилдни биласиз, англиялик ёзувчи, шу одам “Ўғлимга насиҳатлар” китобида ёзади: Камсуқум бўлиш керак, чунки сиз ҳам, биз ҳам ҳалигидақа даҳолардан эмасмиз. Аср ўтиши билан унутиламиз. Ҳаёт

қисқа, ўзимизнинг майда-чуйда ютуқларимизни ҳикоя қилавериш билан одамларнинг меъдасига тегишдан фойда йўқ. Яхшиси, бошқалар гапирсин, дейди. Ёки Шамс Табризийга нисбат бериладиган ривоятни эсланг. Шамс Табризий бир олимнинг ҳузурига келди. Олим беписандлик қилиб, уни ярим соатча куттириб қўяди. Учрашганларида Шамс Табризий савол беради.

– Тақсир, Яратганнинг илмини нимага қиёслайсиз?

– Қиёси йўқ уммонга, – дейди олим.

– Шу уммондан одамизод илғагани қанчалик бўлса?

– Бир пиёла сувча бордир.

– Энди шу бир пиёла сувдан сиз англаганингиз қанча чиқар?..

– Ҳеч-ча, бўлса керак. Тақсир, ҳеч-ча, билимга бу қадар такаббурга кетиш тўғрими?!

Камтарлик ҳақида Пифагор қизиқ гап айтади: “Инсоннинг ҳақиқий қиммати унинг ўзини ўзига берган баҳосига тескари пропорционал, жамоатчилик берган баҳога эса тўғри пропорционалдир”. Биз қанча мен-мен дея кўкракка ураверсак, баҳомиз шунчалик тушиб кетавераркан. Атрофдаги одамлар, устозлар, шогирдлар, ҳамкасблар баҳо берса, бу ҳақиқий баҳо бўларкан. Мен устозларим Полвон Азизов, Иллария Райкова, Иброҳим Ҳамробоев, дўстим Ғайбулла Саломов, энди булар ўзим яқиндан билган одамлар-да. Ҳа, яна бир неча бор Шароф Рашидов қабулларида бўлганман, шу инсон ҳам ўта маданиятли, камтарин зот эдилар. Кейин машхур кўз шифокори, профессор Муҳаммаджон Комилов ва унинг ўғли, мана яқинда Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди, Холидбек Комилов... Бу одамлар ҳақида ўйлаганимда Пифагорнинг ҳалиги гаплари беихтиёр ёдимга тушади.

**Ён бериш йўқ...**

– Жўра Азимбоевич, Миллий университетда салкам олтмиш йилдан бери хизмат қилиб келасиз. Шу давр мобайнида эришган натижаларингиз...

– Энг аввал эришган натижамиз – ғўзанинг генетик – ирсий томондан тоза янги хил коллекциясини яратдик. Бу бой коллекция миқдор жиҳатдан 500 дан ортиқ. Сифати жиҳатдан дунёда биринчи ўринда туради. Америка иккинчи ўринда туради. Иккинчи: хромосомалар бўйича коллекция яратдик. Бу соҳада Америка биринчи, бизники иккинчи ўринда. Мана шу биз яратган коллекция-жамланма Ўзбекистонда янги навлар яратишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Биз мақтансак бўладиган яна бир ютуғимиз шуки, ўзимизда экиладиган ғўза ҳосилдорлиги яхши. Лекин тола сифати бўйича ҳозирча Миср пахтасининг сифатига етмайди. Олдимизда турган катта вазифа: ҳосилдорликни камайтирмасдан толанинг сифатини кўтаришдир. Ҳозир шу бўйича дунёда иккита марказда иш олиб бориляпти. Биринчиси Америкада, қишлоқ хўжалиги департаменти қошида марказий генетик марказ бор. Лаборатория мудури Сухуми Сааха – ҳинд олими, қирқ беш йил давомида иш олиб боради. Иккинчи марказ – Ўзбекистонда, Миллий университетда. Академиянинг генетика институти билан ҳамкорликда шу соҳа бўйича 50 йилдан ортиқ ёпиқ иш олиб бордик. Миср пахтасининг толаси сифати юқори бўлиш генларини, яъни ингичка тола генларини ўзимизнинг оддий пахтага ўтказиб, шунинг коллекциясини яратдик. Ҳали бундай Миср пахтаси толасига эга бўлган ўзимизнинг оддий пахта навлари бирор жойда яратилмаган. Энди шуни билгандан кейин америкалик иккита йирик олим – Кол деган генетик олим, кейин Сааха, 2003 – 2004 йилларда келишди. Биргалашиб конфереция ўтказдик. Биология факультетимизда Американинг ана

шу иккита йирик олими доклад қилиб берди. Кейин мен доклад қилиб, натижани айтдим. Ҳайрон бўлиб қолди. Ишқилиб, устоз-шогирдлар ғайрат қилиб ётибмиз. Ён бериш йўқ...

Сувратингга қараб қабул қиладилар, сийратингга қараб кузатадилар, дейишади. Кичиккина жуссали бу инсон нари-бериси билан икки соатлар давом этган суҳбат-мулоқотимиз давомида кўз олдимда улкан шахсга, Ватан, халқ, миллат ҳақида бирор оғиз ҳавойи гап айтмай ҳам ҳақиқий миллатпарвар, халқпарвар алломага айланиб борарди. Дарҳақиқат, академик Жўра Мусаев нафақат ўзимизда, балки халқаро миқёсда ҳам тан олинган олимдир. У беш ихтиро ва беш ғўза навининг муаллифи, 250 дан ортиқ илмий мақолаларидан 50 таси хорижда – Америка Қўшма штатлари, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Африка республикаси, Россия каби давлатларнинг илмий нашрларида чоп этилган. Булардан ташқари, унинг бевосита муаллифлиги ва раҳбарлигида умумўрта мактаблар, олий ўқув юртлари учун дарсликлар, монографиялар яратилган. Ўнга яқин фан доктори, 30 нафар фан номзоди унинг раҳбарлигида ўз илмий ишини ҳимоя қилган ва улар бугунги кунда республикамизда ва ундан ташқарида ҳам илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Аммо, унинг ўзи, гарчи саксон ёш устида бўлса ҳам, шу улуг ёшига, мавқе-мартабасига қарамасдан, тиним билмайди, кабинетида ўтирмайди, ҳар доим шогирдлари билан пахта даласида, тажриба майдонларида кезиб юради.

### ***Яратганнинг энг катта мукофоти***

Жўра ака, ҳайратли ўй-хаёлларимни пайқади, шекилли, энди мен сизга очиғини айтсам, бу кунларга етишим амри маҳол эди, деб қолди. Қирққа кирмасимдан ҳаммасига қўл силтаб кетишимга бир баҳя қолган эди.



Бу мен учун кутилмаган гап бўлди. Ялт этиб домлага қарадим. Ҳа, шундай, дея давом этди у. Ёшликда қийинчилик, очин-тўқин юришлар сабаб ошқозон касалини орттириб олган эдим. Охири бўлмагач, операция қилишди. Хотиним, менинг тузалишимдан умидини узиб, кўч-кўронини йиғиб, ҳатто дипломим, бошқа ҳужжатларни ҳам олиб отасиникига кетиб қолди. Тузалиб чиққанимдан кейин ажрашдим. Сайёрахон янгангиз ўшанда талабам эди. Лабораторияда, тажриба майдонларида ёнимдан кетмасди. Бир куни устозим Иллариya опа, Жўра, сенда гапим бор, деб қолди. Эшитаман, дедим. Баранов деган домла ўзининг студенткасига уйланди. Ўзидан тиниб, бахтли бўлиб кетди. Мен аёлман, сезиб юрибман, Сайёра сени яхши кўради. Унга уйлангин, ўзим ўртага тушаман, деди. Кўнмадим. Бу ақлга сиғмайдиган иш дедим. Мен домла бўлсам, у талаба. Бунинг устига ёшим ҳам анча катта ундан. Опа, яна бир ўйлаб кўрарсан, деди-ю, бошқа гап очмади. Бошим сурункали оғрир, баъзан уч-тўртта аналгин ичсам ҳам босилмасди. Оғриқнинг зўридан ҳатто ётиб қолардим. Шунақа пайтларда Сайёра атрофимда парвона бўлар, нима қилиб бўлса-да, дардимни енгиллатишга ҳаракат қиларди. Ўша кезларда унга кетма-кет совчилар кела бошлади. У ҳеч бирига розилик бермасди. Мендан садо чиқавермагани учун, бир куни ўзи ёнимга келиб, очикчасига гапиришга мажбур бўлди: Домла, агар рози бўлсангиз, умримни сизга бахшида этсам, деди. Одатда китобларда ўқиган, киноларда кўрган фидойи инсонларни мен ёнгинамда – Сайёрахон сиймосида кўриб тургандим. Турмуш қурдик, фарзандлар кўрдик. Баъзида телевизорда кўриб қоламан: аҳил яшадик, лекин оилада бўп туради, келишмовчилик, тушунмовчилик, бизда ҳам озми, кўпми бўлди... дейишади. Лекин бизда, Худога шукур, ўша озиям бўлмади шу чоққача. Ёнингда меҳрибонинг бўлса, дард ҳам сендан қочаркан. Бутун-

лай тузалиб кетдим. Аёлим ҳамиша ишларимда кўмакдош, шогирдларимнинг диссертацияларини кўриб беради, ўзбекча, русча саводи яхши. Нафақат ўзининг, балки укамнинг фарзандларига ҳам онадек меҳрибон. Битта мисол айтсам: баъзида хорижга сафарга бориб қолсам, ўзимизда камёб матолардан унга опкелардим. Ўзи киймай ҳаммасини сақлаб қўйган экан. Укам ўғлини уйлантирганда, бизлардан совға, деб ҳаммасини чиқариб берганди. Хуллас, аёлимни Яратганнинг менга энг катта мукофоти деб биламан. Агар Сайёра бўлмаганида, билмадим нима бўларди. Шунча ишлар олдимда қараб турган экан, ҳаммаси қолиб кетармиди...

### ***Ҳар ҳолда, нимагадир эришдик-да...***

Ўшанда Жўра Азимбоевич Мусаев билан биология факультети олдида, оппоқ гуллаб ётган ўриклар тагида хайрлашар эканмиз, бу учрашув охиргиси эмаслигига ишончим комил эди. Шундай бўлди ҳам. Чунки у фақат хизмат тақозоси билан кўришиб, уч-тўрт оғиз гаплашиб, кейин унутилиб кетадиган инсонлар тоифасидан эмас эди. Сабаб топилдими, қўнғироқ қилардим. Домла, фалон мавзуда (у адабиётми, санъатми ёки бирор арзирли шахс ҳақидами, фарқи йўқ) икки оғиз гапингизни ёзиб олсам, дердим. Сира рад қилмасди, учрашардик. Уч-тўрт дақиқали интервью олардим-да, гуруҳимга рухсат бериб юбориб, кейин соатлаб гаплашардим. Билмадим, Жўра акада Ғайбулла Саломов устозимни эслатадиган нималардир борлиги учунми, у кишига боғланиб қолган эдим.

2014 йил, сентябрь охирлари эди. Қўнғироқлашдим. Уйга келинг, ишга чиқолмаяпман, деди домла биринчи дафъа. Қўнғлим бир нохушлик сизди. Домла жиддийгина бетоб бўлса-да, ўзини тетик тутиб, анчамунча гаплашди. Мана шундай куз пайтлари, терим авжига чиққан маҳаллари уйда ўтиролмаслиги, Респуб-

лика бўйлаб сафарга чиқиб кетишлари, деҳқонлар, теримчилар билан учрашиб қайтишлари, ўшанақа сафарларда рўй берган воқеаларни хотирлади. “Мени битта нарса эзарди, ўзимни айбдордай ҳис қилардим, деди у бир маҳал маъюс тортиб. Еримиз чарчаб борарди. Пахтадан бошқа нарсани кўрмагач, чарчайди-да. Кейин вильт деган бало деҳқонни шўрини қуритарди. Марказ бўлса, ҳеч нарса билан ҳисоблашмасди, планни оширгандан ошириб борарди. Бу зуғуми билан қўшиб ёзишга, қинғирликка йўл очиб берди. Охири нима бўлди, биласиз. Йил бўйи даладан чиқмай меҳнат қилиб, косаси оқармаган ўзбек ёмонотлиқ қилинди. Хайрият, у кунлар орқада қолди. Еримиз ҳам, деҳқонлар ҳам енгил нафас олиб қолди. Худо хоҳласа, бу ёғи яхши бўлади. Бизнинг ишимизда ҳам янгиликлар кўп. Мана кўриб турибсиз, терим мавсуми ноябрга қолмасдан якунига етаяпти. Бундан ҳам эртапишар янги навлар синовдан яхши ўтди. Ҳар ҳолда, нимагадир эришдик-да...

Ҳар ҳолда, нимагадир эришдик-да... Домланинг бу гапидан, умримиз беҳуда кетмади-да, деган шукрона бир эътирофни туйдим ўшанда...

\* \* \*

**Илова:** *Ўша учрашувдан кўп ўтмай, октябрнинг сўнгги кунларида мамлакат Президенти ва давлат ва жамоат арбоблари имзоси билан таъзиянома эълон қилинди.*

*Унда, жумладан, шундай дейилган эди: Мамлакатимиз илм-фани оғир жудоликка учради. Биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Жўра Азимбоевич Мусаев 86 ёшида вафот этди.*

*Ж. Мусаев ўзининг 60 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти мобайнида Ўзбекистон Миллий университети ғўза генетикаси лабораторияси ва кафедраси*

мудири, профессори, Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири, директори, Фанлар академиясининг бош илмий котиби каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди ҳамда биология ва генетика соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, илм-фаннинг мазкур йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Академик Ж.Мусаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвони, “Буюк хизматлари учун”, “Эл-юрт хурмати” орденлари билан мукофотланган, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи даражали давлат мукофотиغا сазовор бўлган эди.

## ЖАҲОНГАШТА ОЛИМ

У баъзида вақт орттириб, кўпинча эрта баҳор кунларида она қишлоғи зиёратига отланади ва шунда беихтиёр севимли шоири Абдулла Орипов сатрлари ёдига тушади.

*Парчагина булут,  
чексиз осмон,  
адир ортидаги ёлғизоёқ йўл.  
Барча ташвишларни унутиб шодон,  
Қайтгим келаётир қошингга буткул...*

Бу қирларда унинг болалиги ўтди. У ҳам ўз тенгқурлари каби шўх, ерга урса кўкка сапчийдиган болакай эди. Аини чоқда ўта зукко ва топқирлиги билан ҳамқурларидан ажралиб турарди. Онасидан эрта етим қолган эса-да, етимлик кўрмади. Кенгбағир отаси, айниқса, етти отага татигулик тоғаси Абдулла Раҳматуллаев ўқимишли кишилар эди ва унинг бола кўнглини ўкситиб қўйишмади. Ҳамқишлоқлари-чи... Улар Убайдуллани олди-орқаси ҳамиша мақтаб юришар, ўз болаларига ибрат қилиб кўрсатишарди. Бозорполвон деган бир чапани дўкандор уни олдига ўтқазиб оларди-да, “Сен бола катта одам бўласан, ўқигин, ўқиган дунёни эгаллайди”, – дея уқдиргани уқдирган эди... Булар ҳаммаси кечагина бўлиб ўтгандай. Аслида эса орадан неча ўн йиллар кўз очиб-юмгунча ўтиб кетибди.

Болаликнинг бокира орзулари баҳор табиатидек беқарор ва бетизгин бўлади. У пешқадам ўқувчилардан ҳисобланса-да, мактабни битиргунича ҳам, келажакда ким бўлиши, қандай касбнинг бошини тутиши ҳақида бир тўхтамга келолмаганди. Натижада отаси ва тоғасининг истагига кўра Самарқанддаги қишлоқ хўжалик институтига ҳужжат топширади. Ортиқча

қизиқиши йўқлиги боис мандатдан ўтолмай қайтди-да, ўзи ўқиган мактабга ишга кирди.

“Мактабда ишлаб юриб, ўзимча журналистикага ҳавас қўйдим, – дейди у ўша йиллар ҳақида. – Тумани-мизнинг “Ғаллачи” деган газетасига мақолалар ёзиб юрдим. 1957 йил Тожикистонга, Душанбега бордим. Борсам, ўша йили ўзбек группаси йўқ экан. Бир китоб дўконига кирсам, битта русча китобни олишяпти. Олий ўқув юртлари маълумотномаси. Ўзбекистонни очиб қарасам, Ўрта Осиё давлат университети, шарқ тиллари факультети деб ёзиб қўйибди. Араб, форс, ҳинд, урду, турк тиллари ўргатиларкан. Араб тили деган жумлани ўқиганимдаёқ, бамисоли ток ургандай бўлди-да. Бирдан кайфиятим кўтарилиб, қишлоққа қайтдим...”

Ҳаммаси ана шундан бошланди. Ўқишга кирган голиб талабадек баланд кайфиятда уйига кириб келган Убайдулла ҳаммани ҳайрон қолдириб тантанали равишда ўз режасини эълон қилди: “Кейинги йил албатта ўқишга кирман, СаГУ (ҳозирги Миллий университет)нинг Шарқ факультетига!” – деди. Кучли иштиёқ унга куч-қувват бағишлади ва сўзининг устидан чиқиб, мақсадига эришди.

“Мендан ҳозиргача сўрашади, – дейди Убайдулла ака, – оилангизда диний пешволар бормиди, – деб. Йўқ, отам чорвадор бўлган. Араб тилига қизиқиш халқимизда динга, Қуръонга бўлган эътиқод, ихлос таъсирида пайдо бўлган. Мен ҳам шунинг учун қизиқиб қолган бўлсам керак. Қисқаси, тўрт йил ўқидим, яхши ўқидим. 1962 йилда Миср билан собиқ иттифоқ ўртасида Асвон тўғони қурилиши бўйича битим тузилди. Мутахассислар қаторида 4-курс талабаларидан икки киши кетдик. Битта нарса эсимда: кетишимиздан олдин ректоримиз, академик Обид Содиқов олди-га кирдик. “Сизлар биринчи бўлиб кетяпсизлар. Яхши

ишланг, сиз Ўзбекистон юзисиз”, – деди. Шу гапи сира эсимдан чиқмайди. Мисрдан бир йилдан кейин қайтдик. Бешинчи курсни тугатишимиз керак эди”.

Мисрда ўтган ана шу бир йил унинг бутун умрига татиғулик самара берди. Асосий вазифаси таржимонлик бўлган Убайдулла бўш вақтларини биринчи галда жонли араб тили, араб лаҳжаларини ўрганишга бағишлади. Бундан ташқари, Қоҳирадаги марказий кутубхонага аъзо бўлиб, китоб мутолаасига берилди. Бахтли тасодиф уни бу ерда ватандошимиз Мубашшир Тарозий домлага рўпара қилди. Тарозий домла унга кўплаб ноёб китобларни, жумладан, Ибн Арабшоҳнинг “Темур тарихида тақдир ажойиботлари” қўлёзмасини ўқишни тавсия этди. Воқеалардан олдинлаб шуни айтишимиз мумкинки, Убайдулла Уватов Соҳибқирон ҳақидаги мазкур асарнинг микрофильм нусхасини олиб қайтиб, уни она тилимизга ўгиради. Асар таҳлилига бағишланган номзодлик ишини ёқлайди. Таржимани китоб ҳолида нашр этишга эса фақат мустақилликка эришганимиздан сўнг – 1992 йилда муваффақ бўлади.

Нақл қилишларича, подшои одил Хорун ар-Рашид ўз ҳузурига дунё кезган мусофирларни чорлаб, саргузаштлар эшитишни яхши кўраркан. Ва уларга эшитганингдан эмас, кўрганингдан гапир, дер экан. Яъни, дунё кезган, дунё кўрганлар сўзи унинг ҳузурида эътиборда бўларкан...

“62-йил яна Мисрга келдим. Ироқда тўрт йил, Ливияда уч йил, Сурия ва бошқа давлатларда ишладим. Қаерда бўлмайин, ўзбекистонлик бўлганим учун, Имом Бухорийга ватандош бўлганим учун алоҳида илиқ муносабатни кўрдим, ишим ўз-ўзидан ўнгидан келаверди. Бу нимадан, албатта, илм шарофатидан. Ўтмиш аждодларимиз илм йўлида заҳмат чекиб, дунё кезиб, жуда катта кашфиётларга йўл очдилар. Биргина Маҳмуд аз-Замахшарий (1075–1144) ҳазратларини

оладиган бўлсак, у ногирон ҳолида (бир оёғи ёғочдан) дунёнинг ўнлаб давлатларида бўлади. Хоразмнинг Замахшар қишлоғида дастлабки сабоқни олгач, Бухорога кетади. У ердаги мадраса таълимини тугатгач, маълум давр хоразмшоҳлар саройида хизмат қилади. Ёшлигидан илмга чанқоқ йигит ўз фаолиятидан қониқмай, ўша давр илм-фан маркази Бағдодга жўнайди. Бу ерда ҳадис, фикҳ, наҳв, луғат илмлари бўйича пешқадам олимлардан сабоқ олади. Сўнгра Нишопур, Исфаҳон, Марв, Шом, Ҳижоз (Маккаю Мадина) шаҳарларида бўлади. Айниқса, Макка шаҳрида бир неча йил турғун яшаб кўплаб асарлар яратади. Унинг араб тили грамматикасига оид машҳур “Ал-Муфассал” асари шу ерда – Каъбатиллоҳ яқинидаги мўъжаз ҳужрасида ёзилади. Ўзи ўзбек бўла туриб, араб тили грамматикасини яратиши, араблар эътирофини қозониши, Жориллоҳ (Оллоҳнинг кўшниси) деган шарафли унвонга сазовор бўлиши, бундан ташқари, луғатшунослик, адабиёт, жуғрофия, тафсир, ҳадис ва фикҳга оид эллиқдан ортиқ асар ёзиб қолдириши... Булар барчаси илмга садоқатнинг, фидойиликнинг энг гўзал намунаси.

Бағдодда – илм, маданият тараққий этган шаҳарда... шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига аз-Замахшарий номи қўйилганини кўриб қанчалар қувонганман, учраган одамга Замахшарийга ватандош эканлигимни айтиб, мақтангим келганини ҳалигача ҳаяжон билан эслайман... Тунисда бўлганимда Абу Али ибн Сино номидаги залда мажлис ўтган. 99-йилда. Тасаввур қилинг. 56 мамлакатдан вакиллар келган. Бу кўнгилда қанчалик ғурур, ифтихор пайдо қилади. Анжуманнинг бешинчи куни ярим соат маъруза қилганман. Биринчи сўзим шу бўлганки, мен мана шу саройга номи қўйилган Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Замахшарий, Фарғонийлар юртидан сизларга салом



олиб келдим, деганман. Шундай қарсақлар бўлганки...

Бир шарқшунос, манбашунос сифатида бир нарсага амин бўлдимки, **ўтмиш алломаларимиз бизнинг бошимизни қиёматга қадар баланд кўтариб кетди.** Қаерга борсак, бизни бухорийлар деб аташади... Замахшарий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Фарғоний, Фаробий ворислари сифатида хурмат қилишади..."

Гувоҳи бўлганимиздек, қаҳрамонимизнинг ўзи ҳам жаҳонгашта, дунё кўрган, дунё таниган инсонлардан. У хорижнинг қайси давлатида бўлмасин, аввало китоб излайди, қадим манбалар ва албатта, у ерларда сақланаётган юртдошлар мероси билан қизиқади. Ватанига дахлдор ниманики топса, хазина топган мисол қувонади, уни тезроқ ватандошларига етқазиш учун ошиқади. Унинг Амир Темур, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Термизий, Замахшарий, ан-Насафий, Муборак ал-Марвазий каби алломаларга бағишланган ўнлаб асарлари шу тариқа дунёга келган.

"Халқаро ташкилотлар, хорижлик олимлар-тадқиқотчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш жуда ҳам муҳим масала, – дейди олим. – Буюк алломаларимиз қўлёмалари дунё бўйлаб тарқалиб кетган. Европанинг Лондон, Париж, Лейпцик, Вена шаҳарларида, айниқса, Араб давлатларида, Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, Маккаю Мадина шаҳарларида, Туркияда, Эронда, Ҳиндистон музейларида, архивларида жуда ҳам кўп бебаҳо қўлёмаларимиз сақланади. Уларни излаб топишимиз, лоақал фотонусхалар ҳолида бўлсин, юртимизга келтириб, нашр эттиришимиз керак..."

Ҳа, унинг фикри-зикри илм ила банд. Ҳаётининг мазмун-моҳиятини илмда, илм йўлида чекилган риёзатда кўради. Унинг дунёга келиб орттирган дунёси – илм, англаб етгани ҳикмати – илм. Оиласида ҳам, талабалар хузурида ҳам, шогирдлари, ҳамкасблари даврасида ҳам илм фазилати ҳақида сўз юритади,

илмга тарғиб этади. У ҳаётдаги жамики муаммо-мушкулотлар ечими илмда деб билади. Имом Бухорийнинг “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмайти ҳам” деган ҳикмати унинг учун бош шиор, ҳаётий дастуриламалдур.

Дунё илм билан қойимдир, дунёнинг ҳикмати, бардавомлиги олимлар хизмати билан таъминланади. Шу сабабдан ҳам илм соҳиби, илм заҳмати чеккан зот Яратган олдида ҳам, дунё аҳли олдида ҳам ҳамиша қадрланади, шараф топади. Зеро, Қуръони каримда бу ҳақда: “Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни баланд даража ва мартабаларга кўтарур” дея ваъда қилинганки, бунга биргина қаҳрамонимизнинг ёруғ толеи ҳам ёрқин мисол бўла олади.

*Парчагина булут,  
чексиз осмон,  
адир ортидаги ёлғизоёқ йўл.  
Барча ташвишларни унутиб шодон,  
Қайтгим келаётир қошингга буткул...*

Йўқ, у ҳаёт ташвишларидан чарчабмас, балки уни дунёга йўллаган, улуғ мақсадларга рағбат уйғотган мана шу заминни – Она қишлоғини қўмсаганидан бу ерга тез-тез келиб туради. Эрта ҳаётдан кетган онаси, уни ўқитмай вояга етказган отаси, тоғасига, мактабдаги устозларига, чапани Бозорполвонга миннатдорчилик туйғуларини изҳор этиш учун келади. Ва албатта, бахши термалари, дўстлар дийдори, мана шу қирлар, лоззорларда ҳамон чопқиллаб юрган беғубор болалиги соғинчи уни бу ёқларга бошлаб келади. Булар барчаси унга куч-қувват бағишлайди, янада янги мақсадлар – манзиллар сари интилишига рағбат беради...

\* \* \*

**Илова:** Убайдулла Уватов 1940 йил Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги Чучукота қишлоғида туғилган. Тарих фанлари доктори, профессор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи. Унинг докторлик иши **“Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни (Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий)”** мавзусида бўлиб, у Ўзбекистонда ҳадисшунослик бўйича ягона фан доктори ҳисобланади.

Убайдулла Уватов узоқ йиллар Имом Бухорий халқаро марказига раҳбарлик қилди. Айти чоқда Имом ат-Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот Маркази директори сифатида фаолият юритиб келади. 40 дан ортиқ китоб, 400 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

## ШАШҚАТОР ЁШЛАР ТАЪҚИБИ

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллар аввали.

Самарқанд. Асру Шом ораси.

Оппоқ соқоли кўксини тутган қария беш-олти ёшлар чамасидаги набираси ҳамроҳлигида яхудийлар маҳалласидан ўтиб бораяпти. Набиранинг кўлида кичик тугунча. Чол кўлидаги асога таянганча секин одимлайди. Набира зерикиб, атрофга аланглайди. Баъзан нимагадир хаёли чалғиб, жойида туриб қолади. Кейин анчагина илгарилаб кетган бобосига югургилаб етиб олади.

Қария нақшин бир дарвоза қаршисида тўхтайди. Набира тушуниб, дарвоза ёнбошидаги дарча зулфинини бир-икки қоқади-да, ортига чекиниб, бобосининг пинжига суқилади. Ичкаридан садо бўлавермагач, эшикни яна, бу сафар қаттиқроқ тақиллатиб келади. Ниҳоят, дарча ғийқиллаб қия очилади. Бутун тана-тўши билан дарчани қоплаган, оқ-қизил юзли, бағбақали киши келгувчиларни танийди. “Хўш?” дегандай уларга кўз қадайд.

– Абрамжон, яхшимисиз, – дейди чол синиқ кулимсираб.

– Ҳм, яхше, – дейди хонадон соҳибни дўриллаган овозда. Гарчи бу ташриф сабабини билса-да, оғизга бориб “келинг” демайди, “Хўш, хизмат?” дегандай кўз қадаб тураверади.

– Бугун рўзи пайшанба эди, Абрамжон, шунга...

Абрам деганлари бир зум сукут сақлаб, иккиланган кишидай пайсаллайди. Кейин чолга бош-оёқ бир кўз ташлаб чиқиб, раҳм қилган бўлади. Индамай дарчадан четланади. Болакайдан тугунчани олади-да, буларни ёлғиз қолдириб, нари кетади. Чол ҳовли этагига қараб юриб, бир дарахт тўнкасига оҳиста чўқади.

“Бобом ўшанда салкам юз ёшларда эдилар, – дея ёзади набира кейинчалик ўзининг эсдаликларида. – Аммо ҳар пайшанба куни бу хонадонга келишни канда қилмас ва албатта, мени эргаштириб олардилар. Гоҳида бувимни ҳам ҳамроҳ қилардилар. Бу ердаги кекса жийда дарахти тагида ўтириб, Қуръон тиловат қилар, шундай тиловат бошлалари билан кўзларидан шашқатор ёш оқиб, юзлари, оппоқ соқолларини юва бошларди...”

\* \* \*

Комилхон ҳали мактабга бормасиданоқ савод чиқарди. Бироқ унинг савод чиқариши, ўша давр тили билан айтганда, эскичадан эди. Унинг устози аввали бобоси Каттахон Хожа Даҳбедий бўлиб, нақшбандия тариқатининг сўнгги пири муршидларидан эди. Араб имлоси асосидаги туркий, форсий манбаъларни шарҳрос ўқийдиган, ёзадиган бўлди-ю, бироқ...

“Болалик экан, – дея кейинчалик эсдаликларида ёзади у, – эскича ўқиш, ёзишни билганимни синфдошларимга, ўқитувчиларимга айтгим, ҳаммасини қойил қолдиргим келарди. Лекин тушуниксиз бир кўрқув тилимни тутарди. 1868 йилда туғилган бобом Каттахон Хожа Эшон 1952 йилда, яъни саксон тўрт ёшида 20 йилга ҳукм қилинган эканлар (аввал отувага ҳукм чиқарилиб, кейин 20 йиллик қамоқ жазосига алмаштирилган). Биттадан битта гуноҳлари – илмли бўлганлар, шўронинг йўриғига юрмай билганларини одамларга ўргатганлари экан. Мениям эскича саводим борлигини билиб қолишса, унга бобоси ўргатган деб, уларни яна қамаб қўйишларидан кўрқардим, шекилли-да. Кейин билсам, ундан аввал ҳам икки марта – 1928 йилда ер-мулкларини тортиб олишиб, халқ душмани деган айб билан сургун қилишган, 1930 йилда эса яна 5 йилга қамаб юборишган экан”.

Ёш Комилхоннинг бир нарсага сира ақли етмасди: фариштадай беозор бобосини тинчгина яшашига нега йўл қўйишмади экан? Наҳотки, гуноҳи шунчалик қаттиқ бўлган?! Ундай деса, нега оддий одамлар бобосини яхши кўришади, худди Хизрни учратгандай атрофида парвона бўлишади. Ўтқазгани жой тополмай қолишади. Ҳатто бир сафар, (отасидан эшитгани бўйича) ўша учинчи марта қамалишидан олдин, бобоси тазйиқлардан бешиб, 1952 йилда Қашқадарёга кўчиб кетган экан. Лекин НКВД ходимлари из олиб, ўша ерга ҳам боришади. Тўрт комиссар Каттахон эшон яшаб турган қишлоққа кириб, кўчада ўйнаб юрган 7–8 ёшли икки болакайни гапга тутишади: “Сизларда катта эшон бор экан деб эшитдик, у киши қарда туради, кўрмоқчи эдик”, – дейишади. Комилхон битта нарсадан ажабланадики, ҳатто ўша болакайлар ҳам Эшон боболарини ҳимоя қилиб, комиссарларни чалғитади. Бошқа қишлоқни кўрсатиб юбориб, кейин бу чарм камзулли одамлар ҳақида оталарига хабар етказишади. Шунда қишлоқ катталари дарров керакли чораларни кўриб қўйишади. Болалар алдови туфайли овора бўлган НКВД ходимлари қайтиб келишганида Каттахон Хожа Даҳбедий йиртиқ-ямоқ чопонда, омочли бир жуфт хўкиз орқасида ер ҳайдаб юрган бўлади. Баҳорда шу тарзда омон қолган эса-да, ордан уч-тўрт ой ўтиб, уни ҳибсга олишади ва Тошкентга жўнатишади. Шуларни ўйлар экан, Комилхоннинг боши қотади: ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаган болакайларгача Эшон боболарини ҳукуматдан ҳимоя қилиб, жасорат кўрсатган бўлишса, у қандай ҳукуматки, элнинг ардоғида юрган бир зотни қайта-қайта қамайверди экан?! Мана шундай жумбоқли, зиддиятли ўй-хаёллар набирани эрта улғайтирди. Оқ-қорани танитди.

Раҳматли бобосидан, Муҳтарамхон тўтаси (бувиси)дан ўрганган билимлари мустақилликка қадар дярли ҳеч кимга керак бўлмади.

Ўз вақтида бобоси Каттахон Хожа, кейинчалик отаси Салоҳиддинхожа ҳузурига номдор-номдор олимлар келиб, турли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар, қандайдир ёрдамлар олишарди. Давр ўтиб, Комилхоннинг олдига ҳам келадиغان бўлишди. Бировлар китоб сўраб олар, бировлар айрим қўлёзмаларни таржима қилдириб кетар, бошқалари турли тарихий саналарни, воқеаларни ойдинлаштириб олишарди. Кунларнинг бирида умр йўлдоши унга жўяли “дашном” берди. “Қачонгача бировларнинг ишини қилиб берасиз? Ўзингиз ҳам ёзсангиз бўлмайдими?” – деди.

Ва шу баҳона бўлди-да, қўлига қалам олди.

“Шердор”даги ёзувлар... Унинг 1990 йилнинг 12 май санасида вилоят газетасида чоп этилган дастлабки тадқиқот-мақоласи ана шундай номланган эди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас “Обида нега нурамоқда” номли иккинчи мақола ҳам дунё юзини кўрди. Кўп ўтмай Республика матбуотида ҳам долзарб мавзудаги публицистик асарлари билан кўрина бошлади. Бу орада Истиқлол даври бошланиб, тарихчи-манбашунос олим Комилхон Каттаев учун чинакам фаолият майдони очилди. Муҳими шундаки, унинг ёзганлари беиз кетмас, эътиборсиз қолмасди. Масалан, нақшбандиянинг XVI асрдаги энг йирик намоёндаси, назариётчиси Махдуми Аъзам Имом ал-Косоний-Даҳбедий ҳазратлари ҳақидаги тадқиқотлари жамоатчилик эътиборига ҳавола этилгач, Оқдарё тумани Даҳбед кўрғонидаги Махдуми Аъзам ёдгорлик мажмуаси обод қилинди. Бу ерда халқаро анжуман ўтказилди. Ҳазратнинг асарлари ўрганилиб, нашр этила бошланди. Олимнинг яссавия тариқати пири муршиди Шайх Худойдоди Вали шахсияти, илмий меросига бағишланган рисоласи Ҳазратнинг Жомбой туманидаги зиёратгоҳининг обод этилишига, бу ерда ҳам халқаро анжуман ўтка-

зилишига сабаб бўлди. Имом Абдурахмон Дорамий ҳазратлари ўз вақтида “Имом уд-дунё” деб эътироф этилган ва ислом оламидаги олти буюк муҳаддис, жумладан, Имом ал-Бухорийнинг ҳам устози эканлиги саноклигина илм аҳлига маълум эди. Аммо ул зотнинг қаерда дафн этилгани тўғрисида турлича фаразлар илгари суриб келинар эди. Ёш олим (чорак аср муқаддам ёш олим дейишарди-да уни) бу масалага аниқлик киритди. Бобомерос кутубхонасида сақланаётган ноёб манбаълар, тарихий хариталардан фойдаланиб Имом Абдурахмон Дорамий мазорлари Тайлоқ туманидаги Испанди қишлоғи қабристонидан эканлигини исботлаб берди ва бу ерда ҳам Ҳазратнинг улкан мақбараси қад ростлади. Обод зиёратгоҳга айлантирилди.

Энди Чокардиза қабристонига келсак...

Мўътабар манбаларда мазкур қабристон Мадинаи мунавварадаги Боқия, Маккаи мукаррамадаги Муалло қабристони қаторида энг бузургвор ва муқаддас жой дея эътироф этилади. Аммо бу қабристоннинг номигина қолган, шўро мафкурасининг ғаразли кўрсатмаси билан Чокардиза устига (атайин) ғайридин аҳоли учун турар жойлар, турли иншоотлар, ҳатто молхоналар қуриб ташланган, азиз-авлиёлар қабртошлари иморатлар тағпахсаси ўрнида ишлатиб юборилган эди. Шу боисдан бу жойда ётган яқинлари ёхуд улуғ зотлар зиёратини истаб келганлар, сўзимиз аввалида айтиб ўтганимиздек, ғайридинлар эшигига бош уриб келишар, илтимосу ўтинчлар, ҳадялар эвазига ичкарига кириб дуои фотиҳа бағишлаб кетишга мажбур бўлишарди. Истиклол шарофати билан бу таҳқирли ҳолатга барҳам берилди. Чокардиза қабристони обод зиёратгоҳга айлантирилди. Илми калом асосчиси Абу Мансур Мотуридий мақбараси қад ростлади. Бу ерда Имом Мотуридийдан ташқари Имом Бурҳониддин Марғиноний, Имом Абу Лайсий Самарқандий, Имом



Абулқосим Самарқандий, Имом ал Кундий, Имом Насафий, Тафтазоний каби машхур ислом алломалари, шунингдек, 1141 йилда ҳозирги Булунғур тумани яқинидаги Дашти Қатувонда қорахитойларга қарши омонсиз жангда шаҳид бўлган ўттиз минг мусулмондан тенг ярми шу қабристонда дафн этилганки, тарихий манбаларда “Чокардизада минглаб ғозийлар, эътиқодчиларнинг тупроқлари бордир” дея таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас. Шу сабабли ҳам, айтиш мумкинки, Чокардизанинг обод зиёратгоҳга айлантирилиши халқимизнинг топталган қадриятлари, иззат-нафси ва ўзлигини тиклаш йўлидаги энг шижоатли қадамлардан бири бўлди. Дарҳақиқат, Чокардиза Самарқанднинг энг оғриқли нуқтаси, битмас жароҳати эди. Бу улуғ ва хайрли тадбирнинг амалга ошишида самарқандлик бир қатор қалби уйғоқ зиёлилар қаторида лавҳамиз қаҳрамони Комилхон Каттаевнинг ҳам бир неча йиллик изланишлари, елиб-югуришлари тurtки бўлганини таъкидлаб ўтиш биз учун ғоятда мароқлидир...

\* \* \*

Комилхон Каттаев Ўзбекистон Фанлар Академияси тизимида биринчи марта маданий обида ва қабр тошларидаги эпиграфик ёзувларни илмий тадқиқ этиш йўналишини бошлаб берган олим ҳисобланади. У Самарқанд Давлат музей-қўриқхонасида шарқ қўлёзмалари бўлими мудири, Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд бўлимида катта илмий ходим, сектор мудири, Самарқанд Давлат Чет тиллар институти шарқ қўлёзмалари маркази мудири, Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси қарори билан тузилган Шоҳизинда фонди директорининг биринчи ўринбосари вазифаларида самарали хизмат қилди. Айни чоқда Институт талабаларига дарс берди. 2000 йилдан бери Самарқанд вило-

яти Махдуми Аъзам Даҳбедий илмий-тадқиқот фонди раиси сифатида фаолият юритади. Бундан ташқари, у Самарқанд шаҳар ҳокимияти қошидаги топонимик комиссияда иштирок этиб, шаҳардаги ўнлаб тарихий манзиллар асл номини қайтарилишига муносиб ҳисса қўшди.

Комилхон Каттаев қадимшунос ва манбашунос олим сифатида республикамиз ва хориж матбуотида уч юзга яқин илмий-оммабоп мақолалар эълон қилди. Имом Дорамий, Имом Мотуридий, Имом Марғинович, Имом Растуғфоний, Абу Лайс Самарқандий, Имом Али Суғдий, Махдуми Аъзам Даҳбедий, Шайх Худойдоди Вали, Махдуми Аъзам Хоразмий каби алломалар, шунингдек, Чокардиза, Шоҳизинда зиёратгоҳлари, Регистон мажмуаси билан боғлиқ олтмишдан ортиқ китоблар нашр эттирди. Нафақат ўзимизда, балки Эрон, Қозоғистон, Тожикистон, Россияда ўтказилган халқаро анжуманларда ўзининг қизиқарли маърузалари билан иштирок этди. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги нишонланган 2007 йилда Комилхоннинг бир йўла 17 номдаги китоби нашр этилдики, шу рақамнинг ўзиёқ бу олимнинг қамров кўлами, иқтидори, салоҳияти борасида муайян тасаввур бера олади, деб ўйлаймиз.

Бир сўз билан айтганда, у “ёстуқин тошдин яратган” (Аҳмад Яссавий ибораси) олимлар қавмидан. Шу сабабдан самарқандликлар у ҳақда “Комилхоннинг оёғи етган жой обод бўлмай қолмайди” дея ҳазилу чин аралаш лутф қиладилар. У бўлса вилоятдаги қадимий зиёратгоҳларни кезиб чарчамайди. Тарихий обидалар ва қабртошлардаги битикларни синчиклаб ўрганади. Бу битиклар нафақат саналар, исми шарифлардан иборат, балки уларда тарих муҳрланган. Ҳамма гап уларни таҳлил қила билишда, гапиртира олишда.

\* \* \*

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллар аввали.

Самарқанд. Асру Шом ораси.

Оппоқ соқоли кўксини тутган қария беш-олти ёшлар чамасидаги набирасини бошлаб яхудийлар маҳалласидан ўтиб бораяпти. Набиранинг қўлида кичик тугунча. Чол қўлидаги асога таянганча секин одимлайди. Набира зерикиб, атрофга аланглайди. Баъзан нимагадир хаёли чалғиб, жойида туриб қолади. Кейин анчагина илгарилаб кетган бобосига югургилаб етиб олади...

Аранбоев исмли кимсанинг файзсиз ҳовлиси... Кекса жийда остидаги дарахт тўнқаси... Унга омонатгина чўкиб Қуръон тиловат қилаётган бобоси... Оппоқ соқол узра шашқатор думалаётган кўз ёшлар... Мурғак тасавурида қаттиқ ўрнашган бу манзаралар унга бир умр тинчлик бермайди. Уни бир умр таъқиб қилади...

## КЕЛАЖАК ОДАМИ

### *ёхуд бир умрга татиган ўттиз бир кун ҳикояти*

Баланд тепалик устидамиз.

Тўрт тараф заранг тоғлар. Тепалик этагидан бошланган мевазор боғ ва узумзорлар ўша тоғларга туташиб кетгандай. Кўкламни қаршилаётган дала-боғлар, қир-адирлар узра илиққина шабада эсади.

Чустлик боғбон-фермер Дагарбой ака иккимиз атрофни жимгина кузатамиз. Ҳамроҳим – андижон дўппили, мош-гуруч соқоли ихчам кузалган, истарали, қизғиштоб юзли, ўрта бўй, пишиқ гавдали тетиккина қария. Уни зимдан кузатарканман, суҳбатга калит сўз қидираман.

– Дагарбой ака, – дедим ниҳоят томоқ қириб олиб.

– Лаббай, биродар, – деди у ялт этиб қараб.

– Анови этақдаги теракзор кимники?

– Кимники бўларди, бригаданикида.

– Бригада?

– Ҳа, шу... Э, ўрганиш бўп қолган биргад деб, фермер хўжалигиники. Тераклар – ўртамиздаги мулк. Одамларим билан бирга экканмиз.

– Жуда сипта-я, буям экологияга боғлиқми дейман.

– Топдингиз, биродар. Бизда терак яхши ўсади. Тоғ ҳавоси. Еримиз, сувимиз тоза. Шундан бўлса керак, қурт-пурт тушмайди. Э, бу терак жонивор кони фойда, қаранг-да, терак дўппидай жойда ўсади. Нархини биласиз, фалон пул. Бир дўппи тилла деяверинг. Меҳнатиям йўқ ҳисоби. Остидан сув ўтиб турса, ҳар замонда бутаб кўйсангиз, бас, ўсиб ётаверади...

Шу билан бўлди, калит сўз қулфи дилни очди, қаҳрамонимиз суҳбат жиловини ўз қўлига олди.

– Энди биродар, ишни ҳаммаям қилаверади. Лекин, бундан бу ёғига сал ўйлаб, майнани ишлатиб (миyani демоқчи), иш қиладиган даврлар келди. Тадбиркорлик дейишадими бунинг?.. Ишнинг кўзини билиш керак, қисқаси. Илгари бунга ҳожат йўқ эди, тепадан “приказ” бериб, ўргатиб туришарди. Экишни бошланг, дейишарди, бошлардик. Ҳосилни йиғиб олинг, дейишарди, йиғиб олардик. Приказсиз бир иш қилиб кўринг эди, отти қашқаси бўп қолардингиз менга ўхшаб... Энди бунинг тарихи узун, – деди чўнтагимдан митти диктофон чиқарганимни кўрган Дагарбой ака, – бемалол ўтириб гаплашсак. Нима дедингиз?..

– Маъқул...

Юмшоқ майса устига юзма-юз чордона курдик.

– Отам раҳматли камсухан одам эди, – дея ҳикоясини келган еридан давом эттирди Дагарбой ака. – Аммо, лекин жуда бамаъни, донишманд эди. Айтган гапи тасдиғини топмай қолмасди. Армияда шопирлик қилганман. Қишлоққа қайтибам битта шалоқ аравани ҳайдаб юравердим. Отамга ёқмади. Болам, шу ишингни кўй, қанотимга кириб деҳқончилик қил, деди. Аввалига ёшлигимга бориб, бўйин бермадим. Қарасам, хафа қип кўяман. Шопирликни ташлаб, отамнинг қаватига кирдим.

Отам бадавлат деҳқон бўлган. Коллективлаштириш деган кампания касофати билан бор-будидан айрилган, шундан, киши билмас, ўқиб юрган экан. Мени деҳқончиликка ундагани эса, отамерос мулкларидан ишлашимни хоҳлаганидан экан, кейин билсам. Деҳқончиликка қайтдим. Бригадир ҳиммат қилиб беш сотих ер ажратиб берди. Бу – ўзингники, ул-бул нарса экиб оласан, деди. Боғ қилдим. Ўртасидан ҳовуз қазиб, атрофини гир айлантириб тол, терак экдим... Ўша пайтларда деҳқончилик ҳов пастликда, ота-боболаримиз тўқайзордан очиб олган ерларда

қилинарни. Бу атроф эса баҳорда бир кўкариб, кейин йил бўйи сарғайиб ётарди. Сув йўқ эди-да. Бир куни шу баланд-пастликларда айланиб юриб, калламга бир фикр кеп қолди. Хўп, сувни Ғовасойдан чиқариб бўлмайди. Лекин бу ёқдан, юқоридан тушириб келинса-чи?.. Излаб-излаб анови тоғнинг орқасига ўтдим. Сув шарқираб оқиб ётибди. Мўлжалладим. Қадамлаб чиқдим. Уч юз қадам чиқди. Қояни кесиб туширсак бас. Қишлоққа қайтиб, бригадирга учрадим. Йўқ, кечирасиз, аввал отамга айтдим. Отам бундай кўзимга қараб турди-да: “Ниятинг яхши, фақат жуда оғир-да, болам, – деди бош ирғаб. Оғир-у, қилса бўлади. Бригадирга учраб кўр-чи...” Бригадир эшитгиси ҳам келмади. “Э, жиян, чўпчагингни қўй. Вақтингам, кучингам бекор кетади. Зўри бекор миён мешиканад, деган тожикнинг гапи бор”, – деди.

Бўлмайди, бўлмайди билан икки йилни ўтказдим. Менам ўжарман, ўзимга ўхшаган ўнта “қирчанғи” болани гапга олдим. Чўпчагимга ишонтирдим. Ўн битта бўз болабелни маҳкам боғлаб турганимизни кўриб, бригадир охири рози бўлди. Отам “оқ йўл” тилиб, дуо қилди.

Чустга тушиб, яхши темирчи усталарни ишга солдик. Оғир-оғир чўкичлар, темир поналар, болға, кетмон, белкураклар ясаддик. Кейин “бисмилло...” деб тоғдан ошдик.

Биринчи ҳафта иш яхши кетди. Машаққат саккизинчи кундан бошланди. Ўйлаб кўринг, тўрт, беш, олти метр қалинликдаги қояни икки метр кенликда кесиб туширишимиз керак. Ариқ чуқурлашиб боргани сари чўкичланиб майдаланган шағални белкурак билан чиқариб ташлаш қийин бўлади. Челаққа солиб, арқон билан тепага тортиб олишимиз керак. Бир кунда ғайрат қилсак уч-тўрт қадам силжиймиз. Бунисиям майли, ажабтовур ишлар бўла бошлади. Эрталаб ариқ бо-

шига келиб қарасак, кеча кун бўйи челақлаб чиқарилган шағаллар пастга суриб туширилган, ариқ тўлиб турган бўлади. Э, ким қилган бўлсаям, фалон-писмадон... деб, йиғлашдан бери бўлиб, ариқни қайтадан тозалашга тушамиз. Биз ўлиб-тирилиб тош майдалаб ётамиз-да, бошимизга бекорчилар йиғилади. Биттаси ачинса, тўрттаси мазах қилиб кулади. Бирига индасак, бирига чидаймиз. Тишни тишга босамиз. Ачинганиям, кулганиям ёнимизга тушай демайди. Иш қурғур ҳам ҳадеганда илгари босмайди. Киши билмас ичимдан зил кетаман. Шерикларимга сир бермайман-у, кечқурун отамга ёриламан. “Бўлмаепти, қийналиб кетдик”, – деб йиғламсирайман. Отам раҳматли, вазмин одам, ортиқча гап қилмайди. “Бўлади, ўғлим, ғам ема”, – дея кулимсирайди.

Ўттиз бир кун ишладик. Икки юз етмиш метрли ариқ қазилди. Сувни очдик. Жилдираб ўтди. Ана энди дунё топган тентакдай ирғишлаганимизни кўрсангиз эди!.. Айтмоқчи, битта гап қоп кетибди-ку! Иш бошлаганимизнинг йигирманчи куни қишлоқ шўроси катталари дағдаға билан кеп қолишди. Ҳозирги ёшлар шунақа иш бошлаб қолишса, раҳбарлар бошларига кўтаришади. Бизни бўлса ер билан битта қилишди ўшанда. Ўзбошимчалар, бузуқилар, авантюристлар... яна алламбалолар деб булғалаб ташлашди. Кейин нима бўлди, денг. Тўққизта шеригимиз ишни тўхтатиб, қишлоққа кетишди. Ёнимда бир оёғи ногиронроқ оғайним қолди. Икки кун шундай ўтди. Учинчи кун ҳалиги тўққиз йигит кўзларида ёш билан қайтиб келишди. Биз ҳам индамадик, улар ҳам бир сўз демасдан ариққа тушишди. Шундан кейин ишимиз жадал кетди. Ҳалиги зуғум қилиб келганлар ўзлари билиб-билмасдан бизни қўллаб юборишганди. Буям Худойимнинг ҳикмати-да!.. Қолган кунлари чарчоқ нима билмадик. Қоялар ҳам энди сариеғдек кесила-

верди. Катта-катта харсанглар новвот бўлакларидек ушалиб тушаверди. Ишнинг ҳадисини олдик шекилли-да. Завқимиз ошгандан ошиб, бақир-чақир қилиб, ашулани ванг қўйиб ишладик. Ёшлик – мастлик экан-да, биродар. Одам кўмсайди ўша йилларни. Ўттиз бир кун деганда сувни очдик.

Ўша куни умримда биринчи марта отамнинг кўзида ёш кўрдим. Ўттиз бир кун... Нима демоқчи эдим-а... Ҳа, етмишдан ҳам ўтиб қўйдим. Мана шунча йиллик умрим бир бўлди-ю, ўша ариқ қазиган кунларим бир бўлди. Тарозининг икки палласига қўйсам, бу томон босиб кетади. Яратганнинг имтиҳони шундай бўлган экан-да, қисқаси.

1979 йилнинг кўклами эди.

Кўчат экдик. Ток қаламчалари ўтқаздик. Айтмоқчи, сув ўтганини кўриб, бригадир ҳам, хўжалик катталари ҳам ёрдамга келишди. Барака топкурлар, бетондан нов-ариқ ётқизишди. Техника беришди. Байрам бўп кетди, ишонсангиз.

Энди битта ақлли гап айтсам... Мен катталардан, раҳбарлардан ўпка қилмоқчи эмасман. Ҳаммасига сабабчи ўртадаги бадният кимсалар эди. Ҳамма замонларда топилади унақалар. Ҳозир йўқ дейсизми?.. Ишонсангиз, ҳозиргача устимдан чақув уюштириб турадиганлар бор. Парво қилмай қўйганман. Қолаверса, улар фитна қилгани сари худойим мени қувватлайди...

Ёнимизга одамлар қўшилди. Кўплашиб, мана шу кўриб турганингиз олмазор, ўрикзорларни яратдик. Нарёғини узумзор қилдик. Мени бригадир қилиб кўтаришди. Бригада еридан ташқари йигирма сотихдан эллик сотихгача ер бердик одамларга. Сув келиб, экиладиган ерлар бирдан кўпайиб кетганди-да. Ҳатто бизга ғайирлик қилган кимсалар ҳам қуруқ қолмади. Менга қолса, уларга бердирмас эдим. Отам койиб бердилар. “Бу гапингни қўй, ўша бечораларга ҳам бер-



гин”, – дедилар. “Ота, улар бечора эмас!” дедим. “Йўқ, улар бечора, аввал ўшалар олсин, ўшалар тўйсин!” – дедилар.

Хуллас, кўз кўрқоқ – қўл ботир, дегандек ўша дастлабки бир-икки йил ичида олам-жаҳон иш қилиб қўйдик. Ҳаммамиз ёшмиз, ғайратимиз ичимизга сиғмайди. Йилдан йил ўтиб, сув кўпайди. Боғдорчилик бригадамиз ҳам кенгайиб кетди. Йигирма беш йил бригадирлик қилдим. Кейин мана бу ёғига фермермиз. Мендан бошқаям яна беш-олтита фермерлик ташкил қилдик. Барибир ҳаммасига бошман. Ҳалиям “биргад бобо” деб, хурматимни жойига қўйишади.

Дунёда гап кўп-да. Ота-онамнинг гапини олиб кам бўлмадим. Шикаст емадим. Беш ўғлим бор, биттаси дўхтир бўлди, қолгани ёнимда. Болаликдан меҳнатга кўниктирганман. Мана энди ҳаммаси ишини билиб қилади. Бола-чақасига бош-қош, уй-жойи бадастир.

Ўзимга келсак, худога шукур, куч-қувватдан қолган эмасман. Уйда ўтиролмаيمان. Қолаверса, ҳозир айни ишлайдиган пайт келди. Биров халақит бермайди. Ақлинг, фаросатинг кўтарганча ишла, янгилик қил. Одамзотга ақл нимага берилган. Ўйла, фикр қил деб берилган. Ҳадеб заранг ерга кетмон урганинг билан косанг оқармайди. Ҳамма нарсанинг илми бор, ҳадиси бор. Масалан, қандай қилиб узумнинг ҳосилини ошириш мумкин?.. Етти йилча муқаддам Андижондан донасини қирқ сўмдан тўрт мингта ток қаламчаси келтириб ўтқаздим. Ўтган йил шунақа ҳосил бўлиб бердики, эски токзорим бир бўлди-ю, тўрт гектарлик янги токзор бир бўлди. Энди ана шу янги навни кўпайтириб ётибмиз. Бошқа фермерларга ҳам беряпман. Ҳали пастга тушганда кўрасиз: иккита омборхона қуриб қўйганмиз. Ҳар бирига ўн тоннадан узум осамиз. Остидан сув айланиб оқиб туради. Олтиариқлик оғайнимдан ўрганиб келганман бунинг илмини. Қиш чил-

ласида кирсангизам узум бошлари бир хилда ялтираб, карсиллаб турганини кўрасиз...

Дагарбой ака тин олиб, ўйга берилади. Гап қотмайман. Фикрини бўлгим келмайди.

– Ўн йилдан ошиб кетди, нафақа оламан. Лекин бир кунам ишдан қолгим келмайди, – дея давом этади суҳбатдошим. – Бирор сабаб бўлиб далага чиқмаган куним еганим ичимга тушмайди. Худди узумзорга мол-пол оралаб, тоқларни пайҳон қилиб ташлайдигандай, ёки ариқдан сув уриб кетиб, экинзорларни ювиб кетадигандай бўлаверади. Бу одамларимга ишонмаганимдан эмас, тўғри тушунинг, менга бу одат бўлиб қолган. Хўжалигимда ўттиздан ортиқ оила бор. Ана шу оилалар иссиқ-совуғига ўзимни жавобгар деб биламан. Ризқни худо беради, тўғри. Лекин мен шунга сабабчиман-да. Агар ҳосил бўлмай қолса, шунча оила – уч юздан ортиқ жоннинг ейиш-ичиши нима бўлади. Кўп болалилар бор. Самарқандда, Тошкентда, Наманганнинг ўзида ўқиб юрган талабалар бор. Уларнинг ўқиши, контракти нима бўлади, дейман...

Дагарбой аканинг сўзларига қулоқ тутиб, беихтиёр хаёлга бериламан. Юз йил яшасанг, юз йил сабр қилишинг керак, деганлар Навоий ҳазратлари. Яшаш – кураш дегани, яшаш – чидаш дегани... Мана шу одам меҳнат, меҳнат деб етмишдан ўтиб қўйди. Айтишларича, умрида санаторий нима, бошқаси нима билмаган...

Каромат юз берди. Хаёлимдан кечганларни уққан каби Дагарбой ака мавзуни ўзгартирди.

– Ҳар қанча ғайратли бўлма, қарилик таъсир ўтказар экан. Ҳозир аввалгидай елиб-югуришлар йўқ. Таллашиб-тортишиш, жиққамушт бўлишлар йўқ. Кейин ақл ҳам қуюларканми, дейман-да. Бақир-чақирнинг ўрнига муросою мадорага ўтиб қоларкансан. Аслида шуям ёмон эмас экан, яхши гап билан илон инидан чиқади, деган қадимгилар гапи тўғри экан...

Э, биз тенгилар чекига анча оғир ишлар тушди. Тақир ерда боғ қилдик. Ёшликди қуввати шунга кетди. Меҳнатнинг кетидан қувиб, етмишдан ўтиб қўйганимни сезмай ҳам қопман. Лекин кўнгил қурғур қаримас экан. Шу десангиз, спортга қизиқаман. Болаларга футбол стадиони қуриб берганман. Ўйнатиб қўйиб, томоша қиламан. Бригадамиз болалари (яна бригада деяпман-а) команда тузиб, бошқа жойларга бориб ўйнаб келишади. Совринга қўй, эчки ютишади. Энди битта гапни айтай: агар тўғри келса, чиқарарсизлар. Гапим шуки, боксчиларимиз зўр, курашга гап йўқ. Шахматам ёмонмас. Шу ўзбекди футболди қовушмаяпти-да, ўзгариш бор-у, кўнгилдагидай эмас барибир. Голландия, Хорватияга қойил қоламан. Қувайтгайм. Хорватлар бир миллионга етмайди. Футболчиларини кўринг, тап тортишмайди-я! Биласизми, сабаби нима: уларни болалигида қумлоқда ялангоёқ ўйнатишган. Болдирига тош боғлаб қўйишган. Қумда тийғониб, оёғидаги тошни кўтариб тўп тепган болани кенг майдонга қўйиб юборинг, кўрасиз қандай ўйнашини!.. Ўйлашимча, футболчиларимизда битта қусур бор, ғурур етишмайди чамаси. Агар ғурур кучли бўлса, машқ ҳам, маҳорат ҳам бўладиган нарса... Йигитларимиз мени кечирсин, маломат эмас, ачинганимдан айтаман-да, ахир, стадиондан бош эгиб чиқиб кетиш уларгайм осон бўлмаса керак...

Дагарбой ака ёшлар тарбиясидаги қусурлар, айниса, китобга қизиқишнинг сусайиб кетганидан ташвишланиб гапиреди.

– Мана Каттамиз, ёшлар учун жони ҳалак. Улар учун нималар ҳам қилмади. Лекин биз ота-оналар бифарқмиз. Болалар китоб ўқимай қўйган. Китоб ўқимаса, Худо берган ақл қотиб қолади. Мияни ишлатиш керак. Далада кетмон чопиб келиб, уйда телевизор олдида ёнбошлаб ётавериш яхши эмас. Илм йўртак-

дан деган гап бор-ку. Бизда, худога шукур, йўқ-ку-я, телевизорда кўраман, эшитиб юраман, наркомания деган нарса урчиб боряпти. Мен ўзим йигирма беш ёшимдан бу ёғига сигарета деган нарсани оғзимга олмайман. Отам бир оғизгина айтдилар, “Болам, шу ишингни қўй, чекмагин”, – дедилар. “Хўп, ота, чекмаганим бўлсин”, деганман. Унинг ўрнига яхши топиб, яхши едим. Вақт борида спорт билан шуғулландим. Ҳозир ҳам уч юз, беш юз метрлик пойгаларга ярайман-у, соқолимдан ийманаман. Лекин ҳар эрта туриб, ҳов ўша тоққа яёв бориб келаман. Кўриниб турган ҳов ўша сада – марра. Уч минг етти юз метр. Ўша сада тагида нафас ростлайман. Бир пас ёнбошлаб атрофни томоша қиламан. Кейин яна тушиб келаман. Ҳам бадан тарбия, ҳам боғдан хабар оламан. Кета кетгунча дарахт оралатиб атиргул эктирганман. Кўкламни охирлатиб шундай очилиб берадики, кўриб кўзингиз қувнайди...

Суҳбат яна анча давом этди. Кейин боғ ораладик. Дагарбой ака сайримиз сўнгида мени сувбошига олиб борди. Ҳаммаси худди тасаввур қилганимдек. Мана ўша машҳур ариқ. Шаффоф сув улкан қояларни қоқ иккига бўлиб, кўпикланиб оқиб ётибди. Тик қирғоқдаги бужур харсангтошларда чўкич излари...

Дагарбой акани кузатаман. Йўл бўйи тинмай гурунг бериб келган суҳбатдошим ўйчан тортиб қолган. Қадоқ қўллари мандаманга тираганча, қоятош устида ўтирибди. Назаримда, кўзлари ёшлангандай...

Минг тўққиз юз етмиш тўққизинчи йил... Ўн бир азамат йигит.. ва унутилмас ўттиз бир кун... Мана, ўша воқеалардан бу ёғига ҳам неча замонлар ўтди. Элга эл, ерга ер қўшилди. Демак, бу шарқираган оби ҳаёт қадр-қиммати яна ортди. Дагарбой Соатов айтмоқчи, умрга татиғулик ўша ўттиз бир кунда амалга оширилган ишнинг кўлами, салобати янада ойдин-

роқ кўринмоқда. Беихтиёр ўйга толаман: Дагарбой акани ушбу машаққатли ишга ундаган куч нима эди?.. Менимча, аввало ундаги бетизгин руҳий қувват, ғурур ва орият, қолаверса, ёшлигидан шуурига сингиб кетган ота-она ўғитларию ибратлари, албатта. Шулардан келиб чиқиб, мен бу отахонни келажак одами экан, дегим келади. Буни у кишининг ҳамон тиниб-тинчимаслиги, режалари, фикрлари, эртани ўйлаб бугунги амалу тадбирлар кетидан юрганлиги исботлаб турибди.

\* \* \*

*Илова: Мана, орадан неча ўн йиллар ўтса ҳамки, Дагарбой Соатов (1938–2012) ва унинг азамат шериклари томонидан амалга оширилган хайрли ишлар унутилмайди. Нафақат ғовасойлик ҳамқишлоқлар, балки Чустда, Наманганда, бутун водийда бу воқеаларни миннатдорлик билан ёдга олишади. Қолаверса, ҳадиси шарифда марҳамат қилинганидек, токи улар яратган боғдан одамларми ёхуд бошқа жонзотлар манфаатланар экан, уларнинг номаи аъмолига мўл-қўл ажру савоблар ёзилаверади.*

## ҚИСҚА ҲАМКОРЛИК ва ЎЛМАС, ЎЧМАС ХОТИРАЛАР

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари. Тошкентга янги келганман, Республика радиоси Адабий-драматик эшиттиришлар Бош муҳарририяти наср бўлимида ишлайман. “Янги ҳикоялар”, “Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари” туркумида эшиттиришлар тайёрлайман. Бир куни Андижондан Сотволди Ражабов деган ёзувчи акамиздан янги ҳикоя келди. Кейин ўзи телефон қилди. “Ҳикоям эфирга бериладиган бўлса, Фалончиевга (таниқли театр актёри) ўқитсангиз. Шу одамнинг овози раҳматли Наримон Латиповни эслатади”, – деб илтимос қилди. “Бўпти, ўқитамиз, гап йўқ”, дедим. Сотволди ака билан радиода озроқ бирга ишлаб, кўп нарса ўргангандим. Устоз қаторида кўрардим у кишини. Дарҳол Фалончиевга телефон қилдим. Ака, бир ёзувчи акамизнинг сизга ихлоси баланд экан, ҳикоямни шу кишига ўқитсангиз, деб илтимос қиляптилар дедим. Бўпти, ўқиймиз, гап йўқ, деди актёримиз ҳам гапни қисқа қилиб. Фақат икки ставка тўлайсизлар!..

Ана, холос, бу ёғи қизиқ бўлди-ку! Бухгалтерияга тушдим. Бунинг иложи йўқ, мана Москва тасдиқлаб берган норматив-ставкалар. Ундан чиқолмаймиз, дейишди. Марҳамат қилиб, “РД”га расмийлаштиринглар, минутига фалон сўмдан тўлаймиз... Бошим қотди. “РД”га фақат инсценировкалар, театр радиомонтажлари, радиокомпозициялар ва айрим эшиттиришларгина бадий кенгаш қарори билан қабул қилинар, улар вақти-вақти билан эфирга бериб туриларди.

Акани бир қувонтирмоқчи эдим, бўлмади-да, энди телефон қилиб масалани тушунтирсаммикан, деб ўйланиб кетаётсам, шундоқ ёнгинамдан ҳа, фалончи,

тинчликми, дейди биров ниҳоятда тиниқ ва янгроқ овозда. Бир овозки, менга болалигимдан таниш ва қадрли. Болалик орзуларимга эш, болалик туйғуларимни жумбушга келтириб, ҳайрату ҳаваслар дунёсига бошлаган соҳирий бир овоз. Бир пайтлар бу овоз эгасининг “Орзуларинг йўлида” деган тўрт-беш ҳикоядан иборат юпқагина китобчасини пахтазорда қўйнимда олиб юриб ўқиганман, унинг руҳий-ботиний дунёсидан бир қадар бохабар бўлганман ва уни қалбан ўзимга яқин кўриб қолган эдим.

Қодир ака<sup>1</sup> беозор кулимсираб қўл узатиб турибди. Дарҳол узр сўраб, саломлашдим. Тинчликми? Тинчлик, Қодир ака... Шу аснода миямда бир ўй ярқ этди: ҳикояни Қодир акага ўқитсам-чи. Анови актёрдан ўлса ўлиги ортиқ-ку! Лекин рози бўлармикан?.. Дарҳол муддаога ўта қолдим.

– Бир илтимосим бор эди.

– Эшитаман, эшитаман...

– Яхши бир ҳикоя бор. Жума куни эфирда турибди. Муаллифини танийсиз, ўзимизда ишлаганлар, кейин оилавий шароити туфайли кетиб қолганди. Сотволди ака.

– Ҳа, бўлди. Нима қиламиз, жонли ўқийманми ёки...

– Студия буюриб қўйганман, ёзиб оламиз, мусиқа билан безаб...

– Бу ёғи таниш-билишчилик денг, – ҳазиллашди Қодир ака.

– Ҳа, энди ўзбиримизни қадрламасак, ким ҳам қадримизга етарди, – дедим илжайиб.

– Тўғри айтасиз, – дея жиддий тортди Қодир ака. – Ана шу нарса танқис бўлиб боряпти-да бизда. Айниқса, касбдошлар бир-биримизни қадрлаш ўрнига, оёқдан чаламиз... – Қодир ака шундай деди-да, дарҳол ишчан қиёфага кирди. – Матни қачон оламан?..

<sup>1</sup> Ўзбекистон халқ артисти, машҳур сухандон Қодир Махсумов.

Қодир ака “матн” дерди, бошқалардек “текст” демасди. Қизиқ замон эди-да, бир сафар мен эшиттириш муқовасини ўзбекча тўлдирсам, аzza-баzza бош муҳаррир опамиз (раҳматли) ғашланиб, фалончи, нима, миллатчилик қиялпсизми, деганди).

– Ҳозироқ... Ҳатто студия ҳам тайёр, хоҳласангиз.

– Йўқ, бир соат муҳлат берасиз. Мен ҳикояни камида уч марта ўқиб, ўзимники қилиб олишим керак...

Елкамдан тоғ қулади-я! Бўларкан-ку, шундай улуғ одам, бетакрор овоз эгаси, танлаб-танлаб ўқийдиган одам... Ажаб, ҳатто гонорар ҳақида оғиз ҳам очмади-я!..

Буюклик соддалиқда, деганлари шу эмасми?! Халқ орасида “Қодир махсум” деган ном билан доврўқ чиқарган бу беназир иқтидор эгаси ана шундай одми, камтарин, бағрикенг инсон эди.

Бир суҳбатимизда Қодир ака “Бобурнома”дан гап очиб қолди.

– Э, маза қилдим, худди роман ўқигандай бўлдим, – деди ёш боладай ҳаяжонланиб. – “Сочининг савдоси тушди...” деган ғазалларини маст бўлиб ўқиб юрарканмиз-у, бу томонларидан беҳабар эканмиз. Қанийди шунини эфирдан беришнинг иложи бўлса...

– Нега иложи бўлмас экан?

– Бўлмайди-да. Ғазалларини ҳам тўхтатиб қўйишди-ку.

Индамай қолдим. Ўзи афсусли оҳангда давом этди.

– Ҳали йўллар очилади-ку, лекин... унғача овозим кетиб қолиши мумкин-да. Ёшам бир ерга бориб қолди... Мен бир бошлиқларга учраб кўрмоқчиман, рози бўлишса, бир чеккасидан бобма боб ўқиб, тасмага тушириб қўйсақ. Эфирнинг иложи бўлмаса, архивда туриб турар... Нима дедингиз?

– Яхши бўларди, Қодир ака, яхши ўйлабсиз...

– Муҳаррирлигини бўйнингизга оласиз-да, ортиқча иш бўлмайдимми?



– “Бобурнома” учун вақт топмасак, қандоқ бўларкин. Бу ёғи сиздай устоз...

– Э, мени қўяверинг, “Бобурнома”ни одамларимиз билиши керак. Бугун бўлмаса эртага эфирга кетади барибир...

Шундан сўнг Қодир ака неча бир эшикка бош суқиб, “отанг яхши, онанг яхши” қилиб, рухсат олди. Мен “Бобурнома”ни машинкада кўчиртира бошладим. Қодир аканинг одати – китобдан ўқимасди. Чунки ўқиётган матни орасига ўзига керакли ишоралар қўйиб чиқар, китобни эса бундай ишора-белгилар билан тўлдириб ташлашни истамасди. Ёзишни бошлашдан олдин Қодир ака неча бир мутахассис тилшунос, адабиётшунослар олдидан ҳам ўтиб келди, чамамда. Қисқаси, у жуда катта масъулият билан ёндошди бу ишга. Кейин ёзув бошланди. Одатда номдорроқ матн ўқувчиларни ёзув жараёнида тўхтатсак, хато кетди, шу жумлани қайта ўқиб беринг, десак, энсаси қотарди. Қодир ака бўлса аввалдан огоҳлантирди: Биламан, сиз андишали йигитсиз. Унақа қилманг, ёқмадими, хато кетдими, тўхтатинг, деб тайинлаб қўйди.

Шу тахлит иш бошланиб, йигирма дақиқадан ўн-тача эфирни тайёрладик. Кейин иш тўхтаб қолди. Менимча, студия танқислиги, машинкалар бандлигини баҳона қилиб, тихирликлар кучаявергач, Қодир аканинг ҳафсаласи пир бўлди, шекилли... (Орадан бир-икки йил ўтиб, “Бобурнома”дан биз тайёрлаган боблар эфирга амаллаб берилди. Шунда ҳам хавотири камроқ пайтлар, тун яримлаганда...)

Ўйлаб қарасам, Қодир ака билан ҳамкорлигимиз узоқ давом этмабди. Бироқ ундан қолган, эслаганда қалбни ёритгувчи, руҳни кўтаргувчи, яхшиликларга рағбат уйғотгувчи ўлмас, ўчмас хотиралар ҳали-ҳануз мен билан биргадир.

## КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Хотирам панд бермаса, 2002 йилнинг биринчи май куни эди. Маҳкам ака билан “Руҳият манзаралари” кўрсатуви монтажини тугаллаб, ташқарига чиқдик. Одатда, ишдан сўнг телевидение олдида тезгина хайрлашиб, мен метрога тушардим, у киши машинаси томон шошиларди. Ўша куни негадир шошилмадик. Метрога кираверишда анча суҳбатлашиб қолдик.

Яқинда ёмғир сепалаб ўтган, майингина шабада эсар, қуёш сийраклашиб қолган булутларни қизартириб, уфққа эниб борарди.

– Бўпти, бизга рухсат бўлмаса, – дедим-да, хайрлашгани қўл узатдим. Маҳкам ака “бўпти, омон бўлинг”, деб, “Пахтакор” стадиони томон йўлга тушди.

– Ҳа, Маҳкам ака, йўл бўлсин, – дедим ажабланиб.

– Бугун пиёдамиз...

– Метрода кетмайсизми бўлмаса?

– Озроқ яёв юргим келяпти...

У кишига ҳамроҳ бўлдим. Мустақиллик майдонига суҳбатлашиб кетдик...

\* \* \*

Маҳкам ака билан 1996 йилда танишганман. Телевидениега ишга ўтганимда у киши “Кўнгил кўчалари” телесериали устида иш бошлаган экан. Муҳаррир сифатида телесериал ижодий гуруҳига қўшилдим. Мен Маҳкам ака ҳақида у киши билан кўришмасимдан олдин ҳам муайян тасаввурга эга эдим. Юртдошим Машраб Бобоевнинг яқин дўсти, ҳамкори, унинг асарларини рўёбга чиқарган режиссёр сифатида ғойибдан танир ва ҳурмат қилардим.

Очиғини айтганда, телевидениега келиб нотаниш ўрмонга кириб қолгандай ҳис этдим ўзимни. Омадим чопди, шекилли, телесериалдан иш бошладим, теле-

видениени оёққа қўйган тажрибали режиссёрлардан бирига йўлиқдим. Кейинчалик “Руҳият манзаралари” кўрсатувини менга топширишганда сира иккиланмасдан Маҳкам ака билан ҳамкорликда ишлашни ихтиёр қилдим...

Уч-тўрт йиллик ҳамкорлигимиз бир бўлди-ю, ўша кунги ўн беш-йигирма дақиқа яёв юриб, суҳбатлашиб кетганимиз бир бўлди. Олтмишдан ошиб қолган эсада, ғайратдан қолмаган, фикрчан, таъсирчан бу одамни қайтадан кашф қилдим...

\* \* \*

Инсоннинг ибтидоси – болалик. Ҳамма нарса ана шу ибтидода ҳал бўлади. Табиат ҳам, хулқ-атвор ҳам, дунёқараш ҳам. Шу маънода мен Маҳкам аканинг болалик саргузаштларини эшита туриб, унинг шахсиятидаги фазилатларнинг туб асосига, моҳиятига етгандай бўлдим.

\* \* \*

Маҳкам аканинг ота-боболари асли чинозлик экан. Тақдир тақозоси билан улар Қозоғистон (Сайрам)га кўчиб кетишади. Маҳкам ака Сайрамда туғилади. Олдин дунёга келган фарзандлар турмаганлиги сабабли унга Маҳкамбой деб исм қўйишади.

Ота урушдан қайтмайди.

Она бир этак бола билан чирқираб қолаверади. Тирикчилик тошдан қаттиқ. Аёл ёлғиз қўл, бош фарзанди Маҳкам эндигина ўнга кирган. Нима қилиши керак? Ўзини ўтга, чўққа уриб, бир амаллаб юз сўмча сармоя тўплайди. Шу пулга бир кило ун келтириб, нон ёпади. Маҳкам эса уни саватга солиб гузарга опчиқиб сотиб келади. Она-бола ўтириб, кирим-чиқимини ҳисоблаб қарашса, иккита нонга етгулик пул фойдага қоляпти. Жувоннинг кўнгли хиёл ёришади. Ҳар тугул

гўдаклари оч қолишмайди-ку. Кунлар шу зайлда ўта бошлайди. Она тонг саҳарда тандирга ўт қалаб, нон ёпади. Бола сават тўла нонни кўтариб, гузарга чиқиб кетади. Ҳадеганда саватчадаги нон тугаб битмайди. Нонхўр кўп, нон сотиб оладиган кам. Бола чарчоқдан, зерикканидан дам-бадам мудраб қолади ва бундан ўзи чўчиб кетиб, дарҳол саватдаги нонларини кўздан кечиради. Айтиб бўладими, атрофда яхшидан ёмон, тўқдан оч кўп. Бирортаси кўзи илинганини пайқаб қолса, сават-павати билан кўтариб кетиши ҳеч гапмас. Кўрққанидай бўлади ҳам. Бир куни кўзини очиб қараса, ҳали бир донаси ҳам сотилмаган бир сават нон таг-туғи билан йўқ. Эрталаб вақтли тургани, қорни очлиги, бунинг устига ҳавонинг димлигидан бўшашган бола дарахтга суяниб ўтирган ерида ухлаб қолганидан бирор шарпани пайқамабдиям. Энди нима қилсин, атрофдагиларга сир бермай анча кутади, ичини ит тирнаб бораётган бўлса-да, дод-фарёд солмайди. Балки бирортаси ҳазиллашаётгандир, деган илинжда атрофга зимдан назар солиб, анчагача айланиб юради. Аҳвол жиддийлиги, ҳеч ким ҳазиллашмаганига иқроп бўлгачгина уйига жўнайди. Эшикларига рўпара бўлиши билан изиллаб йиғлаб юборади. Аясига нима дейди? Укаларининг оғзига бугун нима тутишади? Эртага қайси пулларига ун олиб, нон ёпишадию рўзғор ўтказишади?!

Кутгандай аяси уни уришиб ўтирмади, лекин ўғлига кўшилиб йиғлаб олди. Бу эса Маҳкам учун ургандан, уришгандан баттар таъсир қилди.

Наилож, болаликнинг қўли калта. Уйига кириб қамалиб олишдан бўлак чора тополмади...

Кечга томон эшик тақиллади.

Аяси чиқиб ким биландир гаплашиб қайтди-да, кейин ўғлининг ёнига кулимсираб кириб келди... Маълум бўлишича, боланинг тошдек ухлаб қолганини

кимдир айтганми, ўзи хабар топганми, гузар чойхона-чиси нонни савати билан аста кўтариб, чойхонасига олиб кириб қўйибди. Бола уйғониб, гарангсиб юрганини кузатиб туриб ҳам индамабди. Сабоқ бўлсин деган шекилли-да. Кейин нонни сотиб, кечкурун ишдан қайтишида пулини буларга бериб кетибди...

Қирқ еттинчи йилда пул алмашади. Қарор чиқишидан атиги бир кун олдин улар бисотидаги биттагина сигирларини тўрт минг сўмга сотиб келишган бўлади. Энди нима қилиш керак? Пул алмаштиришга бор-йўғи ўн кун муҳлат берилган. Одамлар қоп-қоп пул кўтариб, бозору дўкону кассаларга югуриб юришибди. Маҳкамнинг қўлида ҳам бир тугунча пул – эртадан кечгача навбатда туради. Қаники, навбат етиб келса, ўн кунки, аҳвол шу. Охирги дақиқада бир одам унинг тўрт минг сўмини тўрт юз қилиб алмашлайди-да, қўлига икки юз эллик сўм тутқзади. Ва улар ана шу 250 сўм билан қайтадан ҳаёт бошлайдилар...

Эллик учинчи йилда мактабни битириб, Тошкентга ўқишга келади. Ўқишга жойлашиб талаба бўлади. Бироқ икки ой ичида аяси бериб юборган икки юз сўм пулдан чўнтаги тагида уч сўмгина қолади...

Нима қилсин, қорин дегани ёш боладай тийиқсиз, чўнтагингда пулинг борми-йўқми, у билан ҳисоблашмайди. Ейман, ичаман дейди... У бир куни ихтиёрсиз равишда Тошкентда яшайдиган қариндош бўлмишлариникига қараб йўлга тушади. Ҳол-аҳвол сўраб, баҳонада чой-пой ичиб қайтарман, мавриди келса, уч-тўрт сўм қарз ҳам олиб турарман, деган хаёлда эди. Йўлда кўнгилсизлик бўлиб ўтади. Трамвайга осилиб, чиптасиз кетаётгани учун жарима тўлайди. 30 тийин ўрнига уч сўмлик чек йиртиб беришади унга. “Ҳеч қиси йўқ, ҳозир қариндошларимдан қарз оламан-ку”, дея ўзини юпатади. Ниҳоят, нажот истаб борган эшигидан ичкари киради. Ҳали рўпара бўлган поччасига салом беришга

улгурмасдан, ҳовлида бақир-чақир бўп кетади. Ота ҳе йўқ, бе йўқ ўн ёшлардаги ўғилчасини шапалоқлаб қолади. Шапалоқ еган болакай ҳайрон, нимага урасиз, нима қилдим ман, деб йиғлашга тушади. Ҳовлида мулзам туриб қолган талаба йигитча қариндошлари билан саломлашган, сўрашган бўлади-да, изига қайтади...

Осмон йироқ, ер қаттиқ. Талаба ўртоқлари ҳам ўзи каби. Шаҳарда таниш-билиш, қариндош йўқ. Борлариям ҳалигидай... қолаверса, бировдан ўпкалайдиган замон эмас. Ўқийман деб келдингми, ўқигин, чидагин. Лекин бир мартагина қишлоғига бориб келса бўлди эди, бу ёғи юришиб кетарди. Аяжони ер тагидан бўлса-да, унга етгулик уч-тўрт сўм топиб берарди... Қишлоққа етолмай тургани чатоқ бўлди-да. Шунда (кимлигини эслолмайди) биров унга маслаҳат беради – анови ошхона олдидаги кўмирни ташиб берсанг, ҳам қорнингни тўйғазишади, ҳам йўлкира ишлаб оласан, дейди.

Содда йигитча бажонидил ишга киришади. Челақлаб, ким билсин, қанча кўмирни ичкарига ташийди. Кейин ювиниб, тараниб олади-да, қимтинибгина ошхонага кириб боради. Бироқ у билан бировнинг иши бўлмайди. Нима иш қилдинг, нима дардинг бор, деб сўрагувчи мусулмон топилмайди. Йигитча ўсал бўлиб чиқиб кетади...

Хуллас, Маҳкам Муҳаммедов деган доврўқли бир режиссёримизнинг болалиги, ўсмирлиги шу тарзда кечган экан...

Қийинчилик одамни тоблайти, ҳаётни, одамларни қадрлашга ўргатади, дейишади. Лекин аксинча ҳам бўлиши мумкин. Қийналган, ноҳақлик кўрганларнинг айримлари жиззаки, аламзада бўлиб ўсиши ҳам мумкин. Бу ҳам яна келиб тарбияга, муҳитга, қолаверса, зоту зурриёдга боғлиқ бўлиб чиқса керак-да...

\* \* \*

У ота тарбиясини ололмади. Бироқ ҳам ота, ҳам она бўлиб бошини силаган аясининг измидан чиқмасликка интилди. Ҳалиги етти ёт бегона чойхоначига ўхшаган зотлар ғамхўрлигидан керакли сабоқлар олиб борди. Донишманд бувисининг панд-насихатлари, узоқ кечалари айтиб берган ҳикояту ривоятлари маънисига етишга, уларни онг-шуурига сингдиришга ҳаракат қилди... Дарвоқе, бувиси ҳақида...

Ўшанда улар Чинозда истиқомат қилишаркан. Унда ҳали Маҳкам ака дунёга келмаган, отаси эса унаштириб қўйилган қаллиғини тушириб олиш тараддудида уч-тўрт танга ишлаш мақсадида мусофирчиликда юрган кезлари экан. Сафар чўзилиб кетади, шекилли, у онасидан мактуб олади. Хатжилддан бир сўз ҳам ёзилмаган оппоқ қоғоз, қоғозга илашиб биттагина сомон парчаси чиқади. Жилдда яна тугмадеккина кўмир ҳам бор. Ўғил ҳаммасига тушуниб, аввалига кулиб юборади. Кейин мулзам тортганича, Чиноз томонга жадал йўлга тушади.

\* \* \*

...Пойтахтдаги “Қозигузар” маҳалласида амалга оширилаётган хайрли ишлар тўғрисида “Ҳиммат” туркумида кўрсатув тайёрлаш учун бордик. Қайтишда Маҳкам ака менга бир қоғоз тутқазди.

– “Қалб гавҳари” учун қаҳрамон топдим. Мана исми-шарифи, телефон рақамлари, – деди кулимсираб.

– Ростанми, ким экан бу киши, – дедим қоғозга кўз югуртириб.

– Чилангар уста. Лекин унча-бунча олий маълумотлига гап бермайдиган зукко одам экан... Боғланиб кўрсангиз, амин бўласиз.

Кўп ўтмай яна “Қозигузар”да бўлдик, чилангар Абдуҳамид Далилов устахонасида, хонадонидида у билан суҳбатлашдик ва суҳбат асносида тайёрлаган кўрсатувимиз оғизга тушди. Айтмоқчиманки, Маҳкам ака одам танлашни билади. Суҳбатдошининг икки оғиз сўзидан унинг кимлигини, шунчаки сўзамолми ёки маънили одамми, фарқлай олади. Бизнинг бир қатор кўрсатувларимиз қаҳрамонига айланган, серзавқ донишманд отахон – темирчи уста Мақсуджон Исломов билан ҳам Маҳкам ака сабаб бўлиб танишган эдик. Айнан Маҳкам аканинг таклифи билан профессорлар Лола опа Хўжаева, Шуҳрат Аббосов, Абдувоҳид Абдуғаниев ҳақида, кекса маориф ходими Сирожиддин Мақсудов, адибларимиз Машраб Бобоев, Сунатилла Анорбоевлар, журналист Холида Аҳророва иштирокларида тайёрлаган кўрсатувларимиз, ўйлашимча, қўлимиздан келганча қилган хайрли ишларимиздан бўлди.

Дарвоқе, Машраб Бобоев... Маҳкам ака у билан кўп йиллар ҳамкорлик қилганини бошқалар ҳам кўп айтишади. Аммо бу ҳамкорлик фақат иш юзасидан бўлиб қолмаганига, улар ҳаётда ҳам жон-жигардек бўлиб кетганига шахсан мен ўзим ҳам гувоҳ бўлганимни айтиб ўтмоқчиман. Ҳали эслаб ўтганимдек, “Кўнгил кўчалари” телесериали устида бирга ишладик. Мен уларнинг битта сўз, битта тасвир масаласида жиққа мушт бўлишлари, лекин ҳаял ўтмай апоқ-чапоқ бўлиб кетишларини кузатиб хайратга тушардим. Машраб аканинг сўнгги кунларигача Маҳкам ака ундан бохабар бўлиб турганлиги, қанчалар қайғургани, вафоти куни тонг саҳарда менга кўнғироқ қилиб, йиғлаб юборганини эсларканман, бу одамнинг содиқ дўст бўла олишига, ҳар қандай ҳолатда одамнинг қадрини юқори тута олишига амин бўламан...

Бошқа яна нималар дейишим мумкин. Ортиқча таъриф-тавсиф, ҳамду сано одам боласига муносиб



эмас. Аммо кўнгилдаги гапларни изҳор этиш, ҳадиси муборақда таъкидлагани каби ўринлидир. Мен шундан келиб чиқиб, нималарнидир деган бўлдим.

\* \* \*

**Илова:** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Маҳкам Муҳаммедов телевидениемиз “қалдирғочлари”дан. У кўп йиллар бу даргоҳда режиссёр ва бош режиссёр вазифаларида ишлаган. Биринчи ўзбек телевизион фильми ва ўзбек телесериали ҳам айнан ана шу санъаткор томонидан яратилган. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падарқуш”, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши”, Нозим Ҳикматнинг “Ажал шамшири”, Парда Турсуннинг “Ўқитувчи”, Лев Толстойнинг “Кавказ асири”, Чингиз Айтматовнинг “Биринчи ўқитувчи” асарлари асосида телевизион спектакллар кўйган. Шунингдек, Абдулла Қаҳҳорнинг “Кўшчинор чироқлари”, Жонрид Абдуллахоновнинг “Азизахон”, Машраб Бобоевнинг “Ирода”, Хайриддин Султоновнинг “Мозийдан бир саҳифа”, Комил Авазнинг “Сақили наво” сингари асарлари асосида кўп қисмли телевизион ва видеофильмлар суратга олган. Айниқса, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романи асосидаги 15 қисмли ва Машраб Бобоевнинг “Кўнгил кўчалари” номли 51 қисмдан иборат телесериаллари алоҳида эътироф этилган. Маҳкам Муҳаммедов кўп йиллар Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят драма театрида бош режиссёр вазифасида ҳам фаолият кўрсатган. Машраб Бобоевнинг “Ўттиз ёшлилар”, “Ер томири”, Вильям Шекспирнинг “Ричард III” сингари пьесаларини муваффақиятли саҳналаштирган. Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрида бош режиссёр бўлиб ишлаган кезлари саҳналаштирган Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема”, Раҳмат Файзийнинг

*“Ўз уйингдасан”, Виктор Гюгоннинг “Гаврош”, Чўлпоннинг “Асорат”, Анвар Обиджоннинг “Қўнғироқли ёлғончи” спектакллари ҳам жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинган. У яна Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятлари театрларида, Қўқон шаҳар драма театрида қатор асарларни сахнага қўйган. Маҳкам Муҳаммедов кўп йиллардан бери Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида сиртқи ва кундузги бўлимнинг “Телевидение режиссёрлиги”, “Санъатшунослик журналистикаси”, “Театршунослик” йўналишларида ўқиётган талабаларга сабоқ бериб келади. У Театр ва телевидение режиссурасига бағишланган ўнлаб мақолалар ва китоблар муаллифи ҳамдир.*

## РЕЖИССЁР БЎЛИБ ТУҒИЛАДИЛАР

“Режиссёр бўлиш учун... режиссёр бўлиб туғилиш керак!” Талабаликдаги устози Иосиф Радун бу гапни тез-тез такрорлаб турарди. Бу гап баъзан уни қувватласа... баъзида – омади юришмай, ўйлагани юзага чиқавермай қийналиб қолган кезларда кўнглини совутар, ўзига нисбатан ишончи йўқолар ва барчасига кўл силтаб кетгиси келарди...

У санъаткорлар оиласида туғилди.

Институтни битиргач, бир қанча театрларда ишлаб, кейин тақдир тақозоси билан Республика телевидениесига ишга келиб қолди. У ҳақида орқаворатдан эшитиб юрардим, албатта. Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти театрида саккиз йил ишлаб, йигирмадан ортиқ замонавий ва классик асарларни саҳнага олиб чиққани, бу асарлардан бир қанчаси, жумладан, Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек”, Бертольд Брехтнинг “Шаддод она”, Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг “Семурғ” асарлари асосида тайёрланган спектакллар республика ва собиқ иттифоқ фестивал-танловларида ғолиб бўлганлиги, пойтахтга қайтиб, немис драматурги Бертольд Брехтнинг “Сичуанлик меҳрибон” драмасини Ёш томошабинлар театрида, Шароф Бошбековнинг “Тақдир эшиги” пьесасини Академик Миллий театрда саҳнага қўйиб, жамоатчилик эътиборини қозонганидан ва етарлича рақобатчилар орттирганидан ҳам хабарим бор эди. Очиғи, ҳеч қутилмаганда (1997 й) унинг телевидениега келиб қолишида, яъни театр режиссёри сифатида энди-энди ном чиқариб келаётган бир пайтда туйқусдан телережиссёрга айланиб қолишида ўша рақобатчиларнинг ҳам “ҳиссаси” йўқ эмасди.

Телевидение, бу – театр эмас. Театрда суяги қотган, муайян натижаларга эришган, эътиборда юрган мутахассис телевидениеда қимирлаб-ғимирлаб юрган шунчаки бир хизматчига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Тожибой Исроилов қаршисида ҳам шундай бир хатар бор эди. Машҳур театр режиссёрига дастлаб оддий кундалик кўрсатувлар топшириб кўйилиши ҳам мана шундай ишончсизлик оқибати эди. У аввал бир муҳаррир билан, кейин иккинчиси билан ишлади. Ҳар иккиси билан ҳам ҳамкорлиги узоққа чўзилмади. Олти ой нари-берисида хайр-хўшлашишди. Кейин менга таклиф қилишди у билан ишлашни. Бир қадар тоқатли эканман, олти ой эмас, роса олти йил (нафақага чиққунича) унинг “инжиқ”ликларига чидадим. Ёлғон бўлмасин, чидамим тугаб, ади-бадига борган вақтларим ҳам бўлди.

Айниқса, бир сафар (буям бир гурунг-да, айтиб ўта қолай) қаттиқроқ сан-манга бордик-да, бир ҳафтача гаплашмай юрдик. Бир кун иш вақти тугаши олдидан Тоживой аканинг ўзи кўнғироқ қилди. Ёши улуғроқ эмасми, биринчи қадамни у ташлади. Эшик олдида турибман, деди, масалани ойдинлаштириб олайлик деган оҳангда. Тушдим, кўришган, сўрашган бўлдик. Кейин индамай Панорама кинохонаси томон юрдик. Ундан Навоий кўчасига чиқдик. Кўйлик томонга қатнайдиغان автобус келди. Чиқиб ўтирдик. Аста-секин суҳбатимиз аввалги маромига тушди. Гўё орамизда ҳеч гап ўтмагандай, у ҳам эслатмади, менам кек сақлаб ўтирмадим. Лекин кўнғилдаги хиралик кетиб, ичим ёришиб бораётганини туйиб турардим. У ҳам шундай ҳолатда экани ранг-рўйидан билиниб турарди. Хуллас, темирйўл вокзалидан ўтдик. Яна икки-уч бекатдан кейин Жўрабек масжиди рўпарасида у тушиб қолиши керак. Бир маҳал атрофга аланглаб, баралла

овозда: э, машинам қоп кетибди-ку, деса бўладими. Автобус тўла одам, гур кулиб юборди. Тожибой ака-миз ҳам илжая-илжая бекатда тушиб қолиб, келган йўлига қайтиб кетганди... Энди унинг инжиқлигига келсам, у сахна билан тирик эди, фикр-хаёли актёрлар билан ишлаш, янгидан-янги асарларни жонлантириб, эфирга бериш билан банд эди. “Текуший” кўрсатувларга кўнгил бериб ишлашни эса, гарчи истаса-да, ўзига қарши боролмасди. Менинг кўрсатувларимга келсак, уларда озми-кўпми сахнавий кўринишлар яратиш имкони бор эди. Бу орада тиниб-тинчимас режиссёр ўзининг асл ниятига ҳам эриша бошлади. Яъни, бирин-кетин театр спектаклларининг телевариантини яратишга киришди. Аммо бу осонликча бўлмади. “Телеэкран бу театр сахнаси эмас. Янги келган видеоускуналар билан ишлашга тўғри келади. Сиз нафақат актёрлар, балки тасвирга олиш техникаси билан ҳам тиллаша олишингиз керак”, – дейишди. Ўжар режиссёр эса сўзида туриб олди. “Зарари йўқ, ўрганаман, одам қилган ишни одам қила олади”, – деди. Ниҳоят, машҳур турк ёзувчиси Нўмиқ Камолнинг “Жалолиддин Хоразмшоҳ” драмаси (Хуршид Даврон таржимаси) асосида беш қисмли телеспектакль устида иш бошлаш учун рухсат олди. Муҳаррир сифатида иш жараёни қандай кечганидан хабардорман. Осон бўлмади. Аммо мақсадингда қатъий турсанг, Яратган қўллайди, деганларидек, муаммолар бир-бир ечила борди. Жалолиддин ролига актёр Машраб Кимсанов танланди. Бош рол ижрочиси тўғри танланса, бу – элик фоиз иш битди дегани. (Жалолиддин Хоразмшоҳ роли сабаб Машраб Кимсанов эътиборга тушиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди). Актёрлар ансамбли шаклланиб бўлгач, энди ўша даврга мос либослар, қурол-аслаҳа топиш керак

эди. Пойтахтдаги Ҳарбий гарнизон раҳбарияти билан келишиб, йигирма нафар аскар йигитни Чингизхон жангчилари сифатида спектаклга жалб этди. Кийим ва қурол-аслаҳалар “Ўзбекфильм” киностудиясидан олинди. Яна бир мушкул вазифа турарди, у ҳам бўлса, лоақал Жалолиддин учун чиройли оқ от топиш лозим эди. Бунинг ҳам чораси топилди. Тожибой ака машҳур цирк артисти, чавандоз Зариповга учради. Э, Жалолиддин учун битта эмас, мингта отим бўлса ҳам беришга тайёрман, деди машҳур сулола вакили Ҳаким Зарипов.

Хуллас, тиришқоқ театр режиссёри телевидениеда ҳам ўз зафарли юришини бошлади. “Жалолиддин Хоразмшоҳ” телеспектакли билан раҳбарият ишончини қозонгач, иккинчи катта ишга қўл урди – Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” фожиаси асосида олти қисмли телеспектакль яратди. Бу иши ижобий маънода катта шов-шувга сабаб бўлди. Кўплаб театр билимдонлари матбуотда чиқишлар қилишди. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов одатдагидай тантилик кўрсатди. “Уч чўққининг бири” номли мақола ёзиб, мазкур телеспектакль нафақат телевидение тарихида, маънавий ҳаётимизда ҳам муҳим воқеа бўлди, дея эътироф этди: “Ўзбек телевидениеси кўпқисмли “Мирзо Улуғбек” телеспектаклини намойиш этиб, томошабинларни хурсанд қилди. Лекин назаримда, томошабинлардан кўра ўн чандон кўпроқ адиб Шайхзоданинг ва албатта, Мирзо Улуғбекнинг руҳи шод бўлди, деб ўйлайман”, – дея таъкидлади атоқли мунаққид ўз мақоласида.

Телережиссурага “қўли келиб қолган” Тожибой ака янада ғайрат ва илҳом билан ишга киришди. Чингиз Айтматовнинг “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” асари асосида ажойиб видеофильм яратди ва яна ниятла-

ри кўп эди, аммо... ўша давр таомилига кўра (олтмиш ёшга кириб қўйганлиги сабаб) ихтиёрий-мажбурий аснода нафақага кузатилди...

Айтмоқчи, Тожибой Исроилов ҳали айтиб ўтганим катта ишлари орасида ҳам тин олмас, катта-кичик видеофильмлар, теленовеллаларни иштиёқ билан тасвирга оларди. Жумладан, менинг ҳам бир қанча сценарийларим у кишининг сайъ-ҳаракати билан экран юзини кўргандики, ҳозир шулардан бирининг қай тарзда дунёга келгани хусусидаги ҳангомани сўзлаб берсам...

### ***“Дала ўртасидаги дарахт”нинг дунёга келиши***

Бу фильмга шу номдаги саккиз ҳикоядан иборат қиссамнинг сўнгги ҳикояси асос бўлди. Ташаббус Тожибой аканинг ўзидан чиқди. “Фильм қиламиз, натуранинг ўзида – Самарқандда оламиз”, – деди. Албатта, хурсанд бўлдим. Болалигим ўтган далалар, дала ўртасидаги ардоқли шотутимиз, сой бўйларини суратга олиш, телевидение орқали намойиш этиш ғоят ёқимли-да, шундай эмасми?..

Ҳикояни тезгина сценарийга айлантирдим. Муҳарририят раҳбарларига ўқитдик. Маъқул топишди. Лекин суратга олишга ёрдам беришолмади. Сабаби – биздаги саҳналаштирувчи бўлим ёпилиб, лимит “Ўзбектелефильм”га ўтиб кетган эди. Ижодий гуруҳ ва актёрлар билан Самарқандга бориш, у ерда бир неча кун суратга олиш билан шуғулланиш озмунча маблағ талаб қилмаслиги аниқ. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб юрган кунларимда тиниб-тинчимас, бир ишни бошласа охирига етказмайдиган режиссёрим яна ўзи бошқа ташаббус бошлаб қолди. “Самарқандлик актёрларни ўйнатамиз. Ўзимнинг шахсий камерам (ВХС)да

сьёмка қиламиз. Фақат икковимиз кетамиз, ўз ҳисобимиздан. Сиздан лозим бўладигани, актёрларнинг бир-икки кунлик еб-ичишию уч-тўрт сўм гонорарини кўтариш”, – деди. “Албатта, ўзингизмас, колхоз раҳбарларими, бирорта бизнесменми, ҳомийлик қилиб юборар”, – деб кулиб қўйди.

Колхоз раҳбарларига (ўшанда ҳали колхоз деганлари бор, ширкат хўжалиги деган ном билан сўнги кунларини яшаётган пайтлар эди, адашмасам) учрашдим, лекин ёрдаммас, рухсат сўраб. Яъни, “Шотутли” даласида кино олмақчимиз, шуни айтиб қўймоқчи эдим, дегандай гап қилдим. “Э, бемалол, бемалол, – деди ширкатнинг ёш раиси “бағрикенглик” билан. – Зўр бўларди. Эшитишимча, бир пайтлар “Мафтунингман”, “Синчалак” деган фильмлар ҳам бизда олинган экан”.

Бўлди, шундай қилиб, “Шотутли” даласи, дала биқинидаги шийпон Тожибой ака иккимизнинг ихтиёримизга берилди. Уч-тўрт сўмлик харажатларни укалар зиммасига юкладик-да, ишни бошладик. Суратга олишимиз керак бўлган натура (куйиб кетган Шотут дарахти) бор. Дала ўртасида улкан саксовулдай бўлиб турибди. Лекин унинг илгариги навқирон даврини ҳам кўрсатишимиз керак. Муаммо тезгина ҳал бўлди. Қўшни “Коммунизм” (Жомбой тумани ҳудуди) ширкат хўжалигидаги бир далада бор экан шунақаси. Дарҳол йўлга тушдик. Болалигимдаги ўз шотутимизга нисбатан нимдошгина экан-у, йўқдан кўра дегандай, ўшандан фойдаландик. “Коммунизм”лик болаларни топиб келиб, қаҳрамонларимизнинг ёшлигини ўйнатдик. Бир сувчи йигит ва хотинини ҳам тасвирга олдик. Сувчи йигит шотут атрофида ғўзага сув тараб юрибди-да, хотини боласи билан унга овқат келтиради ва биргаликда ўтириб овқатланишади.



Тасвир қуёш ботиши арафасида бошланиб, қоронғу тунда тугади. Эртасига самарқандлик актёрлар келишди ва кун чошгоҳларда ишни бошладик. Аввал шийпонда тўрт синфдош – (актёрлар Бахтиёр Раҳимов, Баҳром Раҳимов, Темур Пардаев, Тошпўлат Очилтошев) зиёфатхўрлик қилишади. Синфдошлардан иккитаси тошкентлик меҳмонлар, бири олим, академияда ишлайди, бири шоир, газетада хизмат қилади. Қолган иккитаси “қишлоқда қолиб кетганлардан”. Бири мактабда ҳарбийдан дарс беради, афғонда бўлиб келганлардан, иккинчиси мана шу дала ва шийпон хўжайини – бригадир. Зиёфатни бригадир беряпти. Шу ўринда Тожибой аканинг актёр танлаш маҳоратига тан берганимни айтишим лозимки, тўрт актёр ҳам менинг тасаввуримдаги қаҳрамонларимга қуйиб қуйгандек эди.

Тасвирга олиш жараёни яхши борарди. Тасвирчи ҳам, гримчи ҳам, овоз муҳандиси ҳам режиссёримнинг ўзи эди. Мен муаллиф бўлсам, маъмурлик, муҳаррирлик, продюсерлик деган вазифаларни қўлдан келгунча бажариб турибман. Бир маҳал десангиз, камера қаровсиз қолиб, штативдан қулаб тушди. Аллақаери шикастланди. Тожибой ака нари-бери созлади-да, ишни давом эттирди. Лекин энди актёрлар овози тасмага тушиб-тушмай қолаётгани маълум бўлди. Барибир ишни тўхтатмадик. Эҳтиётдан овозларни қўшимча равишда ёзиб бордик.

Тасвирга олиш кейин дала ўртасида, айнан шотутнинг тагида давом этди. Бу ерда синфдошлар ўтириши авж пардага кўтарилиб, муштлашув келиб чиқади. Муштлашув эса “даҳанаки жанг”га айланиб, тўртовлон бир-бирларининг юзларидаги пардани олиб ташлашади. Муштлашув тугаб, энди ади-бади бошланганда, қоронғулик тушиб улгурди. Айни чоқда

камера батареяси қуввати ҳам тугади. Бош қотди. Иш ниҳоясига етай деб қолганди-я!.. Эртага давом эттиришдан бошқа илож йўқ. Лекин эртаси кечқурун яна шу маҳалларда – шом пайтида тасвирга олишни бошлашимиз мумкин. Актёрларимиз эса театрда – спектаклда банд бўлишаркан. Бошимиз ғовлаб шийпонга қайтдик. Йўл-йўлакай Тожибой ака негадир тез-тез юриб, олдинлаб кетди-да, шийпон олдида бизни ғайратланиб кутиб олди.

– Ҳа, нима гап?

– Съёмкани давом эттирамиз.

– Қандай қилиб?

– Қандай бўларди, шийпон чироқларини ўчирармиз, камерани бўлса токка улаб, олаверармиз.

– Шотут-чи? – дедим топағонлик қилиб.

– Мана шотут, – деди шийпон ёнидаги теракни кўрсатиб, – қоронғида бу шотутнинг танасими, теракникими – ким билиб ўтирибди!

– Қойил, – дедим ичимда унга яна бир карра тан бериб. – Барибир, режиссёр, режиссёр-да!

Шундай қилиб “даханаки жанг” саҳнасини – кульминацияни шийпон ёнида худди дала ўртасидагидек қилиб суратга олиб тугатдик. Тун яримдан оғиб кетди. Сентябрь яримлаб, кечалари салқин тушиб қолган эди, жунжика бошладик. Қолаверса, уззукун давом этган “ижодий иш”дан анчагина чарчаганимиз сезила бошлади. Ҳар тугул, тугатдик-ку, энди дам олармиз... Қаёқда!.. Тамадди охирламай, Тоживой ака тайёрлана бошлади. “Ҳа?” “Ёнғинни оламиз”. Дарвоқе, шотут ўтган йил қиш фаслида қишлоқ тирмизаклари томонидан ёндириб юборилган, мен уни сценарийга киритган эдим. “Хўп, қандай оламиз, бечора шотутни қолган қисмини ҳам ёндирамизми?” – дедим ҳайрон бўлиб. “Кўрқманг, бошқасини ёқамиз”, – деди у хотиржамлик билан.

Бир елим идишда бензин олиб, сой ёқалаб юрдик. Кўп ўтмай қаршимиздан қуриган тол чиқди. Режиссёр, барибир режиссёр-да, кундузи мўлжаллаб қўйган экан. Тан бермай иложим қолмади яна бир марта. Ёнғин саҳнасини олиб бўлиб шийпонга қайтаётсак, актёрларимиздан бири Бахтиёрми, Баҳромми эсимда йўқ, олов инсонни поклайди, тўғримми, деб қолди. Масалан, гуноҳкор банда дўзах оловида куякуя поклангач, жаннатга чиқади. Таклифим: синфдошлар гулхан атрофида тонггача ўтириб чиқишсин, айбларини оловга ташлаб, покланишсин, деди. Иш яна давом этди, сой бўйида гулхан ёқиб, тўрт оғайни дардларини оловга унсиз тўкиб ўтиришди. Биз тасвирга олдик. Тонгда, биз уйкуда эканлигимизда, Тоживой ака Баҳром (академик)ни уйғотиб, яна дала ўртасига олиб бориб, шотут олдида тасвирга туширибди. Кейин қишлоққа (покланиб) кириб боришини ҳам...

Хуллас, режиссёр – режиссёр экан-да – тан бердим! Бунақа тан беришлар кейин ҳам, телевидениедаги монтаж пайтларида кўп бўлди. Шулардан бирини айтсам: ҳали кўшни колхоздаги шотут атрофида сувчи йигит ва хотини саҳнаси шом ёруғида бошланиб, қоронғу хуфтонда тугаган эди. Монтажда эса тескари кўриниш олибди: сувчи йигит тун бўйи далада ғўзаларни суғоради ва тонг ғира-ширасида хотини ва ўғилчаси уни йўқлаб далага егулик олиб келишади. “Э, қойил, – деб юбордим бу сафар очиқ-ошкора тарзда тан олиб. – Радун устозингиз сизни назарда тутиб айтган экан-да, режиссёр бўлиб туғилиш керак, деб. Сизга йўрғақда теккан эккан аслида”, дедим кулиб.

Ниҳоят, фильм тайёр бўлди. Раҳбарият кўригидан яхши ўтди, бироқ техник жиҳатдан муаммолар чиққани (ВХС камерада олингани) сабаб, тунги эфирга рух-

сат берилди. Кейин эса роса ўн беш марта кундузги дастурларда намоёиш этилди. Аммо кечки, ҳамма кўриши мумкин бўлган пайтларда кўриниш бериш эса бизнинг “кўлбола” фильмимизга насиб қилмади. Хуллас, “Дала ўртасидаги дарахт” фильми ана шунақа ҳангомалар билан дунёга келган эди.

\* \* \*

Ижодкор – ёзувчи бўладими ё рассомми, бастакор ё драматургми – яратган асарлари орқали ўз қиёфасини намоён этади. Асар – ижодкорнинг ўзлиги, сурати ва сийратидир. Шу маънода режиссёр шахсияти ҳам у танлаган ва томошабинларга тақдим этган асарларида, уларда кўтарилган мавзу моҳиятида кўринади. Саҳна асари гарчи жамоавий меҳнат маҳсули бўлса-да, барибир, унда Режиссёрнинг диди, савияси, дунёқарashi, томошабинларга юқтирмоқчи бўлган дарди спектрнинг туб моҳиятида балқиб туради.

Ҳамон ёдида: Санъат институтининг режиссёрлик курсига 400 абитуриентдан бор-йўғи ўн киши қабул қилинган эди. Шулардан атиги 4 киши институтни тугаллади. Бугунги кунда эса икки киши – у ва кинорежиссёр дўсти Собир Назармуҳамедов ўз танлаган соҳасида хизмат қиляпти.

Тожибой Исроилов шулар ҳақида ўйлар экан, яна беихтиёр устозининг “режиссёр бўлиб туғилиш керак!” деган таъкиди ёдига тушади ва шундай пайтларда: “Демак, марҳум Иосиф Радун туғма истеъдод ҳақида эмас, балки бу касб машаққатига киши ўзини аввалбошданок чоғлаш, меҳнат жараёнида ўзини кашф этиш, қайта туғилиш кераклиги ҳақида огоҳлантирган экан”, деган якуний хулосага келади.

\* \* \*

**Илова:** *Айни ижодий балоғат ёшида нафақага кўзатишгани учун у телевидение раҳбарларидан ранжиб ўтирмади. Тўғри қабул қилди. Ёшларга ўрин бериш керак, улар ҳам ишласин, ўргансин, деди ва яна жонажон театр соҳасига қайтди. Гоҳ Самарқанд, гоҳ Андижон, Қўқон ё Ўш театрлари жамоалари билан қатор спектакллар саҳналаштирди. Ҳамма ерда уни кучоқ очиб қарши олишди, ҳамкорликда ишлашни таклиф этишди. 2019 йил аввалидан бошлаб эса Тожибой Исроилов Республика Сатира театри бош режиссёри сифатида хизмат қилиб келмоқда...*

## МАТОНАТ

*Жасур жангчи, афсонавий спортчи, заҳматкаш ёзувчи  
Ҳасан Исломов монолоғи*

*Ҳаётда зафарлар эмас, балки ран-  
жу заҳматлар қудратли одамларни  
дунёга келтиради.*

**Сиденҳам Битнер**

Бу воқеа минг тўққиз юз қирқ учинчи йилнинг 8 мартида содир бўлган эди. Ўшанда: “Бўлди энди, бу ёғи тамом, ҳеч нарсага ярамай, ҳеч кимга керагим бўлмай, бир чеккадан қолиб кетаман!..” – деб ўйлаган эдим.

...Снарядлар портлайди, оловранг чанг-тўзон кўтарилади. Одамлар қулайди. Қулаган ерида тўлғанади. Қолганлар автоматларидан олов сачратиб, олға силжишади. Ҳавода снарядлар учади... Лекин на учаётган снарядлар чийиллаши, на ботмонлаб тупроқни осмонга сочган портлашлар гумбури, на пулемётлар тариллаши, на ярадорлар инграши қулоғимга киради. Худди овозсиз кинонинг ўзи дейсиз. Ҳатто ўзим ҳам “Олға!” деб бақирганча югуриб кетяпман-у, ўз овозимни эшитмайман. “Нима бало, қулоғим том битиб қолдими?!” деб ҳайрон бўламан. “Наҳотки, энди ҳеч нарсани эшитмай қоламан!” деб хавотирланиб қўяман... Эҳ, қулоқнинг ғамини емасам ҳам бўлар экан, ундан ҳам оғирроқ мусибатлар кутаётган экан олдинда...

Шу кунга қадар ўзимни омадли ҳисоблардим. Уруш бошланибдики, жангдаман. Не-не олов-оташли майдонлардан эсон-омон ўтиб келяпман. Оғир атлетикачи эмасманми, олтмиш килоли пулемётимни елкалаб, “Олға!” “Олға!” дея ҳайқирганча ротамни эргаштириб, жангга кириб кетавераман. Ўлимни писанд қилмайман. Москва, Сталинград, Курск ёйи, Орёл...

Лекин ўша куни Орёл яқинидаги Красное қишлоғи учун бораётган жанг мен учун сўнггиси эканини хаёлимга келтирмаган эдим. Қишлоқ шу чоққача олти марта қўлдан қўлга ўтган эди. Охири таваккал қилдим. Қишлоқдан Неруч дарёси айланиб ўтарди. Ўз ротам билан шу дарёни кечиб ўтиб, душманга орқа тарафдан ўқ ёғдирдик. Кутилмаган хужумдан рақиблар аввал саросимага тушишди. Кейин ён тарафдан мадад кучи келди чамаси, дадилланиб қолишди. Бизнинг сифимиз эса сийраклашиб борарди. Аммо чекиниш хаёлимизга ҳам келмасди. Қадам сайин душманга яқинлашиб борардик. Бир маҳал шундоқ ёнгинамда снаряд портлаб, мени итқитиб ташлади...

Кўзимни очиб чанг-тўзон қоплаган осмонни кўрдим. Тепамдан ўтиб бораётган баланд-баланд дарахтларнинг учини кўрдим. Дарахт шохлари яланғоч, совуқда дийдираб тургандай. Эътибор берсам, қандайдир чанада кетяпман. “Тошкентда новдалар куртаклаб, олди гуллаб қолгандир, – деган ўй ўтди кўнглимдан. – Менга нима бўлди, қаёққа олиб кетишяпти мени?..” Яна осмонга тикилдим: бунча чанг-тўзон бўлмаса, қачон тарқаркин энди? Негадир топ-тоза, кўм-кўк осмонни кўргим келиб кетди шу тобда. Яна ям-яшил дарахтларни ҳам. Билмадим, кўзларим сезганмиди бу фалокатни ё кўнглим туйганмиди? Кўз ўнгимда кучли ўт чақнади. Аммо ҳеч нарса эшитмадим. Ўзим ётган чана-пана билан отилиб кетганимдан сездимки, кучли портлаш юз берди. Билмадим, минага дуч келдикми, снаряд келиб тушдимми?.. Шуниси аниқ эсимдаки, кўз олдимда қип-қизил қон тусидаги олов ярқирар эди. Бу олов гўё қотиб қолди-да, анчагача йўқолмади. Кейин эса ранг қуюқлашиб, қора тусга кира борди. Охири ҳамма ёқни қоп-қора зулмат тутди. Қолгани эсимда йўқ...

Онамнинг овози мени уйғотди.

– Ҳасанжон, тур болам, кўзингни оч. Оч, кўзингни!..

Кўзимни очмоққа уриндим. Қовоқларим зилдек, кучим етмади кўтаришга. Пайпаслаб кўрдим: юз-кўзларим боғлаб ташланган. Демак, госпиталдаман. Кўлоёқларимни қимирлатдим: соппа-соғ. Хайрият.. Бошимдан яраланибман чоғи – зирқиллаб турибди.

Кунлар ўтаверди. Ётавериб зерикдим. Энди манови бинтларни ечиб ташлашса, ёруғ дунёни бир кўрсам.. Қизиқ, нега кўзларим аралаш боғланган, ишқилиб кўзларимга зарар етмаганмикан? Кўнглимга ғулғула тушди. Ҳамшира қиз келган эди, кўрқа-писа унга ёрилдим. Ундан: “Бўлмасам-чи, Ҳасан, соппа-соғсан”, деган жавобни кутгандим. Бироқ ҳамшира жим қолди. Кўлларимдан оҳиста тутди. Шу ондаёқ баданим музлади. Юрагим орқамга тортиб кетди. “Бўлди, гапирма, бас!” дердим, овозим чиқмасди. “Йўқ, айтгин, синглим, кўзларингиз кўради, дегин, лоақал биттаси кўради, дегин!” дея бўзлардим, овозим чиқмасди. Ҳамшира қиз ҳам жим эди. Худди ўғлини овутаётган каби кўлларимни силаб-сийпаларди. Раҳми келяпти менга. Балки, йиғлаётгандир ҳам?.. Ҳа, энди бир умр шундай: менга ачиниб қарайдилар, менга ҳамдард оҳангда гапирдилар. Наҳотки, шу ҳодисалар ўнгимда рўй бераётган бўлса?! Бир умр доим кимнингдир етовига муҳтож бўлиб яшашим керакми? Қандай даҳшат! Ёруғ дунё билан хайрлашибман-да?! Тирик бўла туриб-а?!

Демак, эрта бир кун жавоб беришади. Сен учун уруш тугади, Ҳасан, юртингга жўнагин, дейишади. Жўнайман. Ота-онам ҳузурига ошиқиб бораману уларнинг бағрига отиламан. Юз-кўзларидан ўпаман. Болалигимдан димоғимга ўтириб қолган таниш бўйлари хидлайман. Лекин ўзларини кўролмайман-ку! Шунда бир аламим олти бўлмайдами?!

Уф-ф! Юрагим тарс ёрилиб кетяпти-я! Мунча зимистон-а! Эй, Худо, шунчалар гуноҳим каттамикди, менга бундай тақдирни раво кўрдинг?! (Ўзи кечирсин.)



Кунларим ана шундай зил-замбил хаёллар ўро-  
вида ўтарди. Оллоҳ сабр бераркан, секин-аста кўни-  
ка бордим. Ёнимда Анатолий Лопирин деган подпол-  
ковник ётарди. Шу одамнинг таъсири кучли бўлди. У  
менга урушда шундай аянчли аҳволга тушган одам-  
лар ҳақида гапириб берардики, беихтиёр: “Э, менинг  
ғамим уларнинг олдида ҳолва экан”, деб юборардим.  
Хуллас, аҳволим хиёл ўзгара бошлади. Палатада мо-  
там тутиб ётавермай, аста-секин ҳовлига ҳам чиқади-  
ган бўлдим. Суриштириб, ўзим пайпаслаб турник топ-  
дим. Эрмагим шу бўлди. Қулай фурсат бўлдими, чиқа-  
ману турникка осиламан. Турли машқлар бажараман.  
Жиққа-жиққа терга тушаман. Баъзида ҳамшира ко-  
йиб, чақириб олмагунча, палатага киргим келмайди.  
Хуллас, дардим бирмунча енгиллашди.

Вақт-соати етиб, Оллоҳ тақдир этган куни уйга  
қайтдим. Ота-онам, биродарларим бағридаман. Даст-  
лабки кунлар руҳим тушиб юрдим. Ахир, неча йил  
олисларда юриб келсам-да, соғинганларим дийдори-  
ни кўролмасам!.. Онаизорим, отажоним нечук ҳолат-  
да бўлишса экан? Сочлари оқариб, ажинлари кўпайиб  
қолгандир. Чунки мени деб озмунча ғам-ҳасрат че-  
кишмаётгандир?! Ахир, ота-онамнинг ёнгиналарида  
юрсаму юзларини, дийдорларини тушларимдагина  
кўрсам!.. Бу қандай бедодлик?! Уларнинг белига қув-  
ват бўлиш ўрнига дардисар бўлиб ўтирсам...

Ҳеч ерга сиғмасдим. Уйга кирардим, ҳовлига  
чиқардим. Асабийлашардим. Бир кун онам насиҳат  
қилиб қолдилар.

– Болам, кўп куюнаверма, Худо ўзи бир йўлга бош-  
қариб қолар.

Ростданам шундай бўлди. Кўп ўтмай, кичик бир  
баҳонаи сабаб билан ҳаётим бутунлай янги изга ту-  
шиб кетди... Зерикиб ўтириб, боғимиздаги ҳовузни  
тозалаш фикри туғилди. Онамнинг қаршилигига

қарамай, кетмон олиб, ишга тушдим. Сувни қочирдим. Сўнг шох-шабба аралаш лойқани ҳовуздан чиқара бошладим. Кетмоним “қарс” этиб қаттиқ нарсага тегди. Ушлаб кўрсам, гантел. Менга уни урушдан олдин – ўттиз саккизинчи йилда тош кўтариш бўйича Тошкент чемпиони бўлганимда, совға қилишганди. Хуллас, ана шу ташландиқ ётган матоҳ кўп нарсани ҳал қилди...

Орадан кўп ўтмай, бир жияним етовида собиқ тренерим Мито Мкуртумянцнинг уйига бордим. У аҳволимни кўрди-ю, сир бой бермади. Ҳар ҳолда, менга шундай туюлди, чунки кўзим ҳақида гап бўлмади-да.

– Ҳўп, Ҳасан, энди келган жойимиздан бошлаймизми, – деди.

Бош эгиб туравердим.

У елкаларим, билакларимни сиқиб кўрди-да:

– Ҳасан, зўрсан-ку, – деди. – Мушакларинг тошдай. Хуллас, формадасан. Ҳеч иккиланмай бошлайверамиз.

– Мито Азарович, мен илгариги Ҳасан эмасман, яримтаман, – деган эдим, койиб берди.

– Тўғри, сен илгариги Ҳасанга ўхшамаяпсан, пессимист бўп қопсан. Уят эмасми сендай полвон йигитга! – Кейин юмшаб давом этди. – Бехуда гапни қўй, сенда куч-қувват бор, ирода бор. Кўзга келсак, – у илк бор кўзимдан гап очди. – Кўзга келсак, у штангист учун кўп ҳам зарур эмас, – деди кулиб.

Аслида мен Мито Азарович олдига шундай бир далда излаб келгандим ва уни топганимдан суюнардим.

Машқларни бошлаб юбордик. Мито Азарович ҳовлимизга штанга келтирди. Турли мосламалар ясаб берди. Ҳар куни спорт залидаги шогирдлари билан машғулот ўтказгач, уйимизга келади. Завқ-шавқ билан машқ қиламиз. Айни чоқда бошқа бир устозим кўмагида брайлча – игна билан ёзишни ҳам ўргана

бошладим. Руҳим тетик, кайфият кўтаринки, юрагимда алланечук ширин туйғулар, орзулар уйғона бошлаган...

1945 йил августи. Фарғонадаги офицерлар уйининг томоша залида оғир атлетика бўйича мусобақалар ўтяти. Мусобақаларни биз, энгил вазнлилар бошлаб беришимиз керак эди. Етти киши эканмиз. Саҳнага мени таклиф этишди. Мито Азарович қўлтиғимдан олди. Зал сув қуйгандек сукутга чўмди. Сабаби тушунарли, мен қора кўзойнакда эдим. Мито Азарович билагимни сиқиб қўйди-ю, ортига қайтди. Штангани секин оёғим билан туртиб кўриб, мўлжал олдим-да, энгашдим... 80 килограмм! Дастлабки ғалаба! Мендан олдингилар 77,5 килоли маррага етган эдилар. Бу ёғи осон кўчди, кейинги икки курашда ҳам рақибларимни энгиб, жами 222,5 килограммлик маррани забт этдим. Энди зални дув кўчганини кўрсангиз эди. Кимсан – Ҳасан Исломов Республика чемпиони...

Албатта, онам ҳам бу хайрли ўзгаришлардан хурсанд эди. Аммо яна бир кўнгли тўлмаётган томони бор эди: тезроқ бошимни иккита қип қўймоқчи, орзу-ҳавас кўрмоқчи эди. Мен эса бу масалада шошилмаётгандим, тўғриси, юрагим бетламаётганди. Қайси бир соппа-соғ қиз мендек ногиронга турмушга чиқишга рози бўларди, дердим. Йўқ, бир тирик жонга жабр қилмаслигим керак... Лекин онам бир куни очиқчасига масалани ўртага қўйди: “Кўшнимиз Олия холангнинг бир жиян бўлмиши бор экан. Шу қизни кўрдим-у, хаёлимдан кетмай қолди. Бирам одобли, ҳаёли, хуснини айтмайсанми. Сочи тақимини ўпади. Қўл-оёғи бирам чаққон, ўзи шунақанги ширинки, қўяверасан. Бир кўргандаёқ юрагимга олов тушди. Менинг Ҳасаним шунга уйланса, бахтини топади, дедим. Олия холангга оғиз солган эдим, аввал Ҳасанжонни кўнглини билинг, у нима деркин, деди. Хўш, нима дейсан, болам?”

Мен ўйланиб қолдим. Кейин онамнинг қўлларидан тутиб, гап бошладим. Онажон, сиз ўша қизни жуда чиройли деяпсиз-а, дедим. Ҳа, ҳа, жудаям, э яқин ўртада бунақа кўҳликкина қизни кўрмаганман, деди онам жонланиб. Мен яна жим қолдим. Кейин алам ва оғриқ билан дедим: “Ўша чиройли қизга қандай қилиб, менинг кўзи ожиз боламга турмушга чиқасанми, дейсиз”. Онам довираб қолди: “Вой, Ҳасанжон, нималар деяпсан, сендан бошқа кўзидан ажралган йўқми, сен урушда йўқотдинг кўзингни. Бу сенинг айбинг эмаску! Хўп, бўлмаса, сенга ўзингга ўхшаган ногиронни олиб беришим керакмиди”, – деди онаизорим йиғламоқдан бери бўлиб. Шундан кейин мен жим қолдим. Онам менга аён ҳақиқатни айтган эди... Шундан кўп ўтмай у мени бағрига босиб қутлади. “Болам, бошингга қўнаётган бахт қушинг муборак бўлсин”, – деди. Кейин яна таърифлай кетди... Қош-кўзи мундай, мўй-милласи бундай. Менга бу таърифлар эмас, балки қизнинг ўз тилидан иқрори, розилигини эшитиш муҳимроқ эди. Маҳфуза билан учрашдик. Қизнинг майин овози, иббли кулишлари, ундан келаётган ифорлар мени сархуш этди. Лекин рўй-рост гапирдим. Огоҳлантирдим. Ҳали ҳам кеч эмас, ўйлаб кўринг, дедим. Шу гапларни тилим сўзлаяпти-ю, аммо дилим...

Маҳфузахон катта-катта, чиройли ваъдалар бермади, бир оғизгина сўз айтди: “Ҳасан ака, мен ҳаммасини ўйлаб кўрганман”, – деди, холос. Аниқ тасаввур қилдим: бу гапларни у ердан кўз узмай, юзлари лоладай қизариб айтди. Ушбу бир калима замирида мен жуда кўп айтилмаган эзгу ниятларни уқдим. Мен сархуш эдим ва сўнгги йилларда илк бор ўзимни тўқис ва бахтли инсондай ҳис этдим. Янглишмаган эканман, ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, бу ҳаммаси Оллоҳ менга йўлдош этган Маҳфузахон туфайли эришдим.

Тасаввур қилинг, азизлар, ўшанда Маҳфузахон ерга бош эгиб: “Ҳасан ака, мен ҳаммасини ўйлаб кўрганман”, деганида, унинг ял-ял ёниб кетган юзларига, онам таърифлаган қаро кўзларига қанчалар термулгим келганди-я!..

Баҳром Ғойиб деган шоир укамиз мен ҳақимда шундай ёзибди:

*Кўролмай ўтдингиз севикли хурни,  
Эзгу ният омон сақлар кишини,  
Қалб кўзи-ла кўрасиз дунё ишини,  
Ким ғафлатда?!  
Йиғиб олсин Сизга қараб хушини,  
Гарчи омад юзини ўгирди сиздан,  
Бахтга эришдингиз қайтмайин сўздан.  
Муҳрланган... –  
Ватан... мангуликка ўчмайди кўздан.  
Игна билан ҳаёт йўлин ёздингиз,  
Игна билан чуқур қудуқ қаздингиз.  
Қийналдингиз...  
На ҳаётдан, на спортдан бездингиз,  
Шу озғин вужудда шунча куч қайдан,  
Тарихда илк бора шундай оғир дам,  
Кўтардингиз...  
Эл шарафин қўшиб оғир тош билан...*

Яқинда мен Маҳфузамни, эллик йиллик ёстиқдошимни тупроққа бердим. Дийдор қиёматга қолди... Маҳфузамдан ёдгор тўрт азамат ўғлим, бир оқила қизим бор: Муҳаммад Амин, Муҳаммад Раҳим, Бахтиёр, Аббос, Матлуба деб исм қўйганмиз уларга. Муҳаммад Амин ўзимдек штанга бўйича, Бахтиёр ўғлим бокс бўйича спорт устаси. Ўттиздан ортиқ неvara, чевараларим бор. Қанчалик ширин улар. Аммо бу жигарбандларимнинг маъсум чеҳраларини фақат тушларимда

кўраман, ҳа, фақат тушларимда... Йўқ, мен йиғлаётганим йўқ. Ҳаётимда йиғламаганман. Менинг юрагим, кўнглим йиғлайди баъзан. Қолаверса, ҳаётда тўкис одам кам бўлади. Тўкисман, тўрт мучам соғ деган баъзи каслар борки, қалби сўқир, кўнгил кўзи беркилган бўлади. Бундай кўрликдан асрасин...

Дарвоқе, мен эришган нарсалар... Ҳар ҳолда, толемдан розиман. Устозим Мито Азарович билан бетиним машқлар қилиб, тер тўкиб, курашиб эришган натижаларим шу бўлдики, тўрт марта штанга кўтариш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Айтишларича, бу ҳодиса, яъни кўзи ожиз одамнинг соғлар орасида бундай натижага эришуви жаҳон спорти тарихида учрамаган экан.

Бир неча йил собиқ иттифоқ терма командаси сафида халқаро учрашувларда қатнашдим. Чемпион бўлмаган эсам-да, командадошларимни уялтириб қўймадим. Олтину кумуш кўкрак нишонлари тақишга муяссар бўлдим. Бир қанча шогирдлар тайёрладим. 1985 йилдан бери Тошкент шаҳар оғир атлетика федерацияси ҳайъатининг жамоатчилик асосидаги раисиман. Ўша йили менинг номимда ёш штангачилар соврини таъсис этилди. Тўқсон учинчи йилдан эътиборан, у халқаро совринга айлантирилди. Домла Ғайратий ташкил этган Эски Жўвадаги адабий тўгаракка уч йил қатнаганман. Шеър, ҳикоялар машқ қилганман. Бир қанча хотира-қиссаларим китоб бўлиб чиқди. Низомий номидаги Педагогика институти кечки бўлимини тугатиб, кейин кўп йиллар Кўзи ожизлар жамиятига қарашли ҳунар-техника билим юртида дарс бердим. “Бир сафда” журнали таҳрир ҳайъати аъзосиман. Айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидек мўътабар жамоага қабул қилишганидан бошим осмонга етди. Киночиларимиз мен ҳақимда “Қаро кўзим”, телевидение ижодкорлари “Шукрона” деган фильмлар яра-

тишган... Йўқ, биродарлар, мен бу гапларни бировга писанда қилиб ёки мақтаниб айтаётганим йўқ. Баъзан менга ўхшаган одамлар ҳақида гап кетса, жиндай ошириб юборишади. Бу одам ўз иродаси, матонати билан барча машаққатларни енгиб ўтди. Ўз тақдирини ўзи яратди... деб. Бу унчалик тўғри эмас. Бир донишманд таъбирича, одам боласи ўз яралишига кўра чумчуқдан ҳам, аридан ҳам лаёқатсизроқ экан. Дарҳақиқат, чумчуқ боласи йигирма кунда бу ёруғ дунёга мослашиб, ўз кунини кўриб кетади. Аммо одамизод йигирма йил деганда бунга эришади, ўшанда ҳам Худо хоҳласа. Шундай экан, эришилган ютуқдан кибрланиб, ҳаволаниб кетиш яхшиликка олиб бормади. Оллоҳ такаббурни севмайди. Демокчиманки, мен ногирон бўла туриб, Ҳасан Ислом номим оз-моз элга танилган экан, бу ҳаммаси Худойи меҳрибоннинг марҳаматидан. Олис кечаларда Эгамга йиғлаб қилган илтижоларим, Ундан ва фақат Ундан мадад сўраганларим натижасидир. Лекин яна бир нарса борки, фақат дуою илтижо билан иш битмайди. Куръони Каримда таъкидланганидек, инсон нимагаки эришса, саъй-ҳаракати билан эришади. Курашмаса, интилмаса, умри зое кетиши аниқ.

Яна айтмоқчи бўлганим, менинг бу изтиробларим ҳаммаси уруш туфайли. Эҳ-ҳе, бу лаънати уруш мендайларнинг неча бирини нобуд этди, қанчасини майиб-мажруҳ этди. Шунинг учун мен ҳар бир хотиржам ўтган, тинчликда ўтган кунни Оллоҳнинг неъматидеб биламан. Эришганимиз Истиқлол эса неъматларнинг олийси. Бунинг шукрини қилиш, қадрига етиш керак, болаларим, қадрига етиш керак!..

\* \* \*

**Фарзандлар хотирлайди:**

**Муҳаммад Амин Исломов:** Эсимни танибманки, отамни бир зум бўлсин, бекор ўтирганларини кўрма-

ганман. Аввало уйда кам бўлардилар. Кўзи ожизлар жамиятида ишлаб, кечки ўқишда ўқирдилар. Вақт топиб, “Спартак” стадионига бориб, штанга бўйича машқ қилардилар. 1-гуруҳ ногирони бўла туриб соғлар орасида чемпион бўлганларида Туркистон Ҳарбий округи қўмондони генерал Петров ҳайратга тушиб, бу қанақа афсонавий полвон деб, ўзининг шахсий “Эмма” автомобилини совға қилган экан.

Маҳалламизда кўзи ожизларни кўп кўрар эдим. Чунки уларнинг корхонаси бор эди шу ерда. Корхона ишчиларининг кўпчилиги пивоходадан чиқмас эди. Маст бўлиб ерларда думалаб ётишар, бир-бирлари билан ғижиллашиб, муштлашиб юришган куни эди. Отамнинг бўлса ичкилик ичганлари, чекканларини умримда кўрмаганман. Бўш вақтлари бўлмас, ишга ёлғиз ўзлари бориб келар, мўлжалдан адашмас эдилар. Ҳатто машинали бўлганларидан кейин ҳам Иван Петрович деган ҳайдовчиларига йўлни “кўрсатиб” борарканлар.

Эрталаб вақтли туриб, бомдодни ўқиганларидан кейин, гантеллар билан машқ қилардилар, мени ҳам тиндирмай югуртирар, тошлар кўтартирардилар. Улар учун жисмоний тарбия биринчи ўринда турарди. Кечалари ярим тунга қадар ухламай игна билан хотиралар ёзардилар, кейинчалик уларни китоб қилиб нашр эттирдилар.

**Матлуба Исломова:** Отам 21 ёшларида кўзларидан ажралган бўлсалар, қолган 62 йиллик умрлари ногиронликда ўтди. Лекин бирор марта ҳаётдан ногиланларини ҳеч ким эшитмаган. 16 ёшларида отамга турмушга чиққан онамлар жуда гўзал аёл эдилар. Бир-бирларига меҳрибон, садоқатли, покиза муносабатда бўлганлари учун хонадонимиз тўкин, файзли, баракотли эди. Отам уйда ҳеч кимнинг ёрдамисиз бемалол юрар, камуйқу бўлганлари учун, биз болаларга, кейинчалик невараларига нонуштани ўзлари тайёр-



лаб қўярдилар. Отам ўта ҳаёли, андишали, ориятли бир инсон бўлганликларини шундан биламанки, онам вафот этганларидан кейин ички кийимларини на мен қизларига, на келинларига берар, ўзлари ювардилар. Бирор марта бизнинг ёнимизда ёнбошлаганларини кўрмаганман. Чарчадим деганларини, мазам бўлма-япти деган гапларини эшитмаганман. Умр бўйи бировдан эҳсон олмаган, аксинча ҳаммага ёрдам бериб юрганлар.

**Илова:** *Ҳасан Исломов (1918 – 2000) қадим Туркистоннинг Қарноқ қишлоғида туғилади. Отаси Исомиддин Муҳиддин ўғли Бухородаги Мир Араб мадрасасида ўқиб, 25 йил шу мадрасада мударрислик қилган, онаси Маймуна ая ҳам маҳаллада мактаб очиб, хотин-қизларга сабоқ берган маърифатли инсонлар бўлишган.*

*Ҳасан 1934 йил Тошкентга келади ва 1940 йилгача тўқимачилик комбинатида ишлайди. “Спартак” кўнгилли спорт жамиятига аъзо бўлиб, оғир атлетика билан шуғулланади. 1940 йилда енгил вазнда Тошкент шаҳар чемпиони бўлади. Шу йили ҳарбий хизматга олиниб, у ерда ҳам штанга кўтариш бўйича дастлаб қисм, кейин гарнизон мусобақаларида ғолибликни қўлга киритади. Округ биринчилиги чемпионатида атиги икки кун қолганида уруш бошланади. Гвардия катта лейтенанти Ҳасан Исломов станокли пулемёт ротаси командир сифатида Москва, Сталинград жангларида қатнашади, энг оғир кечган Курск ёйини ёриб ўтишда унинг ротаси алоҳида хизмат кўрсатади. Ватан уруши, “Қизил Юлдуз” орденлари, “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланади.*

*Урушдан ногирон бўлиб қайтса-да, енгил вазнли оғир атлетика бўйича тўрт марта рекорд ўрнатиб, Республика чемпиони унвони ва олтин медалларини қўлга киритади. Ўзбекистоннинг соғлар терма коман-*

даси сафида Москва, Тбилиси, Горький, Рига шаҳарларида бўлиб ўтган собиқ иттифоқ мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, биринчи ўзбек спорт устаси унвонига сазовор бўлади. Айни чоқда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Марказий Бошқармаси ташкилотларида оддий ишчиликдан раҳбарлик вазифаларига қадар хизмат қилади.

У “Кўнгил кўзгуси”, “Жангчилар таслим бўлмайди”, “Инсон тақдири”, “Бойцы не сдаются” номли хужжатли қиссалар яратиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ҳам қабул қилинади. 1985 йили Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, кейинчалик Ўзбекистон спорт қўмитаси томонидан Ҳасан Исломов номли соврин таъсис этилади. Мазкур соврин бўйича беллашувлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикаси ёш оғир атлетикачилари ўртасида ҳар йил 8–9 май кунлари ўтказиб келинади.

### ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА...

– Дунёда беғаму бедард одамнинг ўзи йўқ. Икки юзи қип-қизил, энг сўнгги урфдаги эгни бошда, энг янги русумдаги машинада ялло қилиб юрган беғам йигитчаларнинг ҳам ўзига етгулик дарди бор, – дейди у синиқ кулимсираб.

– Йўғ-е, – дейман мен ҳам илжайиб, – беғам йигитчаларда дард нима қилсин!..

У жиддий тортади.

– Бедардликнинг ўзи дард эмасми, – дейди бир зум сукутга бориб.

– Оғримаган бош бош эканми, демоқчисиз-да, – дейман унинг кулфи дилини очишга уриниб.

У ўзига ярашган жилмайиш билан бош ирғайди.

– Албатта-да!.. Умуман олганда, жисмоний дард айтарли фожиа эмас. Энг ёмони руҳнинг хасталиги... Ана шундан асрасин...

\* \* \*

Албатта, бошланиши оғир кечди.

Тасаввур қилинг-да, қирчиллаган қирқ ёшидаги бир йигит, фарзандлари бўй кўрсатиб, орзу-ҳаваслари бирин-кетин ушала бошлаган бир пайтда гуму гурс тўшакка михланиб қолса. Боз устига табиатан беҳаловат, ғайрати ичига сиғмайдиган одам ҳатто ҳожати учун ҳам кимнингдир мададига муҳтож бўлиб қолса... Бундан ортиқ фожиа борми?!

Абдусалом ҳовли этагидаги қуюқ дарахтлар соясидаги ўтирғичга мени таклиф қилди-да, кейин ёнимга ўзи ҳам эҳтиётланиб ўтирди. Мўъжазгина столча устига қўйиб қўйилган пахта гулли чойнақдан чой қуйиб узатди-да, яна сўзида давом этди...

– Ўйлаб қарасам, бу дард анча олдинроқ бошланган эди. Йигирма ёшлардаги навқирон йигитча пайтларим ноқулай вазиятда оғирроқ юкни кўтариб қўйганман. Ўшанда белимни ололмай, ўн беш кунча беланги бўлиб ётганман. Ўзимга қолса бир кун ҳам ётмасдим-у, отам раҳматли хушёрлик қилиб табиб чақиртирганлар. Табиб керакли муолажа буюриб, ўзи кунда хабар олиб, соғайганимга ишонч ҳосил қилмагунча, ўрнимдан кўзғалишга рухсат бермаганди. Кейинроқ яна фалокат юз берди, машинада кетаётиб аварияга учрадим. Умуртқадаги дард ҳадеганда ўзини сездирмас эканми, бу сафар ҳам енгил-елпи ўтиб кетди ҳаммаси. Лекин ҳали айтганимдай қирчиллаган қирқ ёшларимда йиқитди...

Абдусалом бу орада Маннон Уйғур номидаги Санъат институтини тамомлаган, Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида бастакор ва оркестр созандаси сифатида бир неча муддат хизмат ҳам қилиб улгурган эди. Ишига ҳам, жамоасига ҳам дил-дилидан боғланиб, қувнаб юрган кезларда...

– Назаримда, ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетгандай бўлди. Тамоми дунём қоронғу, чироқ ёқсам ичим ёришмайди. На рўзғор, на бола-чақа, на орзу-ҳавас кўзимга кўринади. Ҳаммасидан биратўла совиганман... Шу тарзда давом этганида оқибатимдан нима топардим, билмайман... Ажабки, кўнглингда умид сўнса барчаси бекор экан: оиландагилар парвоналиги ҳам, дўст-ёр, оға-инилар тасаллиси ҳам. Менинг хасталик оқибатида англаб етган биринчи ҳикматим шу бўлди...

Умид сўнса...

Дарҳақиқат, ноумид – шайтон, дейдилар. Демак, умидсиз бўлсанг, шайтон измига тушасан. Шайтоннинг касби аъмоли – исён. Азозил исён туфайли шай-

тони лаин бўлди, жаннатдан қувилди, лаънатга учради. Раҳмон йўриғи эса сабр ва шукурдир...

\* \* \*

...Юлдузлар, юлдузлар. Кўриб турганим, бу чексиз фалак қандай пайдо бўлган? Ким яратган уни? Мени-чи? Нега мен бу оламда мавжудман? Ахир, мавжуд бўлмаслигим ҳам мумкин эди-ку! Мавжудлигимдан маъно ва мақсад нима?.. Савол устига савол туғилавердим, бас, энди унинг ниҳояси бўлмайди. Чунки савол ҳайратдан, ҳайрат тафаккурдан, тафаккур онгдан, онг эса коинотдан қувват олади...

*(Сухбатдошимнинг "Файласуф" романидан кўчирма)*

\* \* \*

– Бир кечаси ишком остида, каравотда юлдузор осмонга тикилиб ётибман. Кўзларим толиб-толиб кетади, аммо барибир нигоҳимни қайта-қайта юлдузлар ўзига қаратади. Хаёлларимнинг бош-кети йўқ. Чексиз фалак, ой, юлдузлар ва буларни йўқдан бор қилган Буюк Қудрат эгаси ҳақида ўйлайман. Катта олам, кичик олам ҳақидаги эшитганларимни таҳлил этишга уриниб кўраман. Бу кўзим илғаб-илғамай турган борлиқ – Катта олам, биз одамлар эса ҳар биримиз бир Кичик оламмиз. Катта оламда бор неки зарра ёхуд унсур Кичик оламда ҳам мавжуд. Демак, бу улкан борлиқ қаршисида мен кичик зарраман, лекин мендек зарра бағрида Катта оламнинг жамики унсури жойлашган. Мен Олам ичида, Олам эса менинг ичимда. Яралишим, йўқдан бор бўлишим шу қадар Буюк Қудрат эгасига дахлдор экан, нега мен ожизлик йўлини тутяпман. Хўп, дардга йўлиқибман, нима бўпти? Бу ҳам Яратганининг иродаси-ку! Нега бунчалик оҳ-воҳ, арзи дод?! Мендек дардмандлар дунёда

йўқми? Қўлим соғ, кўзим очиқ, эс-хушим жойида, нега дарров таслим бўлиб турибман. Худойим юқтирган иқтидорим бўлса... Ахир, раҳматли отам ҳали мурғак пайтимдаёқ буни пайқаган, Худо хоҳласа, бу иқтидоринг билан кам бўлмайсан, дея башорат қилгандилар-ку!..

Дарвоқе, ўшанда ҳали Абдусалом мактабга ҳам чиқмаган, беш-олти ёшлардаги болакай экан. Бахтли кунларнинг бирида уларнинг маҳалласидаги бир тўйга машхур санъаткор Ғуломжон Ҳожиқулов ташриф буюради. Болакай у кишининг ғижжакда чалган “Гиря”сини эшитиб, сел бўлади. Бир чеккада ўтирганча юм-юм йиғлайверади. Тенгқурлари ҳайрон-ҳайрон қолиб бу ҳодисани унинг отасига етказишади. Кўпни кўрган ота эса ҳайрон бўлмайди. Аксинча, ўғлини бағрига босиб эркалайди.

– Худо хоҳласа, сендан файзли санъаткор чиқади, болам, – дейди.

– Отамнинг ўша гапларини эсларканман, ўпкам тўлиб, кўзларимдан худди бола пайтимдаги каби дув-дув ёш оқизиб, Яратганга илтижо қилиб ётавердим. Қачон уйқуга кетганим ёдимда йўқ, лекин тонг азонда жуда бир бошқача алфозда уйғондим. Вужудимда бир ажиб энгиллик, руҳимда равшанлик...

Абдусалом кўпдан ташлаб қўйган торини қўлига олади. Орқасига уч-тўрт болишни қўйдириб, қад ростлаб ўтиради-да, толиққунга қадар куй чалади, қўшиқ айтади, қўшиқ айтади, куй чалади... Кейинги кун эса ўзи ёзган ғазалларнинг бирига куй басталашга киришади. Бошқа бир кун телефон гўшагини кўтариб, ҳамкасбларини ҳузурига чорлайди. Янги яратган қўшиқларини айтиб бериб, уларни ҳайратга солади. Шундай қилиб, унинг ҳаётида қадам-бақадам эврилишлар юз бера бошлайди...

“Баъзилар Оллоҳнинг қаҳри учун, баъзилар меҳри учун шукур қиладилар, – дейди Жалолиддин Румий ҳазратлари. – Буларнинг ҳар иккаласи ҳам хайрлидир. Чунки шукр қаҳрни меҳрга айлантирувчи зидди заҳардир...” Абдусалом англаб етган ҳақиқат, ҳаёт ҳикмати шу бўлдики, сабр ва шукр билан ҳар қандай мусибатни даф этиш, ҳеч бўлмаганда юкини енгиллаштириш мумкин экан...

– Дунёда кўзи ожизлар бор, қўлсиз-оёқсизлар бор. Тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас ололмайдиганлар бор. Уларнинг олдида менинг дардим нима бўпти. Ҳар тугул ярим соат, бир соат қад ростлаб юра оламан. Кўчага чиқаман, маҳалла-кўйга, қўни-қўшнилар тўю маъракаларига аралашаман. Шукр қиламан. Шукр шунақа бебаҳо хислат эканки, одамни қаноатга ўргатаркан, осойишталикка, мулоҳазага ўргатаркан. Ношукрлик балонинг бошидир, дейди улуғларимиз... Яна минг марта шукр қиламанки, икки фарзанд – ўғил, қиз ўстирдим, уйли-жойли қилдим, набираларим бор. Фарзандларимни дўстдай кўраман, ота-болалар эмин-эркин гаплашамиз. Улар санъатни тушунишади, басталанган куйимни, ёзган ғазалимни, чизган расмимни биргалликда муҳокама қиламиз. Уларнинг онасига келсам, Муҳайёхон билан қирқ йилдан бери бирга яшаймиз. Уни таъриф-тавсифлаш ўрнига битта нарсани эътироф этсам етарли бўлар: хасталик мени синдиролмагани сабаби иккита бўлса, биттаси шундай аёлим борлиги, агар битта бўлса у ҳам Яратганнинг менга шундай ёстиқдошни лойиқ кўрганидир...

\* \* \*

Абдусалом бастакор эди, у ҳамон куй басталайди. Қўшиқлар яратади. Унинг ёруғ бир дардларга йўғрилган кўшиқларини Ўлмас Саиджонов, Зулайҳо Бойхо-

нова, Салоҳиддин Муҳиддинов, Абдушоир Салимов, Меҳри Бекжонова, Ирода Қурбонова, Дилфуза Раҳимова каби хонандаларимиз севиб куйлаб келишади. Унинг сўзда ифодалай олмаган туйғулари суратларга кўчмоқда. Шеър у ғазаллари ва суратларига сиғмаганда қалб туғёнларини у насрда – ҳикояларида (“Тушда кўринган лола” ҳикоялар тўплами нашр этилган) ва “Файласуф” номли романида изҳор этишга интиломоқда...

Ҳа, у бахтли эди ва ҳамон ўзини бахтли ҳисоблайди. “Қайғудан юлиб олинган бахтгина ҳақиқий бахтдир”, деганида машҳур адиб Оноре де Бальзак ана шундай некбин инсонлар қисматини назарда тутган бўлса, ажаб эмас...

***Илова:** Абдусалом Иброҳимов минг тўққиз юз эллик тўртинчи йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Айни чоқда пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани, Зарбдор кўча, 13-хонадонида истиқомат қилади.*



## УНИНГ НАФАСИНИ ТУЙИБ ТУРАМАН

1982 йил августининг охирги кунлари. Оқлон маҳалласидаги ижара уйимдан чиқиб кетишим лозим бўлиб қолди. Одатдагидек, оиламни қишлоққа жўнатдим. Бор-йўқ тақир-туқуримни Маҳкам ака (таниқли ёзувчи ва олим Маҳкам Маҳмудов)нинг пешайвони-га олиб бориб жойлаб қўйдим-да, янги жой излашга тушдим. Ўзим таниш-билишларнинг уйида ётиб юрибман. Бу орада бахтимга Дўрмонда Республика ёш ёзувчиларининг 2-семинари бошланиб, мен ҳам шунда қатнашадиган бўлиб қолдим. Демак, ўн кунча бошпана ташвишидан қутулдим. Лекин ҳадемай дориломон семинар кунлари ҳам ортда қолади. Яна Тошкентга қайтаман, яна иш, ишдан кейин кўчама-кўча юриб ижара излаш бошланади. Биринчи навбатда Маҳкам аканинг пешайвонини бўшатишим керак. Чунки аканинг уйида таъмирчи усталар иш бошлаган, юкларимни ўн кунда олиб чиқиб кетаман деганимга бир ойча бўлиб қолди. Барака топгур тезкор усталар ички хоналар таъмирини тугаллаб, ҳовлига чиқишган бўлишса ҳам, ажаб эмас. Мудом мусофирлар ғамини чекиб юрадиган дарвиш Маҳкам аканинг кўзига кўри-нишдан қочиб юрибман.

Хуллас, мана шунақа кунларнинг бирида, аниқроғи, семинарнинг сўнгги тантанали кунида Жамол<sup>1</sup> оғайним мени Дўрмонга излаб борди. Якуний йиғинда қатнашди. Устозлар маърузасида тузуккина тилга олинганимдан у ҳам ёнимда болаларча қувониб ўтирди. Икки-уч марта қўлимни сиқиб қўйди. Иккаламиз ҳам менга аталган мақтовлардан оёғимиз ерга тегмай Тошкентга қайтдик. Автобусдан тушдик. Хайр-

<sup>1</sup> Жамол Сирожиддин (Хумий) (1955–2015) самарқандлик таниқли шоир.

лашишимиз керак. Уни кузатганимдан кейин қаёққа боришимни ўйлаб кўрарман. Йўқ, ўйлаб кўришгаям ҳожат бўлмади, “Ака, мен билан юринг”, – деб қолди ҳамроҳим. “Қаёққа?” “Борганда кўрасиз!”

Кўйлик тарафга йўл олдик. 5-Кўйлик мавзесида машинадан тушиб, “дом”лар оралаб кетдик. Ниҳоят, мавзенинг колхоз далаларига қадалиб тўхтаган охириги биноти, биринчи йўлагига кириб, сўнгги бешинчи қаватига кўтарилдик. Жамол ўнг тараф эшигини очиб, ичкарига бошлади.

– Қани, марҳамат..

Бир хонали уй экан. Каттагина хона ўртасида хонтахта. Атрофида кўрпачалар.

– Шу ерда тураркансиз-да?

– Ҳа. Ёлғизликдан зерикдим, ака, бирга турамыз.

– Уй эгаси танишми?

– Ҳа, таниш, Жаҳонгир..

Унга савол назари билан қарадим.

– Ўзимизнинг радиодаги. Қишлоқ хўжалик редакциясида ишлайдиган. Булунғурга замдиректор бўлиб кетди-ку.

– Қойил, дарров уйлик ҳам бўлган экан-да.

Жамол кулди.

– Уям ижарада туради бу ерда.

– Э, ижарачининг уйида ижарада турарканмиз-да!

– Шунақа. Калитни менга бериб кетганди.

Хуллас, белгисиз бир муддатга, аниқроғи, оила, бола-чақа билан эмин-эркин туриш мумкин бўлган уй топилгунча шу ерда яшаб турадиган бўлдим. Маҳкам аканинг пешайвонидаги тақир-туқирларим масаласини усталар ўзи бир ёқлик қилишар. Ҳовлига чиқариб уюб кўйишса ҳам бўлади-ку! Шуям муаммо бўптими?! Ўша кунлар ярми қоғозга тушган, ярми миямда етилиб келаётган янги қиссам масаласи мен учун энг катта муаммо бўлиб турганди. Чунки семинарда “Шарқ

юлдузи” журналининг алоҳида бир сони ёшларга бағишланишига ваъда беришган, мен унда ҳикоя билан эмас, бирваракайига қисса билан қатнашишни юрагимга тугиб қўйганман...

– Ижодни балконда қиласиз, ака, – деди Жамол кўнглимдагиларни ўқиб тургандай. – “Дом”нинг тагидан дала бошланган. Кенглик. Нарёғида аэропорт, самолёт учиб-қўниб туради. Қишлоғингизда ҳам шунақа-ку, айтгандингиз.

Бош ирғадим. Балконга чиқдик. Ёзув столи бор экан. Зўр. Энсизгина балконнинг ярмига китоблар тахлаб ташланган. Асосан сиёсий адабиётлар. (Жаҳонгир оғайнимиз бадий ижод (шеърят), журналистикадан ортиб, сиёсий-иқтисод, диамат, истмат деган фанларга қизиқиб, ўрганиб юргувчи эди.) Стол деразага тақалган. Шундоқ ўтирган ерингда ташқарини – далани, унда нарида қишлоқ уйларини, қишлоқ ортидаги самолёт қўналғасини кўриб туриш мумкин. Ҳа, ўтирган ерингда. Туриб юришга, хаёл суришга тирбанд балкончада имкон йўқ. Деразанинг бир кўзи синиб тушган. Салқин шабада уриб турибди.

\* \* \*

Тун. Ҳамроҳим хонтахта ёнидаги кўрпачага узала тушганча ухлаб қолди. Хонтахта устида янги шеърнинг бир-икки сатри тушган қоғоз. Мен “ижодхонам”даман. Шоирларга маза-да. Кеп қолса, уйқу орасида ҳам бир-икки соат нари-берисида ёзганини ёзиб, кўнглини бўшатиб олади. Ёзувчиники қийин. Кўрпачага чўзилишни унга буюрмаган, у соатлаб қадалиб ўтириши керак, бўлмаса бўлмайди. Наср оғир қадам, назм чопағон, дегани рост-да!

Хуллас, ўтирибман деразага кўз тикиб, тунги дала, қишлоқ, қўналға манзарасини кузатиб... Қисса қораламасини қайта-қайта ўқиб чиқаман. Лекин давом

эттиришга қаламим юрмайди. Дам-бадам буруқситиб чекаман (Ўша пайтлар бир алам ўтиб чека бошлагандим. Яхшиямки, бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирмадим – олти ой деганда ташладим). Бир маҳал десаңгиз, Жамол оғайнимнинг маслаҳати ёдимга тушиб қолди. “Ака, қиссангизни иншо шаклида ёзганиңгиз яхши, – деганди у қиссамни оғзаки баёнини эшитиб бўлиб. – Фақат қаҳрамонингиз бевосита ўқитувчининг ўзига мурожаат қилса қандай бўларкин? Адолатсизликлар, ноҳақликларга бўлган исёни, алами, нафратини унга билдирса. Кейин ўқитувчининг исмини... Одил ака деб қўйсангиз. Қаранг, Одил, Адл, Адолат... Қолаверса, Одил Яратганнинг исмларидан бири. Демак, сиз тўғридан-тўғри Унинг Ўзига арз қилаётган бўласиз...”

“Бўлди! – дедим фикрим ярқ этиб очилиб. – Шундай қиламан!”

Ва бошладим: “Одил ака, сиз бу топшириқни бир ҳафта бурун бергандингиз.

Мен бўлсам, шунча кунни ўтказиб юбориб, мана энди ёзишга ўтирдим. Жуда шошиляпман. Қанийди, бир-икки саҳифада ҳаммасини айтиб қўя қолсам... Аввалига-ку, бу гапларни ёзишни истамай юрдим...

Ҳозир ярим тун. Ҳаммаёқ жимжит. Ой тиккага келган. Бу ердан – мен турган болохона деразасидан бутун қишлоқ, қишлоқ этагидаги баланд қирлик, ҳатто қирлик тепасига илонизи сингари ўрлаб борган энсизроқ йўлгача яққол кўриниб турибди...”

Ишонасизми, мўъжиза рўй берди, биринчи саҳифадан ўтиб олишим билан қаламим ўзи ёза бошлади. Тепамда биров шивирлаб турибди. Мен шоша-пиша чала-ярим қилиб қоғозга туширяпман. Хиёл ўтмай етти саҳифа тўлди. Юрагим ҳаприқиб кетди. Сабрим чидамади. Ичкарига кириб шоирни уйғотдим. “Эй, Жамол туринг!” “Ҳа, ҳа, нима гап?” “Туринг, гап бор”.

Кўлимдаги даста қоғозга кўзи тушди-ю, тушунди. Бир отим носни тили тагига ташлаб, чордона қурди. Мен хонтахта чеккасига ўтириб бошладим. Ўқияпман-у, тингловчимни кузатаман. У ерга бош солиб олган. Жим. Ўқиб тугатдим ҳам, ҳолати ўзгармади. Менинг бўлса ичим қизиб боряпти. Шунақа пайтда далда кутасиз-да бировдан. Сабрим чидамай, елкасидан туртдим. Бошини кўтарди. “Ухлатиб қўймадимми, ишқилиб?” “Йўқ, маст қилдингиз, ака”. “Ростданми?” “Рост, фақат кириш бир оз чўзилган кўринади. Асосий гапга тезроқ ўтавериш керакка ўхшайди”. “Тўғри айтасиз, ҳозир ўқиётиб ўзимга ҳам сезилди”. “Ғайрат қилинг!” “Бўпти, ухланг. Фақат хафа бўлмайсиз, икки соатдан кейин яна уйғотаман”.

Жамол мийиғида кулганча бош ирғаб қўйди-да, ўрнига чўзилди. Кўлим қизиб, балконга шошдим. Сигарет тутатиб олиб, столга мук тушдим. Шу маҳал қўналғадан еру кўкни титратиб “Аэробус” ҳавога кўтарилди. Кейин яна сукунат чўкди. Мен сукунат овозига кулоқ тутдим. Кўп ўтмай у гапира бошлади. Мен бўлсам, унинг сўзларини ҳовлиққанча қоғозга тўка бошладим. Шу тахлит икки соатлар деганда бир тўхтамга келдим-да, қушдай енгил тортиб, ичкарига йўналдим. Ичкарига кирдим-у, тингловчимни уйғотишга истиҳола қилдим. Хонтахта четига оҳиста ўтирдим. Хонтахта ғижириданми ё бехосданми, Жамол бошини кўтарди. Ўрнидан туриб, чироқни ёқди-да, ювиниш хонасига ўтиб кетди. Кейин кулимсираб кириб келди-да, одатича чордана қурди. “Қани, эшитамиз” дегандай бош ирғади. Мен ўқидим, у бошини қуйи эгганча эшитди. Икки-уч жўяли маслаҳат берди. Ижодхонамга ошиқдим. Бу сафар ҳам анча-мунча саҳифани қораладим-у, столга бош қўйганимча ухлаб қолибман. Уйғонганимда кўпқаватли уйлар ортидан куёш кўтарилиб келаётган эди. Ортимга қарасам, хона чироғи ёқиғ. Жамол оғайним қоғоз қоралаб ўтирибди.

“Янги шеър эшитарканмиз-да”, дея ичкарига кирдим. “Йўқ, аввал “Дунёнинг бир чеккаси”дан янги бобни эшитамиз”, – деди. Тушунмадим. “Қиссангизга менимча ана шу ном мос тушади”, – деди. “Дунёнинг бир чеккаси... Э, ростданам шундай-ку!” дедим ўзимча ҳайратга, ҳаяжонга тушиб. Дўстимга қандай миннатдорчилик билдиришни билмайман энди десангиз...

\* \* \*

Хуллас, ўшанда 5-Қўйлик мавзеси чеккасидаги беш қаватли уйнинг бешинчи қаватида ўн кунча яшадик. Ўн кун ҳам қисса устида тинимсиз ишладик. Ҳа, шундай. Бирга ишладик. Жамол ҳам худди мендек ўша қисса воқеалари ичида яшади. Ҳар бир янги топилмадан қувонди. Ва асар охирига етгач, ҳар бир кўрган кўнгил яқинларига у ҳақда ҳаяжонланиб гапириб юрди.

Қисса 1993 йил декабрида “Шарқ юлдузи” журналида (устоз адиб Худойберди Тўхтабоев таклифи билан) “Сойбўйи қизлари” деган ном билан босилиб чиқди. Бир йилдан кейин “Ёш гвардия” нашриётида китоб ҳолида босилганда Жамолиддиннинг кўнглига бориб қиссани “Дунёнинг бир чеккаси” номини бердим...

Мана, орадан салкам қирқ йил ўтибди. Бу орада баҳоли қудрат яна бир нарсалар ёзган бўлдим. Лекин ўша ўн кунлик ижод жараёни қайталанмади. Унда ҳаммаси бошқача кечганди. Деразасининг бир кўзи синиб тушган ўша торгина балконда тунлари ишлаб чарчоқ сезмасдим. Кундузи ишда мудраб юрмасдим. Қўлимга қалам олдимми, ҳаммаси ўзи қуюлиб келарди. Илоҳий илҳом онлари шундай бўлса керак-да! Билмадим. Лекин шу нарсани аниқ биламанки, ёнимда садоқатли, беғараз, самимий дўстим борлиги менга катта суянч бўлган эди.

Ҳаёт экан, йўлларимиз айро тушиб, бундай ҳамкорлик қилиш имкони бошқа бўлмади. Аммо кейинча-

лик нима ёзсам ҳам елкам узра унинг нигоҳини, нафасини туйиб турардим. “Фалончи ака, мана бундай қилсангиз, менимча, маъқулмиди?” деган йўл-йўриқларини эшитгандай бўлардим.

Ҳозир ҳам шундай...

\* \* \*

**Илова:** *Жамол Сирожиддин (Хумий) (1955–2015) Самарқандлик таниқли шоир. “Бинафшабўй сочлигим”, “Осмон шундай яқин”, “Танбур”, “Сиёб оқшомлари”, “Заҳҳок салтанатида”, “Танланган асарлар” шеърӣ китоблар муаллифи.*

*Унинг “Асрлар қаҳқаҳаси”, “Меҳр-мурувват чашмаси”, “Ал-иксир – жон малҳами”, “Асалари ибрати” пьесалари саҳналаштирилган. Жамол Сирожиддин Рўдакий, Румий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Фоний, Пушкин, Лермонтов, Есенин, Лойиқ, Коргар, Кошоний шеърларини, Ч. Айтматовнинг “Манқурт қиссаси” асарини, М. Зошченко ҳажвиялари, Ф. Муҳаммадиев, А. Истат, О. Ҳамидзода ҳикояларини, У. Сарояннинг “Эй, ким бор?” драмасини таржима қилган. Кўплаб шеърӯ ғазаллари куйга солиниб, таниқли хонандалар томонидан ижро этиб келинади.*

**УМР ҚИЙМАТИ**

Шеър шоирнинг фарзанди дейишади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да, ахир, у юрак қонидан, қалб қўридан яралади. Фарзанд ўз ота-онаси сурату сийратини мерос қилиб олгани каби, шеърда ҳам ўз яратувчисининг маънавий қиёфаси тажассум топади. Машҳур файласуф Франсуа Вольтер бу ҳодисани хиёл бошқача таърифлайди. “Ҳар қандай ижод намунаси ижодкор тўғрисида гувоҳлик беради”, – дейди у. Мен шу тобда қадрли дўстим Чоршамънинг “Сайланма”-сини варақлаб ўтириб, худди шу нарсага қайта-қайта амин бўлиб боряпман.

*Танангда бор экан жонинг,  
                                    авайлаб-асра кўнгилни,  
Куйиб кетмай хонумонинг,  
                                    авайлаб-асра кўнгилни.  
Сени обод этай деб,  
                                    у келибди арши аълодан,  
Саломат бўлсин иймонинг,  
                                    авайлаб-асра кўнгилни.  
Кўнгил асли ҳаётингдир,  
                                    қанотингдир, нажотингдир,  
Саратонда соябонинг,  
                                    авайлаб-асра кўнгилни...*

Шоир сизу бизга насиҳат қилмаяпти, балки ўзига мурожаат этмоқда. Уни яқиндан билган киши сифатида айтишим мумкинки, Чоршамъ том маънода кўнгил одами. Мана қирқ йиллар нари-берисида салом-алигимиз бўлса, Республика радиосида биринчи дафъа учратганим – юз-кўзида самимият балқиб турган, очиқ чехрали, кўнгилчан, жонсўз, содда, ишонувчан йигит-



ча, бугун олтмиш ёшга кирибдики, ҳамон ўша-ўша мен билган Чоршамъ. Гап-сўзи, ҳаракатчанлиги, беғубор кулгуси... (ана борингки, бошидаги дўпписи ҳам) барча-барчаси заҳа емай сақланган. Беихтиёр ҳавасингиз келади.

*Уни шаффоф тутар бўлсанг,  
сени шодмон этур доим,  
Қиёматли қадрдонинг,  
авайлаб-асра кўнгилни.*

Ҳа, кўнгилни асрашда гап кўп экан. “Кўнгил, бу – ўзлигинг” деб бекорга айтилмаган. Айниқса, ижодкор учун бу жуда муҳим. Яхшиликка ишониш, яхши ният, яхши амаллар, некбинлик, ҳар қандай хуш, нохуш ҳодисадан ҳикмат излаш, ҳожатбарорлик... булар бари кўнгилни асраш демакдир. “Чоршамъ ака бировнинг боши оғриб турганини кўрса, ўз бошини боғлаб олишдан ҳам қайтмайди”. Бу истеъдодли ижодкор Алишер Назар эътирофи. Ҳа, шундай. У ҳеч қачон бировнинг дардига бефарқ қараб туролмайди, бўлишгиси келади.

Сир эмас, улғайганинг сари ўз оиланг, бола-чақанг ташвиши билан ўралашиб, ёру дўстлар билан борди-келдинг камайиб боради. Лекин Чоршамъ вақт топади. Дўсти Фарғонада ё Хоразмда бўлсин, уни чорлабдими, албатта етиб боради. Тўй-маъракаси ё бошқа бир тадбири борми, унинг ёнида туради, хизматида бўлади. Унинг учун муҳими – дўст кўнглини топиш. Бир кун водиллик полвон Турсун Али ака билан Навоий кўчасида учрашиб қолдик. Салом-аликдан сўнг “Кўп бўлди кўришмаганимизга, кечқурун ўтинг, бир гурунг қилайлик”, – деди. “Хўп, ўтаман, қайси меҳмонхонадасиз?” десам, полвон кулди: “Чоршамънинг меҳмонхонасида-да!” Кейин билсам, Турсун Али Муҳаммад қачон Тошкентга гастролга келмасин, Чор-

шамъникида кўнар экан. Бир ойми, икки ойми, унинг меҳмони бўларкан. Шунга ўхшаб, вилоятлардаги собиқ курсдошлари борми, Ғулом Фатҳиддин, раҳматли Жамол Сирожиддин (Хумий) каби дарвиш оғайнилари борми, Тошкентга йўли тушса, тўғридан-тўғри, “Чоршамъ, бормисан” деб унинг қопқасини қоқиб келишаверади. Чунки ҳамма ерда ҳам бунингдек, кулбаси тор, бағрикенг меҳмоннавоз дўстни, тонготаргача давом этгувчи дилкаш суҳбатлару дарвишона шеърхонликларни топишолмайди-да.

Чоршамънинг ардоқли шоиримиз Рауф Парфига бўлган садоқати алоҳида таҳсинга лойиқ. Устози ҳаётлигида қилган хизматларини қўя турайлик-да, унинг вафотидан кейинги жонкуярликлари, маъракаларига камарбаста бўлиб туриши, китоблари нашри учун елиб-югурганлари ва яна дам-бадам Минор қабристонига бориб, шоирнинг қабри атрофини супуриб-сидириб келиши, эрта баҳорданоқ қабрга гуллар экиб, обод қилиб қўйиши... Рауф аканинг шогирдлари кўп эди, бироқ ҳаммаси ҳам Чоршамъ каби садоқатли бўла олди, дейишимиз қийин...

Биламан, бу сатрларга кўзи тушгудай бўлса, оғайним қаттиқ хижолат чекади. “Элга шоён қилиш шартмиди шу гапларни” дея эътироз билдириши ҳам аниқ. Тўғри, бу каби хайрли ишлар биров кўрсин учун қилинмайди. Аммо бировнинг кўриши, ибрат олиши учун ҳам бу гаплар фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

*Ҳар кўнгилнинг ҳиммати йўллар билан ўлчанмагай,  
Ҳам вужуднинг қуввати ғуллар билан ўлчанмагай.*

*Ёшим юзга етди деб, сиз жон учун тўйманг ғурур,  
Ҳар умрнинг қиймати йиллар билан ўлчанмагай...*

Тўғри-да, инсон қанча яшагани билан эмас, қандай яшаганига қараб қадр топади. Шу мантиқдан олиб қараганда, дўстимиз Чоршамъ Рўзиёв ҳавас қилса арзигулик ҳаёт йўлини босиб ўтмоқда. У кўп йиллардан бери Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида хизмат қилади. “Ўзбекистон” телерадиоканали орқали эфирга берилган “Туркий қавмлар” каби қатор туркум кўрсатувлари, “Ўзбектелефильм”даги фаолияти давомида миллий телесериалларимиз ривожига қўшган ҳиссасини алоҳида айтиб ўтишимиз лозим бўлади.

Шоир сифатида эса... У “Шарқий қутб”, “Маҳак тош”, “Афанди ўлмади”, “Айро йўллар”, “Севгини соғиндим”, “Ошиқлик” каби қатор китоблари нашр этилди. Мана энди “Сайланма”си ҳам... Таниқли шоир ва ёзувчи, мунаққид Улуғбек Ҳамдам шундай ёзади: “Чоршамънинг “Сайланма”си биринчи жилди ҳам эълон қилинди. Ундан ғазаллар, мухаммаслар ва бармоқ вазнидаги бир қанча шеърлари ўрин олган. Айниқса, шоирнинг тирик ва самимий туйғулари акс этган ғазаллари маънавий ташна ўқувчи чанқоғини бир қадар қондиради. “Бизга баҳор бегонадир борган сари” деб бошланувчи ҳаётий ва фалсафий қамровга кўра ғоят тотли ғазали ажойиб қўшиқ бўлиб, халқ мулкига айланиб улгурди десак муболаға бўлмайди”.

Чоршамъ ижодида мумтоз йўналишдаги изланишлар алоҳида ўрин тутди. Маълумки, арузда ёзиш ижодий жасорат ҳисобланади. Ҳайратли томони шундаки, Чоршамъ нафақат ғазаллар ёзаяпти, балки Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Фузулий, Машраб, Ҳувайдо, Муқимий каби алломалар ғазалларига мухаммаслар ҳам боғлашга журъат этмоқдаки, бу эса улуғлар “панжасига панжа урмоқ” билан баробардир.

*Ғазал битсам радиф, вазну*  
*туруқ дардида йиғларман,*  
*Юракка жуфтлашиб қолган*  
*сўроқ дардида йиғларман,*  
*Туни мубҳам ёқиб чор шамъ*  
*Илоҳ дардида йиғларман.*  
*Манам Машраб кеча-кундуз*  
*фироқ дардида йиғларман.*  
*Магар маъшуқ юзин кўрмоқ*  
*бу дунёда раво бўлмас...*

Мана шундай ўктамлик билан ижод қилаётган шоиримизнинг кейинги ижодига янада равнақ, кўтардиган ҳосилига эса баракотлар тилаймиз.

## ЯХШИ ОДАМЛАР ёхуд ИЖОД ДАРДИ

*Йўл ямону яхшисидан ема ғам,  
Бисмиллоҳ, дегилу кўйғил қадам.*

**Алишер Навоий**

Шеърга, адабиётга қачон ишқим тушиб, қачондан қоғоз тирнай бошлаганим эсимда йўқ. Лекин шуниси аниқ эсимдаки, шоирлик ҳавасига эш бўлиб Тошкентда ўқиш “қарори” ҳам юрагимга қаттиқ ўрнашган эди.

Тўққизинчи синфдалигимда отамиз хасталаниб қолди. Оилада етти ўғил, тўнғичи менман. Кичиги икки, олди ўн икки яшаргача бўлган укаларим, касалманд отам, ёлғизқўл онамни ташлаб, пойтахтга жўнаш инсофдан эмасди. Аммо мурғакликдан дилимга қаттиқ ўрнашган ўжар истак ақлимга бўйсунмасликка ундар, дам-бадам ғалаён кўзғаб турар, бу ғалаённи аранг босиб тинчитсам-да, ич-ичимдан ўксиниб юардим.

Ўнинчи синф яримлаганда дардимни кўшнимиз – Самарқанд Давлат университети, математика факультети 2-курсида таҳсил олаётган Аббос акага айтдим. У ҳеч нарса демади. Демади-ю, эртаси куни мени шаҳарга олиб кетди. Биргаликда университетнинг филология факультети биносига кирдик. Аудиториялар, кенг заллар, спорт майдончаларини кўрсатди. Талабалар билан учраштирди. Бу ерда кимлар ўқиб, қандай одамлар бўлиб етишгани, айни чоқда қанақанги машхур сиймолар дарс бераётганигача гапириб берди. Қисқаси, шоир бўладиган одам бу ерда ҳам астойдил ўқиса, мақсадига эришишига ишонтирди ва ўз шаҳримда қолиб ўқишимга кўндирди.

Мактабни тугаллаб, СамДУнинг ўзбек ва тожик филологияси факультети кундузги бўлимига ҳужжат

топширдим. Пойтахтдан бошқа жойда ўқишни хаёлига ҳам келтирмай, ҳаволаниб юрган малласоч ғўр йигитча, ўқишга аранг илиндим. Илинганда ҳам сиртқи бўлимга... Гап шундаки, менга ўхшаган хиёл камроқ бал тўплаганлардан 30 нафарини (кўзлари қиймаганидан бўлса керак) сиртқи бўлимга қабул қилишди. Хуллас, 16 ёшимда университетнинг сиртқи бўлим студентига айландим.

“Зарари йўқ, – дедим ҳамон отдан тушмай, – биринчи курсни тамомлаб, кундузги бўлимга қайта ариза бераман. Керак бўлса, имтиҳон ҳам топшираман, лекин сиртқида қоп кетмайман!..”

Бу аҳдим биринчи курс охирига етмай чиппакка чиқди. Отам вафот қилди-да, кундузги бўлим ҳавасидан воз кечдим. Энди иш топишим, онамнинг ёнига киришим керак эди.

Колхоз раиси Рофе Ҳамроев қабулига кирдим. У киши ота қадрдоним эди, ниятимдан қувонди. “Ўғлим, сени бухгалтерия курсига юборамиз. Ўқиб келиб, бағримизда ишлайверасан”, – деди.

Ана холос, муштдай бошимдан шоир бўламан, журналист бўламан деб юрган еримда ҳаммасини четга суриб қўйиб, бухгалтерлик қилармишман.

– Раис бобо, ўзимнинг ўқишим нима бўлади, – дедим ҳовлиқиб.

– Ўқишинг ўз йўлида кетаверади. Сессия пайтларинг ишдан рухсат берамиз. Ҳам ўқиб, ҳам дам олиб келасан, – деди раис хотиржам қилиб.

Бошқа иложим ҳам йўқ эди. Рози бўлдим. 1970–1971 ўқув йилида бирйўла икки жойда ўқидим. Университетнинг учинчи курсига кўчган йилим колхозда меҳнат бухгалтери ёрдамчиси бўлиб иш бошладим. Аста-секин экономист ёрдамчиси, кейин чорва бухгалтери бўлдим. Бу орада университет таҳсили ҳам тугаб, филолог-ўқитувчи деган диплом олдим. Энди

истаган еримда ишлашим, дебит-кредит ҳисоб-китобларидан халос бўлишим мумкин эди. Аммо мени бутун ўқишим давомида қўллаб, иззатлаб, маош бериб турган жамоани индамай тарк этишим одобдан эмасди. Қолаверса, чорва бухгалтерлигидек баобрў, “ёғли” жойдан кетиб, мактабда оддий ўқитувчилик қилиш ҳам кўпчилик наздида кулгули туюларди. Яна бир томони – қарамоғимдаги укаларимнинг олди энди-энди суяги қотиб, оёққа туриб келаётган эди. Қисқаси, дипломли бўлганимдан кейин ҳам яна икки йил чўт қоқишга мажбур бўлдим.

Мажбур бўлдим, дейишим ҳам рост гап, ботинимда ҳали-ҳамон ижод дарди симиллар, озроқ фурсат топдимми, нималардир машқ қилишга ундарди. Ўқувчилик йилларимда шеърларим чиқа бошлаганди, кейин эса ҳикояларим ҳам... Аммо, уларни фақат туманимиз газетасигина тан олиб босиб турарди.

Ота қадрдоним бўлмиш Раис бобомиз (кейинчалик у киши қиссаларимда Рустам Ҳайдаров бўлиб кўринди) вафот этди, раҳматли яхши одам, республика миқёсида танилган машҳур раҳбар эди, 56 ёшида дунёдан ўтди. Шундан кейингина менга “монелик қиладиган” киши бўлмай, мактабга кетдим.

Мактабда бир йил ҳавас билан ишладим, ўзимни сувга тушган балиқдек ҳис этардим. Ғайратим ичимга сиғмас, “Шалола” деган адабий тўгарак очиб, ўқувчиларимга шоирликдан “дарс” бера бошлагандим. Кўп ўтмай яна безовталиқ бошланди менда. “Нимага энди дунёнинг бир чеккасида оддий ўқитувчи бўлиб қолиб кетишим керак экан, лоақал энди толеъимни синаб кўришим мумкин-ку!” дердим ўзим билан ўзим курашиб.

Ҳамкасбларим билан сирлашдим. Қўлловчи бўлмади: “Энди кеч, оила, беш фарзанд билан Тошкентда яшашнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, бу соҳани танлаганнинг ё зари, ё зўри бўлиши керак”, – дейишди.

Фақат биргина инсон, қишлоғимизга Нурота томонлардан келиб қолган Нурмуҳамедов деган қария, бошланғич синф ўқитувчиси, бошқача гап қилди: “Менинг бир танишим бор, Низомийда, сиртқи бўлимда бизга дарс берган. Ёшим улуғ бўлгани учун ҳурмат қиларди, шу одамга учраб кўринг-чи”, – деди.

Мактабда иккинчи йил иш бошлашимдан олдин, август ойларида Тошкентга келдим. Аспирантурада ўқиётган собиқ синфдошим йўл бошловчи бўлди. Ўша пайтларда қисқагина қилиб, “проспект 41” деб аталадиган (ҳозирги “Буюк Турон кўчаси, 41-уй”) бино остига келиб, “Гулхан” журналига қўнғироқ қилдик. Чунки журнал таҳрир ҳайъатида биз излаб келган киши – Пирмат Шермуҳаммедов исмини кўргандим ва шу журналда ишласа керак, деган хаёлда эдим. Соддалигим ҳам шу даражада экан-да.

Ичкаридан кимдир жавоб берди: у киши катта одам. Ғафур Ғулом нашриётида бош муҳаррир бўлиб ишлайдилар, деди.

Оёғимдаги титроқ зўрайгандан-зўрайди: ана холос, бу катта одамга қандоқ рўпара бўламан?!

Айтмоқчи, Тошкентдай жойга паспортсиз келибман. Учраган эшикда паспорт суриштириб туришса, бу ёғи қандоқ бўларкин, деган хавотирим ортиб борарди... Йўқ, “Навоий-30” да ҳеч ким ҳужжат сўрамади.

Бинога бемалол кириб, ўша пайтлардаги энг машҳур Ғафур Ғулом номидаги нашриёт бош муҳаррири хонасини осонгина топдик. Катта одам дейишгани – Пирмат ака (профессор Пирмат Шермуҳаммедов) очик чеҳра билан қарши олди. Стулларга ўтказиб, чой узатди.

– Домла, биз Самарқанддан келдик, бир танишингиз юбордилар, – дедим томдан тараша тушгандай қилиб ва мактубни узатдим.

Пирмат ака дарҳол конвертни очиб, аввал суратга қаради.



– Э, домла-ку, – деди кулимсираб.

– Ҳа, Нурмуҳаммедов домла, мактабда бирга ишлаймиз, – дедим жонланиб.

– Тўғри, Нурмуҳаммедов. Олтмиш ёшида биздан диплом олганди. Ғайратли қария эди...

Пирмат ака кўп куттирмай хатни ўқиб чиқди-да, “қани, нарсаларингизни беринг-чи”, деди. Нарсаларим – бир даста шеър ва ҳикоялар эди, дарҳол узатдим.

– Яхши. Эртага шу пайтларда кела оласизми?

– Албатта, – дедим ҳовлиқиб.

Хуллас, эртаси кунни айтилган соатда Пирмат Шермуҳаммедов хонасида ҳозир бўлдим.

– Шеърларингизни ...га (исми ёдимдан кўтарилибди), ҳикояларингизни Ботир Норбоевга берганман. Ҳозир уларни чақиртирамиз, – деди Пирмат ака ишчанлик билан.

Шеърларимни олган одам топилмади, Ботир Норбоев хонага кириб келди. Қорачадан келган, қорувли йигит экан.

– Хўш, Батиржан, ҳикояларди ўқидингизми, – деди Пирмат ака хоразмча лаҳжада.

– Ўқидим, иккитасини...

– Қалай?

– Зўр!

– Расттанми?! – деди Пирмат ака унга синчков нигоҳини тикиб.

– Ҳа, Пирмат ака, менга ёқди. Вилоят муҳитидаги бир нарса бўлса керак дегандим. Йўқ, ёзса бўлар экан!

– Яхши, яхши. Унда ҳаммасини ўқинг-да, кейин менга беринг. Менам танишай. Кейин бир хулосага келайлик. Шу йигитти паддержкка қилайлик, бўптими!

– Албатта, домла, мен тайёрман!

Пирмат ака менга юзланди.

– Самарқандга кетгунча, яна бир келсангиз, ҳикояларни ўқиб қўяман. Шеърларингизни ҳам...

Бир-икки кун ўтказиб, яна Пирмат акага учрадим. Энди бирмунча журъатланиб қолгандим. Анча суҳбатлашдик. Ҳикоялар тили, жумла қурилиши, воқеалар ривожини, мантиқийлигини мақтаб, кўнглимни кўтарди. Фақат озроқ юк ортиш зарурлигини айтди. Шу йил охирида, декабрларда янги ҳикоялар билан келсангиз, деди.

(Шеърларимни ортиқ суриштирмадим. Мендан шоир чиқмаса керак, насрда бирор нарсага эришарман, деган фикрларим қатъийлашиб улгурган эди.)

Пирмат ака мен учун “нажот фариштаси”дек бўлиб кўринган, мурғак болалигимдан ҳаловатимни ўғирлаган орзу-истакларимни қанотлантирган бир зот сифатида таассурот уйғотган эди.

Қишлоққа қайтдим. Қадам босишларим бўлакча, эрта-индин ёзувчи бўлиб танилишимга ишониб, ич-ичимдан ғурурланиб юраман. Ғайратим ичимга сиғмайди: эрталаб вақтли уйғониб, “ижод столим”га ўтираман, уч-тўрт қоғоз қоралаб, мактабга отланаман, у ёқдан қайтиб, тамадди қилмасдан яна қоғозга мук тушаман, кечки овқатдан кейин ҳам не маҳалгача қалам қитирлатаман. Столим устида – рўпарамда Пирмат Шермухаммедовнинг “Ижод дарди” китобининг орқа муқовасидаги сурати: “Ғайрат қилинг, сиздан ёзувчи чиқади” дегандай жилмайиб, қувватлаб туради Пирмат ака.

Шу тарзда 1978 йил сентябридан декабригача ўнга яқин ҳикоя ёздим. Декабрда, ҳаётимда тубдан бурилиш ясаган янги йил арафасида яна Тошкентга йўл олдим.

\* \* \*

Кейинги йил март ойларида, чамамда баҳорги таътил кунлари бўлса керак, ўзим раҳбарлик қилаётган ўнинчи синф ўқувчиларини Тошкентга томошага

олиб келдим. Икки кун биргалашиб шаҳар айландик. Музей, театрларга кирдик, хиёбонларда кездик. Кейин уларни автобусга ўтқазиб, Самарқандга жўнатиб юбордим-да, ўзим Тошкентда қолдим. Биринчи қилган ишим – Ғафур Ғулом нашриётига бориб, ҳикояларим ҳақида биринчи илиқ гапни айтган адабиётшунос олим Ботир Норбоевга учрадим. Навоий кўчаси бўйлаб юриб гурунглашдик. Гап орасида, мавриди келиб қолувди, дардимни айтдим. Ҳали икки йил ўтмаёқ ўқитувчиликдан чарчаганимни, ўқувчиларнинг ярим умри далада ўтаётгани, хоҳлагандек дарс бера олмаслигинини ва ҳоказо муаммоларни қаторлаштириб, кейин мабодо мактабни ташлаб Тошкентга келсам, иш топишим мумкинми, энг муҳими, ишлаб кета оламанми... Шунга сиз нима дейсиз, дедим. Ботир ака гапни айлангириб ўтирмади, иккиланмай келаверинг, иш топилади. Чидасангиз, ишлаб ҳам кетасиз, деди. Бу гапни ўзимча шундай тушундим: бу одам менга ишоняптики, шундай деяпти. Акс ҳолда... Хуллас, яна руҳландим. Ўзимга ишончим ортди. Мактабдаги фаолиятимнинг сўнгги ойларини ички бири орзиқиш, пинҳоний бир севинч билан ўтқазиб, синфимнинг болаларига етуклик аттестатларини топширган куним, мактабимиз директори, тарих ўқитувчиси, Халқ маорифи аълочиси Исомиддин ака Қаршиев ҳузурига кирдим ва мақсадимни айтдим. У айрим касбдошларим огоҳлантиргандек, овора бўлма, Тошкентда яшашнинг ўзи бўлмайди, ё заринг, ё зўринг бўлиши керак, деб кўрқитиб ўтирмади. Биламан, анча кеч ҳаракат қиляпсан, бошқа имконинг ҳам йўқ эди. Мана энди... бемалол кетаверсанг бўлади, деди. Дуо қилди. Хуллас, ўша 1979 йилнинг июлида паттам қўлимга тегди ва эркин қушга айланиб, йигирма олти ёшимда Тошкентга йўл олдим...

\* \* \*

Худонинг берган куни Ғафур Ғулом нашриётидаман. Ботир аканинг хонасига кириб ўтираман. Ботир ака, Маҳкам ака (Маҳкам Маҳмудов) кун бўйи ишдан қолиб мен учун иш излашади. Аввал марказий газета-журналларга кўнғироқ қилиб чиқишди. Кейин Тошкент вилояти, “Тошкент оқшоми” газеталарига. Натижа йўқ. Илгари қаерда ишлаган, дейишади, мактабдами, бўлмайти. Бизга тайёр ходим керак! Кунлар эса ўтиб боряпти. Охири шу даражага бордимки, “Китобсеварлар жамияти”да бухгалтерлик ўрни бўш экан, борасизми, дейишди ҳазил-чин аралаш. Розиман, дедим сира иккиланмай. Ҳой, бу сенга колхоз эмас, давлат ташкилоти, кирим-чиқим, дебит-кредит ҳужжатларини юритишда осмон билан ерча фарқ бўлса керак, деб ҳам ўтирмадим. Нашриёт жойлашган бинонинг иккинчи қаватига тушдим. Раҳбарга учрадим. Бир кўзи қора тасма билан боғланган, аммо ўзи анча басавлатгина киши экан. У таржимаи ҳолим юзасидан обдон сўраб-суриштирди-да, кейин кўзимга қаттиқ тикилиб, “Хотин, бола-чақадан қочиб келяпсизми?” – деса бўладими!.. Ҳалигача тушунмайман, нега бунақа деди бу одам... Сарикмасманми, қизариб-бўзариб ўрнимдан туриб кетдим. “Э, нима деяпсиз, ўйлаб гапиряпсизми, бизди Самарқанддан бола-чақани ташлаб қочадиган номард чиқмаган, чиқмайдиам!.. Бўпти, хайр!..” Раҳбар илжайди. “Ўтиринг, ўтиринг, ҳазил. Бўпти, эртадан ишни бошлайверинг, Пирмат акадан таърифингизни эшитганман, ука. Фақат бунақа сержаҳл бўлманг-да..”

Хиёл тинчланиб, Ботир акаларнинг хонасига кўтарилдим. “Хўш?..” дейишди. Бўлди, дегандай бош ирғадим. Лекин авзойимдан унчалик хурсанд эмаслигимни пайқади, шекилли, Ботир ака тасалли берди. Вақтинча

илиниб туринг, бирорта маъқулроқ жой чиқиб қолса, шундай ўтиб кетаверасиз. Биз сўраб-суриштириб турамиз, деди. Шу пайт Маҳкам ака билан гаплашиб турган, чамаси ўзим тенги бир йигит биз томонга ўгирилди-да, радиога борсин, менинг ўрнимга, мен кетаяпман, деса бўладими!.. Сиз Литдрамда ишлайсиз-а, деди Ботир ака жонланиб. Ҳа, зўр жой. Ойлиги яхши, қалам ҳақиям... Маҳкам ака гапга аралашди: Ботиржон, сиз дарров Пирмат акага киринг, у киши тавсия қилса, йўқ дейишмайди.

Ишонсангиз, дилим шундай равшан тортиб кетдики, қўяверасиз. Ахир, ўйлаб кўринг: муштдай бошимдан чўт қоқиб, дебит-кредитлардан безиб, мактабга ўтиб кетган бўлсам-да, азза-базза Тошкентга келиб, яна... Хуллас, Республика радиосига қараб йўл олдим. Ҳа, айтмоқчи, мени бу ерга келишимга сабабчи бўлган йигит – бугунги кунда таниқли шоир, олим, таржимон Тоҳир Қаҳҳор эди. Ҳозир ўйлаб туриб ҳайратга тушаман: бу одамларни илгари кўрмаганман. Бири қорақалпоқлик, бири хоразмлик, бири андижонлик, яна бири наманганлик... Уларга ўтказиб қўйган жойим ҳам йўқ. Лекин худди ўз жигарларига қайғургандек қайғуришади. Сира малолланмай, мен учун кимларгадир қўнғироқ қилишади, илтимос қилишади. Йўлим очилавермаса, хафа бўлишади, ёруғлик кўринса, қувонишади. Мабодо дейман, шуларнинг ўрнида бирор тўнғроқ одамга дуч келганимда (кейин бунақа кимсаларга ҳам дуч келдим). нима бўларди?! Қишлоқдан ташқарига чиқмаган, ҳатто ҳарбий хизматда ҳам (оилавий шароит туфайли) бўлмаган мўрт йигитча Тошкент тош шаҳар экан деб, бу ерда ё заринг, ё зўринг бўлмаса бўлмас экан, деб ортимга қайтиб кетармидим. Ҳа, биринчи қадамларингда қандай одамларга дуч келишингда гап кўп экан...

Радио эшигига келиб, ичкарига кўнғироқ қилдим. Ҳаял ўтмай новча (мендан бир калла баланд), туташ қора қошли йигит чиқиб келди. Кулимсираб кўришди-да, паспортимни сўради. Кейин бир туйнукка бориб, рухсатнома ёздириб олди-да, ичкарига бошлади. Мелиса текширувидан ўтиб, иккинчи қаватга кўтарилдик. Бу ерга келишдан олдин, қулоғимни пишитишган. Синов қаттиқ бўлади. Дадил бўлинг, катта-катта гапираверинг, дейишган. Лекин барибир юрагим чопмаяпти. Бўлмайди, бари бефойда, деган ишончсизлик миямда айланади. Гап шундаки, мен шу чоққача туман газетасидан бўлак даргоҳни кўрмаганман. Санаганда саккиз-ўнта шеър у ҳикоям фақат ўша туман газетасида босилган. Республика радиосидай маҳобатли бир жамоага менинг нимамага ишониб ишга олишади. Хужжатларимни кўриб оқ ҳафсалалари пир бўлади, дердим. Тоир Юнус (ҳалиги мени ичкарига олиб кирган йигит) бир хонага бошлаб кириб, шу ерда ўтириб туриб, дея чиқиб кетди. Хона торгина, икки стол, бири кираверишда, ўнг қўлда, иккинчиси унга тақалган ҳолда эшикка қаратиб жойлаштирилган. Столлар ёнига биттадан кўшимча стул қўйилган. Улардан бирига ўтирдим-да, кўлимдаги папкани стол устига қўйдим ва шундай бошимни кўтариб, рўпарадаги эшик ёзувига кўзим тушди: **“Бош муҳаррир Насиба Эргашева”**. Ие, ана бўлмаса, фамилиядош эканмиз-ку! Лоақал фамилиям шарофати билан... Ҳа, демак қабулхонадаман. Ҳозир бошлиққа олиб киришади. Йўқ, ундай бўлмади. Хонага жиддий қиёфали, баланд бўйли, қорачадан келган киши кирди. Қаердадир кўргандайман. Дарҳол жонкуяр Маҳкам аканинг гапларини эсладим. “У ерда Эминжон, Тоҳир Малик деган ёзувчи акаларингиз ишлашади. Танийсиз-а уларни?” “Ҳа, ўқиганман”. “Унда жуда яхши. Иккиси ҳам бўлим бошлиғи, ана шу-

лар ҳал қилишади...” Дарҳол миям тиниқлашди. Ие, Тоҳир Малик-ку! Ўрнимдан чаққон туриб, салом бердим. У киши индамай кўришди-да, юқоридаги столга ўтиб ўтирди. Ўтиринг дегандай бош ирғади. “Тоҳир ака, яхшимисиз?” У эшитилар-эшитилмас овозда “яхши” деди-да, олдимдаги папкага ишора қилиб, қўлини чўзди. Дарҳол олиб бердим. Нафас ютиб, кузатиб турибман. У шошилмай қоғозлар билан таниша бошлади, аввал маълумотномани қараб чиқди, кейин таржимаи ҳолимни ўқиди. Навбат газеталарга келди. Уларни ва қўлёзмаларни бир-бир кўздан ўтказди-да, кейин ҳаммасини қайтадан жойига жойлаб, папка боғичини боғлади. “Тамом, ҳозир қўлимга қайтиб беради!” Йўқ, ундай бўлмади. Бошини кўтариб, жиддий тикилди-да, “Ҳм, беш болали йигитча”, – деб қўйди. Нима дейишни билмайман, ҳазиллашяпти, десам, қарашлари жиддий. “Ўқиганмисиз?” “Нимани?” “Беш болали йигитча”ни-да”. “Ҳа, романными, ўқиганман...” Шундан сўнг, Тоҳир ака папкани стол чеккасига олиб қўйди-да, чоршанба куни келасиз, ҳикояларингиз билан болалар танишиб чиқишади, деди. Қолганини кейин гаплашамиз... У шундай деди-да, бош ирғаб қўйиб ўрнимдан турди.

Тоҳир ака билан роса қирқ йиллик ака-укачилигимиз, устоз-шогирдлигимиз ана шу кундан, ўша мубҳамгина суҳбатдан бошланган экан, ҳозир ўйлаб қарасам. Кошки эди шундай бўлишини олдинда билганимда, дўппимни осмонга отган бўлармидим. Аммо ўшанда у киши билан қайта учрашгунимча ичимни ит тирнаб юрди. Энди нима бўларкин? Ҳикояларим ёқармикан? Ҳалиги ҳазили бекорга бўлмаса керак. Ўзингизни ҳам, беш болангизни ҳам қийнаб юрманг, Тошкентда яшашнинг ўзи бўлмайди, деса-я!.. Орадан бир кунни амаллаб ўтқазиб, чоршанба куни яна радиокomiteт биноси олдида ҳозир бўлдим. Бу сафар

ичкарига кўнғироқ қилишимга ҳожат бўлмади. Ойнаванд эшик очилиб, бир киши отимни айтиб чақирди. Бу ёққа келинг, деди. Эски танишлардек қўл бериб кўришди-да, ичкарига бошлади. Қарасам, фойеда Тоҳир Малик ўрта бўйдан баландроқ, пишиқ-пухта тана-тўшли, очиқ чеҳрали бир киши билан турибди.

– Келинг, беш болали йигитча... Ваалайкум асса-лом. Танишинг, бу акангиз – Эминжон Усмонов.

Кўшқўллаб кўришдим.

– Буниси, – мени чақириб кирган йигитга ишора қилди. – Сотволди Ражабов, анжанлик.

– Тоҳир билан юртдошмиз...

– Бўлмаган гап, ман тошканликман... – деди Тоҳир ака бамайлихотир. – Булар шунақа, машхур одамлар-ни дарров ўзлариники қилиб олишади. Ҳм, нотўғри-ми?.. Машраб қаерлик?

– Асли анжанлик.

– Ана, айтмадимми?..

– Исбот керакми?

Тоҳир ака исбот талаб қилиб ўтирмади-да, шеригига юзланди.

– Эминжон, бўлмаса, бу йигитчани сизга топширдим. Биз бормасак бўлмайди. Опага олиб кириг. Айтмоқчи, опаниям теги анжанлик.

Сотволди ака шарақлаб кулди. Тоҳир ака жиддий қиёфада давом этди.

– Анжанлик бўлмасаям бўладиган бола экан, денг. Ҳикоялари ҳақидаги фикримизни айтинг. – У шундай дея менга ўгирилди. – Битта ҳикоянгиз ёқмади менга. Билдингиз-а? Босмачилар ҳақидагиси. Билмаган нарсангизни ёзманг...

– Ҳалиги... Бўлган воқеа экан. Ҳатто ўзимизнинг қариндошимиз экан...

– Қариндошингиз Йўлдошхўжа... – у шерикларига қараб кулимсираб қўйди-да, – унақа одам бўлмаган,



эхтиёт бўлинг, – деди. Кейин гапни қисқа қилди. – Бўпти, буни алоҳида гаплашамиз...

(Тоҳир аканинг бу танбеҳи сабабини кўп ўтмай тушундим. Кўзим ярқ этиб очилди. Мен, қизил шўро мактабининг аълочи ўқувчиси, билиб-билмай ўз аждодларим юзига (Ўзи кечирсин!) лой чапламоқчи бўлган эканман).

Мен ғалати бир ҳолатда эдим. Куни кеча бу кишиларнинг бирортасини танимасдим. Аммо ҳозир ўз-ўзидан уларнинг бирига айланиб турибман. Бир-бирларига бемалол ҳазил қилишяпти. Ўзларига яқин олганларидан бўлса керак-да, акс ҳолда... Наҳотки, бу ёғи осон кўчса...

Жудаям осон кўчмаган бўлса-да, оқибати хайрли бўлди. Тўрт ой синовда юрдим. Топшириқ беришади, мен Ботир акага учраб, йўл-йўриқ оламан-да, ишга киришаман. Лавҳа, мақола, очерклар тайёрлаб келаман. Ёзганларим маъқул топилади, эфирга берилади, уч-тўрт сўм қалам ҳақи ҳам оламан. Лекин иш масаласи илгари силжймайди. Яхшиям, ётоқ масаласида қийналмадим. Аввалига Халқ хўжалиги институти ётоқхонасида (Абдуманнон исмли талаба ҳамқишлоғим ёрдамида), кейин “Аспирантлар уйи” даги ҳалиги аспирант синфдошим хонасида деярли текинга яшаб турдим. Ҳафта сайин Самарқандга қатнайман. Қатнаганда ҳам пайшанба куни кечки поездга ўтириб, жума куни эрталаб қишлоқда бўламан. Уйимдагилар билишади, билмаганлар, мени Тошкентдаги катта бир редакцияга жойлашиб опти, деб эшитганлар ажабланишади. Бугун иш куни эмасми, деб сўрашади. Мубҳам жавоб қиламан: иш куни. Мен сафардаман, дейман. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да, шарманда бўлмайин-да, Худойим, деб қўяман. Шу тахлит ою кунлар ўтиб борарди. Бир сафар “дам олиш” кунларини ўтказиб, Тошкентга отланиб турибман. Октябрь ойи яримлаган.

Укаларим томга шифер қоқишяпти. Нима бўлди-ю, йўлга чиқаман деб турган еримда ниятимдан қайтиб, кел, бир-иккита шиферни узатишиб юборай дебман. Шифер деганим ҳалиги биз билган азбестданмас, тунукадан эди. Иккитасини тепага узатдим-у, учинчиси негадир тепада турган йигитнинг қўлидан сирғалиб тушиб кетди. Ўзимни четга олдим-у, ўнг оёғимни тортишга улгурмадим. Оёғим юзи худди олов теккандек “жиз” этди. Қарасам, оқиш туфлим қип-қизил қонга бўялибди. Дарҳол мени суяб, қўлтиқлаб чорпояга олиб бориб ўтқазишди. Туфлимни, пайпоғимни ечишди. Тунука шифер қирраси шим почасини, пайпоғимни устарадек қирқиб, кейин оёғимга ботган, йўғон томирлардан бири кесилган, шекилли, қон тўхтайдимасди... Бир ҳафтача қишлоқда қолиб кетдим. Кейин учта чок тушган кесик оёқ билан яна Тошкентга йўл олдим. Оқсоқланиб радио биноти томон борарканман, “Э, қаёқда юрибсиз?!” – дейди биров. Қарасам, шу ердаги кўз танишларимдан бири. Ниманидир сездим, юрагим бир қалқиб олди. “Тоҳир ака билан Эминжон ака сизни бир ҳафтадан бери қидиришади. Тез учранг. Янгилик бор, шекилли...”

Оёғим симиллаши бирпасда йўқолди.

Узун коридор охирида Эминжон ака кутиб олди. Қаёқларда юрибсиз, дарвиш?! Қишлоқда эдим. Келаётиб...

Эминжон ака оёғимга тикилиб, бир зум жимиб қолди-да, кейин: “Ҳозир тузукми энди, пахта теришга ярайсизми”, – деди. Тушунмай анграйдим. “Бу ёққа юринг-чи”. Тоҳир аканинг хонасига бошлаб кирди. “Ие, беш болали йигитча топилибди-ку”, – дея Тоҳир ака телефон гўшагини жойига қўйди. “Ҳозир розиска берсамми, деб тургандим...” “Бу дарвишингиз қишлоққа кетган экан”, – деди Эминжон ака ўтираётиб. “Ҳмм... – деди Тоҳир ака менга бошдан-оёқ қараб чиқиб, – бо-

лаларни кўпайтиргани кетгандир-да”. Эминжон ака кулди: “Қаёқда, устачилик қилиб, оёғини кесиб олибди...” Тоҳир ака воқеа тафсилотини эшитиб, бир зум жим қолди. Кейин кулимсиради. “Зарари йўқ, қишлоқди боласи, чидайди. Энди гап бундай, беш болали йигитча. Опа сизни раисга олиб киради. Оқсамайсиз. Ҳеч нарса бўлмагандай, нима дейишса хўп дейсиз. Бугун 1 ноябрь, Убайдулла Ёқубович хужжатингизга қўл қўяди-да, эрта шанба, якшанбани ўтқазиб, тўртинчида пахтага кетасиз. Келишдикми?!”

Ҳаяжондан нафасим тиқилиб, овозим чиқмай қолди. Шошиб бош ирғадим.

Кейинчалик айтиб беришларича, менинг фамилиядош опам бўлим бошлиқлари Тоҳир ака билан Эминжон акадан пахтага одам сўрабди. Ҳамма ишга ярайдиганлар пахтада, бошқа одамимиз йўқ, дейшибди. “Билмадим, иккита одам керак. Ана, Тоиржон (Тоир Юнус) борсин. Яна битта топинглар”. “Одам бор”, – дебди Эминжон ака Тоҳир акага қараб олиб. “Синовда юрибди, ёзганларини ўқидингиз. Эфирга бериб турибмиз”, – дебди Тоҳир ака давом этиб. “Шу йигитни ишга олайлик-да, пахтага жўнатайлик...” “Майли-ку-я, Литдрамга ёшлик қилади-да”. “Қанақасига ёшлик қилади, йигирма олтига кирган...” – дебди Эминжон ака қатъий туриб. “Ижодкор сифатида ёш деяпман, китоби чиқмаган. Марказ тугул, вилоят газеталарида бирор нарсаси босилмаган. Менга қолса-ку, йўқ демасдим, сизларга ишонаман, дирекциядагилар оёқ тираб олишган”. “Опа, шу йигит учун Тоҳир иккаламиз кафилмиз. Агар ишни эплотмаса, жавобини биз берамиз”, – дебди Эминжон ака сўнгги нуқтани қўйиб. Хуллас, бош муҳаррирни кўндиришибди. Кейин мени излашса, йўқмишман. Агар бир кун кечикканимда, билмадим, нима бўларди.

Хуллас, ўша куни Телерадио Давлат қўмитасининг қирқ йиллик раҳбари Убайдулла Ёқубович Иброҳимов буйруққа имзо чекди. Ва бир кун ҳам ишламай, 4 ноябрь куни Бекободга пахта ҳашарига жўнадим. Айтмоқчи, ишга кирган куним Аспирантлар ётоғига бордим-да, оёғим яраси битгандир деган хаёлда, секин ипларини қайчи билан қирқдим. Қирққанимни биламан, жароҳат ўрни очилиб кетса бўладими!.. Оббо, энди нима қиламан? Ҳамхоналарим маслаҳати билан оёғимни сиқиб боғладим-да, дорихонага чиқиб, бир талай “стрептоцид” таблеткалари, “йод”, “зеленка”, бинт олдим. Хонага қайтиб, таблеткаларни туйдим-да, кукунини ярамга сепдим. Устидан ачитиб йод суркаб, бинт билан боғладим...

Пахта териб юраман. Бир маҳаллар этигимни ечсам, пайтавам қип-қизил қонга бўялган бўлади. Дарҳол ярамга таблетка кукунидан сепаман, малҳам суриб, бинт билан боғлайман ва устидан пайтава ўрайман. Ҳеч кимга сездирмайман. Суягим ғўза эгатларида қотган эмасми, теримда қийналмайман. Аксинча, ҳавас билан, соғинч билан эгат оралайман. Болалигим ўтган далаларни, бешинчи синфдан бошлаб пахта ҳашарига чиқиб кетишларимизни эслайман. Синфдош, қишлоқдош болалар, қизларни бир-бир кўз олдимга келтираман. Айниқса, кичкинтойларим ёдимга тушса, нафасларим қайтиб, юрагим ҳаприқиб кетади. Тавба, дейман, етти ухлаб тушимга кирмаган ишлар бўп кетди-я!..

Бўлажак ҳамкасбларим Тоир Юнус (муҳаррир), Санжар Саъдуллаев, Воҳиджон Дўстмуҳаммедов (радиорежиссёр)лар билан деярли тенгдош эканмиз, юлдузимиз ўнг келиб, иноқлашиб кетдик. Ишим осон ҳал бўлганидан бир қувонсам, бўлажак ишхонам қоронғу ўрмондай кўриниб ваҳимага солади. Хўп, эрта бир кун пахтадан қайтарман. Ишга ҳам тушарман, дейман гоҳида ўзимча. Эплаб кетармикинман? Ишқилиб,

мени кафилликка олганларни уялтириб қўймасам гўрга эди. Баъзан шунга яқин гап қилсам, Тоиржон далда беради. Э, парво қилманг, ҳаммаси яхши бўлади, дейди. Ҳали сиз билан бирга кўп эшиттиришлар тай-ёрлаймиз, дейди Санжар ҳам уни қувватлаб. (Санжар Саъдуллаевни танийсиз, бугунги аксар хориж телесериаллари бош қаҳрамонларини “ўзбекча гапиртирадиган” дубляж қиролларидан бири. Тоир Юнус ҳақида гап кетганда мен доим Радиодан топган энг садоқатли, оқибатли дўстим эди, дея эътироф этаман. Афсус, умри қисқа экан, 56 ёшида (1954–2010) дунёдан ўтди. У 1996 йилда радиодан кетиб, кинохроникада бош муҳаррир бўлиб ишлаётган эди. Режиссёр Воҳиджон Дўстмуҳаммедовнинг ҳам ширали, салобатли овози бор эди. Кейинги пайтларда уни телекўрсатувларга ҳам жалб қилишиб, мумтоз ғазалларни ўқитишаётган эди. У ҳам Тоиржон билан тенгдош, вафоти ҳам деярли бир вақтга тўғри келган эди, янглишмасам. Оллоҳ раҳмат қилсин уларни).

Хуллас, пахта териб юрибман. Ҳали айтганимдай, кунига икки-уч маҳал бекитиқча этигимни ечиб, оёғим жароҳатини тозалаб, кукун билан селгитиб, йод суркайман. Баъзида оёғимни қимирлатсам, шиқирлаган овоз чиқади. Бош бармоғимни ушлаб кўрсам, карахт, ҳеч нарсани сезмайди. Оббо, дейман ташвишга тушиб, бир касофатга йўлиқиб қолмасайдим!.. Кундузи деярли оғриқ сезмайман, лекин кечаси йиғма каравотимга чўзилишим билан, нафақат жароҳат ўрни, ўнг оёғим бор бўйи билан қақшашга тушади. Тишимни тишимга босиб, ухлаб олишга уринаман. Баъзида ярим тунлар бўлиб кетса ҳам оғриқнинг хуружидан кўзимга уйқу келмайди. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганича бор экан. Радио раҳбарлари биздан хабар олгани келишган экан, кимдир мени “со-тибди”. Ғафур ака Аҳмедов деган директор ўринбосари

ёнимга келди. Мен эндигина каравотимга ёнбошлаган эдим. Наридан гаплашган бўлди-да, секин одейлимни кўтарди. “Бу нима?” – деди. “Ҳеч нарса”. “Бинт билан боғлаб ташлабсиз-ку. Дўхтирга учрадингизми?” “Э, шарт эмас...” “Сизни қаранг-у...” У бирпасда амбулатория навбатчисини бошлаб келди. Ва қисқаси, менга рентгендан ўтиб келишга йўлланма беришди. Рухсат текканидан қанотланиб, тўғри Самарқандга кетдим. Соғинганларим билан дийдорлашиб, рентген натижасини олиб қайтдим. Суякка зарар етмаган экан. Лекин барибир, теримга қайта рухсат беришмади.

Шундай қилиб, 1979 йилнинг 19 ноябрь куни Республика радиосининг Адабий-драматик эшиттиришлар бош редакциясида Наср бўлими муҳаррири сифатида биринчи иш кунимни бошладим. Ҳеч шубҳасиз, бу менинг омадим, Яратганнинг буюк марҳамати эди. Гапнинг ҳалоллини айтадиган бўлсам, ўша ҳолатимда мен бу вазифага муносиб эмасдим. Мендан ташқари ҳам (кейинчалик эшитишимча) бу ўринга яхши-яхши номзодларни тавсия қилишган, шу сабабли ҳам етарлича қаршиликлар бўлган, бироқ ҳали айтганим Тоҳир Малик, Эминжон Усмонов деган инсонлар (Оллоҳ раҳмат қилсин уларни!) қатъияти орқасидан улоқ менда кетган экан. Энди ҳаммаси ўзимда қолган эди. Ҳар ҳолда, азза-базза ишлаб турган жойимни ташлаб Тошкентга келганим, оилам, болаларим, аввало Онаизоримнинг умид билан кўз тутиб тургани, менга ишонч билдирган устозлар олдигаги масъулиятим, ва албатта, табиатимдаги ботиний бир ўжарлик қувват бердими, хиёл фурсатда радиочига айландим. Шубҳасиз, бу борада жамоанинг, атрофимдаги яхши одамларнинг бағрикенглиги ҳам катта ёрдам берди.

Радиога иш бошлаганимдан сўнг эфирга биринчи берилган жиддий ишим – олти миллионли пахта

режаси бажарилган кун эфирга берилган радиокомпозициям бўлди. Уни синовда юрган пайтларим ёзиб берган эдим. Композиция аввали ва охирида таниқли ижодкорлар табриги берилса... деган таклиф тушди. Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар бўлса, янаям яхши бўларди, дейишди. Усмон ака (Усмон Азимов) жонимга оро кирди. Мен бирга бораман, деди. Мендек бир ғўр йигитчанинг бундай номдор шоирларга рўпара бўлиши осонми?! Хуллас, дастлабки иш кунларимданоқ ана шундай инсонлар билан юз кўришиш насиб этди ва хизмат тақозоси билан кейинчалик не-не улуғлар билан мулоқотда бўлдим, уларнинг неча бирлари билан ота-бола, ака-ука, устоз-шогирд сифатида бир умрга боғланиб қолдим. Бир чеккадан айтаверсам, эҳ-ҳе...

Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Тилак Жўралар ҳақида орқаворатдан эшитиб юрардим. Уларнинг атрофидаги ажабтовур муҳит, гуррос-гуррос талабаларнинг уларга эргашиб юришлари... Шунингдек, Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов, Талъат Солиҳов каби машҳур домлалар ҳақида ҳам... Уларда ўқиган, улар билан мулоқотда бўлган ижодкорларга ҳавас қилар ва Тошкентда ўқиёлмаганимдан ўксиб кўярдим.

1992 йил эди. Профессор Ғайбулла Саломовнинг 60 йиллиги муносабати билан эшиттириш тайёрлашга топшириқ олдим. Домла билан танишдим, анча суҳбатлашдим. Шу аснода Нажмиддин Комилов, Тилак Жўралар билан ҳам кўришиш насиб этди, уларнинг ҳам овозини ёзиб олдим. Эшиттириш 11 декабрь куни эфирга чиқди. Айнан шу куни Университетда Домланинг 60 йиллигига бағишланган катта тантана бўлиб ўтди ва уни ҳам махсус овоз ёзиш машинасида Университетга бориб, магнит тасмасига туширдим. Юбилейдан роса бир ҳафта ўтиб эса... фожиа юз берди – Республика прокуратурасида масъул вазифада ишлайдиган дом-

ланинг ўғли Ҳабибулла Саломов сирли равишда ғойиб бўлди. Икки инфарктни ўтказган отанинг ёлғиз фарзандидан жудо бўлиши тасаввурга сиғмайдиган мусибат эди. Яхши эслайман, ўшанда кўплаб шогирдлари, Ҳабибулланинг дўстлари домлани мусибат билан ёлғиз қолдирмасликка, чалғитишга, тасалли беришга ҳаракат қилишди. Мен ҳам ўз ўрнида Ғайбулла акани радиога тез-тез чақирадиган ёки ёзув ускунасини кўтариб, уйларига бориб турадиган бўлдим. Ҳар хил байрам, юбилейлар муносабати билан буюртмалар ҳам берардим ва домла бу ишларни камоли ҳафсала билан бажариб келарди. Эсимда, ўша кунларда Тилак Жўра касал бўлиб қолди. Оғир эмиш, Сайётга опкетишибди, деган хабарларни эшитдик. Ғайбулла ака менга қўнғироқ қилиб: "Тилакжон бетоб, унинг ижодига бағишлаб эшиттириш тайёрладим. Шуни тезгина эфирга берсак, эшитиб зора умрига умр қўшилса", – деди. Биз улгурдик, раҳматли Тилак ака эшитиб, хурсанд бўлганидан ҳам хабар топдик ўшанда. Самарқанддаги энг яқин дўсти, профессор Нуриддин Шукуров вафот этганида ҳам бутун бошли хотира эшиттиришни домланинг ўзи шахсий ташаббус кўрсатиб, тайёрлаб келди. Хуллас, муносабатларимиз шу даражага етдики, Худонинг берган куни қўнғироқлашиб, бир-биримиздан ҳолдон бўлмасак уйқумиз келмасди. "Ёзилмаган дoston" бадиамда айтганимдек, домла 1995 йили Ҳаж зиёратида бўлиб қайтди. Ўша йилларда, баъзи бир сабабларга кўра, Москвада яшашга мажбур бўлган тадбиркор шогирдларидан бири – Анвар Ҳусайинов, домла, бир Ҳажга бориб келмайсизми, деб қолади. Э, Анваржон, бизга йўл бўлсин, дейди домла кулиб. "Нега ундай дейсиз, домла, нафақат ўзингиз, қанча шогирдингиз бўлса, айтинг, биз юборамиз. Хўп, дейверинг, корпорациямиз ҳомийлик қилади". Домла бир куни мени ёнига чақириб, мулла фалончи, нима дейсиз, бизга ҳамроҳ



бўласизми, деб турибди. Қулоқларимга ишонмадим. Аввалига хўп дедим-да, кейин ниятимдан қайтдим. Ғуломхон Ғафуров (адабиётшунос олим)га ёрилдим. Ҳар қанча ҳомийлик қилишганда ҳам, ёнингда ўзингнинг уч-тўрт танга пулинг бўлиши керак-ку, мен бўлсам, қип-қизил пролетарман, домлага узримни айтиб қўйсангиз, дедим. Йўқ, йўқ, деди раҳматли Ғуломхон ака бош чайқаб, бу гапни ўзингиз айтганингиз маъқул, домлани хафа қилиб қўямиз, деди. Биргалашиб бордик. Узримни айтдим. “Ие, бу қанақаси бўлди, – деди Ғайбулла ака ранжиган қиёфада. – Мен ҳали кимларга ишониб юрибман-а!” “Домла, айтдим-ку...” “Бу баҳона бўлмайди, мана сизга юз доллар!” “Қарз олиб Ҳажга бориш тўғри эмас-ку, домла...” “Қарз эмас, ҳалиги таржима қилаётган китобингиз ҳисобидан!” Бошқа гапга ўрин қолмади. Рози бўлдим...

Яна гап аввалига қайтсам. Анча қўлим келиб қолди. Ишга шунчалик шўнғиб кетдимки, операторлик, баъзида режиссёр оғайниларим ҳаяллаб қолишса, уларнинг йўқлигини билдирмай, режиссёрлик ҳам қилиб кетаверадиган даражага етдим. Қизиғи, бунга оддийгина оператор қизнинг дашноми туртки бўлди. Адашмасам, Жуманиёз Шарипов деган кекса бир ёзувчининг интервьюсини ёзиб олишим керак эди. Домлани студияга бошлаб кирибман-да, мен содда рўпарасида ўтириб олибман. Жуманиёз ака суҳбатини бошлади, аниқроғи, қоғозга ёзганларини ўқиб берди. Кексалик сабаб, бир-икки жойларида янглишди. Аппаратхонада ўтирган қиз ойнадан менга қараб қандайдир ишоралар қилди. Тушунмадим. Ўтиравердим. Кейин билиб оларман дедим. Хуллас, домлани кузатиб қўйиб, аппаратхонага кирдим. Нима гап, Вазираҳон, деганимни биламан, э, қанақа одамсиз, деб бобиллаб берса бўладими. “Нега студияга кириб олдингиз? Редактор дегани мана бу ерда ўтирмайдими. Виступаю-

ший адашса, кнопкани босиб, домла, тўхтанг, мана бу жойини бошқатдан ўқиб беринг, демайдими?!" "Узр, узр, билмабман". "Билмасангиз, энди билиб оласиз. Мана лентангиз, монтажний топиб, ўзингиз монтаж қилинг. Менинг вақтим йўқ..."

Латтам сувга тушиб, хонамга қайтдим. Ҳалиги қиз ўзимга дашном бергани етмагандай, таҳририятга ҳам кириб ахборот бериб кетибди. Бошим гангиб, қип-қизариб ўтирган еримда барака топгур Матлуба опа (Матлуба Исломова, "Дугоналар" журналини тайёрларди) деган муҳарриримиз шартта ўрнидан турди-да, фалончи, бу ёққа юринг, деди. Индамай эргашдим. Опа тўртинчи қаватга бошлаб чиқди. Монтажхона топиб, бирпасда ҳалиги "виступаюш" им сўзида адашган жойларини шартта-шартта қирқиб, улаб чиқди-да, магнит тасмаси ўрамини кўлимга тутқазди. "Ҳалиги маҳмаданага обориб беринг, янги лентага кўчирсин-да, фонотекага топширсин", – деди. "Шунчалик иш экан-у, анови қиз..." дея ажабландим. Роса алам ўтган эканми, нафақат матнга алоқадор юмушларни, балки техник ходимлар бажарадиган вазифаларни ҳам ўзлаштириб олишга киришиб кетдим. Натижада студияга кириб бораверсам, қизлар қувонадиган, бутун бошли студия ихтиёрини менга топшириб, "зарур юмушлари"ни бажариб олгани чиқиб кетадиган бўлишди...

Кунларнинг бирида Эминжон ака: "Ҳадеб қишлоққа қатнайверасизми, оилани кўчириб келинг энди", – деб қолди. Ижарага яхшироқ жой чиқишини кутиб юрибман, дедим. "Жой бор, сиз ҳаракатингизни қилаверинг", – деди. Кейин мени Келесга кетаверишдаги Киров деган бир қишлоққа бошлаб борди. У ерда бўш ҳовли бор экан. Ҳовли эгаси Эминжон аканинг туғишган акаси бўлиб, у хизмат юзасидан оиласи билан бошқа вилоятга кўчиб кетган экан. Ижара ҳақисиз, фақат ҳовли-жойга қараб туриш шарти билан яшаб туради-

ган бўлдим. Эминжон ака раҳматли шу тахлит менинг яна бир муаммомни ҳал қилиб берган эди.

Тошкентда илк учратганим ёзувчи-шоирларнинг баридан нуқул яхшилик кўраверганим учунми, бу қавм аслан фариштага яқин яратилган экан, деган хулосага ҳам келиб бўлгандим. Лекин... Йўқ, хулосада янглишган эканман, демоқчи эмасман. Ҳали-ҳамон ўша фикрдаман. Китоб ўқиган, боз устига қўлига қалам тутиб, қоғоз қоралашни уддалаган одамдан ёмонлик чиқмайди, деб ўйлайман. Лекин... айтайлик, кимнингдир омади юришавермади, омади юришганларга қараб дили оғригандай бўлди. Бу оғриқ секин-аста шайтон қутқуси билан аламга, алам ҳасадга айлана борди. Шайтонга изн бердингми, (Ўзи асрасин!) иймонинг заха ейди, бир кун қарабсанки, аламангиз, ожиз бир кимсага айланиб қолибсан. Бадиамни “Яхши одамлар” деб номлаганман. Шу сабабли онда-сонда учратганим – бундай касларни эсламоқчи эмасдим. Аммо бошқа бир сабаб билан айрим бирларини тил учидагина айтиб ўтмоқчиман. Хуллас, бир ҳамкасбимиз бор эди. Ёзувчи сифатида ўзимиз қатори бўлса-да, радиожурналист сифатида тенгсиз эди. Шу оғайнимиз икки гапнинг бирида менга танбеҳ берар, бир йилдан ошди, радиодасиз, наср бўлимида ишлайсиз. Ўзингиз ҳам ҳикоялар эълон қилинг бундай. Бунақа имконият ҳаммадаям бўлавермайди, дерди. Ҳайрон қолардим, наср бўлимида ишлашимнинг нима алоқаси бор? Яхши ҳикоя ёзсам, чиқаверади-да, дердим. Қишлоқдан қўлтиқлаб келган ҳикояларимни эса эълон қилдиришга юрагим бетламасди. Ҳар ҳолда, Наср бўлимида ишлаб, турли савиядаги асарларни ўқийвериб, озмунча кўзим пишиб қолган экан-да. Ниҳоят, янги бир нарса туғилди-да, уни “Ўзбекистон маданияти” газетасига олиб бордим. Наср бўлими бошлиғи Абдуқаҳҳор Иброҳимов ҳикояни маъ-

қул топиб, олиб қолди. Лекин ана-мана дегунча олти ойлар ўтиб кетди ҳам, ҳикоя босилмади.

Ёши улуғлар яхши эслайди: 1981 йилда таниқли ёзувчи ва давлат арбоби Сарвар Азимов Ёзувчилар уюшмасига биринчи котиб бўлиб келди. Янги раҳбарият янгича иш тутди. Об-ҳаво буткул ўзгариб, уюшма фаолияти жонланиб кетди. Шу жараёнда уюшма муассислигидаги “Ўзбекистон маданияти” газетаси “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”га айлантирилиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ёш ижодкорларнинг катта ҳомийси Асқад Мухтор бош муҳаррир этиб тайинланди. Газета янги номда апрель ойидан чиқа бошлаган бўлса, май ойининг бошида менинг “Пояндоз” деган ҳикоям босилиб турибди. Ҳалиги оғайним мени табриклаган, ана бу бошқа гап, дея мақтаган бўлди. Лекин ноябрь ойига бориб иккинчи ҳикоям ҳам “ЎзАС”да босилиб чиқди-ю, балога қолдим. Оғайним энди ғайирлигини яширолмади. Газетага борсам, аввал фалончининг ҳикояларини бериб олайлик, кейин сизга навбат тегади, дейишяпти, деди. Йўғ-е, дедим анг-танг бўлиб, етти ой оралиғида наҳотки сизга навбат тегмаган бўлса?! Оғайним бу билан кифояланиб қолмай, Опа (бош муҳаррир) га кирибди. Гўёки мен “ЎзАС”нинг масъул котиби билан олди-берди қилиб, яъни унинг ҳикоясини радиода бериб, ўзимникини газетада чиқариб ётганмишман. Бу қаттиқ айбнома эди. Опаям бу гапга лаққа тушиб, бўлим бошлиқларини чақириб, бу масалани ўрганишни топширибди. Тоҳир ака кулибди, нима, Маматқулнинг (таниқли адиб М.Ҳазратқулов) ҳикоялари илгари радиода кетмаётганмиди?! Яқин орада мен унинг бирор нарсасини берганимизни эслай олмайман, дебди. Опа, биз аксинча, хурсанд бўлишимиз керак эмасми, дебди Эминжон ака дангалига олиб. Кечагина ишга олишда қанча иккиланган эдик. Ишни тортиб кетди. Мана энди

ёзувчи сифатида Асқад Мухтордай устознинг назарига тушибди, бу яхши-ку! Қолаверса, мен домлани яхши биламан, яхши асарни тутиб турмайди. Асар ёқмаса, авлиёси ўртага тушсаям босмайди...

Бу масала шу тарзда ёпилиб кетди-ю, лекин мендаги карахтлиқ анчагача тарқамади. Наҳотки, одам дегани шу қадар буқаламун бўлса, дея тутақардим дам-бадам. Ахир, айнан унинг ўзи эмасмиди мени шунга тарғиб қилган, оғайни, наср бўлимида ишлайсиз, бунақа имконият ҳаммадаям бўлавермайди, деган.

Кўп ўтмай ўзимга келдим. Ўйлаб қарасам, бекорга тутақибман. Аксинча, қувонишим керак экан. Кимнингдир ҳасадини қўзғабманми, демак, менда ҳам нимадир бор экан... Бўлиб ўтган гап-сўзлардан чиқарган хулосам тўғри экан, шекилли, кўнглим ўз-ўзидан ёришиб бораётганини пайқадим... Ҳа, дарвоқе, бу нохуш ҳодисани эслаб ўтишимдан мақсадим бошқа эди. Ўшанда янгиланган адабий газетамизга бош муҳаррир бўлиб келган Асқад ака ишни таҳририят папкаларида йиғилиб ётган асарлар билан танишишдан бошлаган экан. Айтишларича, бир ҳафта ўтириб, ҳикоялар, шеърлар, публицистик асарларни битталаб кўздан ўтказди, саралайди ва шунда менинг сарғайибгина ётган ҳикоям ҳам кўлига тушиб қолади.

(Ўрни кеп қолди, айтиб ўтай: ўша етмиш-саксонинчи йиллар муҳит бирмунча юмшаган даврлар экан. Ундан аввалроқ эса... айтишларича, “Ўзбегим”, “Ўзбекистон” қасидаларини, “Темур тузуклари”ни кимлардир (Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим кабилар) бошларини кундага қўйиб, эълон қилдиришган экан. Ҳатто ўшанда Республиканинг биринчи раҳбари ҳам ўртага тушишга мажбур бўлган дейишади. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода, Зулфия опа каби забардаст инсонлар ҳимоясида ҳам қанчалаб истеъдод ниҳоллари омон-эсон қад ростлаб олгани ҳақида

эшитиб юрардик. Масалан, мен ўзим эса Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби атоқли адиблар, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ҳаққул сингари ҳақгўй олимлар, болалар адабиётидан Носир Фозилов, Қудрат Ҳикмат, Турсунбой Адашбоевдек жонкуяр инсонлар не-не истейдодлар бошини силаб, уларни иссиқ-совуқ шамоллар хуржидан асраб қолганига гувоҳман.)

Асқад акага учрадингизми, дейишди. Йўқ, нимаиди? Ҳар ҳолда, раҳмат айтиб қўйган яхши. Шартмикан, дедим чўчинқираб. Тортинманг, боринг, қоидаси шунақа.

Минг бир истиҳолаю ҳаяжон билан йўлга чиққандим, учрашувимиз жўнгина ўтди. Уюшмадаги тадбирларда узоқдан кўриб юрардим, аммо ўзи билан биринчи марта юзма-юз келишим, кўришим эди. Домла, мен раҳмат айтгани келган эдим, дедим. У индамай, синчи нигоҳ билан кулимсираб қараб қўйди. “Ҳикоям чиққан эди”. “Ҳа, сизмидингиз?” “Ҳа, домла, миннатдорман...” Қаердасиз, деди Асқад ака мулозаматимга ортиқча эътибор қилмай. “Радиодаман, Литдрамда”. “Ҳа, яхши жой, Ўлмас ишлаган, Омон Мухтор. Билишимча, ҳозир Тоҳир, Эминжонлар ўша ерда... Бўпти, қатнашиб туринг. Яхши нарсалар ёзинг...”

Айтишардики, кимнинг асари Асқад Мухтор имзоси билан эълон қилинса, бу катта омад. Мана фалончи, фалончилар ҳаммаси Асқад Мухтор туфайли катта йўлга чиқиб олишган... Шуларни ўйларканман, ичичимдан қувониб қўяман: демак, энди менинг ҳам... Айни чоқда ичимга хавотир оралайди. Қатнашиб туринг, яхши асарлар ёзинг, деди Асқад ака. Лекин яхши асарлар ёзишга имкон бўлармикан? Ишимдаги нафас олдирмайдиган югур-югурлар йўл берармикан?.. Радио дегани конвейердай гап бўлса, ҳафта алмашиб келаверса. Эфир деганни тўлдириб бўлмаса... Йўқ, тўхта

дейман, бирдан хушёр тортиб. Сен нималар деяпсан? Бу анови боланинг гаплари-ку! Нима бало, сенам вирус юқтириб олдингми ундан?! Унинг таъсирига берияпсанми ҳалитдан?!

Дарҳақиқат, ишга келибманки, ҳали айтиб ўтган ҳамкасб оғайним бир гапни такрорлайди: “Дўстим, – дейди кўпни кўрган ёшуллидай салмоқлаб, – кўриб турибман, ишга киришиб кетдингиз. Омадингизни берсин. Лекин битта нарсани унутманг. Радио, бу – истеъдодлар қабристонини!..” Йўғ-е, унчалик эмасдир, дейман ажабланиб. “Ҳа, ишонаверинг. Кўриб юрибмиз-ку. Мана ўзингизни олинг: кечаси ухламай сценарий ёзасиз, студия, монтаж деб чопасиз. Тайёрлайсиз. Раҳбарларга эшиттирасиз. Албатта, камчилик топишади, топиш уларнинг вазифаси. Перемонтаж қиласиз. Ниҳоят, эфир. Эфир дегани ҳавога учди-кетди дегани. Биров эшитса, эшитади, эшитмаса, йўқ. Лекин ёзилган асар қолади... Тушунаман, оила бор. Тоҳир акангиз айтгандай, беш болали йигитчасиз. Туғдириб қўйгандан кейин боқиш керак. Шунинг учун ишланг демайман, ишланг, эшиттириш қилинг, инсценировка қилинг, пул топинг. Лекин қаттиқ кўнгил қўйманг. Кўпроқ ижод қилинг. Тошкентга радиочи бўламан деб келмагансиз-ку, тўғрими?! Бундай ташқарига ҳам қаранг, газета бор, журнал бор. Уларга ҳикоялардан беринг. Наср бўлимида ишлайсиз, ҳурматингиз бор, фойдаланиб қолинг-да, оғайни. Ёзаяпсизми ўзи? Ёзиш керак, дўстим, ёзиш керак. Унутманг, радио фақат гонорар ишлашга ярайдиган жой. Бошқа ҳеч нарса эмас...”

Унинг насиҳатларини индамай эшитаман. Баъзида ғашим келса-да, сабр қиламан. Ҳар ҳолда, ғайирлик қилиб гапирмаётгандир, айрим гаплари жўялига ўхшайди-ку, дейман. Лекин бир нарсасини, тарбиям сабаб бўлса керак, сира қабул қилолмайман: одам ўзи

ишлаётган, ризқ топаётган жойига нисбатан ҳам шунча беписанд бўладими? Бу ношукурлик эмасми, дейман. Радиода обрўси зўр бўлса, мудом мақталиб юрса, Опанинг эрка муҳаррири бўлса, нега бунча ғингшияди бу бола. Ижодда омади чопмаган бўлса, бечора Радионинг нима айби бор. Ўлмас Умарбеков, Омон Мухтор, Анвар Эшонов, Эркин Аъзамов деган машхур ижодкорлар радиодан чиқишмаганми?! Тоҳир Малик, Эмин Усмоновлар радиода ишлаб ҳам кетма-кет китоблар ёзиб ётишибди-ку! Усмон ака (Усмон Азимов) нинг қайси бир шоирдан кам ери бор?! Менимча, ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ, дея ўзимни тинчитишга уринаман. Анови боланинг таъсирига берилмаслигим керак...

Хайрият, бу нарса кўпга бормади, ҳали айтганимдай, иккинчи ҳикоям босилди-ю, оғайнимнинг “миси” чиқди. Уни энди жиддий қабул қилмайдиган, аксинча... ачинадиган бўлдим. Ўзи ёмон йигит эмас-у... ҳар тўқисда бир айб бўлмаса бўлмайди-да. Ўзимам фааришта эмасман-ку.

Бир сафар фамилиядош Опам – бош муҳарриримиз хонасига чақирди. Қандайдир топшириқ берди-да, бир мавриди кеп қолдими, оилам, болалар, уларнинг ўқиши, боғчаси ҳақида суриштирган бўлди. Кейин: “Шу, сизга қараб, кўпдан бери бир нарсани ўйлаб юраман”, – деди кулимсираб. Нимани, опа, дедим. “Юрагингиз отнинг калласидай эканми, дейман-да”. “Йўғ-е, нега?” “Бешта бола билан шундан шунга келишга ҳаммаям журъат қилавермайди-да. Ижарада яшашнинг ўзи бўладими. Бир ўзингиз ишлайсиз. Шунча ташвишдан ортиб, ижод қилишни айтмайсизми! Айрим йигитларимизга таққослаб айтаяпман-да. Ўтгизга кириб уйланди. Биттагина қизчаси бор. Ҳасрати дунёга сиғмайди. Сиз бўлсангиз, ўйнаб-кулиб ишингизни қилиб кетаверасиз. Ўзим мусофирчиликни кўрмаган



бўлсам-да, Хайрулла<sup>1</sup> акангизга қараб, айтаман-да. То битта уйлик бўлгунимизча, тиним билмаганлар. Кечаси билан мижджа қоқмай китоб таржима қилардилар. Эрталаб ухлаб-ухламай ишга кетардилар.

Учта болани катта қилиш бизгаям осон бўлмаган. Шунақа гаплар-да... Майли, бораверинг ишингизга”.

Хўп, опа, раҳмат, дея ўрнимдан турган еримда опа яна гап қотди. “Ҳа, яна айтмоқчиманки, айрим гапларга эътибор қилманг. Иш бор ерда бўп туради шунақаси ҳам. Хўпми?..”

Ишонсангиз, қушдай енгил тортиб кетдим. Ие, Опа яхши аёл экан-ку, мен бўлсам... Ростданам, у очиқ юзли, хушчақчақ, ходимларга меҳрибон, энг муҳими, радиони яхши тушунадиган, ташкилотчи раҳбар эди. Эркакларча тантилиги ҳам йўқ эмасди. Ўшандан чамаси бир-икки йил ўтиб фамилиядош опам – Насиба Эргашеванинг лавозимини кўтариб, директорликка ўтказишди.

У бу вазифани ҳам бемалол уддалаб, беш-олти йил яхши ишлади-да, обрў-эътибор билан нафақага чиқди. Ҳаж зиёратига бориб келди, Ҳожи она бўлиб, анча йиллар фарзандлари ардоғида яшади. Оллоҳ раҳмат қилсин...

Ана-мана деганча орадан қирқ йил ўтиб кетибди. Бу орада яна қанчадан-қанча яхши одамларни учратдим, уларнинг марҳаматидан баҳраманд бўлдим, сабоқ олдим. Эҳ-ҳе, қай бирини айтай... Аммо йўқотганларим ҳам оз бўлмади.

Буларнинг ҳам қай бирини айтай...

Машраб Бобоев... *“Ҳаёт – абад, умр – соат. Қаҳр мўлдир, меҳр – қаҳат. Унутмагин шуни фақат. Кўнглим-а, кўнглим-а, кўнглим...”* деган дилбар кўшиқнинг муаллифи Машраб Бобоев... Бу юртдошимни Тош-

---

<sup>1</sup> Хайрулла Эргашев – таниқли таржимон, Опанинг турмуш ўртоғи. Гафур Гулом нашриётида кўп йиллар муҳаррир бўлиб ишлаган эди, раҳматли.

кентда топдим. Янглишмасам, бизни Эминжон ака таништириб қўйган эди: қани, икки самарқандлик, танишиб олинглар, деганди. Машраб акани сиртдан билардим, ҳатто “Келинчак” деган ҳикоямни у кишининг “Висол” номли ҳикояси таъсирида ёзгандим. Ўша биринчи учрашувдаёқ қандайдир кўринмас ришта билан боғланиб, ака-ука бўлиб қолгандик.

1982 йилги Ёш ижодкорлар семинарида Машраб ака ёш ёзувчилар гуруҳи раҳбари сифатида машғулотларни бошқариб борганди. Машғулотлар куйидаги тартибда ўтарди: ҳар куни камида тўртта ёзувчи ўз асарини (асосан ҳикоясини) ўқиб беради. Кейин ўзаро муҳокама қилинади. Охирида гуруҳ раҳбари якуний хулосани айтади. Ўшанда Машраб ака, кейин эшитишимча, бир гапни айтган экан. Жарроҳ ўз яқин одами ни операция қилишга чўчиркан.

Шунга ўхшаб мен ҳам фалончидан (яъни, мендан) хавотирда эдим, деган экан. Хайрият, “операция” яхши ўтди. Ҳатто семинарнинг якуний йиғилишида Одил Ёқубов, (айниқса) Суннатилло Анорбоев каби устозларимиз мен ҳақимда ҳам алоҳида тўхталиб, умидли гапларни айтишди. Бу бир тарафдан бўлса, иккинчи тарафдан Машраб аканинг “яқин одами” сифатида у кишининг ишончини оқлай олганим мени роса қувонтирганди... Машраб акага боғлиқ яна бир гурунгни эслаб ўтгим келяпти. Унда телевидениеда ишлайман. Машраб ака кўнғироқ қилиб қолди. Ишдан қайтишингизда бир кириб ўтсангиз... Хўп, дедим, йўл усти Ахборот агентлигига кирдим. Машраб ака алланечук тараддуд билан қарши олди. Қаҳвами ёки лимонли чой ичасизми, деди. Ҳеч нарса керакмас, овора бўлманг, десам ҳам кўнмайди. Бўпти, чой ичамиз, дедим. Ўзини хиёл бошқача тутаётганидан ажабланиб бораяпман. Бир пиёладан чой ичиб бўлинди ҳам, гапимиз қовушмайди. Охири сабрим тугаб, Машраб ака, уйлар тинчми,

дедим. “Яхши, яхши, ҳа, шу Абдулла жиянингиз ташвиши-да. Шуни уйлаб қўйсак, дегандим”. “Ҳа, албатта, қанақа хизмат бўлса тайёрмиз...” “Хизмат йўқ-ку, шу очиғини айтсам, суягимиз яқин, бир ерни одамимиз. Қуда бўлсак, демоқчиман қисқаси”, – деди-да, гапини айтиб олганидан енгил тортдим, кресло суянчиғига ястанди. “Маили, мен розиман, сиз сўрайсизу йўқ дейманми...” Шундай деяпман-у, ўзимни аранг тутиб турибман: ҳадемай пақ этиб кулиб юборадиган аҳволдаман. Машраб аканинг чехраси очилди. “Э, яшанг, мана бу ўғил бола гап бўлди. Демак...” “Ҳа, Машраб ака, розиман”, дедим илжайиб. “Фақат... қизимни бериб юбораман-у, янгам икковларингиз катта қип оласизлар-да”. “Йўғ-е, шунчалик ёшми? Энди тўққизга кирди. Тошкентда туғилган-да...”

Машраб ака – таниқли шоир, ёзувчи, драматург, биринчи ўзбек миллий телесериали (“Кўнгил кўчалари”) муаллифи, лекин ҳаётда ўта оддий, жайдари, дарвиштабиат инсон эди. 2003 йил (онам билан олдинма-кейин) ўтди. Ундан олдинроқ – 2000 йил 31 январда Ғайбулла ас-Салом устозимиз Тошкент Давлат университетига Миллий университет мақоми берилганига бағишланган тантанали маросимда сўзлай туриб, минбарда узилди. Ўшанда орадан роса 21 кун ўтганида туш кўрдим: ёруғ, таскинбахш туш. Тушимда Устоз айтармиш: Ўша куни минбардан қулаб боряпман-у, ерга қаттиқ тушмасайдим, деб ўйлайман. Бир маҳал кўзимни очиб қарасам, во ажаб, пардай юмшоқ майса устида, гулзор ичида ётибман...

2010 йил Садриддин Салим Бухорий, 11-йилда Матназар Абдулҳаким, 12-йилда Нажмиддин Комилов, кейинроқ Пирмат Шермуҳаммедов, Турсунбой Адашбоев, Носир Фозилов, Ботир Норбоев... Мана энди яқиндагина Тоҳир Малик устозимиз дунёни тарк этди. Тоҳир ака билан сўнги бор 22 апрелда (2019) кўриш-

дик. Турсунбой Адашбоевнинг 80 йиллигини ўтказгани Ўшга боришимиз керак эди, Тоҳир ака узрини айтди. Мен телевидениедан оператор чақиртириб, Тоҳир аканинг Турсунбой ака ҳақидаги хотираларини ёзиб олдим. Бу видеоёзув Ўш давлат ўзбек драма театрида бўлган катта тадбир аввалида қўйиб берилди. Тоҳир акани таниган, Тошкентда, Ўшда, Ўзганда у билан учрашган жуда кўп қадрдонлари, жумладан, Шайх Аловуддин Мансур ҳазратлари ҳам устознинг гапларини мароқланиб тинглашди. Тоҳир ака хаста ҳолида ҳам ҳазилкашлигини қўймай, Турсунбой ака билан боғлиқ қувноқ воқеаларни эслаган, энг ҳайратланарлиси эса, унинг гаплари замирида ўлим дўстларни ажратолмаслиги, жудолик абадий эмаслиги, олдинда яна дийдор кўришув муқаррарлиги ва бу унча узоқ эмаслигига ишора бор эди. “Биз қиёматлик ака-укалар эдик, тонгги маҳшарда, иншооллоҳ, ёруғ юз билан кўришамиз”, деб яқунлаган эди сўзини... Тошкентга қайтган кунининг эртасиёқ уйларига қўнғироқ қилдим. Қадрдонлар дуою саломини етказиб, Тоҳир акани қувонтирмақчи эдим. Қарангки, худди ўша куни операция (бу ўн биринчиси эди) қилингани, ҳозир уйкуда эканлигини айтишди. Орадан йигирма кун ўтиб эса...

“Ривоятда келишича, бир подшо икки шоирга, биттадан яхши байт айтинглари, дебди. Шоирлар биттадан байт айтишибди. Биттаси, ўз шеърисида бу дунёда фақат яхшилик қилиб яшагин, деса, иккинчиси, бу дунёда ҳечам ёмонлик қилмасдан яшагин, деган маънода байт айтибди. Подшо биринчисига кўпроқ, иккинчисига камроқ ҳадя берибди. Шунда вазир ажабланиб: “Подшоҳим, иккиси ҳам бир хил маънода шеър айтди-ку. Бири яхшилик қилгин, деяпти, иккинчиси ёмонлик қилмагин, деяпти-ку?! Нега бирига кўп, бирига кам ҳадя бердингиз”, – дебди. Гапинг тўғри, деб-

ди подшо, лекин барибир биринчи шоирнинг шеърида яхши ният бор эди, яхши деган сўз бор эди...”

*(Тоҳир Маликнинг “Ҳаётдаги мен” телекўрсатувидagi суҳбатидан)*

Тоҳир акага боғлиқ қандай хотира ёдимга тушса, дилим ёришади. 1982 йил эди. Ҳар галгидек биринчилар қатори пахта ҳашарига отланиб турган еримда, нашриёт режасида турган китобим тақдири ҳақида эшитиб, руҳим тушиб кетди: “Авторнинг биринчи китоби” рукнидаги китобчам 1983 йилдан 84-йилга ўтиб кетибди. Бу ҳам етмагандай, алоҳида эмас, жамоавий тўпламда чиқармиш. Пахтадан қайтган куним эса бошқа бир хушxabар мени қарши олди. Тоҳир ака телефон қилдилар, деди Тоир Юнус биродарим жилмайиб. “Беш болали йигитчадан суюнчи олинглар, деди.” “Ростданми, нимага?” “Китобингиз 83 га кўчибди. Алоҳида чиқадиган бўпти. Тоҳир ака муҳаррир эканлар...”

Бу пайтда Тоҳир ака радиодан Ғафур Ғулом нашриётига ўтиб ишлаётган эди. Бориб учрашдим. Китобчанинг маслаҳатини қилдик. Ҳикояларни сараладик. Таҳрирдан чиқариб, босмахонага тушириш олдида, Тоҳир ака бу ердан ҳам ишдан кетди.

Мавриди кеп қолди, айтиб ўтай, Тоҳир аканинг одати – бир ерда узоқ ишлай олмасди. Нимадир ёқмай қолса, кимнингдир ғайирлик қилганини сезса, талашиб, тортишиб умрини ўтказиб юрмасди. Мен ҳам у кишига таассуб қилдимми, билмадим, 1990 йил охирига бориб жамоа муҳити хиёл айнагандай бўлувди, радиодан “Камалак” (собик “Ёш гвардия”) нашриётига ўтиб кетдим. Бир йил ҳавас билан ишладим. Кейин у ерда ҳам об-ҳаво ўзгарди. Ўзбекистон халқ шоири, нашриётни елкасида тутиб турган (бу муболаға эмас) тажрибали ношир Хуршид Давронга нисбатан адолатсизлик қилинди. Биз бир гуруҳ ҳақиқатчилар (орамизда “Ёшлик” журнали бош муҳаррири Тоҳир Малик, “Сирли олам”

журнали бош муҳаррири Ҳожиакбар Шайхов, машҳур шоир Сулаймон Раҳмон, озарий олим йигит Яшар Қосимлар ҳам бор эди) уч ой курашдик. Охирида думимиз тугилиб, ишдан кетдик. Аниқроғи, кетиш олдидан таътилга чиқдик. Таътилга чиқиб, қишлоққа кетганман, уйимизга уч марта қўнғироқ бўлибди. Биродарим Тоир Юнусдан. Радиога келсинлар, гап бор, деганмиш. Бордим. Ака, ўрнингизга қайтинг, об-ҳавони тозаладик, деди. Пайсалга солиб ўтирмадим, қайтдим...

2007 йил. Телевидениеда ишлаб юрибман. “Қалб гавҳари”, “Руҳият манзаралари”, “Ишқнома”, “Ибратнома”, “Одами эрсанг” деган қатор кўрсатувлар муаллифиман. Ишимга берилганман. Худди ўша кезлар Ғолибшер деган “маънавиятчи” лақабли бир азамат компания раисига ўринбосар бўлиб ишга келди. Келганим билинсин, дедими, ажабтовур ишларни бошлаб юборди. Дам телевидениеда, дам радиода одамларни йиғиб, уч-тўрт соатлаб мажлис ўтказди. Кимнидир сал мудроқ босса, шўри қуриydi. Айбдор ўқувчидек оёққа турғазиб қўйилади. Катта-катта обрўли раҳбарларни (жумладан, Назар Эшонқул сингари машҳур ёзувчиларни ҳам) кўпчилик орасида “Маънавият дегани нима ўзи?” дея сўроққа тутди. Ҳеч кимнинг жавоби қониқтирмаydi. “Ундай эмас, битта жумлада жавоб беринг”, – дейди. “Битта жумла”ни битта сўз деб тушунса керак-да. Қисқаси, шу одамга (фалокатим қисиб) мен ҳам рўпара келдим. Унинг қабулхонасида кечки навбатчиликда турибман. Бир маҳал икки шериги (бири қиз) билан кириб келди-да, мен томонга қараб ҳам қўймай, хонасига ўтиб кетди. Шериклари, ҳайтовур, бош ирғаб салом берган бўлишди. Ўтирибман тиқ этган овозга қулоқ тутиб. Бир маҳал ичкаридан чақирув қўнғироғи бўлди. Эшикни очиб қарадим. Манавини опчиқиб кетинг, деди. Нимани, дедим тушунмай. Пепелницани, деди дағал овозда. Қарасам, стол чеккасида

кулдон, кулдонда атиги бир дона гугурт чўпи турибди. Гув этиб миям қизиди. Нима учун, дедим ўжарлигим тутиб. “Нимага бўларди, шуниям тушунмайсизми?!” “Тушунмайман!” “Шундайми?!” “Шундай!..”

У ёнидаги шериклари, айниқса, қизнинг олдида ортиқча изза бўлишни истамадими, амаллаб кулимсиради. Қўли билан ишора қилди: бўпти, чиқаверинг...

Эртаси эрталаб ишга келдим-да, ҳаммани ҳайрон қолдириб, ишдан кетишга ариза ёздим. Сабабини айтиб ўтирмадим. Ўша кезлар Рауф Субҳон деган шоир биродаримиз мени ёнига ишга чақириб юрган эди. Унга кўнғироқ қилдим. Бўпти, борганим бўлсин, дедим-да, Адлия вазирлигига тегишли “Адолат” нашриётига ишга кетдим. Рауф биродарим бўлса, мени кутиб юрган экан, шекилли, ҳаял ўтмай бош муҳаррирлик вазифасини менга топшириб, ўзи кетди-борди. Хуллас, бу ерда ҳам бир ярим йил жавлон уришимга тўғри келди. Китоб чиқарамиз, айрим жумла тузишлар ғализ туюлади, муҳаррирлигим тутиб, қалам ургим келади. Ҳай-ҳай деб тўхтатиб қолишади. Бу сизга роману қиссамас. Қонун ҳужжати. У бежама сўзларни кўтармайди, дейишади. Хуллас, бўларим бўлди. Ниҳоят, кунларнинг бирида ҳалиги “маънавиятчи” хусусида янгилик эшитиб қолдим. Бир ярим йил биров мушугини пишт деёлмаган, бутун компанияни ўтқазиб-турғазган (ўзининг ибораси) азамат, бориб-бориб қорақалпоқлар диёрида таъзирини ебди. Тафсилоти эсимда йўқ-ку, лекин ўшанда бир кундаёқ паттасини кўлига тутқазишган экан. Ичимга ўт тушди. Ўзи менга кўз очиб кўрганам – телерадиокомпаниядан бошқаси тўғри келмас экан, дедим. Юзимни шартта сидириб, қадрдон ишхонам эшигига бош уриб бордим: юзимдан ўтишолмадими, аяшдими, Хуршид Даврон,

Аҳмад Аъзам деган яхши инсонлар ўртага тушишиб, ишимга қайта тиклашди. Аввалига ярим ставка, кейин ўрин бўшади, шекилли, тўлиқ ставкага ўтқазишди. Яна боз-боягидай ишга тушиб кетдим. Янги куч, янги режалар билан дегандай... Хуллас, радиога ҳам, телевидениега ҳам икки қайта ишга кириб, икки марта бўшаганман. Бундан ташқари, “Куч адолатда” номли Олий суд газетасида (икки ой), “Бекажон” газетасида (икки марта – биринчи гал тўрт ой, иккинчисида ўн бир ой), “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида (бир ярим йил), “Шарқ юлдузи” журналида (икки ярим йил) ўриндошлик асосида ишладим. Баъзида бунақа кўчиб юришларимни Тоҳир Маликнинг шогирдиман-да, дея мақтанганнамо изоҳлаб қўяман. Лекин ундай десам, қишлоқда чорва бухгалтерлигидай “ёғли” ишимни ташлаб, ўзимнинг зараримга бўлса-да, мактабга ўтиб кетганим-чи?! Хуллас, билмадим, лекин халқимизнинг ардоқли адиби Тоҳир Маликнинг бошқа фазилатларига, масалан, матонатию сабр-бардошига, донишмандлигию сокинлигига, сермаҳсуллигию камсукумлигига ҳавас қилиб, таассуб қилиб, унга ўхшашга интилганимда ва бу фазилатларидан озгина юқтира олганимда эди, бу энди чинакамига мақташга арзигулик иш бўларди...

\* \* \*

Турсунбой Адашбоев... Кичкинтойларнинг бу катта шоири билан кўпдан салом-алигимиз бор эди, у киши ҳақида кўрсатув ҳам тайёрлаган эдим. Аммо Ёзувчилар уюшмасига келиб, салкам бир ярим йил ҳамхона бўлиб ишлаб, уни қайта бошдан кашф қилдим. Турсунбой аканинг кейинги йилларда маошсиз ишлаши, шу ҳолатда ҳам уюшма бошқарувидаги ойликхўр ходимлардан кам меҳнат қилмаслиги, таъбир жоиз бўлса, болалар адабиёти меҳварига айланиб қол-



ганига гувоҳ бўлиб, ҳайратга тушдим. Аммо Турсунбой ака бу нарсани фидойилик эмас, оддий бурч деб биларди. Ҳеч ким ота-онасидан ёзувчи-шоир бўлиб туғилмайди, дерди у. Ҳар қанча туғма истеъдод бўлмасин, устозсиз иш битмайди. Масалан, мен ўзим Миртемир, Қудрат Ҳикматлар сабаб оёққа турдим. Агар энди улардан олганимни ўзимдан кейингиларга ўтказмасам, ўртадаги занжир узилмайдими?!

Ёши бир ерга бориб қолган одамнинг қишда исимайдиган, ёзда совутилмайдиган хонада босим ўтириб, нукул қўлёзма ўқиши, таҳрир қилиши, олис-олис қишлоқлардан қора тортиб келадиган мусофиргина болалар ижодкорларини қабул қилиши, улар билан бошлашиб газета, журналларга, нашриётларга қатнаши, ўгай назар ва эътиборсизлик сабаб ижоддан совиб “узлатга” чекинган Зафар Исомиддин (Фарғона), Худойберди Комилов (Самарқанд), Неъмат Душаев (Ангрен), Содикжон Иноятов, Эрпўлат Бахт (Хоразм) сингари қанчалаб озурдақалб ижодкорларни излаб топиши, гоҳ насихат, гоҳида койишлар билан юрагига қайта чўғ солиши, китобларини чиқартириши, Ҳамза Иймонберди, Абдурахмон Акбар каби марҳум шогирдларининг оилаларидан бохабар бўлиб туриши... Э, қай бирини айтай...

Хуллас, айтмоқчи бўлганим, Яратганга шукурки, Тошкенти азимда кечган қирқ йиллик ҳаётим давомида бундай инсонларга жуда кўп бор дуч келдим. Ва ижодкор қавми аслан фариштага яқин яратилган экан, деган ўша дастлабки хулосамга қайта-қайта амин бўлдим.

\* \* \*

*P.S. Собиқ синфдошим қўнғироқ қиляпти. Маслаҳатинг керак, дейди.*

*- Тинчликми, нима гап, дедим.*

– Ҳа, шу бир неварам бор, мактабда дарс беради. Хотини, битта ўғилчаси бор. Икки гапнинг бирида санга ўхшаб Тошкентга кетаман, дейди-да. Бир пайтлар отасиям, сани ўқувчинг, шунақа учиб-қўниб кўрувди, Тошкентда санга қовуриб қўйибдим, деб яхшилаб сўкиб берувдим, бўйинини қисиб қолувди. Энди бўлса ўғли... Э, жўра, ўғилли иши осон экан, жа бўлмаса, битта шапа-лоқ билан эсини киритиб қўясан. Лекин неварога тиш ўтмас экан. Шашти баланд, одамга гап бермайди. Бобо, сиз тушунмайсиз, ман Тошкентда яшашим керак, дейди. Бошқаларга ўхшаб Россияга, Туркияга, Кореяга кетаман деса, тушунардим. Йўқ, бу Тошкентга шоир бўлгани бормоқчи...

– Ёзганлари чиқиб турибдим, – дедим синфдошимнинг гапларидан ҳафсалам пир бўлиб. (Бошқаларга ўхшаб хорижга кетаман деса, тушунармиш!)

– Э, шу... "Оқдарё овози" деган бир парча туман газетаси бор. Ўшанда бир-икки кўргандай бўлувдим. Санга қўнғироқ қилаётганим: ўзинг бир насиҳат қилиб қўйсанг.

– Нима дейишим керак?

– Ҳа, шу айтасан-да, танлаган йўлинг осон эмас, бошимдан ўтди, дегин. Ё заринг, ё зўринг бўлмаса, келиб юрма, дегин.

"Тавба, қирқ йилдан кейин ҳам шу гап-а! – дейман ичимдан зил кетиб. – Қачон қутуларканмиз бунақа умидсизликдан..."

– Шаштини баланд дедингми?

– Э, вопше бўйин берадиганга ўхшамайди. Отаси қўйдаккина эди, бу чатоқ. Ўзимга тортганми, дейман-да!..

– Майли, айтиб кўраман, – дедим нимадандир кўнглим ёришиб, – лекин фойдаси бўлармикан?

– Нимага бўлмайди, у сани яхши кўради, гапингга киради...

- Билмадим, билмадим, ижод дарди билан қаттиқ оғриган бўлса, айтишдан фойда йўқ, барибир қайтмайди. Ижод дарди оғир, жўра.

- Тушунмадим, қанақа дард?

- Тушунмайсан, жўра, тушунмайсан. Лекин сан хавотир олма, ҳаммаси яхши бўлади. Фақат халақит бермасанг бўлди...

## БИР ПАРИ ФАСЛ

*Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида,  
Салқин туман ичра бўзарар тонглар,  
Қуёшнинг эринчак ёғдуларида  
Нафис ялтирайди барги хазонлар...*

Бу мисраларнинг қоғозга тушганига эллик йилдан ошди. Уни илк бор эшитганимда ҳали ўсмир ёшида эдим. Ўшанда мактаб ёпилган, ҳаммамиз пахтада эдик. Бизга кўз бўлиб юрган ориқ, рангпаргина адабиёт ўқитувчимиз бир куни тушлик пайтида даврамизга келиб қўшилди. У ёқ-бу ёқдан гаплашган бўлди-да, кейин “шеър эшитасизларми?” деб қолди. Чинданми ё кўнглига қарабми, “майли эшитамиз, соғинганмиз”, дедик.

У мактабга янги келган, ўзи ҳали университетнинг кечки бўлим талабаси эди. Кўпи билан тўрт-беш ёш катта бўлганидан биз билан тенгқурдек муомала қилишга уринар, белига этак тутиб пахта терар, биз билан тенгма-тенг латифа айтишар, Худо ёрлақаб ёғин-сочин бўлиб қолган кунлар қувончимизга шерик бўлиб, биз билан қўшилишиб тўп суришиб ҳам кетаверар эди. Шунақа одатлари учун тегишли одамлардан даккилар ҳам эшитиб олганидан хабарим бор...

Хуллас, у чўнтагидан газета олди-да, тахини ёзди. Унинг бир одати – дарсга ҳам ҳар хил газета-журналлар кўтариб кирар, амаллаб вақт орттириб уларда чиққан шеър, ҳикоялардан ўқиб берарди. “Билиб қўйган яхши, булар дарсликка киритилмайди”, – дерди.

*Юргил, далаларга кетайлик, дўстим,  
Диққинафас уйда ётмоқ пайтимас.  
Олтин Ўзбекистон тупроғи бу кун  
Бир пари фаслнинг оғушида маст.  
Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида...*

У шеърни ғалати ўқирди, тўғрироғи, бизга шундай туюларди. Чунки, бошқа муаллимларимиз шеърни қироат билан, тантана билан ўқишар, биздан ҳам шуни талаб қилишарди. Бу йигит бўлса овозини кўтармасди. Худди бир нарсани ҳикоя қилиб бераётгандек сокин, осойишта ўқирди. Бу бизга ғалати туюлар ва ана шу ғалатилиги туфайлими, бошқаларни билмадим-у, лекин менда шеърятга нисбатан бўлакча муносабат пайдо қилган эди...

*Менинг она халқим...  
Эй қадим ҳалол,  
Ризқи она ерга сепилган халқим,  
Увоқ чигитни ҳам этмай деб увол  
Ҳар битта эгатга эгилган халқим.*

Мутаассир бўлганим шунчаликки, ўқитувчимдан газетани сўраб олишдан ўзимни тиёлмадим ва икки-уч кўз югуртиришда ёд олдим. Ҳолатимни тушунган ўқитувчим шоирнинг яна бир неча шеърини келтириб берди. Тасодифми, билмадим, булар ҳам куз ҳақидаги шеърлар эди...

Шу пайтгача туймаган ҳиссиёт ичида қолдим. Атрофимда авжи куз. Ҳавода мезонлар ялтирайди. Қуёш нурлари эринчоқ ва тафтсиз. Ариқлардаги тиниқ сувлар дув-дув тўкилган япроқларни бетиним оқизади. Мен бўлсам, дефоляциядан қовжираган ғўза баргларини босиб-янчганча кун чиқишдан кун ботгунга қадар эгат оралайман. Гоҳида белим қотиб қаддимни ростлайман-да, атрофга кўз ташлайман. Атрофимда...

*“ажойиб бир фасл: ўйчан, баркамол –  
қиздай маъюсгина туради куйлаб...”*

Мисралар хаёлимда чарх ураркан, беихтиёр узоқ-узоқларга кетиб қолгим, дарё бўйидаги чоғроқ толзор-

га борибми, хазонларни босиб, хаёлчан айланиб юргим келади...

Ён-веримда япроқлар учиб туради,  
оҳиста ўйнаб-ўйнаб шарпасизгина ерга қўнади,  
дарахтлар эса сокин бир салобат-ла хаёлчан туради,  
туйқусдан оралаб ўтган шабада уларнинг хаёлини  
тўзғитади,  
безовта шовур қўзғалади,  
энди битталабмас, ўнлаб, юзлаб япроқлар шовул-  
лаб тўкилади,  
мен бўлсам япроқлар ёмғири остида сархуш одим-  
лайман...

*“Боғларда хазонлар ёнади лов-лов...”*

Шундай ҳою ҳаваслар турткиси билан ўрнимдан туриб кетаман-у, дарҳол шаштимдан тушаман: белимда этак, оёғимда зилдай этик, қаршимда пахтасини териб олишим керак бўлган эгатлар. Булар мени ҳушёр торттиради. Рухсиз, ҳафсаласиз теримга тушаман. Андак фурсат ўтиб дилим равшан тортади. “Ҳа, майли, – дейман, – бир ғайрат қилайин-да, нормани бажарай. Ана ундан кейин кетаман толзорга...”

Қароримдан овуниб, эгат оралашда давом этаман. Овунган кўнглим тағин шеър истайди. Севимли шоир мисралари хаёлимда чарх ура бошлайди...

*Кузак шамоллари эдилар яна,  
Сокин юрагимда туйғулар қўзғаб,  
Келгил, паривашим, келгил жимгина,  
Келгил самолардан мезонга ўхшаб...*

Юрагим орзиқади. Атрофга дилгир аланглайман. Қани эди, анови қайсар қиз оҳларимга етса-да, менга ҳамроҳ бўлиб йўлга тушса. Қўл ушлашиб боғларни сайр этсак. Бошимиздан олтин япроқлар ёғилиб, пойимизга тўшалиб турса...

Атрофда авжи куз эди. Ҳавода мезонлар учар, куёш майин нур сочар, баъзида “қурре-қурре” лаб турналар арғимчоқ ташлаб ўтар, олис бир толзорда олтин япроқлар тўкилиб турар, мен бўлсам, азондан шомгача оғир этикларимни судраб пахта териб юрардим. Гоҳ-гоҳида ҳаммасига қўл силтаб кетиб қолгим келарди-ю...

Ниҳоят, ғўзалар хивчинга айланди. Сўнгги чаноқлар ҳам териб олинди. Шундан кейингина аҳд қилибми, бошим оғибми, дарё бўйидаги ўша толзорга бориб қолдим. Қарасам, кечикибман: куз бу ердан аллақачон кетиб бўлибди. Негадир унча ачинмадим. Зарари йўқ, келгуси йил яна куз келади, дея ўзимни овутиб, изимга қайтдим...

Ростданам кейинги йил яна куз келди. Бироқ у ҳалиги толзорни топа олмади. Чунки пахта пайкаллари йил сайин кенгайиб бораётган эди...

### *Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида...*

Бу бетакрор мисралар илк бор қулоғимга чалинганига эллик йилдан ошди. Ҳануз хотирамдан ўчмайди. Дам-бадам қўмсаб, ўқиб, такрорлаб тураман ва ҳар гал улар билан боғлиқ ўй-хаёлларим, армонларим ёдга тушади... Даставвал офтоб тиғини ҳис этаман, елкаларим чимиллаб ачишгандек бўлади. Эгни бошим тердан шаллаббо, кўнгил лоҳас, кўзларим тиниб бораётганини туяман. Аллақандай бад бўй димоқни ачиштиради. Кўнгил айний бошлайди...

Ёхуд бемаврид қор-ёмғирлардан кейинги изғиринлар ёдга тушади. Этиклар ботмон лой, хўл, оғир этак боғичлари белга, бўйинга айилдай ботади. Тиззалар кўзида сирқираган оғриқ. Бармоқлар кўкариб, тарам-тарам ёрилган.

Ўқитувчиларимизнинг “Ҳа, болалар, ғайрат қилинглар, бу ёғи оз қолди”, – дея ортимиздан маъюс

эргашиб юришлари, табелчи, бригадирлар олдида ҳисоб бериб туришлари, ўтилмай қолган дарслар, ғўза барг-хазонларидек тупроққа қоришиб кетган болаликнинг бокира орзу-ҳаваслари...

Буларни бир-бир эслайверсам, юрагим қат-қатларида симиллаган оғриқ кўзғалади... Бир оғриқки, ҳаммиша ўз ортидан шукрона туйғулар, некбин хаёлларни бошлаб келгайдир...

*Мезонлар учмоқда, ҳаво биллурдан...  
Яна ҳисларимга, кел, деб ёлвордим.  
Хазонлар тўкилди, мен ҳам қалбимдан  
Бадбин ўйларимни қувлаб юбордим.*



## МУНДАРИЖА

Ёзилмаган дoston .....	3
Нажот фариштаси .....	19
Армон .....	26

### ҚАЛБ ГАВҲАРИ

*(Туркум)*

Шариф шаҳар фуқароси.....	33
Пифагор ҳақиқати .....	54
Шараф гавҳари.....	61
Жаҳонгашта олим.....	78
Шашқатор ёшлар таъқиби.....	85
Келажак одами.....	93
Қисқа ҳамкорлик ёки ўлмас, ўчмас хотиралар.....	103
Кўнгилдаги гаплар.....	107
Режиссёр бўлиб туғилдилар.....	116
Матонат .....	127
Ҳикмат излаганга.....	140
Унинг нафасини туйиб тураман .....	146
Умр қиймати .....	153
Яхши одамлар ёхуд ижод дарди.....	158
Бир пари фасл.....	197

*Адабий-бадий нашр*

ОРЗИҚУЛ ЭРГАШ

## **ҚАЛБ ГАВҲАРИ**

*Бадиалар*

Муҳаррир *Дилрабо Мингбоева*  
Бадий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*  
Саҳифаловчи *Азамат Қаюмов*  
Мусахҳих *Шаҳзода Ҳакимова*

**«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI»**  
Нашриёт лицензияси № АІ. 282. 11.01.2016.

100129, Тошкент, Марказ-15. 1/90-уй.  
e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишга 2020 йил 05 мартда рухсат берилди.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет босма. «Cambria» гарнитураси  
Шартли босма табоғи 10,92. Адади 2000 нусха.  
Буюртма №96.

**«AZMIR NASHR PRINT» МЧЖ** босмахонасида чоп этилди.  
100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.